

XXI АСР ЎЗБЕК  
ДЕТЕКТИВИ

# Темурийлар кутубхонасининг СИРИ



Детектив  
КИССА

КОМИЛ  
СИНДАРОВ

84

C-5B

54/2

Тилеурайев  
кутубхонасининг  
серес

2019 й

18000

Kitob shu erda ko'rsatilgan muddatdan  
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart

ilgari berilmalar miqdori \_\_\_\_\_


7/II-894/2002

24/09-30-2002

12/II-1142-2002

84  
C-58

ТЕМУРИИЛАР  
КУТУБХОНАСИНИНГ  
СИРИ



Детектив  
қисса КОМИЛ  
СИНДАРОВ



Тошкент  
2019

**УЎК: 821.512.133-3**

**КБК: 84(5Ў)7**

**С – 58**

**Синдаров, Комил**

Темурийлар кутубхонасининг сири: қисса / Комил Синдаров. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. – 320 б.

ISBN 978-9943-27-651-2

Қўлингиздаги китоб тарихнинг бизга маълум бўлган, аммо ҳалигача очилмаган сир-синоати ҳақида. Ҳазрати Башир қишлоғидаги оддий бир чўпоннинг ўлдирилиб кетиш воқеаси, жиноятни фош этишга бел боғлаган терговчиларнинг уддабуронлиги, бу жиноят атрофида жуда кўпчиликнинг ўралашиб қолиши, бир жиноят ортидан бошқа жиноят изларининг топилиши...

Қизиқ, қадим Темурийлар кутубхонаси билан оддий чўпоннинг ўлдирилиб кетиши ўртасида қандай боғлиқлик бўлиши мумкин? Вақт ва замон ўртасидаги мувофиқлик бир-бирига қай даражада боғлиқ?..

Саволларга жавобни очиқ қолдираемиз. Яхшиси, муталаадан сўнг сизни баҳсга чорлаймиз.

**УЎК: 821.512.133-3**

**КБК: 84(5Ў)7**

ISBN 978-9943-27-651-2

© Комил Синдаров, «Темурийлар кутубхонасининг сири». «Янги аср авлоди», 2019 йил.

## СЎЗ БОШИ ЎРНИДА

Қўлингиздаги детектив қисса 2013 йилда чоп этилган «Қимматга тушган хато» (Ёки қасоскор қалб исёни) номи китобимизнинг мантиқий давомидир. Гарчанд асарлардаги воқеалар бир-бирдан тубдан фарқланса-да, асосий қаҳрамонлар яна ўша прокуратура терговчилари Фахриддин ва Санжарбеклардир.

«Қимматга тушган хато»да прокуратура ходимининг тўсатдан йўқолиб қолиши билан боғлиқ мураккаб ва ўта оғир жиноятни ўзларининг профессионал маҳорати, билими, тиришқоқлиги ҳамда зукколиги билан фош этган терговчилар «Темурийлар кутубхонасининг сири»да энди Ҳазрати Башир қишлоғига яқин тоғ этагидаги кўтонда содир бўлган чўпоннинг ўлими билан боғлиқ антиқа жиноят ишини тергов қилишга киришадилар.

Бир қарашда оддийгина туюлган қотиллик жинояти бора-бора чигаллашиб, бошқа бир тарихий воқеага – XV асрларда йўқолиб кетганлиги гумон қилинаётган Темурийлар ёки Мирзо Улуғбек кутубхонаси билан боғлиқ ажойиб ва гаройиб ҳодисаларга уланиб, аср жинояти даражасига кўтарилади.

Сир эмаски, бугунги ўзбек адабиётида детектив асарлар салмоғи жуда кам. Китобхон эса бундай асарларга муҳтож. Айниқса, прокуратура терговчиларнинг сермашаққат ва шарафли меҳнатларини акс эттирувчи, ўқувчини жиддий мулоҳаза қилишга ундовчи, уларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга хизмат қилувчи бадиий асарлар бармоқ билан санарли.

«Темурийлар кутубхонасининг сири»ни ёзар эканмиз биз ўз олдимга уч муштарак мақсадни қўйган эдик:

Одамлар онгида узоқ йиллар давомида сақланиб келаётган «прокуратура қораловчи, жазоловчи орган, унда ишловчи ходимлар эса қаҳри қаттиқ, қўпол ва бемеҳр инсонлар» деган нотўғри тушунчаларга барҳам бериб, Фахриддин ва Санжарбеклар мисолида прокуратура терговчиларининг ғоят машаққатли, шу билан бирга шарафли ишларини ҳаққоний ёритиш, уларнинг «қилни қирқ ёриб» адолат, ҳақиқат ва қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги серқирра ва ўта нозик фаолиятларини ҳаётий мисоллар ва бадиий бўёқларда акс эттириш ва шу билан китобхон қалбида бундай шарафли юксак касб эгаларига нисбатан муҳаббат ҳисларини уйғотиш – бош мақсадимиз эди.

Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги, ҳуқуқий маданиятини оширишда детектив асарларнинг ўрни муҳимдир. Шу нақтани назардан оддий китобхоннинг онгига жиноят учун жазонинг муқаррарлиги, айбсиз шахсни жазога тортиш мумкин эмаслиги, суднинг ҳукмисиз ҳеч кимни айбдор деб ҳисоблаб бўлмаслиги, жиноятчи шохда юрса, баргида юрадиган терговчилар фаолиятининг асосий мезони адолат ва қонун устуворлиги тамойили эканлиги каби тушунчаларни сингдириш мақсадини кўзладик.

Бундан ташқари мазкур асар баҳонасида узоқ йиллар оғриқ нуқтамиз бўлиб ётган бир тарихий воқеликни қаламга олишга журъат этдик.

Маълумки, Соҳибқирон Амир Темурнинг илмга, китобга меҳри бошқача бўлган. Қайга бормасин, қай юртни забт этмасин, зебу зардан кўра китобларга кўпроқ аҳамият берган, нодир қўлёзмаларни сақлаб қолиш, илмий меросни янада бойитиш, илм аҳлини ардоқлаб, улар учун зарур шарт-шароитларни яратишни ўйлаган. Фирдавсмонанд

Самарқандда замонасининг энг катта кутубхона-сини ташкил этган. Бу даргоҳда Турон заминда асрлар давомида улуғ аждодларимиз томонидан яратилган илмий меросдан ташқари, Ҳиндистону Хуросон, Озору Арман, Боғдоду Дамашқ, Қоҳираю Анқара, Ироқу Румдан келтирилган нодир қўлё-малар тўпланган. Темурийлар кутубхонаси ёки Улуғбек кутубхонаси номи билан машҳур бу илм даргоҳи Мирзо Улуғбек вафотидан кейин тахт те-пасига келган хурофот ва жаҳолат кучлари таъси-рида сирли равишда йўқ қилинган. Тарихий ман-балар мазкур кутубхонанинг мавжуд бўлганлигини тасдиқлайди. Унинг ёндириб, куйдириб юборил-ганлиги, четга олиб кетилганлиги ёки бошқа таби-ий офатлар таъсирида йўқ қилинганлиги ҳақида манбаларда бир оғиз ҳам гап йўқ. Агарда шундай бўлганда, тарихчилар бу ҳақда албатта ёзиб қол-дирган бўларди. Демак, бу улкан кутубхона юр-тимизда! Қайсидир ғорда, қайсидир тоғда ёки Самарқанднинг қайсидир замини қаърида бизни кутиб ётибди. Бу ҳақда бир қанча илмий фаразлар ҳам мавжуд. Бундан қарийб икки аср муқаддам амалга оширилган Европа ва рус олимларининг Темурийлар кутубхонасини топиш борасидаги из-ланишларидан сўнг ҳозирга қадар бу масала билан ҳеч ким жиддий шуғулланган эмас...

Шуларни ўйлаб, анча йиллардан буён бу ҳақда бирор нарса ёзиш ва шу орқали масалага жамо-атчилик эътиборини қаратишни ўйлаб юардим. Самарқандлик тарихчи олим Камолхон Каттаев, академик Бакир Зарипов, математик олим Абду-самат Мамаюсупов, тадбиркор Ҳолиқул Зайдулла-евлар билан бамаслаҳат сирли кутубхонани топиш мақсадида илмий экспедиция уюштиришни ҳам ўйлаб қўйгандик.

Детектив жанрдаги асар мазмунига тарихий воқеликни сингдиришдан кўзланган мақсад шу эди.

Ўта нозик жанрдаги иккинчи китобимизни Сиз азиз ўқувчига тақдим этар эканман, сизлардан асар ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдиришингизни кутиб қоламан. Зеро, Фахриддин ва Санжарбекларнинг янада мураккаб, янада қизиқарли жиноятларни фош этиш борасидаги кейинги фаолиятларини реал воқеликлар, бадий безакларда акс эттирувчи бўлажак асарларимиз тақдири Сиз муҳтарам китобхонларнинг холисона баҳоси, мухлисларимиз қўллаб-қувватлашидан оладиган илҳомга боғлиқдир.

Эҳтиром ила,

**Комил СИНДАРОВ**

Электрон манзилимиз:  
[sindarov60@gmail.com](mailto:sindarov60@gmail.com)

Фахриддин хизмат хонасига кириб келиши билан ички телефон жириглаб қолди. У «эрталабдан ким бўлдийкин?» деган ўйда гўшакни кўтарди:

– Лаббай, эшитаман.

– Фахриддин Каримович, салом! Яхши дам олдингизми? Тезда хонамга чиқинг! – Тоҳир Ғофурович гапни қисқа қилди.

Терговчи қоғоз, қалам олиб, прокурор ўринбосарининг хонасига шошилди.

– Фахриддинжон, чарчоқлар ёзилдими? Уйдагилар қалай? Келин, болалар... яхшими? – прокурор ўринбосари тавозе билан гап бошлади.

– Раҳмат, Тоҳир ака. Ўзингиз яхшимисиз? – Фахриддин гап оҳангидан муҳим топшириқ борлигини англади. Одатда, бошлиқ бирор жиддий иш топширмоқчи бўлганда унга «жон» деб мурожаат этарди.

– Мен ҳозиргина Қашқадарё вилоят прокурори билан гаплашдим. Китоб туманида рўй берган бир қотиллик жинойти бўйича хизмат сафарига боришингизга тўғри келмоқда.

– Қанақа қотиллик экан?

– Ҳазрати Башир қишлоғи атрофидан бир чўпоннинг жасади топилган. Қизиғи шундаки, унинг чўнтагидан ўн тўртинчи асрга мансуб тилла танга чиққан. Бу ҳам ҳали ҳаммаси эмас... – Тоҳир Ғофурович пахта гулли пиёладаги чойдан ҳўплаб, гапида давом этди. – Чўпоннинг кўтонидан бир талай қадимий китоб ҳам топилган...

– Яна қанақа китоб? – Фахриддиннинг таажжу-би ошди.

– Самарқандлик олим Камолхон Каттаевнинг хулосасига кўра бу китоб X–XI асрларда яшаб ўтган аллома... – прокурор ўринбосари олдида турган қоғозга қараб дудуқланиб ўқишга тушди. – А-б-у За-йд Да-бу-сийнинг «Ал-Ан-вор фи у-су-ли-л-фиқҳ» номли асари экан. Гап шундаки, мазкур асар шу пайтга қадар бизгача етиб келмаган деб ҳисобланар экан.

– Ўзи асар нима ҳақда экан? Шунчалик кўхна китобмикан?

– Ахир ўн аср олдин ёзилган... Таржимасини ҳам ёзиб олган эдим мана... – Тоҳир Ғофурович кўзойнагини қўндириб, яна қоғозга тикилди. – Ўзбекчада китобнинг номи «Фикҳ асосларини очувчи нурлар» бўларкан. Дабусий замонасининг машҳур ҳуқуқшунос олимларидан бўлган экан.

– Буни қаранг-а, эшитмаган эканман!

– Сиз билан биз мактабда, институтда ўқиган кезлар «шўролар» даврига тўғри келган. Шу боис улуғ аждодларимизнинг маънавий меросини ўрганиш у ёқда турсин, номини ҳам тилга олиш мумкин эмасди! Аксинча, ўша давр мафкураси Соҳибқирон Амур Темурни қонхўр, Бобурни босқинчи дейишдан тап тортмаган... Майли гапираман десанг гап кўп. Вилоят прокурори қотилликнинг мотиви шу тилла танга ва китоб билан боғлиқ бўлиши мумкин деган фикрни билдирмоқда. Хуллас, жойига чиқиб, масалага ойдинлик киритишга тўғри келади. Агар прокурорнинг хулосаси тўғри чиқса, ишни ўз иш юритувингизга оласиз. Вазиятга қараб иш тутинг. Терговчилардан бирини, яхшиси Санжар Раҳмоновни ўзингиз билан олишингиз мумкин.

– Қачон йўлга чиқсак бўлади?

– Кечки рейсга чиптага буюртма берилган. Хужжатларни расмийлаштириш, сафар тайёргарлигини кўриш учун сизларда вақт етарли бўлади, – Тоҳир Ғофурович ўрнидан қўзғалди. – Бизга савол бўлмаса, ишингизга омад.

– Раҳмат, ҳаммаси тушунарли! Жойига етиб боргач, Сизга ахборот бераман. – Фахриддин шахд билан ортига бурилди...

\* \* \*

Самолёт белгиланган вақтда ҳавога қўтарилади. Фахриддин ўриндиғини сал ётқизиб, кўзини юмиб олди. Санжарбек ўриндиқ ортидаги газета, журналларни олиб, варақлашга тушди. Сўнг сумкасидан ручкасини чиқариб, кроосворд ечишга тушиб кетди:

– Беш ҳарф «қовун нави», «а» билан бошланади.

– «Амири», – деди ўзини ухлаганга солиб кетаётган Фахриддин ҳозиржавоблик билан.

– Тўғри... кейингиси – Саид Аҳмад асари, уч ҳарф.

– Уфқ.

– Буниси ҳам тўғри. Америкадаги штат, «а» дан бошланади.

– «Аризона».

– А-р-и-з-о-н-а, тўппа-тўғри. Энг оғир жиноят.

– Қотиллик.

– Есть... Дарвоқе «қотиллик» дегандай, Фахриддин ака боя гапингизга унчалик тушунмаган эдим. Кейин гаплашамиз дегандингиз. Ўзи Қашқадарёга нима мақсадда кетаяпмиз? – деди Санжарбек қўлидаги журнални ўриндиқ ортига жойлай туриб.

– Бир чўпонни ўлдириб кетишибди, – бамайлихотир жавоб берди Фахриддин.

– Вилоятда шу оддийгина қотилликни тергов қиладиган терговчи қуриб кетибдими? Шунча йўлдан бизни овора қилиб...

Фахриддин кўзини очиб, шеригига кулимсираб қаради:

– Лекин бу сиз ўйлаганчалик оддий қотилликка ўхшамаяпти. Марҳумнинг чўнтагидан қадимий тилла танга топилган, кўтондан қанақадир антиқа китоблар чиққан.

– Ростданми? Нима бало чўпон бирор хазина топиб олганмикин? – Санжарбек хулоса қилишга ошиқди.

– Бўлса бордир. Ҳар нарса бўлиши мумкин. Олдиндан бирор нарса деб бўлмайди. Борсак кўрамиз! Абу Зайд Дабусий ҳақида эшитганмисиз?

– Қанақа Дабусий?

– Эшитганмисиз ё йўқми? – Фахриддин саволни қайтарди.

– Менимча арабларнинг «Ал-иттифоқ»дами ёки Эроннинг қайсидир футбол жамоасида ўйнаса керак, – Санжар таваккал қилди.

Фахриддин хандон отиб кулди. Сўнг базўр ўзини тўхтатиб, «футболчи денг!» деди.

– Ёки бирор давлатнинг раҳбарими? – Санжарбек устозининг «шунинг ҳам билмайсанми?» деб таъна қилишидан чўчиб, таваккал қилишда давом этди.

– Нуфузли идоранинг маъсул ходими, малакали ҳуқуқшунос бўла туриб, наҳотки шундай улуғ зотни танимасангиз! – ҳамон кулгидан ўзини боса олмаётган Фахриддин атайлаб шогирдининг жигига тегди. – Ҳа қишлоқи-я!

– Устоз кўп қийнаманг, айта қолинг, ким у? – деди Санжарбек хуноби чиқиб.

– Ахир у ўнинчи асрларда яшаб, Турон заминда фикҳ илмини ривожлантирган буюк аждодимиз-ку! Наҳотки унинг машҳур «Ал-Анвор фи усули-л-фикҳ» асарини ўқимаган бўлсангиз? – деди устоз биларонлик қилиб.

– Йўқ, ўқимаган эканман! Талабалик йиллари ўқиган бўлсам, балки ёдимдан чиққандир... – жовдиради шогирд.

– «Балки ўқиганман» денг! – деди устоз жилмайиб. Сўнг бир оз жиддийлашиб, гап бошлади:

– Рости мен ҳам у ҳақда эрталаб Тоҳир акадан эшитдим.

– Ана холос! Бизни «қишлоқ» дейдилар, ўзлари ҳам...

Устоз босиқлик билан Дабусий ва Китобдаги қотиллик ҳақида билганларини гапириб берди. Шу пайтгача «оддийгина қотилликни ўзлари тергов қилса бўлмасмиди, бизни безовта қилишнинг нима кераги бор эди!» деган хаёлда кетаётган Санжарбек сафар мақсадини тушунгандай, бу галги хизмат сафари ҳам икки-уч кунлик эмаслигини фаҳмлагандай бўлди...

Фахриддин Каримович ўриндиққа бошини кўйиб, яна кўзларини юмиб олди. Шу тобда унинг нималарнидир ўйлаб, эртанги кун режаларини бошида «пишириб» кетаётгани аниқ эди. Санжарбек шуни ўйлаб, ортиқча саволлар бериб, уни чалғитишдан ўзини тийди. Ойнадан ташқарига қараб, борлиқни кузата бошлади. Тепадан қараганда ҳамма нарса худди кафтдагидек аниқ кўринади. Ястаниб ётган Қарши чўллари... илон изли йўллар... тўда-тўда сурувлар... гугурт қутисидак уйлар... машиналар... қанақа ажойиб манзара...

– Ҳурматли йўловчилар! Камарларингизни тақиб олинг! Бир оздан сўнг сомалётимиз Қарши шаҳрига кўнади. Ҳавонинг илиқлиги 24 градус... – стюардессанинг ёқимли овози эшитилди.

Ҳамма камарларини тақишга шошилди.

– Бирпасда етиб келдик-а! Техниканинг қудратини қаранг! Ота-боболаримиз бу масофани отда бир ҳафта-ўн кунда босишган бўлса ажабмас, – деди Санжарбек ойнадан кўзини узмай.

– Ҳа, бизга шунақа ажиб замонда яшаш насиб этди Санжарбек! Техниканинг шарофати туфайли икки дунё бир қадам бўлиб қолди. Аждодларимиз учун афсонадек туюладиган воқеалар биз учун жўнгина ҳодисага айланди. Телевизор, интернет, уяли телефон, самолёт... ҳақиқий мўъжиза... Ота-боболаримиз умрининг асосий қисмини жангу жадалларда, отнинг устида ўтказганлар. Шундай дориломон замонда яшашнинг ўзи бир бахт эмасми?

– Нимасини айтасиз! Тушунган одам учун бу дунёда яшашнинг ўзи бир бахт. Лекин одамзот шунга ҳам шукр қилмас экан. Шундай тинч, тўкин ва осуда дамларда ҳам қотилликлар, хунрезликлар учраб турганлиги кишини ўйлантиради. Нима сабабдан темирга жон ато этган одамзот жиноятчиликни тағ-томири билан қирқиб ташлашга қодир бўла олмаяпти? – Санжарбек суҳбатдоши уни диққат билан эшитиб турганидан тўлқинланиб кетди. – Шунча нарсага қодир одамзот жиноятчиликни тўла бартараф этишга ожиз бўлса! Ахир...

– Файласуф бўлиб кетинг-э! Шу мавзуда диссертация ёзсангиз бўлармиди! – Фахриддин пичинг қилади.

– Шу жиноятчилар бўлмаса, сиз билан биз шунақа доимий мусофирчиликда юрмасмидик дейман-да! – Санжарбек гапни ҳазилга бурди.

– Шу касбни ўзимиз танлаганмиз. Чидаймиз. Ҳар қандай жамиятда жиноятчилар бўлади. Фақат жамиятнинг турига қараб жиноятчилик ортиши, камайиши мумкин.

– Бир пайтлар очарчилик замонларда одамлар қорнини тўйдириш, ўзи ёки оиласини очарчиликдан сақлаб қолиш мақсадида ўғирлик, талончилик, босқинчилик қилган. Буни тушунса бўлади. Лекин ҳозирги тинчилик, тўкин-сочинлик замонда

бундай жиноят қилишга нима ҳожат! Жонини хатарга қўйиб, қонунни бузиш нимага керак?! Ахтарган имкон, ишлаган давлат топаётган бўлса! – Санжарбек «чакки эмасми?» дегандай устозига ўгирилди.

– Тўғри, ҳар қандай жиноятнинг туб сабаби мол-дунёга бориб тақалади. Лекин одам очарчиликдан, йўқчиликдан, камбағалликдан, имконсизликдан жиноят содир этмайди, – Фахриддин тобора ерга яқинлашиб келаётган самолётнинг ойнасидан пастга қараб, гапида давом этди. – Ёки сиз ўз тажрибангизда қорнини тўйдириш учун жиноят содир этган шахсни учратганмисиз? Жиноятчилик асосан тўқликка-шўхликдан келиб чиқади. Бой одам янада бойигиси келади. Агар у ўз бойлигини ҳаромдан топган бўлса, яна ҳаром лўқма егиси келаверади. Бу йўлда ҳеч нарсадан тоймайди. Улар содда, оми ва айни пайтда пулга муҳтож одамларни топиб, уларни ўз жиноятларига шерик қиладилар. Баъзан жиноятни шундай инсонларнинг қўли билан содир этадилар.

– Тўғри айтасиз, менинг амалиётимда ҳам ночорликдан жиноят содир этган шахслар бармоқ билан санарли. Туман прокуратурасида ишлаб юрган кезларимда ички ишлар ходимлари бир йигитни тутиб келишди. Маълум бўлишича, ҳунар-техника билим юртида ўқийдиган у йигитнинг онаси ва сингисидан бошқа ҳеч кими йўқ экан. Она шўрлик фаррошлик қилиб, икки фарзандини боқар экан. Қиш кунларидан бирида бечора она бетоб бўлиб қолибди. «Тез ёрдам» чақиритибди. Дўхтир анча-мунча дори ёзиб берибди. Ўғил уйдаги бор пулни олиб дорихонага йўл олибди. Аммо дори олишга пули етмапти. Анча пайт кўчада нима қилишини билмай тентираб юрибди. Йигит киши эмасми, уйга – онасининг олдига қуруқ қўл билан қайтишга юзи чидамапти. Кеч

тушганда бадавлат қўшнисининг омборхонасига кириб, велосепидини ўғирлаб чиқибди. Ўғирланган молни бошқа маҳалладаги танишига пуллаб, онасига керакли дориларни харид қилибди...

Самолёт тўхтаганлиги сабабли йўловчилар қимирлаб қолишди.

– Хўш кейин-чи, ўша йигит нима бўлди? – Фахриддин атрофдагиларга парво қилмай шогирдига юзланди.

– Ўзингиз биласиз, уй-жой, омборхона ва бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб ўғирлик қилиш анчагина оғир жиноят ҳисобланади. Қонун талаби бўйича йигитни қамаш лозим эди. Аммо прокуроримиз ҳамма масъулиятни ўзига олиб, уни қўйиб юборди. Бошида анча тўполон бўлди. Кейинчалик ишни шахсан ўрганиб чиққан вилоят прокурори туман прокурорининг қарорини асосли деб топгандан сўнггина ҳаммаси ўз ўрнига тушиб кетди. Раҳматли Маъруф Восиқович шунақа диёнатли, инсофли ва одил прокурор эди-да!

– Ҳа, у кишининг ўрнида бўлганда ҳамма ҳам шунақа масъулиятни ўз бўйнига олавермас эди. Аммо, нима бўлганда ҳам адолат йўлини тутган экан, – Фахриддин ўриндиқ камарини бўшатиб, жойидан кўзгалди...

\* \* \*

Аэропортда меҳмонларни вилоят прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси Неъмат Ҳамидов кутиб олди. Йўлда кетар экан, мезбон Қарши шаҳрида амалга оширилган ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари тўғрисида тўлқинланиб гапирди. Санжарбек шаҳарга илк бор ташриф буюрганлиги боис мезбонни гапга солиб кетди. «Нексия»нинг орқа ўриндигига ўтирган Фахриддин Каримович эса бу ерларда кўп бор бўлганлиги сабабли ўз хаёллари билан

банд эди: бу қадимий тилла қандай қилиб чўпоннинг қўлига тушиб қолган бўлса. Ота-боболаридан мерос қолдимикин? Ё хазина топганмикин? Унда нима сабабдан бир дона! Қолганлари қаерда бўлиши мумкин? Жиноятчилар олдин тунаб, кейин ўлдириб кетдимикин? Унда нега бир дона тангани қолдириб кетишган? Ёки кўрмай қолишганми? Балки қотиллар унда тилла борлигини билишмагандир. Жиноятнинг мотиви умулман бошқа нарса ҳам бўлиши мумкин-ку! Чўпон тиллаларни фақат керак бўлганда доналаб пуллаб юрган бўлса-чи? Чўпоннинг ота-онаси, авлод-аждоди ким бўлган экан? Дабусийнинг китоби-чи? Шу пайтга қадар фанга маълум бўлмаган китоб қандай қилиб оддий бир чўпоннинг қўлига тушиб қолган бўлса? Қўл-ёзма ўн асрдан ортиқ вақт давомида қаерда, қандай қилиб сақланган бўлса? Уни тўла тадқиқ этиш бўйича керакли мутахассисларни жалб этишга тўғри келади...

Терговчи меҳмонларни тўғри вилоят прокурори ўринбосари Фарҳод Шириновичнинг ҳузурига бошлаб борди. Одатдаги салом-алиқдан сўнг Фахриддин Каримович муддаога кўчди:

– Фарҳод Ширинович, ижозатингиз билан биз терговчининг хонасида жиноят иши билан танишиб чиқсак. Кейин маслаҳатлашамиз!

– Албатта, албатта! – Фарҳод Ширинович ички телефонни кўтарди. – Маҳкамжон, жиноят ишини олиб кириг!

Зум ўтмай хонага чамаси ўттиз ёшлардаги узун бўйли, қорачадан келган басавлат йигит қалин жилдли папкани кўтариб кириб келди.

– Бу киши алоҳида ишлар бўйича терговчимиз Маҳкам Ҳакимович бўладилар, – Фарҳод Ширинович навбатма-навбат меҳмонларни ҳам таништирди. Сўнг Фахриддин Каримовичга юзланиб:

– Марҳамат, сизлар Маҳкамжоннинг хонасида жиноят иши материаллари билан танишиб чиқинглар. Кейин фикрлашамиз.

Меҳмонлар терговчининг хонасига ўтиб, жиноят иши билан батафсил танишиб чиқдилар, керакли жойларини алоҳида қоғозда қайд этиб, қандайдир чизмаларни, схемаларни чиздилар. Маҳкам Ҳакимовичга турли-туман саволлар бериб, иш тафсилотларига ойдинлик киритдилар.

Сўнг Фарҳод Шириновичнинг кабинетида тўпланишиб, мунозарани давом эттиришди:

– Иш биз ўйлагандан кўра мураккаброқ кўринади, – Фахриддин Каримович гап бошлади. – Норбўта чўпон қандайдир жиноий гуруҳнинг ишига аралашиб қолган кўринади. Жиноятнинг боши Самарқанд ёки Тошкент шаҳрига бориб тақалиши эҳтимолдан холи эмас. Негаки, бу қадимий тилла тангалар, ноёб, кўҳна китоблар ерлик аҳолини унчалик қизиқтирмаган бўларди. Фақат тушунган, мутахассис кишигина бу қадимий ашёларнинг кадр-қийматини билиши мумкин...

– Гапингизга қўшиламан, – Маҳкам Ҳакимович гапга қўшилди. – Чўпоннинг аёли сўзларига қараганда, эри кейинги пайтларда ўн-ўн беш кунлаб уйига келмайдиган одат чиқарган. Лекин қаерга боришини, нима билан шуғулланишини хотиндан сир тутган. Бундан ташқари Шаҳрисабз, Китоб туманларида қадимий тангалар ёки эски китобларни коллекция қиладиган, уларнинг олди-бердиси билан шуғулланадиган шахс борлиги аниқланмади.

– Балки чўпоннинг ўлими бу қадимий ашёларга боғлиқ эмасдир, – прокурор ўринбосари ҳамкасбларини мунозарага чорлади. – Қотиллик унинг шахсий ҳаёти билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин-ку!

– Биз бу тахминни ҳам ишлаб кўрдик, – Маҳкам Ҳакимович ўрнидан туриб гап бошлади. – Чўпоннинг оилавий муносабатлари, яқинлари, дўстлари, таниш-билишлари билан алоқалари имкон қадар

ўрганилди. Бирор бир ихтилоф ва келишмовчиликлар бўлганлиги аниқланмади. Шунга қарамасдан бу борада ҳам ишни тўхтатганимиз йўқ...

– Гувоҳларнинг кўрсатувлари, иш материаллари билан танишиб, мен ҳам қотиллик чўпоннинг шахсий ҳаёти билан боғлиқ эмас, деган хулосага келдим, – жиноят ишини варақлаб ўтирган Санжарбек гапга қўшилди.

– Ажабланарлиси шундаки, қотиллар жуда пухта ишлашган, ўзларидан бирон бир из, далил қолдиришмаган, гувоҳлар ҳам йўқ! – деди ҳамон тик турган Маҳкам Ҳакимович надомат билан.

– Мен бир нарсага ҳайронман! Қишлоқ жойда бегона одам, бегона машина тез кўзга ташланади. Наҳотки қотилларни ҳеч ким кўрмаган бўлса! – деди Санжарбек таажжуб билан.

– Гап шундаки, бу қишлоқда Ҳазрати Башир зиёратгоҳи жойлашган бўлиб, унга ҳар куни кўп-кўп зиёратчилар ташриф буюришади. Шу сабабли ерлик аҳоли бегона кишиларга, транспорт воситаларига аҳамият бермайди. Гувоҳлар йўқлиги шундан... – изоҳ берган бўлди Маҳкам.

– Ҳа, ҳозирча жиноятнинг мотиви ҳам, чўпоннинг ўлдирилиши тафсилотлари ҳам маълум эмас. Қотиллик рўй берган кун туни билан ёмғир ёққанлиги ҳам жиноятчиларга қўл келган. Кўп излар ювилиб кетган. Хуллас, айти пайтда қўлимизда бирорта далил ҳам, жўялироқ тахмин ҳам йўқ. Жиноятни фош этиш осон кечмайдиган кўринади... Мен жиноят иши терговини Республика прокуратураси иш юритуви-га олиш лозим деган фикрдаман, – деди Фахриддин Каримович мунозарага яқун ясаб. – Санжарбек, сиз тегишли ҳужжатларни расмийлаштиринг. Мен раҳбариятга ахборот бераман.

– Раҳмат, Фахриддин ака! Сизларнинг ёрдамларингизсиз ~~бу жиноятни фош қилиш~~ қийин бўла-

ди, – Фарҳод Ширинович елкасидан тоғ тушгандай энгил нафас олди. – Биз ҳам қараб турмаймиз, гуруҳга энг тажрибалари тезкор-тергов ходимларимиздан берамиз. Маҳкам Ҳақимович сизларнинг ихтиёрингизда бўлади.

– Раҳмат Фарҳод Ширинович! Сиз ўз ишингизни қилаверинг. Бизлар йигитлар билан бирор соат ишлаймиз. Тонгда воқеа жойига чиқиб кетамиз. Ҳозирча хайр! – Фахриддин ҳужжатларни қўлига олиб, эшик томонга юрди.

Терговчилар унинг ортидан эргашди.

– Қоринлар ҳам ўзи пиёзнинг пўстлоғи бўлиб кетди-ёв! Соат ҳам ўндан ошиб кетибдими?... – раҳбарнинг «яна бир соат ишлаймиз» дегани ёқмаган Санжарбек гудранди.

– Эртанги кун учун пухта режа тузиб олмасак бўлмайди. Овқат қочмас! – деди Фахриддин совуққонлик билан.

Устозининг феълени яхши биладиган Санжарбек унга эргашди...

\* \* \*

Ҳазрати Башир қишлоғи туман марказидан анчагина олисда жойлашган экан. Гуруҳ тушган машина қирлар, адирлар оша тоғ томонга шитоб билан кетар экан, йўл тобора торайиб, ўнг томонда шовуллаб оқаётган дарёнинг ҳусни-таровати, тафти, яққолроқ намоён бўла бошлади.

– Бу қанақа дарё? – ташқаридаги ажиб манзарага маҳлиё бўлиб кетаётган Санжарбек меҳмонга юзланди.

– Қашқадарё ирмоқлари шу ерлардан бошланади, – деди Маҳкам йўлдан кўз узмай.

– Суви негадир кўм-кўк экан-а! Рост бунақа гўзал гўшани умримда кўрмаганман!

– Ҳа, чиндан ҳам гўзал! Айниқса, баҳор чоғлари бу жойлар жуда фусункор бўлиб кетади. Бир пайтлар

Соҳибқирон Амир Темур ҳам, Мирзо Улугбек ва бошқа Темурийзодалар ҳам Самарқанддан ота юртларига шу йўл орқали ўтишган, табиатнинг мана шундай тенгсиз чиройидан баҳраманд бўлишган.

– Самарқанд билан Кешни боғловчи карвон йўли шу ердан ўтганми? – атрофни жимгина кузатиб кетаётган Фахриддин Маҳкамга юзланди.

– Шунақа. Қаранг, ахир карвон йўли учун бундан аъло шарт-шароит бўлиши мумкинми? Бир томонда дарё шовуллаб оқиб турса, бир томон тоғ, бир томон боғ...

Фахриддин ҳамсуҳбатининг гапларига бош чайқаб кетаётган бўлса-да, хаёли бошқа жойда эди: «Қадимий қўлёзмалар, тилла тангалар... балки улар шу қадим йўллардан ўтган Темурийлар сулоласининг мулкидир. Ҳар нарса бўлиши мумкин. Шароит тақозоси билан бир пайтлар яширилган хазина чўпоннинг ота-боболари томонидан топиб олинган бўлиши мумкин. Балки чўпоннинг бобокалонлари Соҳибқироннинг қўлида хизмат қилгандир...

– Манзилга яқинлашиб қолдик! – Маҳкамнинг гапи терговчининг хаёлини бузди.

Қоялар орасидан мўралаб чиққан баҳор қуёши борлиққа ўзгача жило бахш этарди. Яшил либосга бурканган далалар, қирлар келинчакдай ястаниб, жамолини кўз-кўз қилаётгандай эди.

Қишлоққа кириб келганларида баҳор офтоби аллақачон борлиқни қиздириб, жамики жонзотни уйғотиб юборганди. Тоғ томондан эсаётган майин шабада ёқимли ифор таратиб, юракларга ўзгача бир илиқлик бағишлади.

– Чўпоннинг уйи шу қишлоқда. Қўраси эса сал тепароқда. Қаёққа ҳайдай? – Маҳкам Ҳакимович ўртадаги жимликни бузиб, гуруҳ раҳбарига юзланди.

– Олдин воқеа жойига борайлик, – табиатнинг сеҳридан, қишлоқнинг жамолидан кўз ололмай келаётган Фахриддин қисқагина жавоб қилди.

Машина ўнқир-чўнқир йўл бўйлаб шитоб билан тепаликка қараб кўтарила бошлади.

Кўтон деярли тоғ этагида жойлашган экан. Пастқамгина уйнинг мўрисидан буруқсиб тутун чиқиб турганидан бу ер қишлоққа қараганда анча салқин эканлигини англаш қийин эмасди.

Терговчилар машинани бир чеккада қолдириб, уй томонга юришди. Қўра ичида тимискиланиб юрган чўлиқлардан бири меҳмонларни кўриб, уларга пешвоз чиқди.

– Бу киши ёрдамчи чўпон – Яхшилик ака, – деди Маҳкам Ҳакимович у билан кўриша туриб.

Чўпон ҳамма билан қўл бериб кўришиб, меҳмонларни ичкарига таклиф қилди. Кулба икки хонадан иборат бўлиб, каттароқ ивирсиб ётган хона чўлиқлар учун мўлжалланган шекилли – тўртта темир каравот қўйилган, ўртада алимисоқдан қолган ёғоч стол, тўрда «уч оёқ» шкаф. Кираверишдаги чўян печнинг оғзидан чиқаётган аччиқ тутун димоғни ачиштирди.

Чўпон пайпаслаб деразани очди. Бирпасда тутун тарқаб, хона ичи ёришди. Терговчилар мезбоннинг ўтиришга қилган таклифига ҳам парво қилмай тик турган ҳолда хонани кўздан кечиришга киришди.

– Қотиллик шу ерда содир этилган. Мурда мана бу ердан топилган, – деди Маҳкам Ҳакимович қўли билан шкаф турган жойдан сал нарироқни кўрсатиб. – Бу хона умумий фойдаланишда бўлган. Кундуз ошхона вазифасини ўтаган, кечки пайт ёрдамчи чўпонлар дам олишган. Биз бу ерни обдан ахтариб кўрдик, аммо терговга нафи тегадиган бирор нарса топилмади...

– Демак, яхши қидирмабсизлар! – шкафни титкилаётган Санжарбек гудурланди.

Маҳкам нимадир демоқчи бўлиб, оғиз жуфтлади-ю, меҳмонни хафа қилиб қўйишни ўйлаб, тилини тийди.

Фахриддин хонанинг у ёғидан бу ёғига ўтиб, «далил» қидириш билан овора эди.

– Бош чўпон кейинги хонада турган, – Маҳкам Ҳақимович «вақтни бекорга ўтказаяписизлар» дегандай гуруҳ раҳбарига юзланди.

Фахриддин «хабарим бор» деган маънода бош чайқаб, ишида давом этди: «Иш материалларига қараганда қотиллар чўпонга таниш бўлган. Шунинг учун уларни уйга таклиф қилган бўлиши табиий. Қотиллик шу хонада юз берган. Бармоқ изи қолдирмаганига қараганда жиноятчилар анчагина тажрибали кўринади. Жуда эҳтиёткорлик билан, пухта ишлашган... Лекин ҳар қандай пихини ёрган жиноятчи ҳам ўзидан из қолдиради. Гап уни топа билишда...»

Фахриддин энгашиб, стол тағига қарар экан, столнинг деворга яқин турган оёғи панасида тангачага ўхшаш нарсага кўзи тушди. Қўли билан пайпаслаб, ҳалиги нарсани жойидан олди. Тугма экан. Аёл кишиникига ўхшайди.

– Мана бунга қаранг, – гуруҳ раҳбари тугмачани Маҳкам Ҳақимовичга кўрсатди. – Столнинг остидан чиқди. Бу ерда аёл киши ҳам турадимми?

Маҳкам тугмачани эҳтиёткорлик билан қўлига олиб, диққат билан назар солди:

– Ростдан ҳам «женский», – дея ғудурланди. – Аммо бу ерда хотин киши яшамайди-ку! Бизнинг йигитлар ҳамма ёқни қараб чиқишганди-ку! Бу нимаси бўлди, қаердан чиқди ўзи?

– Мана бу ерда ётган экан, – деди Фахриддин қўли билан тугмани олган жойни кўрсата туриб. – Йигитлар эътибор қилмаган бўлиши мумкин.

Санжарбек тугмачани қўлига олиб, эшик олдида ўралашиб юрган чўпонни чақирди:

– Яхшилик ака, мана бу тугмача кимга тегишли?

Чўпон тугмачага разм солиб, совуққонлик билан «билмадим» деди.

– Тутма аёл кишидан тушган. Бу ерда аёллар ҳам турадимми? – деди Фахриддин чўпонга яқинлашиб.

– Жўқ, аяллар бунда не қилади? – елкасини қисди Яхшилик ака.

– Эслаб кўринг балки бирортангизнинг аёлингиз ёки қизингиз келгандир, – Санжарбек гапга қўшилади.

– Жўғ-э! Жоқин ўртада бу жерга аёл зотининг о-ё-ғи тек-кан э-э-м-а-с!... – чўпон дудуқланди.

– Унда манов тутма энангнинг... гўридан чиқди-ми?! – тутақиб кетди Маҳкам.

Фахриддин терговчига ёвқараш қилди. Сўнг чўпонга юзланиб, ҳамкасбининг кўполиги учун узр сўрагандай оҳиста сўз қотди:

– Яхшилик ака, яхшилаб ўйлаб кўринг, балки сиз йўқлигингизда бирорта аёл келгандир?

– Шу мудҳиш воқиядан эки кун олдин улим касал бўлганлиги учун менгина жавоб сўраб кетгандим. Шунда бирда-ярим келган бўлмаса! Тағинам билмадим! – деди чўлиқ соддалик билан.

– Шундай бўлган экан, мен сўроқ баённомалари билан танишдим, бахтга қарши бошқа чўпонлар ҳам ўша кун қишлоққа тушиб кетишган экан-а! – Фахриддин чўпоннинг гапини тасдиқлади.

– Ҳа, майрам олди бўғони учун бошқа чўлиқлар шу кун ҳам эртачироқ уйларига кетишган экан. Кўргиликни айтмайсизми?

– Акажон, яхшилаб эслаб кўринг, ўша кунларда кўтонга кимдир келган. Бўлмаса аёл кишининг тутмаси қандай тушиб қолиши мумкин? Эркак киши аёл кишининг тутмасини қадамайди-ку! – деди Фахриддин чўпонни гапга солиш учун мулоғимлик билан.

– Жоқин ўртада ҳеч ким кеганини кўрмадим. Лекин...

– Хўш, хўш! – терговчи сергакланди.

– Бу жил билмадим-куя, аммо вўтган жили анву Садақат деган аял бир-эки марта келувди. Яна

билмадим... бошқа хотин зоти ёқин ўртада бу жерга қадам босганини эслолмайман.

– Садақат деганингиз ким бўлди?

– Хўжайиннинг... ҳалиги... та-ни-ши-да!

– Қанақа таниш, қаерда туради? Очиқроқ гапиринг!

– Ҳей сен... калла... нималар деб валдираяпсан, нега олдин сўроқ қилганимда бу ҳақда «миқ» этмагансан! – бир чеккада ўтирган Маҳкам тутақиб кетди.

– Маҳкам Ҳакимович... илтимос! Бир муддат ...

– Фахриддин ҳамкасбига эътироз билдирди. Сўнг яна чўпонга юзланди:

– Садоқат Норбўтага ким бўлади?

– У аял Китобда яшайди. Хўжайин уникига бориб турарди-да! Ҳалиги нима дейди... екинчи дегандай...

– Иккинчи хотини демоқчимисиз? – Санжарбекнинг сабри чидамади.

– Шундай деса ҳам... бўлади. Аммо буни чечам билмас эди. Яна менгина балога қоп ўтирмай...

Терговчилар кўпайлашиб бирпасда чўпондан «Садоқат» ҳақидаги маълумотларни «суғуриб» олишди.

Сўнг бош чўпоннинг хонасини, воқеа жойини яна бир бор кўздан кечиришди. Аммо диққатга молик бирорта «далил» топилмади. Қолган чўлиқларни ҳам обдан сўроқ қилган терговчилар Яхшилик чўпонни олиб, ортга қайтишди. Йўл-йўлакай қишлоққа кириб, бош чўпоннинг уйини «зиёрат қилишди», Норбўта чўпоннинг хонасини, шахсий буюмларини, кийим-кечакларини синчковлик билан кўздан кечиришди. Хотини Мастура, бўй қизлари – Нигора, Нодиралар билан яна бир бора «гаплашишди». Аммо бу «тадбирлар» терговга асқатадиган бирон бир маълумот бермади...

Терговчилар Китоб шаҳрига кириб келганда борлиқ зулмат қўйнига чўмган, осмонда кимгадир бир тилик қовунни, кимгадир ёрнинг камон қошларини эслатувчи янги ой хирагина шуъла таратиб турарди.

Яхшилик чўпон қоронғида бир неча бор адашган бўлса-да, Садоқатнинг уйини топишни удалади. Машина замонавий типда қурилган, кўркам ва шинам уйнинг ёнига борганда, у:

– Тўхтатинг, шу уй, – деди. – Фахриддин ака, илтимос, менга жа ноқулай-да! Кирмай қўяқолай... ўзингиз биласиз аял киши... мenden кўриб-нетиб вўтирмасин...

– Бўпти, унда сиз машинада ўтира туринг, – деди гуруҳ раҳбари машинадан туша туриб.

Эшикни азадорларга хос кўк либос кийиб олган йигирма беш-йигирма саккиз ёшлардаги дилбаргина аёл очди. Терговчилар хизмат гувоҳномаларини кўрсатиб, ўзларини таништирди. Аёл ҳужжатларга парво ҳам қилмасдан меҳмонларни ичкарига бошлади.

Санжарбек ҳовлига, уйга диққат билан разм солар экан, хаёлидан «Ўхў, иккинчи... хотин ёмон яшамас экан-ку!» деган фикр кечди. Ҳовлидаги озодалик, бир текис қирқилган «газонлар», чиройли қилиб шакл берилган арча кўчатлари, йўлаклар атрофини безаб турган чироқлар, ҳовли ўртасидаги мўъжазгина фаввора унинг диққатини ўзига тортди.

Уй ичидаги саранжом-саришталик хонадон соҳибасининг анчайин нозик дидли эканлигидан далолат берарди. Хоналар посанг безатилган. Қимматбаҳо хориж мебеллари, чўғдай товланиб турган эрон гиламлари, тувакларга экилган турфа хил гуллар, катта-кичик биллур қандиллар, ранг-баранг картиналар, замонавий теле, видеоаппаратуралар уйнинг кўркига кўрк қўшиб турибди.

Фахриддин бошқалар қатори музейга тушиб қолгандай атрофга аланлар экан, калласига «бир чўпоннинг яшаши шу бўлса... тўрт-бешта қўйнинг орқасидан шунча бойликка эга бўлиш мумкинми? Чўпоннинг хазина топгани ростга ўхшайди!» деган фикр келди.

Уй бекаси чой дамлаб келиб, терговчининг таклифи билан стулга омонатгина ўтирди.

– Синглим, биз Норбўта чўпоннинг ўлими масаласида келган эдик. Сизга бир-икки саволимиз бор эди, – гуруҳ раҳбари босиқлик билан гап бошлади. – Айтинг-чи, у киши билан муносабатларингиз қандай эди?

Аёл бир оз ўйланиб туриб, бошини ердан кўтармасдан мулойимлик билан жавоб берди:

– Норбўта ака билан танишиб... никоҳ ўқитиб, турмуш қургандик... Мен у кишининг иккинчи... аёли эдим.

– Норбўтани охирги марта қачон кўрган эдингиз?

– Ўлимидан икки кун олдин уйга келган эди. Кечаси бизникида қолди. Эрталаб кетди. «Индинга келаман» деганди. Лекин...

– Эрингизнинг вафот этганлигини қачон, кимдан эшитдингиз?

– Ўша куни тушга яқин Яхшилик ака деган чўпони телефон қилди. Нима қилишимни билмай қолдим. Югуриб бориб ўғлимни... Улуғбекни мактабдан олиб келдим. Жанозага бормоқчи бўлдим... Укамни чақирдим. У бизга рухсат бермади... «Сенларнинг ўринларингга мен ўзим фотиҳага бориб келаман, сизлар уйда аза очиб ўтира қолинглар!» деди... – Аёл чуқур «уф» тортди.

– Эрингизни ким ўлдирган бўлиши мумкин? Сизнинг бирортадан гумонингиз борми? – терговчи аста-секинлик билан чуқурлаша борди.

– Қайдам... Менга кўп нарсани айтмас эди. Лекин хаёлимда кейинги пайтларда нимадандир безовтадек эди...

– Сиз бунга қандай сездингиз? Ёки ўзи бирор нарса деганмиди?

– Йўқ! Менга ҳеч нарса демаган. Аммо ўзини тутиши... сал бошқачароқ бўлиб қолганди... Балки менга шундай туюлгандир...

– Айтинг-чи, марҳумнинг чўнтагидан топилган қадимий тилла тангадан, кўрасидан олинган кўҳна китобдан сизнинг хабарингиз бормиди? Чўпон уларни қаердан олган?

Садоқат яна жимиб қолди. Унинг ўзини тутишидан бу ашёлардан хабари бўлганлигини англаш қийин эмасди. Фахриддин аёл фикрини жамлаб олиши учун атайлаб уни шоширмади.

– Билганларингни чайналмасдан гапирсанг-чи! Намунча имиллайсан! – Маҳкам Ҳақимовичнинг «жини кўзиди». – Бунақалар билан ўзи идорада гаплашиш керак!

Фахриддин кўрсаткич бармоғини оғзига теккизиб, «т-и-ш-ш!» дея ҳамкасбига танбеҳ берди.

– Билмайман... менга айтмасди... – деди аёл ҳамон ердан кўзини олмай.

Фахриддин босиқлик билан яна бир марта саволи такрорлаб, аёлга гувоҳ сифатида фақат ҳақиқатни сўзлаши лозимлигини уқтирган бўлса-да, у «билмайман»дан нарига ўтмай тураверди.

– Қанақасига билмайсан, шунча дов-доскани тўртта кўйнинг орқасидан топибдими? Кимни алдамоқчисан? Шу чўпчакка бизни ишонади деб ўйлайсанми? – Маҳкам яна қизишиб кетди. – Унда мана шу данғилама ҳовлини, манов бир-биридан қимматбаҳо буюмларни қаердан олгансанлар, а... айт! Уялмай-нетмай билмайман дейишига ўлайми бунинг!?

Аёл ҳамон «мум тишлаб» ўтирарди. Шу тобда унинг хаёлидан нималар кечаётганини англаш қийин эди.

– Кундошингиз билан муносабатларингиз қандай эди. У сизларнинг... «саргузаштлар»ингиздан бохабармиди? – Санжарбек атайлаб «ишқий» иборасини қўлламади.

– Билмасди шекилли! Биз учрашмаганмиз... – Садоқат жавобни қисқа қилди.

– Сиз эрингизнинг тоғдаги қўтонига бориб турармидингиз? – гуруҳ раҳбари бошқа томондан «хужум»га ўтди.

Садоқат бир қалқиб тушгандай бўлди. Аммо буни сездирмаслик учун ҳаяжонини ичга ютиб, бепарволик билан жавоб берди:

– Ўтган йили баҳор ойларида бир-икки марта борган эдим...

– Бу йил-чи, яқин кунларда борганмидингиз?

– Йўқ!

– Яхшилаб эслаб кўринг, бу биз учун ҳам, сиз учун ҳам жуда муҳим, – анчадан буён жимгина ўтирган Санжарбек гапга қўшилди.

Аёл бошини кўтариб, Санжарбекка қаради ва «йўқ дедим-ку!» дегандай нигоҳини ерга қадади.

– Садоқатхон, майли агарда ростдан ҳам яқин ўртада қўтонга бормаган бўлсангиз – яхши, мабодо бизни алдаб, терговни чалғитаётган бўлсангиз, сизни... гумондорлар сафига киритишга тўғри келади. Бунинг нималигини тушуняпсизми? – гуруҳ раҳбари овозини бир парда кўтаришга мажбур бўлди.

– Мен... мен... сизларга ... билганимни айтаяпман! – Садоқат дудуқланди.

– Яхши, биз ҳам сизга ишондик. Унда марҳамат қилиб, баҳорги-қишки уст кийимларингизни, демоқчиманки, пальто, куртка дегандай... бизга

кўрсата оласизми? – Фахриддин ўрнидан туриб, аёлга яқинлашди.

– Қанақа кийим? Сизга нима керак? – аёл ҳайрон бўлиб, терговчига жавдиради.

– Ўзингиз кийиб юрган пальто, плаш, курткаларингизни олиб чиқинг, бир нарсага ойдинлик кiritишимиз лозим, – изоҳ берди Санжарбек.

Садоқат истар-истамас ўрнидан қўзғалиб, чап томондаги хоналардан бирига кириб кетди. Сал ўтмай қўлида бир қучоқ лаш-лушлар билан кириб келди. Санжарбек илдамлик билан унинг қўлидагиларни олиб, бирма-бир кўздан кечира бошлади:

– Фахриддин ака, мана бунга қаранг! – деди у қўлидаги қора плашга ишора қилиб. – Пастки тугмаси тушиб қолган экан!

Гуруҳ раҳбари сумкасини пайпаслаб, салафанга ўралган тугмачани олиб, Санжарбек қўлида тутиб турган плашдаги тугмачалар билан солиштира бошлади:

– Худди ўзи! Шундан тушган экан! – деди у бир қўлидаги тугмачага, бир плашга разм солиб. Сўнг ёнида анқайиб турган аёлга қарата деди:

– Манов плаш сизга тегишляими?

– Ҳа меники! Нимайди...

– Битта тугмаси тушиб қолган экан. Қачон, қачонда тушириб қолдирганингизни эслай олмайсизми? – Фахриддин плашни қўлида тутганича аёлга яқинлашди.

– Й-ў-қ! Сезмаган эканман! Буни ўзи кам кияман...

– Унда бизга марҳамат қилиб айтинг-чи, сизнинг тугмачангиз қандай қилиб, Норбўта чўпоннинг кўрасига бориб қолди, – деди Фахриддин қўлидаги салафанга ўралган тугмага ишора қилиб.

Садоқат хангу манг бўлиб қолди. Бир плашига, бир терговчининг қўлидаги тугмачага тикилди, сўнг яна бошини хам қилиб, ўтирган жойига чўкди.

«Рақиб»нинг қақшатқич зарбадан эсанкираб қолганини фаҳмлаган терговчи «хужум»га ўтди:

– Садоқатхон, қўтонга қачон, нима мақсадда борган эдингиз?

Аёл ҳиқиллаб йиғлай бошлади. Терговчилар унинг «таслим» бўлганлигини англаганликлари боис бир муддат юрагини бўшатиб олишига қаршилиқ кўрсатишмади...

Садоқат гапни узоқдан бошлади...

\* \* \*

Дадам тириклигида гам, алам, ташвиш каби тунчалар бизга бегона эди. Ҳаётимиз тинч, осуда, турмушимиз бекаму кўст эди. Ўзлари оддий бир ўқитувчи бўлсалар-да, мени, опаларимни ҳеч нарсага зориқтирмай вояга етказди. Қиблагоҳимиз бизга том маънода паноҳ, бошимизда соябонимиз бўлган эканлар. У кишининг ўлими кулфат эшиklarини ланг очиб юборгандай эди. Падаримизнинг ошу обини бергач, аввалига узоқ йиллардан буён ҳамшира бўлиб ишлаб юрган онам бир беморга нотўғри муолажа қилганликда айбланиб, ишидан бўшатилади. У ўзининг ҳақлигини исботлаш учун бормаган жойи, кирмаган эшиги, учрашмаган одами қолмади... Шу орада оиламизнинг молиявий муаммолари ҳам бўй кўрсата бошлади. Мен ҳали коллежда ўқирдим. Икки опам ўзи билан ўзи эди. Каттасининг тўртта, кичигининг учта боласи бўлиб, қўл учида кун кечирришарди. Бу ҳам етмагандай кўп ўтмай кичик опам ҳам қайнонаси билан жанжаллашиб, кўч-кўронини йиғиштириб, жужуқларини эргаштириб, бизникига келиб олди...

Ўтиб еганга тоғ ҳам чидамас экан. Кўп ўтмай захирадаги унча-бунча маблағ тугаб бўлди. Бир муддат онамнинг, опамнинг тилла тақинчоқларини сотиб жон сақладик... Шу орада онам юрак

хуружи билан шифохонага тушиб қолди. Дўхтирлар «операция қилмаса бўлмайди», – дейишди. Тошкентга олиб бориб, кўрсатдик. Операция каттагина маблағ талаб қиларкан... Таниш-билишлардан қарз кўтаришга тўғри келди. Бахтимизга операция муваффақиятли чиқди. Онам соғайиб чиқди. Ўша кунларда оиламизнинг муаммолари бир оз чекингандай бўлганди. Аммо қарзни қайтариш вақти келганда... олдинги қийинчиликлардан юз чандон оғирроқ ғурбатга дучор бўлганимизни англадик. Бир пайтлар қарз бериб, саховат кўрсатган туққан-туғишганларимиз энди уни талаб қилиб, бошимизга маломат тошларини ёғдира бошладилар. Бизларнинг оху зоримизни, муддат сўраб ёлворишларимизни эшитгилари ҳам келмасди... Онам шўрлик остона ҳатлаб чиқолмай қолди. «Тиқ» этган товушдан чўчиб, уйда бекиниб ўтирадиган одат чиқарди. Қорнинг оч бўлса, қаттиқ нон еб кун кўрсанг ҳам бўлади. Аммо инсон таҳқирлашларга, камситишларга, хўрлашларга чидаши мушкул бўларкан. Онам бир томондан бизни қорнимизни тўйдиролмаётганидан эзилса, бошқа томондан «қарз» машмашаларидан юрак-бағри тилка-пора бўларди.

Опам болаларни онамга қолдириб, ҳамшираликка ишга кирди. Лекин топган маоши ўзининг бориш-келишига, тушлигига ҳам етмасди. Боз устига болалари тез-тез шамоллаб турганлиги боис, анчагина ишдан қолиб кетди. Охир-оқибатда ишидан бўшашга мажбур бўлди...

Уйимиздаги кўзга кўринган, қўлга илинган нарсаларни қарз эвазига арзон-гаровга бериб юбордик. Сўнг уйимизни сотдик. Арзонгина кетди. Қарзлардан қутулиб, ўзимизни енгил сездик. Қолган пулга кичикроқ бўлса-да бошпана олмоқчи эдик. Ҳа деганда пулимизга мос турар-жой топилавермади.

Кейин кўққисдан уйларнинг нархи ошиб, қўлимиздаги маблағ каталакка ҳам етмас бўлиб қолди. Ижарада яшай бошладик. Арзонроғини ахтариб, беш-олти жойга кўчдик. Ҳаш-паш дегунча уйнинг пулини ҳам еб тугатдик. Кунимиз жиянларимнинг маҳалладан оладиган ёрдам пулига, дадасидан келадиган арзимас алиментга қолганди. Опамнинг қўни-қўшнилари уй ишларига қарашиб, орттирадиган чой-чақаси ҳам болаларидан ортмасди...

Бировдан қарз кўтаришнинг ҳам имкони йўқ эди. Уйи йўққа ким ҳам қарз берарди! Танг аҳволда қолдик. Қора қозон ҳам қайнамай қолди... Онам эса кундан-кунга ҳолсизланиб, чўкиб борарди. Кунда кунора «тез ёрдам» чақиришга тўғри келарди. Дўхтирлар ёзиб берган «рецепт»лар кўз ёшларимиз билан бўялиб, бир чеккада қолиб кетарди... Онамнинг бизларни хижолатдан қутқариш учун атайлаб «ичим дориға» тўлиб кетди-ёв, шу заҳар ўлгурнинг фойдасини сира сезмадим-да! Дори оламан деб уриниб юрманглар, бари бир ичмайман! Дардини берган Оллоҳ шифосини ҳам берар!» дея такрорлаганда ўзимизни қўярга жой топа олмай қолардик. Тўрт мучаси соғ бўла туриб, кўз ўнгингда адои тамом бўлиб бораётган онаизорингга ёрдам бера олмай томошабин бўлиб қараб ўтиришдан нарига ўтолмаётганингдан ёмон азоб бўлмаса керак дунёда! Шундай пайтларда қушми, капалакми, қурбақами, тошбақами бўлиб туғилмаганингдан афсусланаркансан киши. Ҳаётдан ҳам, яшашдан ҳам безиб кетарсансан...

Кўча-кўч сабаб ўқишларим ҳам ўлда-жўлда қолиб кетди. Ёшликдаги орзу, умидларим саробга айланиб бораётгандай, камбағаллик, ночорлик мени ўз домига тортиб бораётгандай эди...

Ўша куни тушликка одатдагидек қайноқ сувга озроқ ёғ аралаштириб, шўрва қилгандик. Жиян-

ларим «яна шунақа овқатми? Емаймиз, гўшт егимиз келаяпти! Гўшт, гўшт!» деб хархаша қилишди. Шундоқ ҳам ҳар куни деярли бир хил таом истеъ-мол қилишдан безор бўлиб ўтирган барчамизнинг томоғимиздан овқат ўтмай қолди. Хўрлигимиз келиб кетди... Опам йиғлаб, ташқарига чиқиб кетди. Онам ўтирган жойида бир нуқтага тикилганча тошдай қотиб қолди. Уни юпатиш учун ёнига ўтиб, маҳкам қучоқлаб олдим. Шунда унинг унсиз, юракдан йиғлаётганини сездим... Мен ҳам ўзимни тутиб тура олмадим...

– Отангнинг қадри ўтаяпти болам, отангнинг! – деди у зўрға ўзини босиб. – У киши хонадонимизнинг баракаси бўлган эканлар. Борларида ҳамма нарсамиз тўкис эди-я! Ўзи билан баракамизни ҳам олиб кетдилар шекилли. Уйимизнинг файзи йўқолди. Шу кўйга тушиб ўтирибмиз-а! Мен отангни авайлаб-асрай олмадим, болам. Билиб-билмай кўнглига озор етказган кунларимга лаънатлар бўлсин-а!

– Чиндан ҳам отамнинг замонида зориқиш нима эканлигини билмабмиз-а! – шивирлайман мен.

– Бир ўзлари шунчангизни беками-кўст вояга етказдилар. Мен ҳамиша шундай бўлса керак деб ўйлаб юрарканман. Раҳматли ҳаёт бўлганларида бу кўргуликларни кўрмаган бўлармидик?!

– Баъзи дугоналаримга ҳавасим келади. Ўқишга машинада келишади. Кийинишларини айтмай-сизми? – онамни чалғитиш мақсадида атайлаб гапни бошқа томонга бураман.

– Ҳа, болам. Могу давлат қўлнинг кири. Бир келади, бир кетади. Ўксинма, Худо хоҳласа бир кун сизлар ҳам тўкинчиликда яшайсизлар. Ахир менинг отам ҳам, отангнинг оталари ҳам замонасининг бадавлат, тадбирли одамлари бўлишган-ку! – онам шу ўтиришимизга мақтаниш табир жоиз эмаслигидан хижолат бўлгандай оҳиста давом

этди. – Бобом катта савдогар бўлган эканлар. У замонларда бизнинг хонадонимиз ҳам тўкис яшган. Егани олдида, емагани ортида бўлган.

– Бобомлардан сизга ҳеч вақо мерос қолмаганми? – сўрайман қувлигим тутиб.

– Нимасини айтасан! Шўролар даврида давлатманд кишиларни қулоқ қилишган, мол-мулкларини тортиб олишган. Бобом шўрлик бор будини ўзи ихтиёрий равишда давлатга топширган. Отамнинг айтишича, фақат айрим тилла буюмларни ўзида қолдирган. Кейинчалик ҳукуматдан қўрқиб, уларни кўмиб ташлаган экан.

– Ия, бу ҳақда менга ҳеч гапирмаган экансиз-да! Хазина қаерга кўмилганини биласизми? Топиб олсак ёмон бўлмасди! – дейман мен онамга яқинроқ ўрнашиб.

– Ҳа топилса ёмон бўлмасди. Лекин ўша олтинлар ҳақиқатда бўлганми ёки отам менга шунчаки гапирганми – буниси номаълум. Негадир отам бу ҳақда гапиришни унча хушламасди. «Олтин одамга кулфатдан бошқа нарса келтирмайди!» дер эди раҳматли.

– Ҳеч бўлмаса тахминий жойни айтганмиди? – дейман мен тутаяқиб.

– Йўқ, бу ҳақда ҳеч гапирмаган. Аммо...

– Хўш, хўш!

– Раҳматли отам ўлими олдидан ҳовлимизнинг кунчиқар томонида жойлашган тепаликка ишора қилиб, бир нималар демоқчи бўлганди. Бироқ гапиришга мажоли бўлмаганди. Ўшанда негадир мен «хазинани шу ерга кўмган экан-да, шуни айтмоқчимикин?» деган хаёланган боргандим... Балки бошқа бирор гапи бўлгандир. Кечга бориб, отам бандаликни бажо келтирди. Шу билан сир сирлигича қолиб кетди.

– Сиз олтинларни топишга ҳаракат қилмаганмисиз?

– Қайда дейсан! Қийналган пайтларимда бир-икки марта бу фикр хаёлимга келди. Лекин... тўғриси шу тилла қурғурнинг борлигига унчалик ишонмаганман. Кейинчалик у тепалик ҳовли-жой қурилишига бериб юборилди... Балки уни топганимизда бунчалик ғариб аҳволга тушмаган бўлармидик...

Онам чуқур хўрсиниб, мени маҳкамроқ қучоқлади. Сочларимни силади, дудоқларимдан ўпди. Унинг шашқатор кўз ёшлари юзларимни ювди. У хаёлимда ўзининг дардман, ошуфта аҳволдан ҳам кўпроқ оила бошлиғи – она бўла туриб, биз фарзандларини тузукроқ едириб-ичиролмаганидан надоматда эди. Ахир она учун болалари егулик сўраб, чирқираб турганда уларнинг талабини қондиролмай мустар туришдан ҳам ортиқроқ хўрлик бормикин дунёда?! Йўқ, йўқ, бўлмаса керак!

Мен эса тўрт мучаси соғлом фарзанд бўла туриб, касалманд онаизоримга ғамхўрлик қилолмаётганимдан, ожиз ва нотавонлигимдан изтиробда эдим. Ўзимнинг ўғил бола бўлиб туғилмаганимдан афсусланардим. Балки унда ҳаммаси бошқача бўлармиди? Шунда онам, опам, жиянларим ҳеч нарсага зорикмасмиди? Қиз бола бўлсам нима бўпти! Ўғил болалардан қаерим кам! Улар урдадан ишни мен ҳам эплай оламан! Ўқишим бир гап бўлар, ишга киришим лозим! Тирикчилик айб эмас-ку! Онам тузалиб кетса, ўқишни давом эттиришга имкон бўлади...

Хаёлимга келган фикрдан суюниб кетдим. Бехосдан вужудимни қандайдир қатъият, шиддат эгаллади.

Хуллас, онамнинг қаршилиги-ю опаларимнинг эътирозларига қарамай бир ошхонага ишга жойлашдим. Муаммоларимиз бир оз чекингандай бўлди. Шу ерда Норбўта акам билан танишдим. Бошида хўранда сифатида ошхонамизга ҳар за-

монда келиб турарди. Кейинчалик серқатнов бўлиб қолди. Йўлимни пойлайдиган, турли-туман баҳоналар билан совға-саломлар улашадиган одат чиқарди. У кишининг мендан анчагина катталигини, боз устига уйланган, бола-чақаси борлигини билсамда бошида муносабатларимизга безътибор қарадим. Уни ўзимдан қанчалик узоқдаштиришга ҳаракат қилмайин, улашаётган тухфаларидан ўзимни тиёлмадим...

Мен эса виждонимга хилоф йўл тутиб бўлса-да, онамга, оиламга ёрдамим тегаётганидан, жиянларимнинг бир кунига яраётганимдан мамнун, ёш бўла туриб, каттагина хонадоннинг боқувчисига айланганимдан масрур эдим. Бошида онам ҳам, опам ҳам менинг бўлажак эрим билан муносабатларимдан беҳабар эди. Кейинчалик бундан воқиф бўлганларидан эса гишт қолипдан кўчганди... Мен ўн саккиз ёшимда ўзимдан йигирма ёш катта йигитнинг иккинчи хотинига айланиб бўлгандим...

Норбўта акам икки-уч киши гувоҳлигида никоҳ ўқиттириб, мўъжазгина тўй қилдириб, онамнинг қалбидаги турли-туман бемаъни ҳадик-хавотирларни бартараф этди. Эрим бизникига ҳафтада бир-икки марта келиб турса-да, бекаму кўст яшашимиз учун барча шароитни яратиб берган эди.

Куналарнинг бирида гапдан-гап чиқиб, мен эримга бобомнинг олтинлари ҳақида гапириб бердим. Ўша кундан Норбўта акамнинг ҳаловати йўқолди. Онамни гапга солиб, ҳазил-ҳузул билан воқеаларга ойдинлик киритди. Сўнг онам айтган тепаликдаги хонадон эгасини аранг кўндириб, ҳовли-жойини сотиб олишга эришди. Дастлаб бу ишдан бирор нима чиқишини гумон қилиб турган мен ҳам кейинчалик қизиқиб қолдим, юрагимда қандайдир умид учқунлари пайдо бўлди.

Эрим шаҳарга тушиб, турли-туман асбоб-ускуналар олиб келди ва хазинани қидириш ишларини

бошлаб юборди. Хазина топиш осон иш эмас экан. Ҳовлининг чор томони илма-тешик қилиб ташланган бўлса-да, олтиндан дарак йўқ эди. Аммо эрим ҳам анойилардан эмасди. Тушқунликка тушмасдан қидиришда давом этди. Иккита ҳарбийча кийинган йигитни олиб келиб, қандайдир асбоб ёрдамида ҳовлини роса чиғириқдан ўтказишди. Асбоб жиринглаган жойларга алоҳида белгилар қўйиб чиқишди. Йигитлар кетгач, қазиш ишлари жадаллашди... Тандирнинг оғзидек келадиган жойнинг тупроғи юмшоқлиги билан ажралиб қолди. Бу жойнинг муқаддам ё қудуқ бўлганлиги ёхуд хазина яшириш учун атайлаб қазилганлиги равшан эди. Тун ярмидан оққан бўлса-да, эр-хотин чираниб, қазиш ишларини давом эттирдик. Эрим фонус чироғида туртина-туртина тупроқни юмшатиб, челақка солар, мен эса арқон билан челақни тортиб олардим. Чамаси тўрт-беш қулоч чуқурликда белқурак бир қаттиқ жисмга урилди... Ҳаво ўтказмайдиган филофга мустаҳкам ўралган каттагина сандиқ чиқди. Норбўта акам сандиқнинг оғзини авайлаб очди. Шундан кейингина бобомнинг хазинасини топганимизга амин бўлдик. Хазина бўлганда ҳам унча-бунча эмас. Иккита филофигача олтиндан ясалган қилич, икки хум тилла тангалар, турли-туман тақинчоқлар, яна ўн-ўн беш чоғли қадимий китоблар...

Мен қўрқиб кетдим. Онамдан бу олтинлар кишига бахт келтирмаслигини эшитган эдим. Эримни хазинани давлатга топширишга кўндирмоқчи бўлдим. Аммо у унамади. Хазинани топиш учун каттагина маблағ сарфлаганини важ қилиб, сўзида маҳкам туриб олди. Олтинларни фақат хайрли ишларга сарф этишга, энди бутунлай бошқача ҳаёт бошлашга ишонтирди...

Норбўта акам сўзининг устидан чиқиб, ота ҳовлимизни қайтариб олиб берди. Турмушимизнинг

тўкин-сочинлигини таъминлади. Менга шу ҳовлини туҳфа қилди. Катта маблағ сарфлаб, уни қайта таъмирлади, дид билан жиҳозлади. Айтганларимни кулоқ қоқмай муҳайё қилди... Ҳаётимиз тўкис бўлса-да, аммо негадир кўнглим ғаш эди...

Ўша куни кечки пайт уйга бир нотаниш аёл кўнғироқ қилиб, «сен уйингда оғзингни очиб ўтирибсан, эринг эса ресторанда бир ҳурлиқо билан базми жамшид қилиб ўтирибди!» деган гапни айтиб қолди. Мен гарчанд ичимдан зил кетган бўлсам-да, ўзимни бепарводек тутиб, «майли-да, эркак киши, айланиб-айланиб қозигини топиб келади!» дедим. Аёл мендан бошқачароқ жавоб қутган шекилли «баттаринг чиқсин!» дея гўшакни қўйиб қўйди. Бошимдан сув қуйгандай бўлди. Ўзимни қанчалик бу гапнинг бўҳтон эканлигига ишонтиришга уринмай, шунчалик хавотирим орта борди: «Наҳотки икки хотинга қаноат қилмай учинчисини топган бўлса бу кўрнамак! Бобомнинг олтинлари уни қутиртираяпти шекилли! Мени оғзимни арзимас нарса билан мойлаб қўйиб, ўзи «шоҳона» кун кечиришни хоҳлаб қолдим дейман уйинг қуйгур!»...

Апил-тапил кийиниб, йўлга тушдим. Шунда қайга боришимни билмай, нотаниш аёлдан ресторанинг манзилини сўрамаганимдан афсусландим. Таваккал қилиб, ўзим билган бир неча кафе, ресторанларни айланиб чиқдим. Фойдаси бўлмади. Аммо тушкунликка тушмасдан ахтаришда давом этдим. Сўраб-суриштириб шаҳардаги барча йирик ошхоналарга кириб чиқдим. Тополмадим. Аёлнинг гапи ёлғон чиққанидан кўнглим таскин топгандай бўлди. Аммо қалбимдаги шубҳа, гумонлар чўғи ўчмаганди: «Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди. Аёл жуда ишонарли қилиб гапирди. Уни жеркиб солмаганимда манзилини ҳам аниқ айтган бўларди. Балки бошқа шаҳардадир. Балки алақа-

чон ресторандан чиқиб, бирор овлоқроқ жойда кайфу сафони давом эттираётгандир... Яна қаердан изласам экан... Аёл ёлгон сўзлаган бўлса-чи? Бу «хожатбарор» ким бўлса? Нимага эришмоқчи? Менга раҳми келдимикин? Ёки анави манжалақи-га душманлиги борми? Ҳеч бўлмаса, ҳар эҳтимолга қарши телефон рақамини сўрамапман-да! Балки бу мени ёки эримни кўролмайдиган одамларнинг найрангидир. Шунақа одамлар ҳам кам эмас-ку! Бировнинг кулфатидан лаззат оладиган, ўзганинг бахтсизлигидан роҳатланадиган! Нима бўлганда ҳам бу ишни шундай ташлаб бўлмайди. Охирига етмасам, кўнглим жойига тушмайди! Гумон инсонни имондан ажратади дейишади...»

Кеч тушиб қолган бўлишига ҳам қарамай, ўғлимни опамникида қолдириб, таксида эримнинг кўтони томонга йўл олдим. Хайрият у қўрада экан. Мени бундай кеч маҳалда бегона одам билан кўриб, эрим ҳайратидан ёқа ушлади, «бир кор ҳол бўлдимикин» деган хаёлда дудуқланди:

– Садоқат, тинчликми? Нима гап, нима қилиб юрибсан, тентираб?

Мен ўзимни хотиржам тутишга ҳаракат қилиб, дедим:

– Тинчлик, тинчлик, сиздан хавотир олиб...

– Нимадан хавотир оласан, бу ким? – деди у машина томонга имо қилиб.

– Такси ёллагандим. Отахон тоғ йўлларини яхши биларкан. Рус бўлса-да, ўзбекчада тиниқ гаплашаркан, – дедим мен «айбим»ни енгиллаштириш ниятида.

– Кеч маҳалда бегона таксида, жинни-пинни бўлдингми? Гапирсанг-чи?

Эримнинг кучли ҳаяжонланганда шундай дудуқланиш одати борлиги ёдимга тушиб, вазиятни юмшатишга тушдим:

– Ёмон туш кўргандим, шунга хавотирланиб уйда ўтиролмадим...

– Ҳе, тушинг ҳам бор бўлсин, ўтакамни ёрай дединг-ку! Шошмасанг эртага ўзим борардим.

– Негадир юрагим ҳаприқиб кетаверди, – эримнинг бир поғона пастга тушганини сезиб, атайлаб унинг пинжига тикилдим. «Арақ ҳиди келмади. Демак, бугун шаҳарга тушмаган» хаёлимга келган фикрдан кўнглим бир оз кўтарилади.

Кўтонга кириб, бир оз гаплашиб ўтирдик. Эрим бир коса қатиқ билан сийлади. Гап орасида унинг бугун кўрадан бир қадам ҳам нари кетмаганини, ёрдамчилари жавоб олиб, уйларига кетганликлари боис кун бўйи молларга ўзи қараганини билиб, ҳовурим босилди. Аёл тўғрисида гапирсам ўзим шарманда бўлишимни ўйлаб, индамай қўя қолдим.

Норбўта акам кеч бўлаётганини баҳона қилиб, кузатишга шошилди. Мен ортга қайтдим. Аммо эримнинг юз-кўзларида қандайдир бир хавотир, ташвиш борлигини сезгандай бўлдим. «Балки бунга менинг кўққисдан ташрифим сабабдир» деган ўйда ўша пайтда унинг бу ҳолатига унчалик аҳамият бермаганимдан, кечда ўша ерда қолмаганимдан афсусдаман...

\* \* \*

Тергов гуруҳига такси ҳайдовчисини топиш қийин кечмади. Михаил Иванович Садоқатнинг кўрсатмаларини тўла тасдиқлади. Экспертлар чўпоннинг кўтони ёнидан топилган шина излари шу таксига тегишли эканлиги аниқлашди.

Асосий тахминнинг йўққа чиқиши, қолган тахминларнинг натижа бермаётгани, қолаверса жўялироқ, ҳақиқатга яқинроқ тахминнинг йўқлиги, Фахриддин Каримовичнинг хавотирини кучайтирди. Бу қотилликни очиш у ўйлагандан кўра анча қийин кечишини дилдан ҳис қилди.

Терговчининг иши игна билан қудуқ қазишдай бир гап. Шошма-шошарлик кетмайди. Кишидан машаққатли меҳнат, қатъият ва журъатдан ташқари мислсиз сабр-тоқат, тенгсиз ирода талаб этади. Фақат шундагина кутилган натижага эришиш, ҳар қандай сирли жиноятни фош этиш мумкин. Асосийси адашмаслик. Нотўғри йўлга кириб кетиш нафақат беҳуда вақт сарфланишига, бесамар уринишларга сабаб бўлади, балки жиноятчи билан терговчи орасидаги масофани узоқлаштиради, унга жиноят изларини бекитиш, қилмишларини яширишга имкон беради. Фурсат ўтган сари жиноятчининг жазодан қутулиб қолиш эҳтимоли оша боради, аксинча терговчининг жиноятни очиш эҳтимоли даражаси пасая боради... Демак, ўтаётган ҳар бир дақиқа қотилларнинг фойдасига ишламоқда. Шошилиш керак! Қотиллик тафсилотларининг барча деталларини, ҳатто энг аҳамиятсиздек туюлганларини ҳам текшириб кўриш, ҳар бир воқеани, ҳар бир ҳолатни ипидан игнасигача чиғириқдан ўтказиш лозим!... Дарвоқе, улар тузган тахминлар фақат муҳим аҳамият касб этган жиҳатлар асосида тузилмадими? Унчалик аҳамиятга молик бўлмаган фактлар эътибордан четда қолмадими? Ахир унинг тажрибасида бир қарашда майда-чуйдадек туюлган ҳолатларни ўрганиш асосида очилган жиноятлар кам эмас-ку! Кам аҳамиятли ўша ҳодиса нима бўлиши мумкин? Биз нималарга унчалик аҳамият қаратмадик...

Нохосдан эшикнинг тақиллаши Фахридиннинг хаёлини бузди.

– Мумкинми, ҳали ухламадингизми? – эшикда Санжарбек кўринди.

– Келинг, келинг! Уйқу қаерда дейсиз? Тергов қилаётган жиноятини очмагунча терговчининг кўзига уйқу келармиди!

– Бизда ҳам шу касаллик...

Фахриддин ўрнидан қўзғалиб, шогирдига жой кўрсатар экан, «хойнаҳой хаёлига қизиқарлироқ бирор фикр келган бўлса ажабмас» деган ўйга борди:

– Қани гапиринг, қулоғим сизда!

– Устоз, миямга бир фикр келди, – Санжарбек ҳам бирдан муддаога кўча қолди. – Садоқатнинг ўйига қилинган кўнғироқ, унинг тугмачасининг кўрада тушириб қолдирилиши... кимдир бу қотилликни шу шўрликнинг гарданига осмоқчидай туюлмаётгани сизга! Менимча, бу ерда бир гап борга ўхшайди.

– Хўш, хўш давом этинг-чи! – қўлидаги тизгин билан телевизорнинг овозини пасайтирган Фахриддин шогирдига тикилди.

– Бу воқеаларнинг айнан ўша машъум кунга тўғри келганлиги тасодифга ўхшамайди. Аёл кишининг рашки ёмон бўлади. Эрининг бегона аёл билан кайфу сафо қилиб ўтирганини эшитган ҳар қандай аёл тинч ўтира олмайди. «Эр бермоқ – жон бермоқ!» дейди машойихлар. Нотаниш аёл ёки унинг шериклари шуни билган ҳолда Садоқатга кўнғироқ қилишган. Аёлнинг юрагида рашк ўтини ёққан ва бу билан унинг эрини излаб, кўтонга боришига умид қилишган. Воқеалар улар ўйлаганчалик ривожлана борган. Кейин эса тугмача... Негадир бирламчи воқеа жойини кўздан кечиришда тугмача топилмаган. Биз топдик...

– Нима уни биров кейинчалик атайлаб ташлаб қўйган демоқчимисиз? – деди Фахриддин ўзини бир неча кун олдин хаёлидан ўтган бу фикрга таажжуб билан қараётгандек кўрсатиб.

Устознинг қизиқиш билан тинглаётгани Санжарбекни илҳомлантириб юборди:

– Демак, тугмачани кимдир қотилликдан сўнг ташлаб қўйган. Мақсад эса аниқ. Терговни чалғи-

тиб, уни бошқа йўлга солиш, жиноятни эса бир бегуноҳ аёлга ағдариш ва вақтдан ютиб, сувдан куруқ чиқиб кетиш... Ачинарлиси улар маълум маънода ўз режаларига эришдилар. Биз Садоқат билан ўралашиб қолдик...

– Мантиқан хулоса чиқарадиган бўлсак, қотил чўпоннинг оиласига яқин одамга ўхшайди, – устоз атайлаб шогирдини мунозарага чорлади.

– Худди шундай. Акс ҳолда у шахснинг қотилликдан сўнг қўтонга бемалол келиб, тугмачани ташлаб қўйиши осон кечмасди.

– Мушоҳадаларнинг чакки эмас, аммо ким экан ўша «қаҳрамон»? Бирортадан гумонингиз борми?

– Албатта, биринчиси чўпоннинг хотини – Мастура, иккинчиси Яхшилик чўпон... яна...

– Мастура – тушунарли, эрининг хиёнатини сезиб қолиб, бир йўла иккисидан ҳам қутулиш йўлини тутган бўлиши мумкин. Аммо, Яхшилик чўпон нима мақсадда шундай мудҳиш жиноятга қўл урган деб ўйлайсиз?

– Мотив равшан – бойлик орттириш! Бош чўпоннинг хазинасидан хабар топган Яхшилик олтинларни қўлга киритиш пайига тушган. Ахир...

– Формал жиҳатдан сиз ҳақсиз! Бироқ Мастуранинг ҳам, Яхшиликнинг ҳам бу ишни уйдлашига ишониш қийинроқмикин дейман, – деди Фахриддин телевизордан кўзини узмай.

– Одамнинг оласи ичида бўлади. Бу чўпон халимдек ювош кўринса-да, ичидан пишган кўринади. Бундай одамлар ўзини қаерда, қандай тутишни яхши билишади. Сиртдан қараганда беозор ва ғариб кўринса-да, аслида ҳеч нарсдан тоймайдиган муттаҳам бўладилар. Мўминқобиллик улар учун бир ниқоб...

– Бундай фикрга келишингизга бирор жўяли асосингиз борми? Ёки шундан бошқа тахмин қол

магани учун... таваккал қилаяпсизми? – Фахриддин телевизорни ўчириб, шогирдига юзланди.

– Асослар етарли! Мастура хусусида: менимча, эрининг вафотидан унчалик куйинмаяпти, шундай бўлишини олдиндан билгандай... иккинчидан, эрининг бошқа хотинга уйланганини, ундан фарзанди борлигини, уларга уй-жой қилиб берганини эшитиб, бундай хиёнатга чидай олмаган. Рашк ўти кўзларини қонга тўлдирган. Муҳаббат билан нафратнинг ораси бир қадам... – Санжарбек «ошириб юбормадимми?» деган истиҳолада суҳбатдошига тикилди. Устозининг диққат билан тинглаб тургани унга янада илҳом бахш этди: – Мастура эрининг олтинлари қаерда сақланишини билган. Хазинанинг фақат иккинчи хотин учун сарф бўлаётгани унинг ғазабини янада оширган. Ҳам эридан, ҳам бутун бошли хазинадан ажралиб қолишидан кўрққан. «Аёл кишининг макри қирқ туяга юк бўлади» дейдилар. Эридан тамомила умидини узган хотин энди ундан қутулиш чораларини излай бошлаган. «Фақат шу йўл билан шусиз ҳам таги кўриниб қолган хазинани сақлаб қолиш» мумкин деган тўхтамга келган... Қотил ёллаган....

– Қойил, жуда зўр, жуда ишонарли! – Фахриддин кулимсираб шогирдига тикилди.

Бу гап чин кўнгилдан айтилдими ёки шунчаки пичингми Санжарбек англолмай қолди.

– Бу тахмин билан ишлашдан олдин икки нарсани аниқлаш лозим, – давом этди Фахриддин. – Биринчидан, Мастура эрининг бошқа хотини борлигини билганми? Агар билган бўлса, албатта тўполон кўтарган, эри билан жанжаллашган бўлиши табиий. Бунини бошқалар билмаслиги мумкин эмас. Лекин Яхшилик чўпоннинг гапига қараганда «гумондор»имиз эрининг хиёнатидан хабардор бўлмаган. Садоқат ҳам кундоши билан тўқнаш кел-

маганлигини таъкидлаган эди. Иккинчидан, Мастуранинг эри топган хазинадан воқиф эканлиги ҳам номаълум. Шу икки ҳолатга ойдинлик киритимасдан бу тахмин билан ишлашдан маъни йўқ.

– Рухсат этсангиз, эртага шу йўналишда иш бошласам!

– Рухсат, рухсат! – деди Фахриддин Каримович бошини сарак-сарак қилиб. – Одатда, бу каби жиноятларга ё рашк ёки бойлик, зебу зар сабаб бўлади. Бу ерда ҳам икки хотиннинг эр талашиши ёхуд Норбўта чўпон топган хазина қотилликни келтириб чиқарган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Нима бўлганда ҳам олтинларни излаб топишимиз зарур! Аммо биз бошқа тахминлар устида ишлашни ҳам тўхтатмаслигимиз лозим.

Санжарбек суҳбат якун топганлигини ҳис қилиб, ўрнидан қўзғалди, устозига хайрли кеч тилаб, хонасига шошилди...

\* \* \*

Кечаси билан турфа хаёллар оғушида тўлғаниб чиққан бўлишига қарамасдан Санжарбек каллаи саҳарлаб туриб олди. Бугунги кун ишида қандайдир силжиш ясашига, анча пайтдан буён бир жойда қотиб турган тергов жараёнлари ниҳоят жонлашиб кетишига, қилаётган тахминлари, юритаётган мулоҳазалари тўғри чиқишига қалбининг бир чеккасида пайдо бўлган умид учқунлари унга илҳом бахш этаётгандай эди.

Устози ҳали уйғонмаганига ишонч ҳосил қилгач, меҳмонхона ошхонасида енгилгина нонушта қилиб, ишга шошилди. Терговчилар учун ажратилган мўъжазгина хонага кириб, бугунги кун режасини оққа тушира бошлади, сўнг телефон гўшагини кўтариб, тезкор гуруҳ аъзоларига топшириқлар беришга киришди...

Кўринишидан уйкуга тўймаганлиги аён бўлиб турган Фахриддин Каримович хонага кириб келганда, Санжарбек унча-мунча ишларни ўринлаштишга улгурганди.

– Устоз сизни барвақт безовта қилгим келмади, яхши дам олдингизми?

– Бирнав! Тунда уйқум қочиб кетди, тонг маҳали кўзим илинибди, – Фахриддин жойига ўрнашиб, «нима гап?» дегандай шогирдига юзланди.

– Ҳар икки йўналишда ишни бошладик. Йигитларни Мастура билан Садоқатнинг қўни-қўшнилари, таниш-билишлари, яқинлари билан суҳбатлашиб, масалага ойдинлик киритиш учун юбордим. Ҳар иккисининг телефон рақамлари бўйича сўзлашувлар рўйхатини олиш учун телефон тармоқлари корхонасига сўровнома жўнатдим. Учта хонадонда тинтув ўтказиш тўғрисида санкция тайёр.

– Жуда яхши! Тинтувга кимларни юбормоқчисиз?

– Рухсат этсангиз, Садоқатникига ўзим борсам! Мастураникига – Маҳкам Ҳакимович...

– Мастураникига мен ўзим бораман. Маҳкам сиз билан борсин. Яхшилик чўпонникига шошмай турайлик! – Фахриддин шаҳд билан ўрнидан қўзғалди. – Ҳа, дарвоқе метал қидирувчи мутахассислар таклиф қилинганми?

– Албатта! Буни ёддан чиқариб бўладими? – Санжарбек «хафа қиляяпсиз!» дегандай устозига кулимсираб қаради.

– Ундай бўлса, по коням! – устознинг чеҳрасида шогирдидан мамнунлик аломати зоҳир бўлди...

Норбўта чўпоннинг уйида – Мастураникида ўтказилган тинтувда терговга нафи тегиши мумкин бўлган арзигулик нарса аниқланмади. Хоналар, ёрдамчи бинолар, молхона, тандирхона, ўчоқ боши, уйларнинг шифтлари, томлари, деворлар,

ҳовли сатҳи метал қидирувчи махсус асбоблар билан обдан текширувдан ўтказилган бўлса-да, хазинадан ном-нишон бўлмади. Уйдан топилган унча-бунча нарсалар орасидан фақат Норбўтанинг пальтоси чўнтагидан топилган бир парча қоғоз ва унинг орқа томонига ёзилган телефон рақами Фахриддиннинг диққатини ўзига тортди. Сарғайиб, титилишдан нари-бери қоғознинг олд томонида «Квитанция...», «ООО Биллур», «г.Самарқанд» деган ёзувлар аранг кўзга ташланарди. «От кого», «наименование», «масса», «подпись», «число» қаторлари тўлдирилмаган, бўш эди. Ҳужжатнинг бланкасидан телефон рақамини ёзиб олиш учунгина фойдаланилганлигини англаш қийин эмасди.

Фахриддин қоғоздан нигоҳини узмай мантиқий хулосалар чиқаришга киришди: «Демак, Норбўта тилла буюмларини топшириш учун Самарқандга борган. «Биллур» номидан заргарлик дўкони ёки ломбард бўлса керак, деган хулосага келди. Ўша ердан кимнингдир телефон рақамини олган. Дўкондор ёзувидан аёл киши бўлса керак, қоғоз топмасдан стол устидаги бўш квитанция бланкаси ортига рақамни ёзиб берган. Телефон рақами кимники бўлса! Балки тилла тангаларни сотиб оладиган одамни тавсия қилгандир. Балки китобларни ўтказиш ниятида...»

– Кетдикми? – алақачон машинасини ўт олдириб, у ёқдан бу ёққа бориб келаётган Маҳкамнинг зардали овози гуруҳ раҳбари хаёлини бузди.

– Кетдик, кетдик! Ҳамма чиқдимми? – Фахриддин атрофга аланглаб, машинанинг олд ўриндиғига жойлашди. Йўл бўйи «оғзига талқон солиб келаётган» Маҳкамнинг тунд башарасига қараб, «тинтув натижа бермаганидан, уринишлар бесамар кетаётганидан сиқилаяпти шекилли, ажойиб феъли бор экан-да!» деган ўйга борди. Гарчанд шамолдай

учиб кетаётган машина деразадан атрофни кузатиб кетаётган бўлса-да, хаёллар уни Самарқанд тарафга етакларди: «Наҳотки калаванинг учи топилган бўлса! Аммо бундан бирор наф чиқармикин? Хўш, заргарни топдик ҳам дейлик. У «тўғри, чўпон менга тилла тақинчоқларини, айрим буюмларни топширган ва пулини олган, унинг илтимосига кўра яна бир заргар дўстимнинг ҳам телефон рақамини берган эдим» деса, иккинчи заргарни ҳам топсагу у ҳам «тўғри, чўпон менга тилла тангалардан бир қанчасини таклиф қилганди, мен тангаларни олишга рози бўлмадим» ёки «улардан бир қисмини сотиб олдим, бошқа уни кўрмадим» деса, нима бўлади? Тергов яна тупикка кириб қолмайдами? Балки... уларнинг қотилликка дахли йўқдир! Балки... Нима бўлганда ҳам бу бир парча қоғозда бир сир яширинга ўхшайди. Масаланинг бир учи Самарқандга бориб тақалса ажабмас!...

Санжарбекнинг гуруҳи алақачон қайтиб, ишда ўтирарди. Фахриддин машинадан тушаркан «уларда нима янгилик бор экан?» деган хаёлда кабинети томонга шошилди.

– Бўрими, тулки? – Санжарбек одатдагидек тиржайиб устозига пешвоз чиқди.

– Деярли ҳеч нарса йўқ! Сизларда нима гап?

– Мана бунга қаранг, – деди Санжарбек стол устидаги қалин муқовали дафтарни унга узата туриб, – Садоқатнинг кундалиги.

– Кундалик тутармикин? – Фахриддин дафтарни кўлига олиб, варақлашга тушди.

– Кундалик айрим нарсаларни ойдинлаштиришда бизга нафи тегади деб ўйлайман. Ундаги гапларга ишонадиган бўлсак, Садоқатнинг берган кўрсатмаларида деярли ёлғон йўққа ўхшайди.

– Нима учун «деярли»? – деди Фахриддин дафтардан кўзини узмай.

– Яъни у Мастура билан ораларидаги тўқнашувни биздан яширган экан, холос.

– Демак кундошлар орасида...

– Мана бу жумлаларга эътибор беринг! – Санжарбек устозининг қўлидан кундаликни олиб, варағи қайрилган жойни очди ва овоз чиқариб ўқишга тушди: «Бугун уйга яна Мастура келди. Мени, боламни оғзига келган ёмон сўзлар билан ҳақоратлади. Мен қўшнилар эшитиб қолмаслиги учун уни тинчитишга ҳаракат қилдим. «Эримни тинч қўймасанг, сениям ўша ҳароми болангниям ўлдираман, хонумонингни куйдириб жараман» дея пўписа қилди. Мен унга «Эринг менга керак эмас, керак бўлса ўзинг йиғиштириб ол!» дедим. У «агар эрим сен қанжиқдан кечмайдиган бўса, униям гўрга тиқаман, қўшмозор бўласанлар!» деди. Мен бу машмашалардан безор бўлдим... тўйдим...»

– Садоқат нима учун бу ҳолатни биздан яширган экан? – деди Фахриддин қоғоздан кўзини узмай.

– Ўлган одам ўлиб кетди, энди бу гапларнинг кимга кераги бор» деди.

– Майли сиз кундаликни диққат билан ўқиб чиқинг! – Гуруҳ раҳбари дафтарни ёпиб, тўрдаги креслога чўкди. – Балки Садоқатнинг ички кечинмалари бирор нарса берар!

– Сизларда нима гап устоз! – Санжарбекнинг сабри чидамади.

Фахриддин Каримович Норбўта чўпоннинг уйида ўтказилган тинтув натижалари ҳақида қисқача гапириб берди, чўнтакдан топилган телефон рақами хусусида ўз мулоҳазаларини билдирди.

– Бу ерда бир гап борга ўхшайди! Ўйлаганимиздек, излар бизни Самарқандга чорламоқда! – Санжарбек «энди нима қилдик» дегандай устозига юзланди.

– Мен тезкор ходимлардан бирини олиб, Самарқандга жўнайман. Сиз бу ердаги ишларни да-

вом ёттиринг! – Фахриддин ички телефон гўшагини кўтариб, топшириқ берди: – Ярим соатдан кейин тергов гуруҳи аъзоларини йиғинг!

Тергов-тезкор гуруҳ аъзоларига тегишли топшириқ бергач, кеч бўлиб қолганлигига қарамасдан Фахриддин Каримович жиноят қидирув бўлими тезкор ходими Авазжон ҳамроҳлигида доvon оша йўлга тушди...

\* \* \*

«Биллур» масъулияти чекланган жамиятига қарашли заргарлик дўконини топиш унча қийин кечмади. Дўкон мудури – Раиса Халиловна олтамишлардан ошган бўлса-да, қош-кўзларини келинчақлардек бўяб олган, бақалоқдан келган, аммо чаққонгина аёл прокуратурадан ташриф буюрган «меҳмонлар»ни ўзгача тавозе билан илиқ кутиб олди.

Фахриддин Каримович хизмат гувоҳномасини очиб, ўзини ва шеригини таништирди.

«Республика прокуратураси» сўзини эшитиб, мезбоннинг ранги хиёл ўзгарди. Шу тобда унинг кўнглидан нималар кечаётганини англаш қийин эмасди. Шундай бўлса-да, кўпни кўрган аёл ўзини бепарводек тетик тутишга ҳаракат қиларди:

– Хуш келибсиз, меҳмонжонлар! Как създили! Чарчамасдан етиб келдингизларми? Б-и-и-знинг шаҳар с-и-и-зларга ёқдим-и-и?

Фахриддин саволларга қисқа – қисқа жавоб қайтариб, аёлнинг ҳаяжонини тезроқ босиш учун мақсадга кўча қолди:

– Опажон, дўконда қачондан бери ишлайсиз?

– Кўпдан бери, очилган кунидан демоқчиман, лет пятнадцать.

– Қашқадарёлик Норбўта чўпонни танийсизми? – Фахриддин сумкасидан чўпоннинг расмини чиқариб, аёлга узатди.

Раиса суратга зимдан тикилиб, «Нет-нет, бу одамни танитайман, ким экан» деди.

– Сизга бирор нарса топширган бўлиши мумкин?

– Можетъ быть! Конечно, всех невспомнищ! Қачон топширган экан ўзи?

– Бир йилча олдин.

– Унда ҳужжатларни кўтариб, аниқласак бўлади! – Раиса қаҳва кўтариб кирган чиройли, бўйдор, аммо ҳар қандай йигитнинг эътиборини тортадиган даражада калта кийиниб олган котиба қизга буюрди:

– Милая, подними и принеси пожалуйста, архив за прошлый год!

Қиз ўтирганларга илиқ табассум улашиб, қадам ташлаганда кўтарилиб тушаётган этагини пастрга торта-торта чиқиб кетди ва зум ўтмай иккита қалин муқовали китоб кўтариб келди.

– Чўпонинг исми шарифи қанақа эди? – деди мудира китобларни варақлай туриб.

– Нормўминов Норбўта!

– «И», «Й», «К» вот-вот, значит «М» мана «Н» – Раиса китобни ярмидан қайириб, керакли варағини очди.

– Нор... нор.. Нормўмин, бор экан... Йигирма турдаги тилла ювильерные изделия топширган! Мана, сами взгляните! К статье, мен у одамни эсладим.

Фахриддин энгашиб қоғозга тикилди. Ҳақиқатда чўпон топширган йигирма номдаги тилла буюмларнинг таснифи, вазни батафсил ёритилганига амин бўлгач, мудирага юзланди:

– Раиса Халиловна, айтинг-чи Номўминов топширган тилла буюмлар қадимий эдими? Чўпон уларни қаердан олган бўлиши мумкин? Демокчи-манки, шунақа буюмлар ҳозир ишлаб чиқариладими?

– Если меня память не обмануть, тақинчоқлар ростдан старинный эди. Унақаси ҳозир чиқмай-

ди. Лекин биз клиентлардан буюмларни қабул қилишда уни қаердан олганлиги билан қизиқмаймиз. Это не наше компетенция!

– Ўша буюмлардан ҳозир сотувда қолганми?

– Йўқ, қолмаган, давно продали!

– Уларни ким сотиб олганлигини билса бўлади-ми?

– Йўқ, йўқ! Бунинг иложи йўқ! Биз воситачимиз, клиентлардан оламиз, бошқасига сотамиз! Ким сотиб олганини рўйхатга олмаймиз. Буюм сотилгач, биз ўз процентимизни олиб қолиб, пулини эгасига қайтарамиз.

– Норбўта чўпон топширган буюмларининг пулини қачон олган?

Мудира бошига кўндирилган кўзойнагини тушириб, китобга тикилди:

– Вот его роспись, ўтган йили 21 ноябрда охириги пулини олган!

– Норбўта фақат шу 21 турдаги буюмларни топширганми?

Мудира бир оз ўнғайсизланиб, эшитилар-эшитилмас жавоб қайтарди:

– Только вот эти вещи! Больше нечего!

Фахриддин кўлидаги ҳужжатлар орасидан бир парча қоғозни ажратиб, мудирага узатди:

– Мана бу ёзув сизга тегишлими?

Раиса қоғоздаги ёзувга разм солиб, «действительно мой почерк» деб пичирлади. Қоғознинг орқа томонини ўгириб, «наш бланк» дея, таажжуб билан қаршисида кўзини лўқ қилиб турган терговчига қараб:

– Бу нима? Откуда это у Вас! – деди бўшашиб. У бир нарсани пайқагандай ҳаловатини йўқотди, унинг аввалги тетиклигидан асар ҳам қолмаган эди. Миясида «Бу яна нима бўлсайди, бир балога аралашиб қолдим-ов!» деган фикр чарх урарди.

– Бу қоғоз марҳум Норбўта чўпоннинг чўнтагидан топилади.

– Ё Худо раҳмат қилсин! Бечора қачон ўлди, қандай қилиб? – Раиса кўзойнагини ечиб, терговчига ҳайрон тикилди.

– Шу ойнинг бошида, у кўтонида номаълум шахслар томонидан ўлдирилган. Биз шу қотиллик юзасидан терговни олиб бораяпмиз!

– Ё Оллоҳ, ё Оллоҳ! Раҳматли яхши одам эди, простойгина... вой бечора...

– Раиса Халиловна, бу телефон рақами кимга тегишли? – деди терговчи қоғоздаги ёзувга ишора қилиб.

Мудира қоғозни яна кўлига олиб, ундаги рақамларга диққат билан тикилди:

– Икки юз ўттиз беш тўқсон тўқсон! Ия, бу кўшним Адибанинг телефони-ку!

– Кўшнингиз... Адиба... нима...

– Бўлди, бўлди! Эсладим. Нор... Нор... оти нимаиди!

– Норбўта! – Келгандан бери бир оғиз очмай ўтирган Авазбек гапга кўшилди.

– Раҳмат! Норбўта охирги марта келганда «Менда бобомдан қолган старинний китоблар бор, уларни сотмоқчиман, танишингиз борми?» деб сўраган эди. Шу сабабли мен унга тарих музейида ишлайдиган соседим Адибанинг телефонини берган эдим. У араб тили бўйича специалист! Шунақанги қадимий китоблар билан қизиқиб юрарди... – Раиса бир нарсадан халос бўлгандай енгил тин олди.

– Кейин-чи... кейин нима бўлди? Норбўта Адибанинг олдига бордимиз? – Фахриддин тоқатсизланди.

– Кейин билмадим! Улар учрашганми, йўқми сўрамапман! – Раиса гуноҳкордай елка қисди. – Ҳа, ҳа адашмасам ўша куни мен Адибанинг иш-

хонасига телефон қилиб, унга бир одамни юбор-  
ётганимни тайинладим. Унда қандайдир китоб-  
лар бор эканлигини айтдим. Адиба, китобларни  
эшитиб, «ҳозир келсин, ишда бўламан», деганди.  
Кейин Норбўтага ҳар эҳтимолга қарши унинг те-  
лефонини ёзиб берган эдим! – Раиса «Бор гап шу!  
Бўлдимиз?» дегандай терговчига юзланди.

– Норбўта сизга ўша китобларни кўрсатган-  
миди? – деди терговчи қоғозларини йиғиштира  
туриб.

– Йўқ, йўқ! Ҳеч қанақа китоб кўрсатмаган!

– Балки китобларни ўзи билан бирга олиб юр-  
гандир, кўзингиз тушмаганмиди?

– Бўлса бордир! У доимо каттагина сумка билан  
юрарди, черт знает унда нималар бўлган! – хавоти-  
ри анчагина босилган Раиса бардам жавоб берди.

Фахриддин бўлиб ўтган савол-жавобларни «Гу-  
воҳни сўроқ қилиш баённомаси»га туширгач,  
дўкондагилар билан хайр-маъзур қилиб, тарих му-  
зейи томонга отланди.

– Хўш жаноб тезкор ходим, Раиса тўғрисида  
фикрингиз қандай? – Фахриддин орқасидан эрга-  
шиб келаётган шеригига ўтирилди.

– Анчагина олифта жувонга ўхшайди. Аммо  
тўғрисини гапирди чамамда! – Аваз ўйлаганлари-  
ни тўкиб солди.

– Ҳа, менимча ҳам рост гапирди! Ёлғон гапи-  
ришдан унга нима наф! Аммо, у ниманидир биз-  
дан яширишга ҳаракат қилмадимиз? – терговчи  
жиддийлашди. – Нимани яширган бўлса экан?

– Унинг қинғир ишлари кўп! Қилмишининг  
ошкор бўлишидан қўрқади! – жинойт қидирув бў-  
лими ходими касбига хос фикрлади.

– Бу гапингизда ҳам жон бор! Норбўта топшир-  
ган олтинларнинг фақат бир қисмигина дўконга  
кирим қилинган. Тилла тангалар, яна айрим бу-

юмлар рўйхатда кўрсатилмаган. Дўкандор шундан хавотирда! Ҳа майли, ҳозир чалғимайлик, лозим бўлса масалага яна қайтамиз!...

\* \* \*

Адиба Раисанинг гапларини тасдиқлади. Норбўта ҳақиқатда унга ўн-ўн беш чоғли араб ёзувидаги қадимий китобларни сотиб олишни таклиф қилганлиги тан олди:

– Ўша пайтда мен қизимни турмушга берган эдим. Тўй харажатларини биласиз. Ортиқча пулим йўқ эди. Аммо у киши келтирган китоблар чиндан ҳам қадимий ва ноёб эди. Норбўта китобларни музейга ҳадя қилишга унамади. Унга пул керак экан. Китоблар бегона бўлмаслиги учун уларни музейимиз директори ўринбосари Ҳикмат Юсуповичга кўрсатдим. Унга қандай қилиб бўлса-да, маблағ топиб, китобларни музейда олиб қолиш лозимлигини уқтирдим. Уларни таништириб қўйдим...

– Китоблар ҳозир музейда сақланмоқдами? – Адибанинг гапини бўлди Фахриддин.

– Йўқ, китоблар бизда эмас... Ҳикмат аканинг гапига қараганда, Норбўта китоблар учун... қиммат сўраган... «Нарҳида келишолмадик» деганди.

– Норбўта китобларни қайтариб олиб кетган демокчимисиз?

– Бу ёғи менга қоронғи! Ҳикмат ака...

– Ҳозир у киши шу ердамилар?

– Менимча йўқ. Қаергадир хизмат сафарига кетган шекилли...

Фахриддин шеригига ходимлар бўлимида, ҳисобхонада Ҳикмат Юнусович ҳақида маълумотлар йиғишни топшириб, ўзи музей директори қабулига кирди.

Қирқларни қоралаган, узун бўйли, истараси иссиқ раҳбар Эркин Абдуллаевич терговчини очиқ чеҳра билан кутиб олди.

Одатдаги салом-алиқдан сўнг, терговчи хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, ўзини таништирди ва бирдан мақсадга кўчди:

– Эркин Абдуллаевич, музей учун янги экспонатларни, осори-ақиқаларни қабул қилиш тартиби қандай?

– Фуқаролар, ташкилотлардан экспонатларни қабул қилиш учун биз уларни экспертизадан ўтказамиз. Агарда улар ҳақиқатда тарихий, маданий қийматга эга бўлса, белгиланган тарифларда сотиб оламиз. Албатта, биз бу экспонатлар учун бозор нархида ҳақ тўлай олмаймиз... – директор «ўзи нима гап?» дегандай терговчига тикилди.

– Ўринбосарингиз Ҳикмат Юсупович хизмат сафарида экан-а! Қаерга кетган?

«Прокуратуранинг, яна Республика прокуратурасининг у билан қизиқиши бежизга эмас, бу Ҳикмат кургур бирор нарсани бошлаган кўринади. Айтдим-а, кейинги пайтларда юриш-туриши бежо эди, ҳаловати йўқолгандай... бир жойда ўтиролмай қолганди... ишга кечикишлар... Икки-уч кунлаб ишга келмай қолишлар... ҳа, бу бола тек эмас...бирор жиноят устида қўлга тушдимикин?...» бир зумда Эркиннинг хаёли қай кўчаларга кириб чиқмади.

– Хизмат сафари узоқда эмасми? – терговчи саволини такрорлади. – Уни чақирिशга тўғри келади.

– Ҳа, йўқ, Тошкентга кетган эди. Чақирिश лозим бўлса – чақиртирамиз.

Эшик оҳиста тақиллаб, хонага қўлида бир даста қоғозлар билан Авазжон кириб келди:

– Ассалому алайкум! Халақит қилмадимми?

– Авазжон тергов гуруҳининг аъзоси, бирга келганмиз. Бу киши эса музей директори Эркин Абдуллаевич! – Фаҳриддин таништирган бўлди.

– Хуш кўрдик, меҳмон, ўтиринг! – директор ўрnidан туриб, Авазжонга жой кўрсатди. – Сизлар ўтира туринглар, мен Ҳикматни чақиртирай!

– Бу Ҳикмат деганлари бало чиқди! – Авазжон қоғозларни варақлашга тушди. – Кейинги олти ой давомида деярли ишда бўлмаган! Навбатдаги таътилда бўлган, кейин уч марта ўз ҳисобидан таътил олган, хизмат сафарлари... Уч марта хорижга чиққан – Туркия, Россия, Францияда сафарда бўлган. Араб, инглиз ва рус тилларини мукаммал билади. Қадимий ва ноёб китоблар билан қизиқади, уйида каттагина кутубхонаси бор. Икки кун олдин Тошкентга Вазирликка иш билан кетган. Ҳамкасбларининг айтишича, кейинги пайтларда ҳафтада бир-икки марта ишда кўринадиган бўлиб қолган...

– Муқаддам қаерда ишлаган экан? Ота-онаси кимлар?

– Уч йил олдин Тошкент давлат шарқшунослик институтини араб тили мутахассислиги бўйича таъмомлаган. – Аваз кўз қири билан қўлидаги «шпаргалка»га қараб олди. – Отаси Юсуф Жумаёв, Самарқанд давлат университети профессори, фалсафа фанлари доктори, онаси Санобар Жумаева, университет кутубхонаси мудираси. Зиёли оила.

– Хорижга хизмат сафарига чиққанми ёки саёҳатга? – Фахриддин қоғоздан кўзини олмай «сўроқ»ни давом эттирди.

– Ҳар учала давлатга ҳам хизмат юзасидан эмас, сайёҳ сифатида борган, боя таъкидлаганимдек ўз ҳисобидан «отпуска» олган.

– Яна асосан қаерларда бўлган дедингиз?

– Хизмат сафарлари... а-с-о-с-а-н Республика-миз и-чи-да-... – домласига имтиҳон топшираётган талабадай дудукланди Аваз. – Ҳа, мана Тошкентга 4 марта, Бухорога 3 марта... яна... Қаршига...

– Қаршига ҳам борганмикин?

– 4 марта!

– Нима мақсадда?

– Билма-а-дим!

– Нима учун!!! Хизмат сафарининг мақсадини аниқламадингизми?

– Ҳали бунга улгурмадим! – Авазнинг пешанаси тиришди. Шундай бўлса-да, норозилигини сездирмаслик учун кўшиб қўйди: – Ходимлар бўлимига топшириқ бердим, бу ҳақда маълумотнома тайёрлашмоқда.

– Яхши! Раҳмат сизга! Офарин! – Фахриддин ҳамроҳини ноўрин хафа қилганлигини англаб, рағбатлантириб қўйди. – Бугунча етарли! Қолганини эртага давом эттирамиз...

\* \* \*

Фахриддиннинг уйқуси қочиб кетди. Меҳмонхонада бир нуқтага тикилганча хаёллар оғушига чўмди: «Наҳотки бу тахмин ҳам йўққа чиқса! Яна нотўғри йўлга тушиб қолишган бўлса! Аслини олганда бошқа тузукроқ тахмин ҳам йўқ-ку! Ноумид шайтон. Балки калаванинг учи айнан шу ердadir. Таҳлил қиладиган бўлсак, Норбўтага тиллаларни ҳам, ноёб китобларни ҳам ўтказиш учун Самарқанд қулайроқ. Шаҳрисабз, Китоб ёки Қаршида бу нарсаларга унчалик харидор топилмаслиги мумкин. Чўпон бекорга Самарқандни танламаган. Раисага топширилган тиллалар унчалик кўп эмас. Демак, тиллаларнинг асосий қисми бошқа бировга сотилган. Ёки Раиса уларни рўйхатга киритмаган... Бу заргарлар олиб қолган маҳсулоти учун олдиндан ҳақ тўламаса керак. Аввал сотиб, пулини кейин бериши табиий. Раиса тиллаларнинг пулини бермай чўпонни сарсон қилган. Ўртада низо чиққан, қарздан қутулиш учун заргар охирги йўлни танлаган... Албатта ўзи эмас. Ёлланма қотилларни ишга солган. Сўроқ пайти ўзини бошқача тутиши ҳам шундан бўлса ажабмас. Кейинчалик китоблар ҳақида сўрай бошлаганимдан сўнг ўзи-

ни бир оз босиб олди. Уйида тинтув ўтказиш керакмиди? Балки тангалардан сақланиб қолган бўлса. Йўқ, йўқ! Бунга асос етарли эмас. Қолаверса, у – заргар кўра-била туриб далилий ашёни уйида сақлашига ишониб бўлмайди... Бошқа томондан аёл киши бойлик йўлида шундай ишга қўл уриши... Ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Бой одам янада бойисам дейди. Мол-дунё кўзларини кўр қилиб қўяди... Балки Раисадан бекорга шубҳа қилаётгандир. Норбўта хазинанинг қолган қисмини ишончли жойга бекитиб қўйган бўлиши ҳам мумкин-ку! Садоқатнинг гапига қараганда хазинанинг салмоғи анчагина. Чўпон унинг қанчасини ишлатишга, сарфлашга улгурган бўлса! У нималарга харж қилган? Иккинчи хотин учун уй-жой, шароит қилиб берганини, ўзига автомашина олганини инobatга олмаса, бошқа бирор нарса сотиб олгани ёки қургани кўзга ташланмади. Банкка ҳам пул қўймаган... Демак, хазинанинг каттагина қисми бузилмасдан турибди. Унда, қани ўша хазина? Иккала ҳовлида ҳам йўқ. Мастура бу ҳақда эшитмаган кўринади. Садоқат-чи? Аслида хазина унга тегишли-ку! Олтинлар унда сақланмаяпти-микин? Айтайлик, онасининг уйида... Йўқ, бунга ишониш қийин. Тиллани ҳеч ким бировга, ҳатто у туққан онаси бўлсин – бериб қўйиб, тинч ухлай олмайди. Садоқат кўнса-да, бунга Норбўта кўнмаган бўларди... Шунча олтинни сақлашнинг ўзи бўлмайди. Эркин Воҳидовнинг «Олтин деворида»ги туппа-тузук Мўмин чолнинг топган тилласини яширолмай жинни бўлиб қолгани бежиз эмас. Унинг дўсти – Абдусалом қария эса аксинча хазина топганини ҳеч кимга сездирмай, ўта босиқлик билан иш тутади, олтинларни шошмасдан сарфлашга тушади. Аммо девордан топилган бу олтинлар ҳар иккисига ҳам насиб этмайди... Норбўтани

бу қариялардан қай бирига ўхшатиш мумкин? У оддий чўпон бўлса-да, тилла учун девона бўладиган одам эмаслиги аниқ... Бундан чиқди хазина чўпонда ва у хазинани маҳкам бекитган... Қўтони-га... йўқ, йўқ, у ерда кўз кўп, бирор тоққами, дарагами, форгами яширган. Унда тилла чўпоннинг ўлимига сабаб бўлмаганми? Балки кимдир хазина-нинг дарагини эшитиб, уни топиб беришни талаб қилгандир. Чўпон бунга кўнмаган. Натижа ўлим билан тутаган. Йўқ, бу тахмин ҳам унчалик «ўхшамаяпти». Ахир ўша машъум кеча чўпон қотилларни кутган-ку! Чўлиқларга жавоб бериб юборган... Босқинчиларни ўзи чақирмагандир... Янаям Худо билади! Балки хазина алақачон Самарқанд заминига етиб келгандир. Раиса Норбўтани кўрган, унинг олтинларига назари тушган эҳтимол ягона инсондир... Ҳа, қай томондан олиб қарамайлик масаланинг бир учи Раисага келиб тақалмоқда... Ёки қотилликка китоблар сабаб бўлганмикин? Ахир қадимий қўлёзмаларни «қора бозор»да жуда катта пулга ўтказиш мумкин эмасми? Ҳикмат – мутахассис, китобларнинг баҳосини яхши билади. У Норбўта олиб келган бир неча китобни арзимас нархда сотиб олишга эришган. Қолган китобларни қўлга киритиш учун уларни сотишни хоҳламаётган чўпонни жисмоний йўқ қилишга тўғри келган... Ҳикмат деганлари ким ўзи? Зиёли оилада тарбия топган, бир неча тилларни биладиган иқтидор эгаси шунақа жирканч жиноятга қўл ура оладими? Китоблар қаерда бўлса? Уйида сақлаётганмикин? Аллақачон сотиб юборган бўлса-чи! Кимга сотганини аниқлай олмасак, биз тагин боши берк кўчага кириб қолмаймизми? Қўлёзмалар топилмаса, Ҳикмат «Норбўта билан нархида келиша олмадик, китобларини қайтариб олиб кетди, шундан сўнг уни бошқа кўрмадим» деб туриб олиши мумкин... Агар

китоблар ўзида бўлса, уларни яширишга уриниши турган гап. Ҳар эҳтимолга қарши эрталаб, Аваз-ни унинг уйини кузатув остига олиш учун юборгани маъқул! Дарвоқе, кейинги пайтда Ҳикматнинг кўп вақти сафарда ўтган. Хорижга нима мақсадда чиққан? Китобларни пуллашгами? Ёки бошқа юмуши бўлганми? Туркия... Франция... Россия... бу давлатларни бир-бирига қандай яқинлиги, боғловчи жиҳатлари бор! Шунчаки айланишга, саёҳатга борган бўлса-чи! Йўқ! Иш жойидан меҳнат ҳақи сақланмайдиган таътилга чиқиб, саёҳатга бориши эҳтимолдан йироқроқ. Бирор юмуш бўлмаса, ишли одам чет элма-чет эл бунақа тентираб юрмаса керак! Музей раҳбари ҳам рухсат бераверар экан-да! Ёхуд уларнинг тили бирмикин? Раҳбар уни бу ерда қўлаб туради, у эса бемалол хорижда ишини битириб келаверади! Йўғ-е, унчаликка бормас... Дарвоқе, Ҳикмат Қашқадарёда ҳам бир неча бор хизмат сафарида бўлган. Нима мақсадда? Норбўта билан учрашишга борганми? Бу ерда ҳам бир жумбоқ борга ўхшайди... Ҳаммасини текшириш, аниқлик киритиш лозим. Ҳикмат келсин-чи, иш бир томонга қараб силжир... Санжарбек нима қилди экан-а! Бирор янгилик бўлса, қўнғироқ қилиб, суюнчи олган бўларди...

\* \* \*

Санжарбек вақтни бой бермаслик мақсадида офтоб уфққа бош қўйганлигига қарамасдан Мас-тура ва унинг яқинларини қайтадан сўроқ қилиш, айрим масалаларга аниқлик киритиш мақсадида Ҳазрати Башир қишлоғига йўл олди. Машина илон из йўллар бўйлаб шитоб билан тепаликка қараб одимлар экан орқа ўриндиқда кўзларини юмгунча унсиз кетаётган терговчи толиққанини ҳис этди. Бир оз бўлса-да мизғиб олмоқчи бўлди. Аммо шуу-

ридаги минг бир хаёллар, жавобсиз саволлар, зиддиятлар унга тинчлик бермасди: «Аёл кишининг қўлидан шу иш келиши мумкинми? Ёки бу гапни шунчаки пўписа қилиш учун айтдимикин? Бир қарашда Мастура соддагина қишлоқ аёли. Чумолини ҳам ўлдириш қўлидан келмайдиган кўринадиди... Аммо аёл зотини тушуниш қийин! Бир қарасанг мусичадай беозор, бир қарасанг рашк уларни аждарга айлантириши мумкин. Бу нозик ҳилқат вакиллари икки ҳолатда, биринчидан, боласига хавф раҳна солганда, иккинчидан, эрини тортиб олмақчи бўлганларида йиртқич шерга ҳам ташланиши мумкин. Тергов-суд амалиётида эрини ўлдирган аёллар кам бўлса-да, учраб туради-ку! Анов шўринг қурғур хотиннинг исми нима эди-я! Шунга ҳам уч йил бўлибди. Каримамиди... Замирамиди! Йўқ, йўқ! Сапура... Сапура Қиличева эди! Эрини ваҳшиёна ўлдирган... Тўғрироғи ўлдиришга мажбур бўлган. Эрининг мунтазам равишда уйга маст ҳолатда келиб, ўзини, айниқса, болаларини уриб-сўкишлари, тунда ташқарига қувиб солишлари жонига теккан аёл шу йўлни танглашга жазм этган. Шу воқеа содир бўлган куни ҳам Холмурод уйига оёқда туролмайдиган даражада маст ҳолатда кириб келган. Арзимас баҳоналар билан аввал хотинини, сўнг болаларини ура бошлаган. Сапура жон ҳолатда болаларини ваҳший эрнинг исканжасидан суғуриб, бошқа хонага олиб ўтиб, яширишга уринган. Холмурод қутургандан қутуриб, қўрқувдан жовдираб турган болачаларни кўчага улоқтирган. Кўча совуқ, «туф» деган тупук ерга тушмайдиган аёзли қиш кунлари... Тунда шу ҳолатда бировникига кириб боришдан номус қилган аёл болалари билан молхонада жон сақлаб туради. Бир оз вақтдан сўнг эрининг ухлаганига ишонч ҳосил қилгач, уйга қайтиб, болаларини

жойига ётқизади... Тун оққанда уйғониб қолган эр «Ҳали ҳам шу ердамисинлар! Сен кўрнамакларни едириб-ичирсам, мени айтганимни қилмайдиган, ўзбошимча бўлиб қолдиларингми? Баринг кўзимдан йўқол!» дея хотини ва болаларини тагин кўчага ҳайдаб солган. Балки бир ўзи бўлганда аёл тақдирга тан бериб, молхонада зир титраб, тонггача ўтириб чиқса ҳам, совуқда қотиб қолса ҳам эрига қўл кўтаришга ботина олмас эди. Аммо эрининг ўз болаларини бу аҳволга солиши онанинг юрагида чексиз қаҳр-ғазаб уйғотди, кўзларини қонга тўлдирди... Энди унга бари бир эди. Болалари омон бўлса бас! Тун ярмида болтани қўлига олиб, оҳиста қадам ташлаб, Холмурод ётган хонага киради. Тўнғиздай тўзиб, дунёни ларзага солганча хуррак тортиб, уйқуда ётган эрининг бошига болта уради... уч-тўрт... беш... зарбалар аёл ҳолдан тойгунча давом этади... Ўшанда суд аёлни 8 йилга озодликдан маҳрум этганди. Кейинчалик ишни прокурор протестига асосан кўрган кассация инстанцияси биринчи инстанция судининг ҳукмини ўзгартириб, Сапурани 3 йилга озодликдан маҳрум қилиш тўғрисида адолатли қарорга келганди... Агар унинг қўлида бўлганда аёлни жазодан озод қилишга ёки шартли жазо беришга ҳам тайёр эди. Аммо, қонун қонун экан-да! Жазо бериш терговчининг эмас, суднинг ваколатига киради...

– Кеч тушмасдан бирор жойда тамадди қилиб олсак ёмон бўлмасди! – олдинги ўриндиқда йўлдан кўзини узмай кетаётган Маҳкамнинг дўриллаган овози Санжарбекнинг хаёлини бузди.

– Олдин ишни битирайлик! Овқатланиш қочмас!

– Қайтишда ҳамма жой бекилиб қолади демоқчиман-да! Майли ишни битирсак битира қолайлик! Иш қочиши мумкин, овқатланиш ростданам қоч-

майди, – Маҳкам орқага қайрилиб, беўхшов тиржайди. Ҳамсуҳбатининг шу тобда ҳазилга ҳуши йўқлигини ҳис қилиб, юзи тундлашди. Ичида «Сен тирранчаларнинг қўлингдан нима иш келарди! Одамни сарсон қилиб, бекорга чиранганинг қолади! Шунча кундан буён нимага эришдинглар! Сенлар қилган ишни бизлар ҳам эплардик. Ҳар нарсага ёпишишдан нима фойда! «Далил, исбот» керакмиш! Сенларнинг ўринларингда бўлсам, алақачон чўпоннинг иккала хотинини, ёрдамчи чўпонларни қамаган бўлардим. Улар билан салгина «ишланса» далиллар ўзи қўлимизга қўнарди...» деб қўйди.

Санжарбек эса гўёки ёнида ҳеч ким йўқдай ўз хаёллари банд эди. Туман прокуратурасида ишлаб юрган кезларида тергов қилган жиноят иши тафсилотлари театрдаги каби хаёлот сахнасида намён бўлди: унда жиноятнинг мотиви рашк эдими? Йўқ, йўқ! Хиёнат, ҳа-ҳа, хиёнат десак, муҳаббатга, садоқатга хиёнат, сотқинлик, яхшиликка ёмонлик десак тўғрироқ бўларди! Муҳаббатнинг нафратга айланиши. Воқеалар қандай бошланганди-я! Ҳа, севиб, севилиб бир ёстиққа бош қўйган Сунбула ва Самандар бахтдан масрур, кунларидан мамнун, тинч ва осуда кун кечиришарди. Эрининг мансаб пиллапояларидан юқорилаб бораётганлиги, турмуши фаровон, оиласи хотиржам эканлиги хонадон маликасининг қалбида шукроналик туйғуларини уйғотарди. Оллоҳ уларга бир ўғил, бир қиз ато этиб, ширин ҳаётларини болга айлантиради. Аммо... ўша куни меҳмондорчилик кеч тугайди. Олдиндан келишувларига мувофиқ агарда эри арақ ичадиган бўлса, автомашина рулига Сунбула ўтириши лозим бўлган. Кузатишга чиққан ўртоқлари олдида хотинини рулга ўтқазиб, ўзи ёш боладай итоаткорона унинг ёнига ўтиришдан номус қилган эр калитни хотинидан тортиб олиб, маши-

на рулига ўзи ўтирган. Хотинининг ялиниб-ёлво-риши ширакайф йигитга кор қилмаган... Сунбула «Илтимос, секинроқ ҳайданг! Секинроқ!» деган сайин Самандарнинг қувлиги тутиб, «Нексия»нинг тезлигини ошираверган... «Хотинжон, хавотирга асло ўрин йўқ! Мен ас ҳайдовчиман! Бирор марта машинамга тиф тегдирмаганман! Қара, «жонивор» шамолдай елади-я!...» Ёмғир шивалаб турганлиги сабаб чироқлардан тушаётган ёруғлик тим қора асфальтда синиб, кўриш масофасини камайтирарди. Боз устига қаршисидан келаётган машиналарнинг чироқлари кўзни қамаштириб, йўлнинг қатнов қисмини тузукроқ кўришга тўсқинлик қиларди... Самандар хотинининг овозини бостириш учун пайпаслаб, магнитофонга энгашиб, бир лаҳза нигоҳини йўлдан узади... У бошини кўтарганда кеч бўлган эди... Машина тормозининг чийллаши... гумбурлаган овоз... қалқиб кетаётган машина устидан нимадир учиб ўтгандай бўлади. «Нексия» мувозанатини йўқотиб, йўл четидаги симёточга зарб билан урилади... Ташқаридан қараганда машина ичида соғ одам қолмагандек эди... Сунбула ҳушига келиб, ёнгинасида рулга бошини қўйгунча беҳуш ётган эрини кўриб, бақриб юборади... Қўллари билан уни туртиб, ҳушига келтирмоқчи бўлади. Устига марвариддай ёрилган шиша синиқларини қоқиб, эшикни очишга уринади. Қийшайиб, буришиб қолган эшикни очиш имкони бўлмагач, амаллаб ойна орқали ташқарига отилади. Эндигина ҳушига келиб, нима бўлганлигини англай олмасдан дир-дир титраётган Самандар эшикни очишга уринаркан, йиғлаб дерди:

– Сунбула... н-и-м-а б-ў-л-д-и! Н-и-м-а! Э-н-д-и мен тамомман! Ҳаммаси тамом. Одам... у-р-и-б ю-бор-дим!!!

Сунбула эрини суяб машинадан тушириб, бетон тўсиққа ўтқазади. Бир муддат атрофга жимлик

чўккандай бўлади. Фақат магнитофондан янграётган қўшиқ овози бу сокинликни бузиб турарди....

Бўлиб ўтган воқеаларни қўрқинчли тушдай бир-бир хаёлидан ўтказар экан Сунбула бирдан ҳушёр тортди: «Наҳот ўлган бўлса! Зарба кучли эди... Машина устидан ошиб ўтиб кетдимиз?» Ичидан зил кетиб, атрофга аланглади.

Сал нарида беш-олти чоғли машина тўхтаган, одамлар уймалашиб қолганди. Беихтиёр ўша томонга юради... Шунда машина чироқлари шуъласида уч-тўрт кишининг бақириб-чақириқлар билан қонга беланган, тириклик белгиларидан тамоман маҳрум аёлни оҳиста кўтариб, «Жигули»нинг орқа ўриндиғига жойлаштираётганини кўради. Машина шитоб билан жойидан қўзғалгач, ўн-ўн беш қадам нарида бир тўп одамлар тўпланишиб, нимагадир уннашаётганига кўзи тушган жувон ўзини ўша ёққа уради. Туртина-суртина олдинга ўтиб, балчиқда ичак-чавоғига ўралашиб, қонга беланиб ётган, жуссасидан 12-14 ёшли қизга кўзи тушади. Кимнингдир «бечоранинг жони аллақачон узилибди!», «Вой бечора қизгина, ҳали гўдак экан!», «Икки киши экан, она-бола шекилли!», «Ўзиям катта тезликда урган кўринади!», «Шу ҳавода тез ҳайдаб бўладими? Ўлгудек ичган бўлса керак-да! Ҳайдовчи ким экан ўзи!» деган гаплари қулоғига чалинади.

Сунбуланинг вужудини совуқ тер босган: «Демак икки одам ўлган! Энди қамашади, узоқ муддатга қамашади! Яна маст ҳолатда! Даҳшат... Наҳотки, бахтли кунлари шу билан поёнига етган бўлса?! Нима қилиш керак? Балки ҳаммасини ўз бўйнига олгани маъқулдир. Ичмаган бўлса! Ҳар ҳолда, аёл кишига жазо енгироқ бўлади дейишади-ку!»

Жувон хаёлига келган фикрдан кўнгли алланечук тасалли топгандай эрининг олдига шошилади. Сочлари тўзиб, ранги докадек оқариб кетган Самандар

машина атрофида телбадек айланар, юз берган фо-  
жианинг даҳшатини ҳали тўлиғича англаб етмаган  
эди. Хотинини қўриб, унга илтижоли тикилади:

– Ким экан, ўлабдими?

– Икки киши экан! Она-бола! Онасини касалхо-  
нага олиб кетишди! Қизчанинг... жони узилибди!

– Оҳ! Нима қилиб қўйдим, хотин! Нималар қи-  
либ қўй-дим-а?!... – Самандар юзларини қўли би-  
лан бекитиб, ерга ўтириб қолади.

– Самандар ака! Менга қаранг, туринг! – Сунбу-  
ла эрининг қўлидан тортиб, турғизади. – Рулда сиз  
эмас, мен эдим! Тушунаяпсизми? Машинани мен  
ҳайдаб келаётгандим, сиз ёнимда бўлгансиз!

– Бу нима деганинг? – Самандарнинг кўзи коса-  
сидан чиққудай хотинига тикилади. – Ни-ни-ма-  
лар д-д-е-е-я-п-с-а-н Сунбула! Йўқ, йўқ! Бу асло  
мумкин эмас! Ўзим пиширган ошни ўзим ейман!

– Сиз мастсиз! Одам ўлган ахир! Сизни қамаб  
қўйишади! Аёл кишига енгилроқ жазо бериша-  
ди! Тез бўлинг! Милиция келиб қолмасин. – Сун-  
була эрининг қўлтиғидан олиб, машинанинг ўнг  
томон олд ўриндиғига суяб ўтқазади. Ўзи эса  
илдамлик билан айланиб, ҳайдовчининг жойи-  
га ўтиради. Эшик чўнтагидан латтани олиб, ав-  
вал рулни, тезлик ричагини, торпедаларни артиб  
чиқади. Сўнг бармоқ изларини қолдириш учун  
бошқарув ва кўрсаткич асбобларига қўлини тек-  
кизиб чиқади.

– Сунбула бу нима қилганинг! Ахир сени ҳам  
қамашлари мумкин-ку! Болаларни ўйлаяпсанми?  
Мен виждон азобида ўламан-ку! Ундай қилма, хо-  
тин! Қўлимни қўйвор! Мен жойимга ўтираман! –  
Самандар эшикни очиб, машинадан тушишга ҳа-  
ракат қилган.

– Сизни узоқ муддатга қамашади! Оилангиз-  
дан, соғайингиздан, мансабингиздан айриласиз!

– Сунбула эрининг қўлига ёпишиб, маҳкам тутиб тураверади.

Тез орада етиб келган милиция ходимлари эр-хотин ва бошқа гувоҳларнинг кўрсатмалари асосида тегишли ҳужжатларни расмийлаштирган. Сунбуланинг «Эрим арақ ичса, рулга ўтирмайди, ҳар доим машинани мен ҳайдайман!» деган асосли ва дадил таъкиди ҳеч кимда шубҳа-гумон қолдирмаган. Экспертиза хулосалари ва иш ҳолатлари орасида қарама-қаршилик туғилмаган.

Прокурор автоҳалокатда бир киши ўлганлиги (иккинчи жабрлануви шифохонада бўлган), айбланувчи аёл киши эканлиги, икки нафар вояга етмаган фарзанди борлиги ва бошқа енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиб, Сунбулани тилхат орқали судгача очиқда қолдиради.

Эр-хотин елиб-югуриб, марҳума қизчанинг ошу обини ўтказишга бош-қош бўлишади. Қизалоғининг ҳаёт билан видолашганидан беҳабар, шифохонада ҳушига гоҳ келиб, гоҳ кетаётган онанинг бошида парвона бўлишади. Кеча-кундуз гулдай боласидан ажралиб қолган онаизорнинг соғайиб, оёққа туриб кетишини Парвардигордан сўрайдилар...

Аmmo... тақдир инсон измига бўйсунмас экан. Орадани ўн кун ўтиб, она жон таслим қилади. Энди Сунбула икки инсоннинг ўлими учун жавоб бериши лозим эди. Бундай ҳолатда жиноятнинг таснифи ўзгариб, оғирроқ даража касб этиши ўз-ўзидан равшан...

Суд Сунбулани уч йилга озодликдан маҳрум қилади. У қанчалик қийин бўлмасин биргина нажот – жазони ўтаб чиқиб, яна жонажон оиласи бағрига қайтиш умиди билан яшай бошлайди. Бошида виждон азобидан ўзини қўярга жой тополмай юрган Самандар хотинидан тез-тез хабар олиб туради. Орадани ойлар ўтади... Қамоқхона шароитига кўниколмамай, аянчли кунларни бошдан кечираёт-

ган, фақат эртанги кун орзуси билан яшаётган аёлни кейинги пайтларда турли баҳоналар билан қатнови сийраклашиб бораётган эрининг ўзини тутиши, хулқ-атворидаги ўзгаришлар безовта қила бошлайди: «Наҳотки, садоқатга хиёнат, мардликка номардлик билан жавоб қайтарса! Наҳот эрини йўқотишдан қўрқиб, бир йўла ҳаммасидан – оиласидан, болаларидан, эркидан, ор-номусидан ажралиб қолса! Йўқ, йўқ! Самандар акам бундай қабихликка қодир эмас! Бу иш унинг қўлидан келмайди. Ахир бу ерларда унинг қилмиши... Йўқ, йўқ! Ҳаммаси Оллоҳнинг иродаси!»

Сунбула хаёлига келган фикрдан ўзи уялиб кетади. Ўзини бошқа нарсага овутишга, ўйламасликка ҳаракат қилади. Аммо, бемаъни мулоҳазалар уни таъқиб қилишдан тўхтамайди: «Наҳот бир-икки ойда ҳамма нарса унут бўлса! Оғир дамда ишонганинг сендан юз ўтирса! Дўсту ёрим деб юрганинг ғаним чиқса! Қўнглинда асраганинг, қўйнингда сақлаганинг заҳарли илон чиқса! Наҳотки ҳаётнинг арзимас синовлари олдида инсон ўзининг нотавон ва қўрқоқ, сотқин эканлигини намойиш қилса! Йўқ!!! У бундай қилолмайди!... Унда нима сабабдан камнамо бўлиб қолди! Ҳатто навбатдаги учрашувларга ҳам бошқаларни юбормоқда! Баҳонаю важлари кўпайиб кетмаяптими? Юз-кўзлари ҳам ташвишли... совуқ... Мендан ниманидир яшираётгандай... Ёки бирорта жодугарни топиб олдимикин? Аёл макри қирқ туяга юк бўлади дейдилар. У беномус эримни йўлдан уриб... ўзига оғдириб олган! Эркак кишининг нозик жойи ҳам шунда эмасми? Бутун бошли қўшинни тор-мор қилишга қодир бўлган марди-майдон ботирларнинг бир мегажиннинг ҳийлаю найрангарига учиб, бору йўғидан жудо бўлганлигини кўп эшитган. Тарихда ҳам бунга мисоллар жуда кўп!...

Бечора аёлнинг хавотирлари асосли бўлиб чиқади. Бир йил ўтар-ўтмай Самандарнинг ундан ажрашиб, Ҳилола исми котибасига уйланиб олганлигини, болаларни ҳам унинг тарбиясига берганлигини эшитади... Кўзларига дунё қоронғи кўринади... Бир зумда яшашнинг маъноси йўқолгандай, орзу-умидлари шаъми сўнггандай бўлади, ўзини эса ҳеч кимга кераксиздай ҳис этади. Қувноқ, шўх ва шаддод жувон ҳамманинг кўз ўнгида паришонхотир, тунд ва жоҳил одамга айланади.... Ўз жонига қасд қилмоқчи ҳам бўлади. Камерадошлари қутқариб қолади... Энди фақат бир умид – қамоқдан чиқиб, болалари бағрига қайтиш учун яшай бошлайди...

Озодликка чиққач, Сунбула болаларини эридан олишга ҳаракат қилади. Аммо, Самандар унга болаларни бериш у ёқда турсин, кўрсатишни ҳам хоҳламайди. Юзма-юз гаплашишдан қочиб юрган эрини кўриш учун борганда Ҳилола «Самандар акам бообрў инсон, унинг «зик»лар билан қиладиган иши йўқ», – дея ҳақоратлайди. Чорасиз аёл болаларни олиб бериш масаласида судга мурожаат қилади. Суд даъвони рад қилади. Маълум бўлишича, Самандар анча олдин қамоқхонага бориб, хотинини алдаб, «кассация шикоят киритиш учун», дея бир қанча қоғозларга қўл қўйдириб, қамоқхона маъмуриятидан тасдиқлатиб олган. Бу сохта ҳужжатлар Самандарга никоҳни бекор қилиш ва болалар тарбиясини ўзига олишга асос бўлган.

Яқинларининг қистови билан Сунбула ишга кирмоқчи ҳам бўлади. Бироқ унинг қамалиб чиққанини эшитган раҳбарларнинг бирпасда пешанаси тиришиб, «кечирасиз, ҳужжатларингизни қолдиринг, лозим бўлса ўзимиз чақирамиз!»дан нарига ўтишмайди.

Ноҳақлик, адолатсизлик, хиёнат ва ҳақоратлардан тўйиб кетган аёлнинг муҳаббати нафратга айланади. Эридан ҳаммаси учун ўч олиш режасини тузади...

Қамоқда бирга ўтирган дугонаси – Жаннанинг ёрдамида Самандарни ижарага олинган хонага учрашувга чақиритишга эришади. Жанна ҳирси капалак отиб бораётган сармаст йигитга сездирмасдан уйқу дори беради. Йигит қаттиқ уйқуга кетгач, дугонасининг асл ниятидан беҳабар қиз Сунбулани чақиради ва «бевафо эр»ни унга «топширади».

Жанна кета туриб, «Мана дугон! Бемалол йигитингизнинг қучоғига киришингиз мумкин. Фақат шўрликни жуда қийнаб қўйманг! Мен учун ҳам битта бўсин!» – дейди.

Сунбула креслода пишилаб ухлаб ётган Самандарнинг нурсиз юзига тикилиб, у билан бирга кечган бахтли дамларини, қувончли кунларни хаёлидан ўтказади, тўйиб-тўйиб йиғлайди... Сўнг ғайритабиий шиддат билан қўлидаги пичоқни унинг чап кўкрагига санчади...

Бу ерда ҳам Сунбуланинг қўлига қурол олишига фавқулодда жиддий сабаб бўлган. Мастурада шундай асос бўлганми? Эрини – болаларининг отасини ўлдиришга уни нима мажбур қилган бўлиши мумкин?

– Етиб келдик! – Маҳкам машина тўхтаса-да, қилт этмасдан хаёллар оғушида ўтирган Санжарбекка юзланди.

– Шундоғми? Афу этгайлар! – терговчи жилмайиб, ўрнидан қўзғалди. – Хаёлимиз жиндек фаромуш тортибдур!

Маҳкам беўхшов тиржайди.

Узун-қисқа бўлишиб, таниш дарвозадан ичкарига киришди. Тандирхонадан чиқиб келаётган Мастура чақирилмаган меҳмонларни кўриб, худди кутиб тургандай буюри билк этмади. «Яна келдиларингми?» дегандай совуққина саломлашиб, истар-истамас ичкарига таклиф қилди.

Қисқагина одатий ҳол сўрашишдан сўнг Санжарбек жарбдийдаларни иззат-нафсига тегмай-

диган оҳангда олдиндан ўйлаб қўйган саволлари-ни бера бошлади:

– Янга, бизларни яна бир бор кечиринг! Жиноятчини... қотилни топмагунимизча сизларни қайта-қайта безовта қилишга ўғри келмоқда! Ўзимиз ҳам хижолатдамиз!

Аёл индамади. «Сўрайдиганингни сўрайвер!» дегандай бошини ҳам қилиб тураверди.

– Садоқат билан алоқаларингиз қанақа? Унга «ўлдираман, қўш мозор бўласанлар!» деганингиз ростми? – Санжарбек гапни индаллосидан бошлади.

Мастура ашин ўргандай чўчиб чикди. Юзи тундлашди. Атрофга бежо аланглади. Хонада икки терговчидан бошқа ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, ичини «ёрди»:

– Ёримнинг бошига шу қунжиқ етди!... Шу алвастини топгунча, гўринг нурга тўлгур хўп бамаъни, кўнгилчан, содда, меҳрибон одам эди. Ҳеч кимга жомонлиқни соғинмасди. Мениям, қизлариниям қўйгани жой тополмасди... Мен тўрттинчимни овир тувдим. Дўхтирлар апираса қилиб, бачадонимни олиб ташлашди. Менгина вўлгур унға ул тувиб беролмадим. Лекин ерим буни бир мартаям юзимга солмаган. Бари бир ули жўқлигидан эркак одам эзилади-да! Қиз бола бировнинг ҳатми! Бир кун узатилади – кетади! Улинг эса авладининг давомчиси, хонадоннинг шамчироғи! Ёрим бирон пайт менга ҳасратини тўкиб солмаган. Дарду аламини ичига жутиб келган! Ул боладан гап очилса, чуқур «уф» тортиб, гапни бошқа жоққа бурарди. Мен унинг бир умр вўксиниб яшашини хоҳламадим... Эримга бирор қиз-жувонга уйланиб, улли бўлиш режасини вўзим бердим... Бошида у унамади: «Жиннимисан, қайси аҳмоқ хотин эрини уйлантиради!» деб туриб олди. Қиз ахтара бошладим... Менга эримга битта ул тувиб берадиган,

шунингман бирга хотинликни даъво қимайдиган аял керак эди... Бир куни қўнғишимизнинг уйига Китобдан қуда-андалари келишди. Қишлоқчиликда ҳамсояларни миймоннинг олдига айтишади-да! Бордим. Туҳмолдан бир кампирнинг қўнига қўл солиб кўрдим. Гап ичида ниятимни билдирдим. «Ерим» дейишга юзим чидамай «иним» деб қўяқолдим. «Аяли туғмас чиқди, ажралишни истамай ўзи бош-қош бўлиб бирортасига уйлантирмоқчи, турмуши бузилган жувонми ёки қиз болами, ишқилиб боласи бўлмаса, укамга ул тувиб берса бас, шарт-шароитини, жамики майда-чуйдасини, харажатини ўзим қиламан» дедим. Кампир ўйланиб туриб, «бир қўшнимиз бўларди, бояқиш ҳозир уйини сотиб, тўғрироғи қарзи эвазига тавон тўлаб, бошқа жойга кўчиб кетди. Эри ўлгач, жўжабирдай жужуқларини боқолмай қийналиб, касалманд бўлиб қолди. Ҳозир ижарада яшаб юрганмиш. Катта қизининг ҳам турмуши бузилиб қайтиб келди. Кенжаси қўл оёғи чаққонгина қиз эди-я. Оилани боқиш учун шу шўрлик ўқишиниям ўлда-жўлда қолдириб, кафедра офисант бўлиб ишлаб юрганмиш. Шу қизни бир кўрса бўлади. «Шароитинини тўғирлайман» десангиз, рози бўлиши мумкин! Бари бир онаси уни тўй қилиб узатишга чоғи йўқ. Қийналган оилалардан!» деди.

Орадан бир-неча кун ўтгач, Китобга жўнадим. Зиёда кампирни излаб топдим. У ҳамсоясининг жонғи адресини топиб қўйган экан. «Совчилик»ка бордик. Қизнинг энаси касалманд ва нотавон бўлсаям ўжар экан. «Инимнинг хотини борлигини эшитиб, «қизим ўлсаям иккинчи хотин бўлишга рози бўлмайди, кундоши бор кун кўрмас!» деб, тўнини тесқари кийиб олди. Зиёда кампир «бўлмаганга бўлишма, ўзи қай аҳволдаю нозига ўлайми!» дея уйигача жавраб келди. Мен момони уйига ку-

затиб, овулга қайтдим. Туни билан ўйлаб чиқдим: Қайтанга, қизнинг энаси рози бўмагани ажаб бўлди! Уям, Зиёда момоям минг қилса-да аял киши. Гап кеганда бировга гуллаб қўйиши мумкин. Яхшиси қизи тушмагурнинг ўзи билан ишни пишитгани маъқул. Энаси касалманд, рўзғори оғир, қўл учида кун кўриб туришибди! «Ёрдам бераман, муаммоларингни ҳал қиламан» деган одам бўлса, қизнинг калласи ишласа, «еккинчи-пеккинчи» деб ўтирмасдан чолга бўлсаям тегишга кўниши керак!

Эртаси кунни бир балоларни баҳона қилиб, яна Китобга тушдим. Зиёда кампирдан ҳар эҳтимолга қарши қизнинг отини сўраб олганим тузук бўлган экан. Уйига жақин ошхоналарни тўрт-бештасини суриштириб, шу қизди топдим. Отини Садоқат дейишаркан. Кўҳликкина қиз экан. Соддагина кийиниб олган бўлса-да, ҳаммаси ўзига ярашиқ. Ичим куйиб кетди. Унинг чаросдай кўзларига, камондай қошларига, қоп-қара сунбул сочларига, сарв қоматига тикилиб, юрагим орқага тортиб кетди. Кўз очиб кўрган эримни, болаларимнинг отасини йўқотиб қўядигандай, ҳамма нарсамни бой бераётгандай ҳис қилдим ўзимни. «Қош қўяман деб, кўз чиқармасайдим!» деган хаёлда бир сира фикримдан қайтмоқчиём бўлдим. Яна ўзимни босдим... Садоқатни кўрқитиб юбормаслик, кўнглида ортиқча шубҳа-гумонларни турдирмаслик учун «укам яхши одам, келиним ҳам тилла, аммо ўрталарида фарзанд бўлмади. Шу боисдан ажралишмоқчи. Сиз у билан бир учрашиб кўринг! Ўзи топарман-тутарман йигит! Турмушингизни тўқис қилади! Эртага шу ерга овқатланиш баҳонасида келади. Бир кўринг, ёқмаса, ихтиёр ўзингизда! Қиз болага минг киши назар қилади, бир киши олади» дея ётиғи билан тушунтирдим, қўлимдан келганича яхши-жомон сўзлар билан алдаб-аврадим. Қиз

«йўқ» демади. Масаланинг бир томони ҳал бўлди. Энди эримни кўндириш қолди. Уйга келиб, кечки пайт мақсадимни ётиғи билан эримга тушунтирдим. У «бобиллаб берса керак!» деб ўйлагандим. Сал эътироз қилгандай бўлдию, адоғида «ўзинг биласан, билганингни қил!» деб ётоғига кириб кетди. Бир томондан ўйлаган мақсадимга осонгина эришаётганимдан юрагим таскин топаётган бўлса-да, бошқа томондан эримнинг бу ишга бунчалик тез рози бўлганлиги қалбимни кемирарди, шусиз ҳам зил кетиб юрган ичимни ит тирнарди.

Туни билан эримни «пишириб» чиқдим. Саҳар-мардондан эр-хотин йўлга тушдик. Иккаламиз ҳам жим кетаётган бўлсак-да, унинг хаёлидан нималар ўтаётганини фаҳмлаб кетардим. Ҳойнаҳой хурсанд! Сиртида сездирмаётган бўлса-да, ичида ҳурлиқога тезроқ етишсайдим деб дийдорига интизор кетаётгани аниқ. Эркак зотининг бари бир гўр экан! Бу одамам обод эмас! Ақалли, кўнглим учун бўлса-да, «қўй хотин, ўғлимиз бўлмаса-да, мана бир-биридан ширин қизларимиз бор. Улар қайси ўғилдан кам. Мен ўғил суюшни истасам, сен ўғил суюшни хоҳламайсанми? Қизларни узатсак, Худо ўғил невараларниям берар!» демади-я! Бугун уларни топиштириб, эртага ажратолмай эсим кетмасайди! Ҳамма шароитини қилиб берсак, Садоқат боласини бизга беришга рози бўлармикин? Қайси она боласини бировга бериб қўярди, бермаса керак! Лекин отаси унга бегона бўлмайди-ку! Берса отасига бераяпти-да, бегонага эмас-ку! Бир умр қийналиб яшагандан, кун ўтказиш учун уйини сотиб, бировларнинг эшигида юргандан, касалликдан сўлиб бораётган энасига қарашга қўли калталиб қилиб, виждон азобида юргандан шу яхши эмасми? Ота уйини қайтариб олиб берсак, қўлдан келганча пуддан ёрдам бе-

риб турсак бу қизга яна нима керак! Эрим ундан анча катта. Отаси қатори одамга тозаям ёпишиб қолмас. Ўлипти энди! Садоқатни-ку бир амаллар, эр ўлгур унга чирмашиб қолса нима бўлади? Гижинглаган ёш хотин, нафси қурғурини қондириб турса, жигит тумшуғидан илинмайдими? Аял, бола-чақасини ёдидан чиқариб, ёш хотинчага илакишиб қолса қандоқ қилади? Дардини кимга айтади? Норбўта табиатан анчайин содда, оми, ишонувчан ва кўнгилчан одам! Бундай кишини ўз сиртмоғига илинтириш аял учун қийин эмас! Тунда қулоғига бир нималар деб шивирлаб, у жоғидан – бу жоғига ўтиб, жилпанглаб, эрини ундан тортиб олиб қўйса, нима деган одам бўлади! Вўзи қўшқўллаб тўрасини бировга топширган бўлиб чиқмайди-ма? Эшитган қулоқ овзи қолиб, бошқа жери билан кулмайди-ма? Эси-хуши жойида, топарман-тутарман, мўминқобил, тайёргина эрни кимам ҳавас қилмайди?...

Ўй-хаёлларим билан бўп қандай Китобга етиб келганимизни сезмай қолиман. Ҳали вақт бор эди. Бозор айландик. Тушликка яқин «куёв бола»ни «келин»нинг олдига – ресторанга киритиб юбордим. Бир оз вақт ўтиб, у шўшпайиб чиқиб келди. «Нима бўлди?» десам, «Ҳеч нима бўлмади!» деб қўя қолди. «Ишқилиб қиз бирор қўполлик қилиб қўйган бўлмасин-да!» деган хавотирда менам индамай қўя қолдим...

Кейинги кун тагин Садоқатнинг олдига бордим. «Иним қалай экан?» деб сўрадим. У «амаки экан-ку!» деб қўяқолди. Мен қизгинанинг «Ие, бўмайди, укангизнинг чоли чиқиб қолибди-ку!» дейишидан қўрққан эдим. Кетарда қўлига пул қистирдим. У ийманибгина бўлса-да, қўлимни қайтармади. Демак, ҳаммаси жойида! Садоқат менинг таклифимни қабул қилганлигига амин бўлдим...

Садоқат билан аҳдлашувимизга биноан у эримга шаръий никоҳ ўқитиб, турмушга чиқиши,

битта ули бўлиши, болани эса бизга бериши, ўз навбатида бизар унинг ота ҳовлисини қайтариб олиб беришимиз, пуддан ёрдам қилиб туришимиз, онасининг тузалиб кетиши учун харажатларни кўтаришимиз, хуллас, онасини оёққа туришида кўмаклашимиз лозим эди.

Кейинчалик у турмушга чиқадиган бўлса, тўйини чиройли қилиб ўтказиб беришним бўйнимга олгандим.

Бошида ҳаммаси мен ўйлагандай текис кетаётган эди: эрим уни никосига олди. Бир пасл ўтмасдан кундошим тушкур овор ойоқам бўлди. Дўхтирлар «ул бола» дейишди. Эримнинг овзи қулоғида эди. Мол-қоллардан беш-олтисини сотиб, Садоқатнинг ота ҳовлисини қайтариб олиб бердик, онасини қаратдик...

Ниҳоят бола тувилди. Барчаси ўшандан бошланди... Садоқат аҳдини бузиб, чақалоқни бизга беришдан бош тортди. Ялиниб-ёлворишларим фойда бермади. Бошида ўзини мен томонда тургандай тутиб юрган раҳматли эрим ҳам кейинчалик очиқчасига ёш хотини томонга ўтиб олди. Бола тўғрисида гапирганимда «Гўдакни онасидан ажратиб бўлмайди! Қўявер ўзи ўстирсин. Катта бўлса бир гап бўлар. Ахир бари бир бола меники-ку! Қаерда ўсишининг нима аҳамияти бор!» дейишга ўтди.

Аста-секин воқиялар ривожини мен чизган чегарадан чиқиб борарди. Эримнинг Китобга қатновлари кўпайиб қолди. Унинг менга, қизларига бўлган эътибори, меҳри энди ёш хотинчаси, ули – Улуғбекка бўлган муҳаббатнинг соясида қоп кетаётгандай эди...

Нимаям қилардим. Гуноҳ ўзимда! Барчасига чидашга, бориға қанат қилишга мажбур эдим. Эримга «қўш хотинли бой бўлмоқчи экансиз унда икки томонни тенг ушланг!» деган шарт қўйдим. У ваъда берди...

Бироқ... мен шу ишларни бошлашдан олдин қилган хавотирларим кўз ўнгимда содир бўлаётганини фаҳмлай бошладим. Эрим биз билан унчалик иш тутмайдиган, иссиқ-совуғимиз билан қизикмайдиган, ҳали уни, ҳали буни баҳона қип, уйга келмай қоладиган бўп қолди. Авваллари қизларининг овзидан чиққанини муҳайё қилиб юрган киши энди «кейин-кейин, амаллаб туринглар!»дан нарига ўтмайдиган, баъзида уларни жеркиб берадиган, жиззаки ва жоҳил одамга айланиб қолаётгандай эди. Айниқса кейинги олти ойда анча ўзгариб қолганди. Менга ичида бир дарди борга ўхшаб кўринарди...

Бизнинг яшашимизни кўриб турибсизлар! Хўжайиним болаларининг рискини қийиб, топганини ёш хотинга тошиди. Данғиллама ҳовли-жой солиб берди. Ичини гирди-бало билан тўлдирди...

Хуллас, ўз эримни ўзим қўшқўллаб, шу жодутарга топширдим-қўйдим. Садоқатнинг олдига бир неча марта бордим. «Эримни тинч қўй! Уни батамом ўзингники қилишга уринма. Майли болангга қарайди. Камингни тўлдиради! Менинг уйимни куйдирма!» деб роса ёлвордим. Бўмади! Эримга айтмасдан бир-икки марта уйига бориб, пўписа ҳам қилиб кўрдим. Шу куниям жаҳл устида «сениям, эримниям ўлдираман, қўшмозор бўласанлар!» – деган гап овзимдан чиқиб кетди. Худоясан товба, паришталар овмин деб жуварган шекилли... Лекин сираям бунақа бўлишини хоҳламаган эдим. Эрим минг қилса ҳам кўз очиб кўрганим, болларимнинг отаси эди! Оллоҳ шоҳид...

Мастура жимиб қолди. Бир фурсат ўйланиб туриб яна нимадир демоқчи бўлиб, оғиз жуфлади-ю, сўнг фикридан қайтди шекилли, уни бутун вужуди билан тинглаб турган Санжарбекка «бор гап шу» дегандай термилди.

Терговчи суҳбатни «совутмаслик» учун савол беришда давом этди:

– Хўжайнингизнинг олтинларидан, хазинадан хабарингиз бормиди?

– Яна «олтин» дийдия мунов одам! Қанақа тилла! Қанақа хазина! Эрталаб шеригингизам уйни илма-тешик қилиб жарди ўзиям. Афти-ангоримизга, туруш-турмушимизга қаранг, олтини бор одамга ўхшаймизми? Хўжайнимнинг қўтондаги молидан бошқа ҳеч воқаси жўқ. Бориниям анов хотинчасига бериб бўлди!

– Демак, сизнинг хазинадан хабарингиз йўқ! – терговчи саволни такрорлади.

– Хазина, тилла дейсизлар, тушунмай қолдим гап нима ҳақида кетаяпти ўзи? – Мастура саволга-савол билан жавоб қайтарди.

– Майли, хазинани қўя турайлик. Ҳозирча бу терговнинг сири бўлақолсин! – Санжарбекда аёлнинг рост гапираётганига шубҳа қолмади. Терговчи халқи психолог бўлади. Қисқа муддатли мулоқотдан «бу ишни у қилмаган. Унинг қўлидан қотиллик келмайди» деган узил-кесил хулосага келди.

Шундай бўлса-да, ҳар эҳтимолга қарши марҳумнинг қизларини ҳам сўроқ қилди. Уларнинг кўргазмаларида ҳам шубҳали бирор ҳолат сезмагач, кўнгли таскин топгандай ўзини енгил ҳис қилди...

\* \* \*

Фахриддин барвақт уйғонди. Енгилгина нонуштадан сўнг Авазни Ҳикматнинг уйини кузатувга олиш учун юбориб, ўзи вилоят прокуратурасига йўл олди. Ҳамкасblари билан тергов қилаётган иши бўйича ҳозирча ягона гумондорнинг уйида тинтув ўтказиш, телефон сўзлашувларини эшитишга санкция масаласини ҳал қилгач, музейга қайтди.

– Ие, меҳмон, яхши дам олдингизми? – музей директори илиқ қарши олди. – Эндигина машина юбормоқчи бўлиб тургандим.

– Раҳмат! Самарқанд кўчаларида тоза ҳавода пиёда юришга нима етсин, – Фахриддин кўлидаги сумкасини стол устига қўйиб, мезбон кўрсатган жойга ўтирди.

Директор унинг рўпарасига ўтириб, дуога қўл очди. Одатий сўрашишди. Сўнг чаққонлик билан ўрнидан туриб, котиба қизга қаҳва буюрди, меҳмоннинг эътирозига қарамай шкафдан ширинликлар олиб қўйди.

Ортиқча мулозаматдан ўзини ноқулай сезаётган терговчи мақсадга қўчди:

– Ҳикмат келдимиз?

– У бугун ишда. Кечаси етиб келган экан. Чақрайми?

– Майли, фақат сизга халақит бермаслик учун...

– Тушунарли, тушунарли! Сизга маърифат хонасини очиб бераман. Бемалол ишлайверасиз! Ёки мен чиқиб турайми?

– Биз бошқа хонага ўтганимиз маъқулоқ, – Фахриддин ўрнидан қўзғалди.

Директор уни айтган хонасига бошлаб борди. Зум ўтмай эшикда чамаси 30-35 ёшлардаги узун бўйли, соч-соқоли чиройли қиртишланган, думалоқ юзли, қалин қошлари ўзига ярашган, дид билан башанг кийинган йигит кўринди.

– Мана, Ҳикматжоннинг ўзлари ҳам келиб колди, – директор йигитни ичкарига чорлади. – Бу киши Республика прокуратурасидан Фахриддин... ака...

– Фахриддин Каримович! – деди терговчи ўзидан ёши анчагина катта одамнинг «ака» дейишидан хижолат чекиб.

– Рухсатингиз билан, мен ўзимда бўламан! – директор эшикка қараб юрди. – Бирор нарса керак бўлса...

– Йўқ, йўқ! Ҳаммаси жойида! Сиз бемалол... – деди Фахриддин сумкасини титкилай туриб.

– Ака, яхши етиб келдингизми? Янгамлар, жиянчалар яхшимилар? Самарқанд сизга ёқдими? – Ҳикмат тожикча талаффузда саволарни қаторлаштириб ташлади.

Фахриддин қандайдир қоғозларни тўлдирад экан, ора-сира «раҳмат, шуқр» дегандай бош ирғаб қўярди. Сўнг эринмасдан суҳбатдошининг шахсига оид маълумотларига аниқлик киритди. Ёлғон гувоҳлик бермаслик, гувоҳлик беришдан бош тортмаслик ҳақида огоҳлантириб, баённомага қўл қўйдирди. Расмиятчиликни ўринлатгач, ҳужжатлар орасидан бир расмни олиб, Ҳикматга узатди:

– Бу кишини танийсизми?

«Гувоҳ» расмга бир муддат тикилиб, «танишга ўхшаяпти» деди. Сўнг ёдига тушди шекилли, қўшимча қилди:

– Бу анави Қашқадарёлик чўпон эмасми?

– Тўғри, бу Норбўта чўпон! Сиз уни қаердан танийсиз? Қачон танишгансиз? Батафсил гапириб берсангиз!

– Бу одамни менга кимдир тавсия этганди. Ҳозир ёдимда йўқ! Аммо уни қабул қилиб, ёрдам беришни танишларимдан бири илтимос қилгани аниқ... Ҳм... агар хотирам алдамаса, Раиса опа юборгандилар.

– Чўпоннинг сизда нима иши бор экан? – терговчи ҳеч нарсадан беҳабар одамдай қизиқсинди.

– Ҳа, у тўрт-бешта китоб олиб келган экан. Менинг кутубхонам бор, «редкий» китобларни йиғиб юришимни эшитган бўлса керак-да!

– Ҳўш кейин-чи?

– «Ноумид қайтмасин» деб китоблардан икки-учтасини олдим. Қадимий китоблар экан, – Ҳикмат негадир кўзини олиб қочди.

– Сиз араб тили бўйича мутахассис эканси Китоблар нима ҳақида экан?

– Тўғри, шарқшунослик институтини араб тили иختисослиги бўйича битирганман. Китоблар сан диний мазмундаги... иккитаси «Қуръон»н қадимий нусхаси, иккитаси «Ҳадис»дан олин парчалармиди-ей, ишқилиб шунга ўхшаш-да!

– Ўша китоблар ҳозир сиздами? – Фахрид тоқатсизланди.

– Ҳа, уйда! Н-и-м-а... олиб келиш... керак! – Шусиз ҳам терговчининг ташрифи мақсадан англаб ололмай хуноби чиқиб турган Ҳикмат хавотири кучайди. – Ўзи нима гап? Чўпон киларни ўғирлаб олганмикин?

– Ўғирлашга ўғирламагану, аммо Норбўта чўпни ўлдириб кетишган! – терговчи ёнида ўтир шахснинг юз-кўзидаги ўзгаришни ҳис қилиш унга тикилди.

– Астофирулло, астофирулло! – Ҳикмат дуога очди. – Оллоҳ раҳматига олган бўлсин! Омин!

Юз силашди. Ҳикмат чўнтагидан рўмолчаси чиқариб, юзини артди. Бўйинбоғини хиёл бўлтиб, кўйлагининг юқори тугмачасини ечди. Терговчи ўзини сезмаётган қилиб кўрсатсада, қири билан қаршисидаги кишини зимдан куза турарди, ўзича ички бир туйғу билан унинг кўзидан нималар ўтаётганини тахмин қилиш буюр овори эди: агар қотилликка алоқаси бўлса, бу кўзлик тез қўлга тушгани, қаерда хатога йўл қўйгани, энди нима бўлиши, бу вазиятдан қандай қилишни мумкинлигини тўғрисида бош қотираяй. Қотилликда қўли бўлмаса, «бу жиноятни соатишда мендан гумонсираяптими ёки жиноят мени бўйнимга осишмоқчими?» деган ўйга бош қотгани аниқ.

– Чўпоннинг уйдан сизга топширилган киларнинг рўйхати топилган, – суҳбатдошини кўз

сўзлашга мажбур қилиш мақсадида Фахриддин гапига бир «чимдим» ёлгон қўшди. – Сизни топишимизга шу қоғоз ёрдам берди...

Ҳикмат баттар безовталанди. Оғзи қуриб бораётганиданми томоқ қириб, ютиниб қўйди. Атрофга аланглади. Терговчи котиба келтирган чойнақдан пиёлага чой қўйиб, унга узатди. Чой аллақачон совиган бўлса-да, шошилмасдан чойдан ҳўплай бошлади. Унинг шу фурсатда терговчининг кейинги савоаларига қандай жавоб бериш, вужудга келган вазиятда ўзини қандай тутиш ҳақида ўйлаётгани аниқ эди.

– Лекин мен... ҳеч кимга рўйхат бермаганман! – елкасини қисди Ҳикмат, – Китобларни шундай, яъни ҳужжатсиз олиб қолган эдим.

– Тўғри! Чўпон ҳар эҳтимолга қарши сизга топширган китобларини рўйхат қилиб қўйган экан. Тинтувда ўша қоғоз чиқиб қолди, – терговчи сўзлари ишончлироқ чиқиши учун атайлаб «тинтув» атамасини қўлади. – Китобларни вақтинча бизга топширишингизга тўғри келади.

– Лекин... китобларни... ҳалиги... анчагина... кейин қайтариб олсам бўладими? Ахир бу қадимий қўлёзмаларни... – Ҳикмат «китобларни яхшигина пулга сотиб олганман» демоқчи бўлди-ю, аммо бу билан терговчида китобларга нисбатан янада қизиқиш ортишидан чўчиб, гапни бошқа томонга бурди. – Улар шахсий коллекциямда!

– Зарурият йўқолса, қайтарамиз! – Фахриддин бир нарса ёдига тушгандай ўрnidан туриб, хонадан чиқди. Хонада ёлғиз қолганига ишонч ҳосил қилгач, Ҳикмат қўл телефонидан кимгадир қўнғироқ қилиб, паст овозда ниманидир тайинлади.

Сал фурсат ўтиб, кириб келган терговчи стол устидаги қоғозларни йиғиштиришга тушди:

– Қани кетдик бўлмаса! Китобларни олиб келамиз!

Ҳикмат оғринибгина ўрнидан қўзғалди.

Индамасдан пастга тушишди. Машинага ўтиришлари олдидан бир неча ҳамкасблари билан Ҳикматнинг уйи ёнида «қўриқчи»лик қилаётган Авазжон қўнғироқ қилди. Фахриддин машина эшигини ёпиб, хиёл четроққа чиқди:

– Эшитаман, нима гап!

– Биз объектдамиз, – Аваз пичирлаган овозда ахборот берди, – деярли ҳеч гап йўқ. Уйдан бир аёл киши чиқди, хотини бўлса керак! Қўлида қоғозга ўралган нимадир бор эди. Кузатдик. Уч-тўрт уй наридаги хонадонга кириб, қўлидагини қолдириб чиқди...

– Тушунарли! – Фахриддиннинг хаёлида ўйлаган режаси иш берганди. – Биз сизлар томонга юраяпмиз. Холислар масаласини ҳал қилиб туринглар!

Машина Регистон майдонини ортда қолдириб, Сузангорон кўчаси томонга қараб юра бошлади.

Гарчанд ойнадан шаҳарнинг фусункор тароватини томоша қилиб кетаётган бўлса-да, терговчининг хаёли бошқа ёқда эди: «Хонадан чиққанымдан уйига телефон қилган. Хотинига ортиқча нарсаларни йўқ қилишни тайинлаган. Бундай пайтда қўшнининг уйи беҳавотир бўлади. Аммо... ўша нарса нима бўлса? Китобми? Тиллами? Қуролми? Йўғ-е, унчаликка бормас. Балки гиёҳвандлик моддасимикин? Нима бўлганда ҳам биздан бекитишга ҳаракат қилаяптими – бу ерда бир гап бор! Ишқилиб қўшни «далилий ашё»ни бирор жойга чиқариб кетмасайди. Авазга қўшнининг уйини ҳам кузатиб туришни тайинласам бўларкан. Ўзининг ақли етса керак, тажрибали ходим-ку!»

Ҳайдовчига «росга, солга» деб кетаётган Ҳикмат икки қаватли ҳашаматли уй олдида етганларида ўзини хотиржам кўрсатишга уриниб, «мана бизнинг кулбаи вайронага келдик!» деб «камтарлик» қилди. Машина ойнасидан бинога қараб, оғзи

очилиб қолган Мубин амаки «Ҳамманиям кулбаси шундай вайрона бўлса қанийди!» деб қўйди. Орқадан оқ рангли «Нексия» келиб тўхтади. Ундан Аваз икки ҳамкасби билан тушиб келди. Улар Фахриддин Каримович билан келиб кўришгандан сўнггина Ҳикмат бу «меҳмон»лар ҳам уникига келганлигини, масаланинг у ўйлагандан ҳам жиддийроқ эканлигини фаҳмлагандай бўлди. Шундай бўлса-да, сир бой бермасдан барчани ичкарига чорлади. Йигитлардан бири сал нарироқда ийманибгина турган эр-хотин қўшнилари ҳам таклиф этди. Фахриддин Авазни бир четга тортиб, қўшни хонадонни кузатиб туришга одам қўйган-қўймаганлигини суриштирди. Ижобий жавоб олгач, йиғилганларни ичкарига бошлади.

Терговчи тегишли қоғозларни расмийлаштириб, тадбир иштирокчиларига процессуал ҳақ-ҳуқуқларини тушунтиргач, тинтувга киришилди. Ҳикмат ваъдасига кўра кутубхонасидаги иш столи тортмасидан 8 дона қадимий китобларни чиқариб берди.

– Ҳаммаси шуми? – деди Фахриддин муқоваси хийлагина саргайган китобларни кўздан кечира туриб. – Чамамда чоғи сал камдай.

– Икитасини... негадир топмай турибман! – Стол тортмаларини бир-бир кўздан кечираётган Ҳикмат ўнғайсизланди. – Тунов кун ҳам ахтаргандим. Бировга ўқиш учун бериб, хотирамдан чиқдимикин?

– Шунақа нодир китобларни бировга бериб бўларканми?

– Бермасанг хафа бўлишади. Ишониб берсанг, қайтаришмайди.

– Китобларнинг номи ёдингиздан чиқмагандир! – терговчининг қошлари чимирилди.

– Эътибор қилмаган эканман. Ишқилиб араб алифбосидаги китоблар эди-да!

Терговчи индамади. Бир оз ўтиб, тезкор ходимлар тинтув ҳаракатлари тугаганлигини хабар қилишди.

Бу пайтга келиб Ҳикмат анча ўзини босиб олган, юз ифодасидан хавотирлари чекингандай эди.

Бу ҳолат терговчининг эътиборидан четда қолмади: шу китобларда бир бало борга ўхшайди. Уларни ишончли жойга яширгач, кўнгли таскин топди, ўзини босиб олди. Демак, хавотири фақат ўша китоблардан. Ҳозир буни синаб кўрамыз.

– Шу кўчадаги 25-хонадонда кимингиз туради?

Томдан тараша тушгандай қўққисдан берилган савол Ҳикматни яна саросимага солиб қўйди. Бир сония ичида хаёли гумонларнинг минг бир кўчасига кириб чиқди: «Ҳаммасини билар экан-да! Йўғ-е, қаердан билиши мумкин? Балки шунчаки «пушкага» олаётгандир. Қариндошларим ҳақида маълумот тўплаган ҳам бўлиши мумкин-ку!» Бундай чоғда сукут сақлаб, жим туриш аҳволини баттар оғирлаштириши мумкинлигини ҳис қилиб, гудранди:

– Қобил акамники! Нимайди...

– Балки китобларни ўқиш учун уларга бергандирсиз? – терговчи саволни ойдинлаштирди. – Балки янгам бериб юборгандир.

Ҳикмат терговчининг илмоқли гапларидан ўзини тамомила йўқотди. Ўсал одамдай қотиб қолди.

– Илтимос, янгани чиқиринг! – Фахриддин Каримович тезкор ходимлардан бирига топшириқ берди.

Зум ўтмай хонага қорачадан келган истараси иссиқ, қош-кўзлари келишган уй бекаси кириб келди.

– Янга, сиздан узр сўраймиз, хизматчилик экан! Хўжайнингиз боя Қобил акангизникига ташлаб келган нарсангизни қайтариб олиб келишингизни сўраётганди, – Фахриддин «шундайми?» дегандай Ҳикматга тикилди.

Аёл ичидан зил кетиб, бир чеккада айб иш қилиб қўйган боладай қисиниб ўтирган эрига қаради. Унинг нигоҳида «нима қилай?» деган савол

мужассам эди. Ҳикмат қаршилиқ қилиш бефойдалигини англаб, истар-истамас «бор олиб кел!» дегандай бош ирғади.

Аваз аёлга эргашди. Таниш дарвозага яқинлашганларида тезкор ходим огоҳлантирди:

– Янга, тагин акангизга гапириб ўтирманг, гапсўз кўпайиши мумкин!

Жувон ёвқараш қилдию, аммо индамади. Дарвоза очиқ экан. Авазни ташқарида қолдириб, ҳовлига кириб кетди. Сал ўтмай кўлида қоғозга ўралган нарс билан қайтиб чиқди. Аваз унинг нима эканлигини билгиси келаётган бўлса-да, шусиз ҳам кайфияти бузилиб турган аёлга бир сўз дейишга ботина олмай, ортидан эргашди. Кўчада ҳеч ким йўқ бўлса-да, кўни-кўшнилардан бирортаси кўриб қолишидан чўчиётган аёл тез-тез одимлаб, тўғри «меҳмон»лар ўтирган хонага кирди. Кўлидаги нарсани эрига бериб, ошхона томонга ўтиб кетди.

Ҳикмат устидаги қоғозни олиб ташлаб, қалин муқовали, кўринишидан анчагина қадимий китобни терговчига тутқазди.

Фахриддин китобни авайлаб кўлига олар экан, бехосдан юраги хаприкчиб, ўзини алланечук сезди. Китобни олди-ортини айлантириб, маҳлиё бўлиб тикилди. Теридан пишиқ қилиб ишланган муқовасида ҳеч қандай ёзув ёки белги йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, кўлёмани варақлашга тушди. Терговчининг китобни чаппа томондан варақлаётганини кўриб, Ҳикмат китобни ўнглаб қўйди. Кўлёмма моҳир хаттот томонидан араб алифбосидада битилган эди. Фахриддин бир неча саҳифани варақлаб, ҳеч нарсани тушунмади шекилли, ёнида китобдан кўзини узмай турган Ҳикматга сўз қотди:

– Кимники? Нима ҳақда?

– Али Қушчининг «Рисола фи ҳалла аш-шакал ал-ҳилол» асари.

– Нима ҳақида, таржимаси қанақа?

– Математикага оид. Ўзбек тилига «Ҳилолсимон шаклларни ўлчаш ҳақида рисола» деб таржима қилинади. Шу пайтгача китобнинг қўлёзмаси сақланмаган деб ҳисоблаб келинган.

– Демокчисизки, бу асар шу кунга қадар фанга номаълум бўлган, шундайми?

– Шунақа. Али Қушчининг кўпгина асарлари Буюк Британия, Франция, Миср, Россия, Туркия ва бошқа хорижий давлатлар кутубхона ва музейларида сақланмоқда. Бу қўлёзманинг асли ёки нусхаси ҳеч қаерда топилмаган. Аммо, шундай китоб бўлганлиги ҳақидаги маълумот бошқа манбаларда кўп учрайди.

– Китобни яширишдан мақсад нимаиди? – деди Фахриддин китобни варақлай туриб.

Орага жимлик чўкди.

– Мақсад... қанақа мақсад бўлиши мумкин? – деди Ҳикмат талмовсираб. – Уни биринчи бўлиб тадқиқ қилмоқчи эдим. Фанда янгилик бўларди.

– Тадқиқ қилиш учун яшириш шартмиди? Сиз уни ўғирлаб олмаган бўлсангиз! – терговчи тушунмади.

– Сизлар... олиб қўясизлар деб қўрққандим!

– Бизлар вақтинча олишимиз мумкин, аммо жиноятга алоқаси бўлмаса қайтариб берамиз. – Фахриддин қўлёзмани Авазга узади. – Расмийлаштиринг!

Тегишли қоғозлар тўлдирилгач, гуруҳ аъзолари қўлёзмаларни олиб, вилоят прокуратурасига келишди. Шу куннинг ўзида нуфузли мутахассислардан иборат махсус комиссия китобларни ўрганишга киришди...

Терговнинг бир қисми боши берк кўчага кириб қолганидан сиқилиб юрган Санжарбек ҳар куни Фахриддин билан телефон орқали хабарлашиб, Самарқанд тарафлардан бирор янгилик эшитилиб қолар деган умидда эди. Кечки пайт устози айтган гаплардан бу умиди ҳам пучга чиқаётганини англагандай бўлди: «Демак, китобларнинг ҳам, тилаларнинг ҳам терговга нафи тегмайди. Уларнинг қотилликка алоқаси йўқ. Бу йўналиш ҳам берк кўчага қараб кетаётгандай... Энди нима қилмоқ керак? Бир қарашда оддийгина туюлган қотиллик наҳотки шунчалик пухта сценарий асосида амалга оширилган бўлса! Ёки биз нўноқлик қиляпмизми? Чўпоннинг ўлими кимга керак экан-а! Ҳар иккала хотиннинг бу ишга алоқаси йўққа ўхшайди. Унда ким? Яхшилик чўпон ҳам роса чиғириқдан ўтказилди. Бефойда. Яна ким қолди? Норбўтанинг атрофидагилардан деярли ҳеч ким қолмади. Демак, қотил четдан! Лекин оддий бир чўпонни ўлдириш учун киллер ёллаш кимга керак! Бунинг учун фавқулодда бир сабаб, инкор этиб бўлмас асос бўлиши шарт эмасми? Хазина, олтинлар қотилликка сабаб бўлиши мумкинми? Албатта, мумкин! Мол-давлат одамни диндан чиқаради дейдилар. Садоқатнинг бобоси бу хазинани кўмиб ташлаган, у соҳибига бахтсизлик келтиради дея ишонган. Ўзи қўл учида яшасада, уларни қазиб олмаган. Фарзандларига ҳам раво кўрмаган. Уларни ҳам бадбахт қилиб қўйишдан қўрққан. Мана, шунча вақт ўтиб, Норбўта уларни қазиб олди. Оқибати нима билан тугади... Қотилликнинг мотиви шу олтинлардан бошқа нарса эмас! Аммо, ким ўша қотил? Хазинадан кимлар хабардор бўлган. Чўпоннинг ўзи, Садоқат... бўлди! Яхшилик, Мастура бу ҳақда билмаган. Норбўта ўзига пишиқ одам, би-

ровга алжираб қўйиши эҳтимолдан йироқ. Лекин Садоқат... минг қилса ҳам аёл киши-да! Бирорта дугонасига ёки опасига мақтанган бўлиши мумкин. Ўз навбатида улар хазина ҳақида кимдандир суюнчи олишлари тайин. Садоқатнинг яқинлари билан ишлаб кўриш бирор натижа берармикин? Бошқа томондан олиб қарайдиган бўлса, хазина чўпонда сақланган. Норбўта буни ҳатто хотинларидан ҳам сир тутган. Ўзи аста-секин ҳеч кимга сездирмасдан сарф қилган. Тилла ошқовоқ эмас, бозорга бориб сотиб келадиган. Уни оладиган одами бўлади. Кўпчиликнинг бу ҳақда хабар топиши хатарли. Бирортаси сотиб қўйиши мумкин. Демак, тиллалар битта заргарга топширилган. Хазинанинг чўғини билган бўлса, заргарнинг ҳам кўнгли бузилиши турган гап. Ўзи бу ишга қўл урмаса-да, бирортасини жалб қилган бўлиши мумкин. Ёки ўрталарида низо келиб чиққан. Нарҳида келишолмаган бўлишлари мумкин. Одатда заргарлар тилла буюмларни олиб қолиб, сотилгач, пулини тўлайди. Заргар тиллаларни сотишга сотгану пулини тўлашга нафси ўлгур қўймаган. Қарзлардан қутулишнинг энг осон йўли эса чўпонни йўқ қилиш эмасми? Китоб, Шаҳрисабз, Қаршидаги тиллафурушлар билан «ишланди», натижа чиқмади. Чўпон ҳам анойи одам эмас. Бу томонларда уни кўпчилик танийди. Тиллаларни таниш одамга сотса, гап-сўз кўпайиши тайин. Энг мақбул йўл – Самарқанд ёки Тошкент. Пойтахт узоқлик қилиши мумкин. Самарқанд эса бир қадам. Бу қадимий шаҳарда заргарни топиш қийин кечмайди. Нима бўлганда ҳам бу йўналиш бўйича ишларни жадаллаштириш лозим».

Санжарбек бутун агар устози билан гаплашса, албатта ўз мулоҳазаларини унга билдиришни юрагига туйиб, телефонда Маҳкам Ҳакимовични ҳузурига чорлади.

Зум ўтмай эшик тақиллаб, хонага халлослаб қовоғидан қор ёғаётган Маҳкам кириб келди:

– Сўрадингизми?

– Маҳкам ака, қўйинг кўп куюнманг! Бир жиноят бўлса, очиларда! Қотил сизу биздек изқувардан қочиб қайга борарди, – Санжарбек шеригининг кайфиятини кўтариш учун атайлаб гапни ҳазилга бурди.

Маҳкам зўраки тиржайди. У бу «тирранча»нинг ўзидан беш-олти кўйлак кўпроқ йиртган одамга ҳадеб топшириқ беришларидан елкаси тиришса-да, шу билан бирга унинг ишига пишиқлиги, зийраклиги, тиришқоқлиги, айниқса ҳар хил мураккаб вазиятларда кишининг кўнглига йўл топа билиш қобилиятига тан бермасдан иложи йўқ эди. Гапни ҳазилга йўйишидан унинг яна ниманидир ўйлаб топгани, «теша тегмаган» режалар тузгани аниқ. Шуларни хаёлидан ўтказар экан, Маҳкамнинг чиройи салгина очилгандай бўлди. Муҳими шу аҳоқона қотилликнинг фош қилиниши эмасми?

– Менда бир ғаройиб фикр пайдо бўлди, – Санжарбек пешанасида «хўш, яна қай гўрдаги нарсаларни ўйлаб топдинг!» дегандай чақчайиб турган ҳамсуҳбатига қараб жилмайди.

– Эшитайлик-чи!

– Норбўтанинг олтинларини излаб топишимиз керак!

– Қандай? Нима... н-и-м-а учун? – Маҳкам анқайди. Шу тобда унинг хаёлидан «бу бола нима таклиф қилаяпти ўзи, бир кам қотил қолиб, энди олтинларни қидириш қолдима!» деган фикр ўтди.

– Мени тушунмадингиз! – деди Санжарбек ёнидаги одамнинг хаёлини уққандай. – Мен узил-кесил қотилликка ўша олтинлар сабаб бўлган деган фикрга келдим. Бўмаса, чўпоннинг ўлими кимгаям керак! Кимдир чўпонда хазина борлигини билиб қолган. Балки ўша шахс тилла буюмларнинг

бир қисмини сотиб олган ҳам бўлиши мумкин. Қараса, чўпон тушмагурда олтинлар тугамайпти. Шунда унинг фикри бузилган. Чўпонни гумдон қилиб, бир йўла олтинларга эга бўлишнинг пайига тушган. Балки у чўпонни «жаётингни сақлаб қоламан» дея адаб ёки мажбурлаб, хазинанинг жойини билиб олган. Чўпонни омон қолдириш, қўлга тушиш билан баробар эканлигини англаб, қўлини қонга булаган...

– Худди кўриб тургандай гапиришини қаранг-а!  
– Маҳкам пичинг қилди.

– Кўз билан кўриб туриш шарт эмас, – Санжар ҳам бўш келмади. – Терговчи қалб кўзи билан идрок этмоғи даркор! Лекин ишончли-я!...

– Ўша қотил хазинани жойини билган бўлса, уни аллақачон ўмарган. Унда тиллаларни излашдан нима фойда?

– Бизга тиллалар эмас, далил керак, далил! – Санжарбеқ шуни ҳам тушунмайсанми галварс дегандай ўкрайди. – Кўмманинг жойини топсак, у ердан ҳеч бўлмаганда бирор улги топилар. Гап ўша жойни излаб топишда!

– Агар чўпон васият қолдириб, кўмган жойини айтиб кетганда, топсак бўларди! – деди Маҳкам совуққонлик билан. – Тоғу тошларда яшайдиган чўпоннинг олтинларни қайси гўрга яширганини аниқлаб бўлармиди?

– Каллани ишлатсак, топамиз!

Маҳкам ичидан зил кетди. Вой маҳмадона-эй! Бу билин мени каллаварамга чиқармоқчимиз?...

– Мисол учун сиз каттагина хазина топиб олдингиз. Шунча бойликни уйда сақлаш хатарли. Хўш, қаерга яширган бўлардингиз?

– Давлатга топшириб, йигирма беш фоизини мукофот сифатида олган бўлардим!

Кулишди.

– Менам албатта шундай қилган бўлардим! Лекин ўзингизни Норбўтанинг ўрнига қўйиб, мушоҳада юритинг-чи!

– Ҳали ўлиш ниятим йўқ!

– Майли, сиз юзга киринг! – Санжарбек жиддийлашди. – Олтин топган одам уларни эҳтиётлаш учун қаерга яшириши мумкин? Биринчидан, бу жой бегона кўздан ҳоли бўлиши, иккинчидан, вақти-вақти билан кузатиб туриш учун қулай бўлиши, учинчидан, унчалик узоқ бўлмаслиги, тўртинчидан, бехатар бўлиши, яъни сувга чўкмайдиган, оқмайдиган, ўтда ёнмайдиган бўлиши лозим.

– Шоир бўлиб кетинг-э!

– Хуллас, бугун бу ердаги юмушларни якунлаб, эртага барвақт Ҳазрати Баширга – қўтонга кетамиз. Фахриддин Каримович Самарқанддан қайтгунча, биз ҳам қўл қовуштириб ўтирмасдан, нимадир қилишимиз керак-ку!

– Тушунарли! Фақат... мен машинамни бугун ремонтга топширгандим... – Маҳкам каловланди, сўнг ҳамкасбининг «баҳона қиляпти!» деган ўйга бормаслиги учун қўшиб қўйди: – Майли бирорта машина айтарман!

– Раҳмат! Ўзингизга қаранг, ака! Менга қолса, йўл машинада ҳам кетавераман, – деди Санжарбек хушчақчақлик билан.

Йигитлар эрталаб соат еттида ишхонада учрашишга келишиб, хайрлашдилар...

Санжарбек прокуратура биносига яқинлашганда ёнига қора рангли яп-янги «Жип» келиб тўхтади.

– Хўжайин, яхши дам олдингизми? – машинанинг олди ўриндиғидан Маҳкам Ҳакимович тушиб келди.

– Шунда кетамизми? – деди Санжарбек бир машинага, бир рудда ўтирган басавлат йигитга разм солиб.

– Бу жўрам – Ҳолиқул! – Маҳкам машинадан тушиб, эҳтиром ила меҳмонга қўл тутаётган ўртоғини таништирди. – Ўн йил бир партада ўтирганмиз. Шаҳримиздаги энг илғор тадбиркорлардан.

– Сал ошириб юбординг! – деди Ҳолиқул дўстига қарата бир оз хижолат бўлиб. – Илғор бўлмасак-да, тадбиркорлигимиз рост.

– Санжарбек! Танишганимдан хурсандман! – терговчи меҳмон билан худди эски танишлардан илиқ кўришди. – Кетдикми?

Санжарбек орқа ўриндиққа, Маҳкам олд ўриндиққа ўтирди. Йўлда у ёқ, бу ёқдан гаплашиб кетишди. Икки ўртоқнинг бир-бирини «сен-сенлаб», аммо чин кўнгилдан самимий муносабатлари Санжарбекнинг ҳавасини келтирди.

«Жип» Китоб шаҳридан ўтиб, Ҳазрати Башир тарафга бурилганда бекатда соқоллари селкилаган чол қўл кўтарди. Ҳолиқул машина санжап кетаётганда йўлда кекса ёшли отахон-онахонлар, ёш болали аёллар учраса, савоб учун уларни манзилигача олиб бориб қўярди. Чолни кўриб, одатига кўра машинани тўхтатмоқчи бўлиб, газдан оёғини олди-ю, ёлғиз эмаслигини ҳис қилиб, фикридан қайтди. Орқадан йўлни кузатиб кетаётган Санжарбек унинг фикрини англагандай қичқирди:

– Тўхтанг! Илтимос тўхтатинг! Шу отахонни олиб кетайлик. Савоб бўлади.

Ҳолиқул машинани четга олиб тўхтатди. Анчадан бери мулғиб келаётган Маҳкамнинг уйқуси қочиб, «Нима гап? Нега тўхтадик» дегандай жўрасига тикилди.

– Отахонни олайлик! – Ҳолиқул машинани орқага бериб, чолга яқинлашди ва ойнани тушириб:

– Ассалому алейкум ота! Йўл бўлсин, – деб сўради.

– Раҳмат чироғим! Ҳазрати Баширга кетаётгандим...

– Йўлимиз бир экан! Чиқинг отахон! – Ҳолиқул чаққонлик билан машинадан тушиб, чолнинг қўлидаги зил-замбил сумкаларни машина юкхонасига жойлаштирди. Сўнг унинг тирсагидан тутиб, машинанинг орқа ўриндигига чиқиб олишига қўмаклашди.

Маҳкам орқага бурилиб ҳам қарамасдан чолнинг саломига алик олган киши бўлди. Шу тобда унинг хаёлидан дўстининг бир нотаниш чолга кўрсатаётган меҳрибончилиги – бегоналар олдида ўзини кўрсатишдан бошқа нарса эмас деган фикр ўтди: Санжар-ку тушунарли. Ҳамма нарсадан «наф» қидиради, «далил» излайди. Чолни бекорга олмади, энди уни гапга солади...

У ҳақ эди. Санжарбек отахон билан худди юз йиллик танишлардек сўрашиб, сўнг «мақсад»га кўчди:

– Бобо, исмингиз нима?

– Шерқул!

– Мен – Санжарбек, булар Маҳкам ака, Ҳолиқул акалар!

– Нечага чиқдингиз?

– Уч кам саксон... Энди бу жоғи отман туя бўлармиди! Амаллаб кириб-чиқиб журибмиз, қаричилик... болам, қаричилик!

– Аммо, анча ёш кўринасиз, ҳеч ким сизни етмиш еттига кирган демайди! Ҳали қирчиллама йигитдайсиз-ку! – терговчи бу гапни чин дилдан айтдими ёки уни гапга солиш учун атайлаб мақтаяптими билиб бўлмасди.

– Гўрда дейсиз! Шу кунларда аввалги шаштим жўқ. Бурун бир қоп унни елкага ташлаб, бир тош йўлга опкетаверардик. Энди манов бир сумка беда уруғи динкамизни қуришиб ташлаяпти, – деди чол машина юкхонасига ишора қилиб.

– Ҳалиям бақувватсиз... биздақа йигитларнинг икки-учини елкасини ерга текизсангиз ажабмас.

– Қайдан билдинг, ёшлигимда қишлоқнинг олд полвонларидан эдим! Унча-бунчасини кўрдим демасдан, ошириб отардим... – ҳамсухбатининг диққат билан эшитиб турганини ҳис қилиб, ота-хоннинг мақтангиси келиб кетди. – Шу вўртада мени жиғодигон полвон топилмасди. Э, нимасини айтасиз вў кунлар тушда кўргандай бирпасда ўтди-кетди...

– Отахон, момо тирикмилар? – гапга Ҳолиқул аралашди.

– Нариги дунёга рихлат қилганига беш йил бўлди! Раҳматли тилла кампир эди-да! Оллоҳнинг иши экан, нима қиламиз!

– Узр ота! Бандалик! Ярангизни янгилабман-да!

– Аллақачон уйланиб олгандирсиз! – Ўзини ухлаганга солиб келаётган Маҳкам гап қистирди. – Бирорта ёшроғини топгандирсиз бобой!

Чол овоз келган тарафга қараб нимадир демоқчи бўлди-ю, аммо индамади. Санжар ичида ҳамкасбини қўполлик ва калтафаҳмлиқда айблади. Ноқулай вазиятдан чиқиш учун Ҳолиқул гапни бошқа ёққа бурди:

– Отахон, уйингиз қишлоқнинг қаерида? Олдиндан айтиб қўймасангиз... ўтиб кетмайлик тағин.

– Ҳайдайвер болам! Мен қишлоқнинг одоғида тураман. Ҳазрати Башир зиёратгоҳидан ҳам тепада, яйловга чиқиб кетиш йўлида, – деди чол йўлдан кўзини узмай. – Айтгандай, сиз анави сафар биз томонга келгандингиз-ку!

Ҳолиқул ҳайрон бўлиб, «Менми? Тушунмадим!» дегандай ойнадан чолга қараб қўйди. Санжар ҳам чолнинг нимага шама қилаётганини англай олмади. Шерқул бобо буни фаҳмлади шекилли, изоҳ берди:

– Мошинингизни кўргандайман-да!

– Қаерда, қачон кўргансиз? – Санжар «тергов»ни бошлаб юборди. Саволига расмий тус бериб

юборганидан хижолат бўлиб, қўшиб қўйди: Шунга ўхшаш машинани кўрганман демоқчисизда-а!

– Йўғ-е, худди шу мошина эди! Нўмири ҳам 707 эди!

Ҳолиқул машина давлат рақамини эслаб қолганидан чолнинг ёлғон сўзламаётганига амин бўлди. Ўзи шунақа одамлар бор. Рақамга хотираси яхши бўлади. Бир кўрганини сира ёддан чиқармайди.

Санжар касбига хос қизиқувчанлик билан чолни «ўрашда» давом этарди:

– Қаршида кўрганмидингиз?

– Қанақа Қарши! Унда итимни йўқотибманми? Қишлоқда! – Чол «тўғрими?» дегандай Ҳолиқулга мурожаат қилди. – Бир ҳафта-ўн кун олдин Баширга келганмидинг, улим!

– Йўқ! Қишлоғингизга беш-олти йилдан бери борганим йўқ! Бу мошинада сиз томонларга биринчи марта келишим! – Ҳайдовчи эътироз билдирди. – Адашаяпсиз отам, адашаяпсиз!

– Ҳе адашиб ўлибманми, қари бўлсамам кўз ўлгур яхши кўради! – бўш келмади чол. – Бир кўрган нарсамни эслаб қоламан. Ахир нўмиринг «707»ми?

– Тўғри, 707.

– Унда яна нима дейсан! Қора «Жип», нўмири ҳам ўша! – чол голибона тиржайди. – Лекин ҳайдовчига аҳамият берганим йўқ. Сен бўлмасанг, балки рулни бошқа бировга бергандирсан.

– Машинани ўзимдан бошқа одам ҳайдамайди! – Ҳолиқул елкасини қисди.

– Нима мен сенларни алдаяпманми? Кўрганимни айтдим қўйдим-да! – Бобой ўр ёнини бергиси келмасди.

– Ҳеч ким сизни ёлғон гапирди демаяпти! Сиз шунга ўхшаш машинани кўрган бўлсангиз керак. Нўмири бир хил бўлса-да, серия рақами ва ҳудудий мансублиги фарқ қилади. – Санжарбек чол-

га далда берди. – Жип Қашқадарёникимиди ёки бошқа вилоятга тегишлимиди? «707»дан олдинги ва кейинги ҳарфлар ёдингизда қолмаганми?

– Унисини қаердан билай! Яп-янги қора «Жип», нўмири 707! Бошқасига эътибор қилмапман! – қария бир оз «чекинди». – Шу кунни уйимиз жонидан ўта туриб, мошин филдирагининг қопқоғи тушиб қолганди. Қайтганда бераман деган хаёлда қапқоқни олиб қўйдим. Аммо бояқиш кечга довур қайтмади.

– Қопқоқ ҳозир қаерда! – Санжарбек қизиқсинди.

– Оғилга ташлаб қўйгандим, тургандир-да!

– Ўша машина «Ҳазрати Башир»ни зиёрат қилишга келганмикин?

– Ит биладими? – Чол юзини тескари буриб олди.

– «Уйим Ҳазрати Башир зиёратгоҳидан тепаликда» дегандингиз. Демак, улар зиёратчилар бўлмаган, – терговчи мантиқий хулоса чиқарди.

– Зиёратчи бўлса, пастдан – зиёратгоҳдан қайтишарди! – мушоҳада юритди чол. – Ҳазрати Баширга ҳар кунни юзлаб машиналар келиб кетади. Ҳеч ким уларга эътибор бермайди. Менинг уйим эса қишлоқнинг энг чеккасида! У ёғи қир-адир! Одам яшамайди. Тепада чўпонларнинг қўраси бор холос.

«Чўпон» сўзини эшитиб, ҳар иккала терговчи сергакланди.

– Қайси чўпон... қанақа қўра? – Санжарбек хаёлига келган фикрларни таҳлил қилар экан, савол беришга шошилди.

Маҳкам ўриндиқлар орасидан бошини суқиб, илк бор чолга тикилди.

– Тепада раҳматли Норбўтанинг қўрасидан бошқа ҳеч нарса йўқ, – қария муҳим сирни айтаётгандай пичирлади. – Гўринг обод бўлгур яхши одам эди. Яқинда ўлдириб кетишди!

– Йўғ-э! – Санжар ҳайратга тушгандай бош чайқади. – Чўпонни ўлдириш кимга керак экан?

– Ҳайронман! Туппа-тузук одам эди. Шаҳарлик бир жошгина аялга илакишиб қолган дейишяпти. Хотин кишининг макри қирқ туяга жук бўлади... Шу баччағар бошига етди-ёв!

– Ота, сиз бояғи «Жип»ни кўрганимга ҳафта-ўн кун бўлди деяпсиз. Эслай оласизми – бу воқеа чўпоннинг ўлимидан олдинмиди ё кейинмиди? – Санжарбек бошида чарх ураётган фикрларга ойдинлик киритишга киришди.

Мўйсафид бир оз ўйланиб қолди. Сўнг нимадир ёдига тушди шекилли, дадилланди:

– Норбўтани жума куни ерга қўйдик. Ундан кейин мен 4-5 кунга Қаршига – қизимникига кетдим... Демак: мен мошинани Норбўта чўпоннинг ўлимидан бир ёки икки кун олдин кўрган бўлишим керак...

– Аниқми? – Маҳкамнинг сабри чидамади.

Чол жини суймаган одамнинг гапга аралашганидан жаҳли чиқдими, Маҳкамга хўмрайиб қараб қўйди:

– Аниқми, тиниқми, сизларга нима? Милисами-санлар! Бу одамларга бир гапни айтибам бўлмайдими-я!

Ростини айтмаса, қариянинг жини кўзиб, тағин ҳозир айтган гапларидан мункир келиб қолмасайди деган ўйда Санжарбек бор гапни айтишга аҳд қилади:

– Отахон, бизлар ўша қотиллик бўйича ишлаётган терговчилармиз. Сизнинг «Жип» ҳақидаги маълумотингиз бизга асқатиши мумкин.

Чолнинг юзи ёришди:

– Айтдима, нимага бунча саволга тутишяпти деб. Зап одамига йўлиқибман-ку!

– Отахон, энди менга ўша куни кўрганларингизни бир бошидан, ипидан игнасигача гапириб берсангиз! – Санжарбек бобосидан эртақ тинглайдиган боладай ўнғай ўрнашиб олди. – Фақат сиздан

илтимос, ҳеч нарса, ҳатто майда-чуйда деталлари ҳам ёдингиздан чиқмасин.

– Олди Худо! Энди милисама-милиса, судма-суд юрмасайдим! – шу тобда қария ҳазиллашяаптими ёки жиддий гапираяптими англаш қийин эди.

– Ҳозирги замонда сиздай эътиборли, сермулоҳаза ва кўпни кўрган одамни учратиш қийин бўлиб қолди. – Санжарбек бу чапани чолни «йўлга солиш»нинг бошқача йўлини тополмади.

Мақтов иш берди. Қария қора «Жип» билан боғлиқ воқеаларни шошмасдан бирма-бир сўзлаб берди. Терговчилар бири олиб, бири қўйиб, чолнинг бошини роса қотиришди.

– Ўзимам шу мошинада бир гап бор деп журибидим! – деди чол ўзини оғир жиноятни фош қилган қаҳрамондай ҳис қилиб. – Яхшиям, гилдирак қопқоғини сақлаб қўйган эканман...

Машина Ҳазрати Башир зиёратгоҳига етганда, ҳайдовчи «юраверайми?» дегандай Маҳкамга қаради. Унинг ишораси билан «Жип» сойнинг ўнқир-чўнқир йўллари оортада қолдириб, тепага одимлай бошлади. Қишлоқнинг адоғида чол йўлнинг чап томонидаги уйга ишора қилиб:

– Шу ерда сақла, болам! Мана уйга ҳам жетиб келдик! Қани тушингизлар! – деди.

Ҳолиқул қулайроқ жойни ўнғайлаб «Жип»ни оҳиста тўхтатди. Машинадан тушишди. Ажиб баҳор ифори димоққа урди. Меҳмонлар табиатнинг ҳусни-тароватига маҳлиё бўлганча чолнинг ортидан юришди. Шеркул бобо номигагина ип билан тамбаллаб қўйилган ёғоч эрганакни очиб, меҳмонларни ичкарига бошлади ва ўзи ёшига хос бўлмаган чаққонлик билан уйга кириб кетди. Сал ўтмай қўлида дастурхон ва икки дона тандирда ёпилган буғдой нон кўтариб чиқди:

– Уйга киринглар десам, бари бир кирмайсизлар! Тик туриб бўлса-да, нондан татиб кўринглар, насиба-да!

Ҳолиқул нонни ушатиб, шерикларига узатди:

– Тандирда пишган буғдой нондан ширин таом бўлмаса керак!

– Ош бўлсин! Олинглар! – деди Шерқул бобо ичкаридан сочларини майдалаб ўриб олган қизалоқ (набираси бўлса керак) кўтариб чиққан икки коса қатиқни меҳмонларга узата туриб. – Қатиқдан ҳам татиб кўринглар. Жониворларнинг қорни кўкка тўйиб қолди... Туришиман витамин!

Ҳолиқул косани чолнинг қўлидан олиб, бирини Санжарга, бирини Маҳкамга узатди. Санжар «ўзларидан бўсин!» дея эътироз билдирди. Унинг танимаган хонадонга дабдурустдан кириб келиб, бемалол еб-ичиб ўтирганларидан хижолат бўлаётгани сезилиб турарди.

– Олинг болам! Олинг. Сув жошдан! – деди Шерқул бобо меҳмоннинг ўнғайсизланаётганини сезиб. – Туя сўйиб чақирса, келмайдиган миймон-жонлар! Туз насиба, бир кеп қопсизлар!

Ҳаш-паш дегунча уч меҳмон икки патир, икки коса қатиқни паққос туширишди. Шерқул бобонинг «мина журган хўрозлардан бирини қозонга бостирамиз, уйга киринглар, меҳмон бўлиб кетинглар» деб қисташига қарамасдан Санжарбек кетишга изн сўради:

– Ота, роса маза қилдик! Еган таомларимизнинг мазаси ҳеч қачон тилимиздан кетмаса керак! Раҳмат! Энди анави топган қопқоғингизни кўрсатсангиз!

Чол мамнун жилмайиб, «мен ҳозир» деб ҳовлининг пастки томонидаги офилхонага кириб кетди. Зум ўтмай қўлида филдирак қопқоғини кўтариб чиқиб келди.

Терговчилар эҳтиёткорлик билан қопқоқни кўздан кечиришди. Қандайдир қоғозларни тўлдириб, ҳаммага қўл қўйдиришди. Сўнг қопқоқни авайлаб, салафан пакетга жойлашди. Шерқул бобо айтган гапларни оққа кўчириб, йўлга чиқишди.

Меҳмонларни кузатишга чиққан чол улар билан минг йиллик қадрдонлардек илиқ хайрлашди...

Машина илон изига ўхшаш сўқмоқ бўйлаб тепаликка қараб шитоб билан кетар экан, Санжарбек хаёлга толди: Шу «Жип» тек эмас, бир балоси борга ўхшайди. Агар зиёратга келган бўлса, зиёратгоҳ пастда. Агар бировникига меҳмонга келган деб ҳисоблайдиган бўлсак, тепада аҳоли яшамайди, фақат чўпонларнинг қўралари бор. Вақти ҳам тўғри келмоқда. Ёки бу шунчаки тасодифмикин. Нима бўлганда ҳам текшириб кўриш керак! Чол машинанинг худудий мансублигига аҳамият бермаган. Бундан чиқди «Жип»ни биринчи навбатда Қашқадарё, Самарқанд вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги машиналар орасидан қидириш лозим. Қизиқ, бир вилоятда «707» рақамли нечта қора рангли «Жип» бўлиши мумкин? Унча кўп бўлмаса керак. Чол рақамларда адашган бўлса-чи! Бўлиши мумкин. Лекин жуда ишончли гапирди. Дарвоқе, уч кам саксондаман деганмиди. Яъни 77 ёшда! 707 рақамини шунинг учун эслаб қолгандир... Фахридин Каримовичга ахборот бериш лозим.

– Ҳолиқул ака, телефонда гаплашиб олишга қулайроқ жойда тўхтатсангиз! – деди Санжарбек олдиндаги тепаликка ишора қилиб.

Ҳолиқул телефон тўлқини бемалол етиб келадиган жойни танлаб, машинани тўхтатди.

– Маҳкам ака, Сиз штабга телефон қилиб, вилоятдаги барча «707» рақамли «Жип» русумли автомашиналар ва уларнинг эгалари ҳақидаги маълум

мотни сўраб олишларини тайинланг! Мен Фахриддин Каримовичга вазиятни «доложить» қиламан.

Маҳкам «есть» деб, сал нарироқдаги катта харсанг тош устига чиқиб, баланд овозда телефонда кимларгадир топшириқ берди. Санжарбек ҳам бир оз четга чиқиб, телефонда Фахриддин Каримович билан боғланди ва унга Шерқул бобо ҳангомасини оқизмай-томизмай сўзлаб, шу йўналишда олиб борилаётган ишлар ҳақида ахборот берди:

– Мен ўша машина Қашқадарё, Самарқанд ёки Тошкент ҳудудларига тегишли деган фикрдаман, – деди Санжарбек ахборотига яқун ясаб. – Биз Қашқадарёдаги «707» рақамли «Жип» русумидаги автомашиналар ҳақида маълумот тўплашни бошладик. Фахриддин ака... Самарқанд ва Тошкент бўйича нима қилишни...

– Яхши, сизлар ишларни шу аснода давом эттиравеинглар! Самарқанд, Тошкент масаласи билан ўзим шуғулланаман, – деди Фахриддин шогирдининг сўзини бўлиб. – Фақат сиз ишхонага боргач, чолнинг кўрсатмаларини факсда менга ташланг!

– Тушунари! Фахриддин ака сизда нима гаплар?

– Ишляяпмиз! Бўпти! Кейин гаплашамиз! Мен вилоят прокурори қабулига кираётгандим, – устоз гапни қисқа қилди...

Ҳар гагидек терговчиларни Яхшилик чўпон кутиб олди. Унинг турқи-тароватидан чақирилмаган меҳмонлар ташрифидан унчалик хурсанд эмаслигини англаш қийин эмасди. Салом-алиқдан сўнг чўпон уларни қўтонга таклиф қилди. Санжарбек эътироз билдириб, чўпонни саволга тутди:

– Яхшилик ака, марҳум Норбўта қўтонга тез-тез келиб турармиди?

– Бошлиқ бўғоч келади-да! – Чўпон «бир нарсани неча марта сўраш мумкин» дегандай зарда қилди. – Биз қотори молди кетидан узи-кун журмасаям,

ҳар куни шунда эди. Баъзи пайтлар жотиб ҳам қоларди.

– Сурувларни асосан қаерга олиб чиқарди?

– Қаерга оп чиқарди, ўт-ўлан, хашак қаерда мўл бўлса шўйирга-да!

– Демокчиманки, унинг яхши кўрган дарасими, ...мол боқадиган ёки ўзи тез-тез бориб турадиган яхши кўрадиган деймизми... доимий жойи... бормиди? – терговчи фикрини аниқ баён қилолмай чайналди.

– Қўли бўшаса, ҳов анав Падаркуш тови томонга кийик вўт теришга чиқиб турарди, – деди чўпон рўпарадаги чўққига ишора қилиб.

– У ёқда кийик ўт кўпми?

– Мол туёғи тиймаган жерларда топса бўлади.

– Норбўта чўпон кийик ўтни нима қиларди?

– Нима қилайди, чойга солиб ичади-да! – чўпон «шуниям билмайсанми, галварс» дегандай юзини буриштирди.

– Сотадими демокчийдим-да! – Санжарбек ноўрин савол берганини фаҳмлаб, у гапига аниқлик киритган бўлди.

Бир-икки пакет нарсани сотганда нима бўларди!

– Сизам кийик ўт теришга чиққанмисиз?

– Қаерда дейсиз, бизда бекорчи вақт бормиди! Хўжайин бир ўзи чиқиб кетарди, – деди чўпон қўлидаги таёқни ўйнаб.

– Бир чиққанда қанча доривор олиб келарди?

– Унақа кўп опкемасди, бир салафан пакетда силарақ опкегичийди!

– Яхши! Унда бизам бир кийик ўт теришга бориб келайлик! – Санжарбек боядан бери чурқ этмай турган Маҳкамга юзланди. Сўнг қувноқ оҳангда чўпонга сўз қотди: – Яхшилик ака, сиз бизга йўл кўрсата оласизми? Тагин адашиб-нетиб ўтирмайлик!

– Санжарбек, рухсат этсангиз мен шу атрофда бўлиб турсам, – Маҳкам ўртоғига маъноли тикилди. – Мана Ҳолиқул бунақа саёҳатларни жон-дилдан яхши кўради. Бирга бориб келақолинглар. Негадир оёғим қақшаб турибди.

– Майли, сиз шу ерда дам олиб тулинг. Биз ака билан айланиб келамиз, – Санжарбек Ҳолиқулга тикилди.

– Бундай имкониятдан воз кечиб бўларканми? – Ҳолиқул мамнун жилмайди. – Маёвкага чиқмаганимга ҳам анча бўлганди.

– Унда қани командир бошланг! – терговчи Яхшиликнинг кўнглига йўл топиш учун атайлаб унга шундай мурожаат қилди.

Чўпон бир терговчига, бир кўраси томонга қараб, эшитилар-эшитилмас «Нима десангиз шу» деди. Сўнг бир нарса ёдига тушди шекилли, кўрага қараб юрди. Шу орада ивирсиб юрган ёрдамчисига нималарнидир тайинлаб, эски хуржунини елкасига ташлаб чиқиб келди:

– Қани кетдик!

– Яхшилик ака, хуржунингиз намунча зўр, ичида нима бор? – қизиқсинди Санжарбек.

– Манзил олис, ука! Ҳар эҳтимолга қарши сув, нон оловдим-да!

Йўлга тушишди. Чўпон олдинда, Санжарбек билан Ҳолиқул сал орқароқда у ёқ бу ёқдан гаплашиб кетдилар. Баланд қоянинг этагига борганларида бир оз тин олишди.

– Амир Темурам, Мирзо Улуғбега манов Падаркуш тови орқали Самарқандга ўтишган, – деди Яхшилик қўли билан тепаликни кўрсатиб. – Айтишларича, шу жердан катта карвон йўли ўтган. Соҳибқироннинг жанубга қилган юришларида аскарлар ҳам шу товни ошиб ўтишган. Шунинг учун товнинг беш-олти жерида катта-катта ғорлар

бўлган. Булардан аскарлар учун истехком ўрнида фойдаланилган дейишади. Кейинчалик уларнинг оғзи бекилиб кетган экан.

– Ўхў, тарихчимиз! Буларни қаердан биласиз? – деди Ҳолиқул чўпонга тикилиб.

– Норбўта акадан эшитганман. Раҳматли бунақа нарсаларга тоза қизиқарди-да!

– Нима учун тоғни Падаркуш деб аташган?

– Қайдан билай?

– Балки, Мирзо Улуғбек ўғли Абдулатиф томонидан шу тоғда ўлдирилгандир, – Санжарбек мантиқий хулоса чиқарди.

– Бу гапингизда жон бор. «Падаркуш» номи бекорга қўйилмаган бўлса керак... – деди Ҳолиқул ўйланиб туриб.

– Қани эди бу чўққиларнинг тили-забони бўлса! Қанча-қанча воқеаларнинг шоҳиди бўлган, қанча буюк инсонларни кўрган, – деди терговчи чўққидан кўзини ололмай.

Яхшилик чўпон сал иадамлаб, тепаликдан нималарнидир териб олишга киришди. Ҳолиқул Санжарбекка эргашиб, тоғ этаги бўйлаб оҳиста одимлади.

– Санжарбек, мени кечирасизу, агар сир бўлмаса, ўзи бу тоғлардан нима қидираяпсиз? – ёлғиз қолишганидан фойдаланиб, Ҳолиқул анчадан бери унга тинчлик бермаётган саволни беришга жазм этди. – Ҳар ҳолда маёвка учун келмагандирмиз...

– Ҳолиқул ака, айтайлик сиз Яхшиликнинг ўрнида чўпон бўлсангиз. Қўлингизда бир неча кўза тилла тангалар бўлса, уларни қаерга яширган бўлардингиз?

Терговчининг жавоб ўрнига қандайдир мантиқсиз саволни бергани тадбиркорни баттар таажжублантирди. Шундай бўлса-да, хаёлидан «тилла ҳақида сўраяптими, бу ерда бир гап бор» деган фикр ўтди:

– Демак чўпон бўлсам, шу ерда яшасам, анчагина тиллам бўлса, нима қилишим мумкин? Қаерга яширган бўлардим? – Ҳолиқул ўйланиб қолди. Саволни бир неча марта такрорлаб, бир қарорга келди шекилли сўз бошлади:

– Мен тиллаларни тоққа кўммаган бўлардим!

– Нима учун?

– Биринчидан, тоғ узоқ, бу ерга кўмса, кўммани ҳар куни кузатиб туриш имкони бўлмайди. Одам феъли шунақа, у тилла турган жойни кўзи билан кўриб туриши даркор. Иккинчидан, зарурат бўлганда қазиб олиш мушкул бўлади. Ундан ташқари қиш пайти бу ерлар қалин қор остида қолади. Икки-уч ой келиб-кегишнинг иложи бўлмайди. Бундай «азоб»га одам зотининг бардоши етмаса кераг-ов!

– Лекин анчагина тиллани пастда, кўтонда сақлаш ақсизлик эмасми?

– Бу нарса ўша чўпоннинг ақл-фаросатига боғлиқ! – Ҳолиқул бу гапни айтишга айтди-ю, унинг бир учи терговчига ҳам тегиб кетиши мумкинлигини ўйламаганидан хижолат бўлиб, хатосини тўғирлашга ҳаракат қилди. – Шунча тилласи бор одам уни қандай яширишни ҳам ўзи яхши билади. Бойлик одамни калласини ҳам ишлатиб юборади...

– Ҳўш, сиз айтганча пастда яширган бўлақолсин! Унда терговчи бўлсангиз тиллаларни қаердан излаган бўлардингиз?

– Унда... унда... – Ҳолиқул бир оз ўйланиб қолди. – Бу жой ҳеч кимнинг хаёлига келмайдиган ва айни пайтда кўзга яқинроқ бўлиши лозим...

– Пастда кўтонни кўрдингиз. У ерда шунақа жой бор деб ўйлайсизми?

– Масалан, итнинг ини – қулай жой. Тайёр кўриқчиси ҳам бор. Бегонани ёнига йўлатмайди...

– Сиз ҳақсиз! Қойил! Чиндан ҳам итнинг ини ҳар томонлама маъқул жой-ку! Нега бу фикр хаёлимга

келмаганига ҳайронман! Сизга раҳмат! Бари бир ҳаётий тажриба муҳим омил экан-да!

Ҳолиқул бош ирғаб, ҳамсухбатининг гапини маъқуллаган бўлди. Анча пайт жим кетишди. Ҳар ким ўз хаёли билан банд эди. Терговчи шу тобда итнинг инидан тиллаларни қандай топиб олиш хусусида бош қотираётган бўлса, Ҳолиқул оддий чўпоннинг шунча тиллани қаердан олган бўлиши мумкинлиги тўғрисида бош қотиради.

– Ҳа, бу тоғларнинг поёни йўқ, – Санжарбек юришдан тўхтаб, бир тепага, бир пастга разм солди. – Бу ердан бир-икки хум тиллани ахтариш – уммонда игна излаш билан баробар. Ортга қайтамиз!

Ҳамроҳларининг тўхтаганини кўриб, чопонининг этагини турфа хил ўтлар билан тўлдириб олган чўпон ҳам етиб келди. Ўздан саралаб, икки тутамини шерикларига узатди:

– Мановдан жеб кўринглар, ажойиб нарса!

– Бу нима! – деди Санжарбек қўлидаги ўтга тикилиб.

– Такасоқол! Минг дардга даъво!

Ҳолиқул олиндан еб кўрган шекилли, ўтни буклаб оғзига тикди:

– Озроқ туз бўлганда бундан ҳам мазали бўларди-да!

Санжарбек чўнтагидан дастрўмолчасини чиқариб, ўтни чангдан тозаллаган бўлди ва камгинасини оғзига солди, таъми ёқди чамаси, қолган қисмини ҳам паққос туширди...

Қўтонга етиб келишганларида қуёш уфққа ёнбошлаганди. Ҳали қоронғи тушишига камида бир соатча вақт борлиги учун Санжарбек итлар овози чиқаётган ёққа шошилди. Ярми темир сетка билан ўралган инда 4 та бир-биридан баҳайбат ит қўйиб юборса, одамни егудек «вов»иляб, бегоналар томонга ташланишарди. Яхшилик итларни тинчлантиришга ҳаракат қиларди. Терговчи инга яқинлашди:

– Кечаси кўйиб юборасизларми?

– Анов икки бўрибосарни кечда бўшатамиз. Авчаркаларни уясидан чиқариб бўлмайди, – деди Яхшилик итларни қўли билан кўрсатиб. – Бўрилар келса, улардан фойда бўлмайди... қўрқиб қолишадди бечоралар. Сизам кучукларга қизиқасизми?

Терговчи индамади. У итларни безовталигига аҳамият бермасдан яқинроқ бориб, иннинг ичига назар солди. Сўнг ёнида турган чўпонга деди:

– Яхшилик ака, итларни бошқа жойга кўчириб туришнинг имкони бўладими?

– Н-е-г-а? – чўпон «тушунмадим» дегандай терговчига қаради.

– Биз сал четроққа бориб турамиз. Сиз уларни бошқа жойга олиб ўтсангиз!

Терговчининг буйруқ оҳангида гапириши ёқмаётган бўлса-да, чўпон тўмтайиб, инга кирди ва бирин-кетин итларни занжирга боғлаб, олиб чиқа бошлади.

Берган маслаҳати асқатаётганидан ғурурланиб, воқеани нарироқдан кузатиб турган Ҳолиқул ёнига Маҳкамнинг келганини ҳам сезмай қолди:

– Роса мириқиб ухлабман! Ия, Санжарбек яна нима қилмоқчи?

– Итларни инидан бошқа ёққа кўчирапти, – деди Ҳолиқул ҳеч нарсани билмагандай совуққонлик билан.

– Итларни кўчириш кимга керак экан?

– Бошига бирор фикр келган бўлса керак-да!

– Тинчимайдиган бола экан-да! Бўлар-бўлмас нарсага ёпишгани ёпишган!

Ҳолиқул бир хаёл Санжарбекка ўзи маслаҳат бермоқчи бўлганини айтмоқчи бўлди-ю, дўстининг феълани билгани учун сукут сақлашни афзал кўрди. «Жиноятни очиш энди сенга қолдима, тошингни тер!» деса нима деган одам бўлади. Аввал натижа чиқсин. Кейин мақтанса, арзийди.

Маҳкам итхонадан кўзини узмай турган Сан-  
жарбекка яқинлашди:

– Хўжайин тинчликми? Кучук уриштирмоқчи-  
мисиз?

– Ҳа, Маҳкам ака, яхши дам олдингизми? Ёр-  
дамчи чўпонни, Ҳолиқул акани бошлаб келинг! Ит  
инини кўздан кечирамиз!

– Хўп! – Маҳкам ортиқча савол бермасдан орти-  
га қайтди: демак, тиллани итхонадан изламоқчи!  
Диққатга сазовор! Нега бу фикр олдинроқ ўзининг  
хаёлига келмади-я! Ёш бўлсаям бало экан!...

Итхона бўшагач, Яхшилик терговчиларни ичка-  
рига таклиф қилди. Қандайдир ёқимсиз ҳид ди-  
моққа уриди. Маҳкамнинг пешанаси тиришиб,  
рўмолчаси билан оғиз-бурнини бекитгунча бир  
четга ўтиб, нигоҳида хонани кузата бошлади. Сан-  
жарбек энгашиб, итхонанинг деворларини, бур-  
чакларини, оёқ остини синчковлик билан кўздан  
кечира бошлади. Ҳолиқул ҳам аланглаб, хонанинг  
гоҳ деворига, гоҳ шиптига синчиклаб разм солар-  
ди. Икки чўпон икки ёнда ҳамон гап нимадалиги-  
ни фаҳмлай олмай анқайиб туришарди...

Санжарбек хонанинг у ёғидан бу ёғига ўтиб,  
роса ҳаракат қилса-да, шубҳали бирор нарса ёки  
бирор жойни аниқлай олмади.

– Итлар билан асосан ким шуғулланарди? – деди  
у Яхшилик чўпонга тикилиб.

– Итлар – хўжайинники. Биз овқат-повқат бериб  
турамиз, кечда икки бўрибосарни қўйиб юбориб,  
саҳарда уларни жойига байлаб қўямиз. Раҳматли  
итларга теккан одамни ёмон кўрарди.

Демак, тилла шу ерга кўмилган. Қани эди темир  
изловчи мослама бўлган-да! Бирпасда топиб олса  
бўларди!

– Мана бунга бир қаранг! – хона тўридаги де-  
ворга тикилиб турган Ҳолиқулнинг овози Санжар-  
бекнинг хаёлини бузди. Ҳамма ўша ёққа юрди.

– Деворнинг мана бу қисми негадир унинг бошқа қисмидан фарқланиб турибди, – деди Ҳолиқул қўли билан деворда доира ясаб.

Санжарбек яқинроқ бориб, деворга разм солди. Ростдан ҳам 5-6 шлакаблок бошқаларидан ажралиб турибди. Қалаш учун ишлатилган цементнинг ранги-рўйида ҳам фарқ бордек...

– Деворнинг ортида нима бор? – деди Санжарбек чўпонга қараб.

– Ҳеч нима!

– В-ў-ў-ё-ғ-и м-о-л-х-о-н-а, – деди ёрдамчи чўпон дудуқланиб.

– Илтимос, бирор асбоб топиб келинг, фиштни жойидан кўчириш учун! – Санжарбек ёрдамчи чўпонга юзланди.

– Деворни... бузасиларми? – чўлиқ бир хўжайинига, бир терговчига қараб талмовсиради.

– «Опкел» дегандан кейин опкелмайсанми? Қанақа бепаросат одамсан! – Маҳкам бобилаб берди.

Яхшилик гарчи бу ҳақорат унинг ёрдамчисига айтилаётган бўлса-да, Маҳкамга егудек бўлиб ёвқараш қилди. Аммо бирор номаъқул сўз айтиб, бошқаларнинг ҳам кўнглини хуфтон қилиб қўйишини фаҳмлаб, ёрдамчисининг кетидан ташқарига чиқди. Кўп ўтмай чўпонлар қўлларида лом, болта, белкурак билан кириб келишди. Бир-икки зарба билан шлакаблоклар жойидан қўпорилиб, тандирнинг оғзидай туйнук очилди. Девор орти қоп-қоронғи эди. Кимдир телефонининг чироғини ёқиб, ичкарини ёритди. Бирин-кетин туйнукдан ошиб ўтишди. Икки девор ораси 1,5-2 қулоч торгина йўлакдан иборат эди. Кимдир оёқ остидан эски фонус топиб ёқди. Йўлак ёришиб, тўрдаги бурчакка тахлаб қўйилган беш-олти чоғли ёғоч қутилар ёққол кўринди. Терговчиларнинг ишораси билан чўпонлардан бири бўш қутиларни бир четга

олишди. Санжарбек қўлидаги фонусни кўтариб, яшиқдан ҳоли қилинган жойга диққатини қаратди, оёғи билан пайпаслаб босиб кўрди. Нисбатан юмшоқ. Тупроғининг рангидан яқин атрофда қазилганлиги кўриниб турибди. Қўлида белкурагини ҳозирлаб турган Ҳолиқул терговчининг имоси билан қазишга киришди. Кимдир кетмон топиб келди... Чамаси тўрт-беш қарич қазиганларидан сўнг, кетмон қаттиқ жисмга урилди. Ҳамманинг диққати ўша ёққа қадаалди. Жисм атрофи тупроқдан тозаланганда ўрадаги нарса олтмиш литрлик алюминий бедон эканлиги маълум бўлди. Кўпайлашиб бедонни юзага чиқаришди... Авайлаб қолқоғини очганда барчанинг кўзи чақнаб, оғизлари ланг очилиб қолди... Умри бино бўлиб ҳеч ким бунчалик кўп олтинларни кўрмаган эди...

Бир талай ҳужжатлар тўлдирилиб, олтинлар тўлиқ санокдан ўтказилгач, тун ярмидан оққанда ортга қайтишди. Кун бўйи йўл юриб, толиққан бўлсалар-да, барча хуррам эди. Айниқса, терговчиларга тўғри маслаҳат бериб, шунча хазинанинг топилишига сабабчи бўлган Ҳолиқул ўзини қаҳрамонлардек ҳис этиб кетарди. Аслида терговчиликка ўқишга кирса бўларкан. Ҳар қандай жиноятни қийналмасдан, ички ишонч ёрдамида очган бўларди. Мана ўртоғи Маҳкам – мактабда тузукроқ ўқимаган бўлсаям вилоят прокуратарасида туппа-тузук терговчи бўлиб ишлаб юрибди. Мактабни яхши битирмагани бари бир оёғига бир умр тушов бўлса керак... Лекин дўқ уришни, «сиёсат» қилишни боппайди...

Санжарбекнинг хаёлида битта фикр чарх урарди: Норбўта чўпон шунча олтинни қаердан олган бўлса! Садоқатнинг гапига ишонадиган бўлсак, унинг бобосидан қолган хазинанинг чўғи унча катта бўлмаган. Ошиб борса бир-икки хумга жойлашиши

мумкин эди. Яна қилич, тақинчоқлар... Тиллалардан бир қисми ишлаганиганини ҳисобга олинса... бунча қолиши керак эмасди-ку! Ёки Садоқат ёлгон гапирганмикин? Ё Норбўтада олдиндан ота-боболаридан қолган тилла бўлганми? Йўқ, йўқ! Садоқатни топгунча, ундай пулдор бўлмагани аниқ. У кейинчалик бойиб кетган. Юриш-туришида ҳам кейинчалик ўзгаришлар пайдо бўлган! Унга қадар ғарибгина ҳаёт кечирган... Балки, топилган хазинанинг асосий қисмини хотинидан яширгандир. Йўқ, бу ҳам тўғри келмайди. Ахир улар хазинани бирга қазиб олишган-ку! Балки ўша пайт хазинанинг бир қисмини кавлаб олишган бўлса-чи! Кейинчалик яна қазиб кўрган. Асосий хазинани ёлғиз ўзи қазиб олган ва яширган... Кейин қазиган...

– Тўхтатинг! – Санжарбекнинг қичқириви ҳаммани чўчитиб юборди. – Ортга қайтамыз!

Машина чийиллаб тўхтади.

– Тинчликми? – Маҳкам кўзларини чақчайтириб, орқага қаради.

– Қўрага қайтамыз!

– Яна нима гап!

– Битта нарса ёддан чиқибди!

– Ярим тунда тентираб нима қиламыз! Эрталабгача жин урмас ўша нарсага! – деди Маҳкам хуноби чиқиб.

– Ҳолиқул ака илтимос, қўрага ҳайданг! – Санжарбек кимга бўларини билмай турган ҳайдовчига юзланди. – Биламан... шу пайтда... лекин бормасак бўлмайди... Керак-да!

– Керакка терак йиқилибди! Қайт десангиз – қайтдик-да! – Ҳолиқул машинасини изига қайирди. У иддао билан гапираётгани ёки сўзлари самимийми англаш қийин эди.

Маҳкам бошқа эътироз билдирмади. Хаёлига «бу боланинг калласига яна нима бало келган бўл-

са керак-да!» деган фикр келди. Лекин ўтаётган куни натижаларга бой бўлгани, каттагина бойликни давлат хазинасига қайтарилишига эришгани, асосийси топилган хазина учун раҳбарият уни ҳам берафбат қолдирмаслигини, ол қулим деса мансаби ҳам ошиши мумкинлигини ўйлаб, жимгина кетишга ҳаракат қилди...

Машина кўрага яқинлашганда Санжарбек олдинга эгилиб, ҳайдовчига «Итхона олдига ҳайданг», деди.

Ҳолиқул тўғри итхона томонга юрди. Машинанинг чироғида ит инида қандайдир шарпа кўрингандай бўлди. Шу пайт икки бўрибосар икки ёндан «вовиллаб» машинага ёпиша кетишди. Ҳолиқул «Жип»нинг чироғини итхонага тўғирлаб, тўхтатди. Итхона бўм-бўш эди. Машина яқинлашгач, ҳалиги шарпа ҳам ўзини панага олди шекилли, кўринмай қолди. Машинадан тушишнинг имкони йўқ эди. Ҳолиқул бостириб-бостириб сигнални босди. Шундан сўнг чопонининг ўнгирини қоқиб, итхонадан Яхшилик чўпон чиқиб келди. Орқасидан ёрдамчи чўпон кўринди.

– Йиғиштир манави аждарларингни! – Маҳкам машина ойнасини бир оз тушириб, бақира кетди.  
– Одамни еб қўяман дейди-я!

Чўпонлар бақириб-чақиритиб итларни олиб кетишди. То улар қайтиб келгунча, ҳеч ким машинадан тушишга жазм қила олмади. Яхшилик қайтгач, меҳмонлар бирин-кетин машинадан тушишди.

Санжарбек Яхшиликка яқинлашиб, унинг негандир қалтираб бораётганини ҳис қилди. Чўпон меҳмонлардан яна нима мақсадда қайтиб келишганини сўрашга ҳам ботина олмади. Шунда у ўйлаган нарсаси тўғри чиққанига амин бўлди ва ҳеч кимга қарамасдан итхона томонга юрди. Қолганлар ҳам беихтиёр унга эргашди. Боягина ўзлари очган тўйнуқдан фонуснинг хира

шуълаеси тушиб турарди. Буни кўриб, Маҳкам орқасида келаётган Яхшиликка юзланди:

– Ҳа жўра! Бу ерда нима қилаяпсизлар? Тилла изляяпсизларми?

– Йўғ-е! К-е-ч бўсаям... чуқурни... ҳалигидай... кўмиб ташламоқчи...

– Эрталаб кўмса бўлмасмиди? Тинчимайсанларда...

Туйнукдан ўтишиб, чуқур томонга юришди. Санжарбек кўлидаги фонусни кўтариб, хазина чиққан чуқурга диққат билан разм солди. Ўра қисман кўмилган бўлса-да, лекин икки ён томонга кенгроқ қазилганлиги шундоққина кўриниб турарди. Буни Маҳкам ҳам, Ҳолиқул ҳам фаҳмлади шекилли, бараварига орқада иштонини хўллаб қўйган боладай дир-дир титраб турган Яхшиликка қарашди.

– Ҳа чўпон! Бойигилари келиб қолдиларми? Бир танга бўлсаям тилла топдиларми? Қойил-эй!

– Мен ўрани... кўмиш учун...

– Кўмсанг, кўмда ташла! Юмронқозикқа ўхшаб қазиб ташлабсан-ку!

Санжарбек «бас» дегандай ҳамкасбига маъноли қараш қилди. Сўнг индамай оёқ остида ётган кетмонни олиб, бир сакраб чуқурга тушди ва қазишга тушди. Тупроқ ҳозиргина кавланиб, қайта кўмилгани учун юмшоққина эди. Бирпасда олдингисидан икки баробар келадиган ўра ҳосил бўлди. Бир маҳал кетмон тақиллаб, нимагадир урилди...

Иккинчи бедондан ҳам аввалгисидан кам бўлмаган тилла, тангалар, заргарлик буюмлари борлиги маълум бўлди...

Тонгга яқин хайрлашиш олдидан анчагина ўзини босиб олган Яхшилик Санжарбекни чеккароққа тортиб деди:

– Ука узр! Силар кетгандан сўнг манов ёрдамчим ўлгур «юринг қазиб кўрайлик, бирорта танга-панга тушиб қолгандир» деб қўймади. Менгина

ўлгур шайтон васвасасига учиб, шартта кўнибман-да! Ковлаб, энди бедоннинг учи кўринганда яхшиям силар кеп қолдинглар!

– Яхшилик ака, сиз самимий ва ҳалол одамсиз! Хазинани топиб олганларингизда ҳам бизга хабар бермоқчи бўлгансиз. Шундайми? – терговчи чўпонга кулимсираб қараб, елкасига уриб қўйди. – Сизлар катта ёрдам қилдингизлар! Раҳмат! Энди бизга жавоб! Ҳа айтгандай, у хонани муҳраб қўйдик. Хонани махсус асбоблар ёрдамида текширувдан ўтказишимиз лозим. То биздан махсус рухсат бўлмагунча у ерга ҳеч кимни қўйманг! Келишдикми?

– Келишдик! – чўпон елкасидан оғир юк тушгандай енгил нафас олди...

Йўл-йўлакай Санжарбек Фахриддин Каримовичга, Маҳкам вилоят прокурори ўринбосарига бўлиб ўтган воқеалар хусусида ахборот берди. Топилмани вилоят прокуратурасида қолдириб, меҳмонхонага келганларида тонг ёриша бошлаганди...

Санжарбек бир оз бўлса-да ухлаб олишга ҳаракат қилди. Лекин кўзларига уйқу келмади. Хаёллари чувалашиб кетди: Норбўта чўпон бунча олтинни қаердан олган бўлиши мумкин? Садоқатнинг бобосидан қолган хазинанинг бунчалик чўғи баланд бўлмаган. Бундан келиб чиқди чўпон яна битта кўмма топган кўринади. Балки Садоқатнинг бобоси қолдирган хазинанинг давоми бўлгандир?! Кейинчалик чўпон ўша олтинларни излаб топган ва ҳеч кимга сездирмасдан яширган. Ёки Садоқат ёлгон гапириб, бизни чалғитмоқчи бўлаяптими? Нима сабабдан? Бундан унга нима наф? Менимча, у ёлгон гапирмаган. Бундай ҳолатда шунча тилла қаердан пайдо бўлди? Бу ерда бир сир борга ўхшайди. Чўпоннинг ўлими шу олтинларга боғлиқ эмасмикин? Бўлиши мумкин! Нима бўлганда ҳам масала тобора чуқурлашиб бормоқда... «707»

рақамли «Жип» эгасини топиш имкони бўлармикин? Калаванинг учи шу машинага бориб тақалармикин? Бу томонда Ҳикмат деганлари...

...Гўри Амир мақбараси ёнида тумонат одам тўпланган. Ўша ёққа юрди. Ичкаридан шоҳона либосда юз-кўзларидан нур ёриб турган бир киши чиқди. Чеҳраси танишга ўхшайди. Ким бўлди экан бу муборак зот! Ҳамма таъзим бажо қилишди. У ҳам хиёл энгашиб, қўлини кўксига қўйганча салом берди. Ҳалиги киши бир сўз демасдан атрофдагиларни кузата бошлади. Нигоҳларининг ўткирлигини қаранг! У ҳам ўғринча муборак зотга разм солди... Ҳақиқатда жуда таниш... Мирзо Улуғбекка ўхшайдими? Ҳа, ҳа ростдан ҳам Улуғбек Султоннинг ўзлари! Юраги энтикиб, негадир кўзларида ёш қалқиди. Ахир шундай буюк олимни, 40 йил Мовароуннаҳр тахтини адолат ва маърифат ила бошқарган шоҳни ёнгинасидан кўриб туриш бахтига муяссар бўлиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди-ку! Аммо... у 1449 йилда ўғли Абдулатиф томонидан ўлдирилмаганмиди?

Шу пайт Улуғбек Мирзо уни ёнига чорлаб қолди. Аввалига кўрқиб кетди... Сўнг кимнинг ҳузурида эканлиги ёдига тушиб, ўзини босиб олди. Одамлар орасидан ўтиб, шоҳга яқинлашди.

– Ўғлим! Мен шунча йиллардан буён сени муштоқ кутдим. Танлаган йўлинг ҳақ йўл. Яна жиндек ҳаракат қилсанг, иншооллоҳ муродинг ҳосил ўлмай! Маним эса бобом Соҳибқирон Амур Темур олдида юзим ёруғ бўлмай! Фақат сен...

Телефон қаттиқ жиринглади. Санжарбек сапчиб ўрнидан туриб кетди. Атрофга аланглади. Улуғбек Мирзо... одамлар... Гўри Амир мақбараси... Телефоннинг овози ўчиб, бирпасдан сўнг яна ёқимсиз жиринглашга тушди. Истар-истамас гўшакни кўтарди:

– Эшитаман!

– Санжарбек яхшимисиз! Узр, уйғотиб юбормадимми? – Фахриддин Каримовичнинг овози эшитилди.

– Йўқ, раҳмат! Кечаси бир оз... кечроқ... саҳар пайти қотиб ухлаб қолибман!

– «Жип»лар хусусида жавоб олдик: Тошкент шаҳрида 504 дона «707» рақамли автомашина бўлиб, шулардан 156 таси «Жип» русумли экан...

– Ўҳў! Қора рангиси қанча экан? – деди Санжарбек ҳайратини яширолмай.

– Қора рангиси бор-йўғи... 79 тагина экан.

– Вой-бўй, роса кўп экан-ку!

– Энди Самарқанд вилоятига келсак, шунақа рақамли машиналар сони 456 та экан. Шундан қора «Жип»лар сони 67 тани ташкил этаркан. Биз уларнинг тўлиқ рўйхатини олдик. Улар устида ишлашни бошладик... Сизда нима гаплар?

– Хазинани бугун банкка сақлаш учун топширамиз. Тиллоларнинг қайси даврга тегишлилиги бўйича мутахассислар хулосасини олишимиз керак!

– Яхши! Қаршида малакали мутахассислар бўлмаслиги мумкин. Мутахассисни бу ёқдан юборишга ҳаракат қиламан. Йигитлар сизга алоқага чиқишади.

– Раҳмат устоз! Ҳали... – Санжарбек яна нимадир демоқчи бўлиб, чайналди. – Устоз, минг бор узр-куя... ҳали бу ерда анчагина бўладиган кўринамиз. У ёқда келинингиз... оғир оёқ дегандай...

– Сизни тушундим. Ишлар сал енгиллашсин, келинни кўришга бориб келасиз. Ҳозирча амаллаб туришсин! Келишдикми?

– Келишдик! – деди Санжарбек масалани номаврид кўтарганидан хижолат чекиб.

Телефонни стол устига қўяр экан, соатига қаради – 07.12. Икки соат ухлабди. Кўрган туши ёдига тушди. Тавба, одамнинг тушига нималар кирмай-

ди-я! Улуғбек Мирзо билан гаплашдимиз? Ҳа, ҳа унинг ўзи эди. Нима деганди-я!... «Шунча йилдан бери сени кутдим» дедими? «Ҳақ йўлни танлабсан, яна озроқ ҳаракат қилсанг, муродинг ҳосил бўлади» деганда нимани назарда тутган бўлса? Жиноятнинг очилишини башорат қилдилармикин? Йўғ-е, шундай буюк инсоннинг қаердаги бир чўпоннинг қотиллик жиноятига қанақа алоқаси бўлсин! Унда нима демоқчи? «Менинг Амур Темур бобом олдида юзим ёруғ бўлади», дегани нимани англатса экан? Бу улуғ зот нимага шаъма қилмоқда? Қизиқ, жуда қизиқ! Устозга айтсам бирор маслаҳат берган бўлармиди? Йўқ, йўқ, айтмагани маъқул бўлди, ҳар дамгидек устидан кулган бўларди. У киши бунақа нарсаарга ишонмайди. Тушингни сувга айт дейишади: «Подшоҳни тушда кўриш хайрли» деб эшитган жойи бор. Ишқилиб ҳаммаси хайрли бўлсин-да!...

\* \* \*

Фахриддин Каримович ички ишлар бошқармаларидан олинган маълумотларни таҳлил қилар экан, негадир Самарқанд вилоятидаги «Жип»лар рўйхатига диққатини қаратди: Наҳот битта вилоятда бир хил рақамли, бир хил русумдаги машиналардан 67 та бўлса! Булардан қай бири ўша мудқиш кунда Ҳазрати Баширга борган экан-а! Балки бу тасодифдир. Норбўта чўпонга умуман алоқаси йўқдир. Балки... Аксинча бўлиши ҳам мумкин-ку! Наҳотки шулардан бири қотил бўлса? Унда қай бири? Рўйхатдагилардан 12 таси аёл киши экан. Уларни гумондорлар сафидан чиқариш мумкинми? Йўқ, йўқ! Булардан ҳеч бирини шубҳадан ҳоли деб бўлмайди. Машина аёл кишининг номида бўлса-да, уни эркак киши ишончнома асосида бошқариб юрган бўлишиям мумкин...

Эшик тақиллаб, хонага Аваз кириб келди:

– Мумкинми?  
– Марҳамат келинг! Нима гаплар!  
– Қарши давлат университетидан жавоб олдик,  
– изқувар қўлидаги қоғозни терговчига узатди. –  
Ҳикмат Юсупович ҳеч қанақа семинарда қатнаш-  
маган экан. Лекин 4 марта семинарда иштирок эт-  
ганлиги ҳақида хизмат сафари расмийлаштирган.

Терговчи қоғозга кўз югуртириб чиқиб, Авазга юзланди:

– «Ҳеч қандай халқаро семинар бўлмаган» денг.  
Демак, бу бир баҳона бўлган! Норбўта билан учра-  
шиш учун борган! Балки Қаршида бирорта шери-  
ги бўлгандир...

– Шу «кал» менга бошиданоқ ёқмаганди! Унда  
қандайдир носамимийликни сезгандим. Ўзини си-  
пойи қилиб кўрсатса-да, бинойидек муғамбир...

Фахриддин ўз хаёллари билан бўлиб, изқувар-  
нинг гапларини эшитмади: наҳотки шу йигит қо-  
тил бўлса! Бир неча тилни биладиган, иқтидорли,  
олим одам-а! Сира ишонгинг келмайди! Аммо...  
мол-давлат, зебу зийнат ҳар қандай одамни дини-  
дан чиқариши, разилик гирдобига итариши мум-  
кин. Яна гап ўша олтинларга бориб тақалади ше-  
килли. Лекин Норбўтанинг тилалари топилди-ку!  
Балки тилаларни топиб бермагани учун чўпон-  
нинг бошига шу кунлар тушгандир. Бўлиши мум-  
кин. Ҳикмат чўпон билан яқиндан таниш бўлган.  
Ундан қадимий китобларни сотиб олган. Чўпон  
ўзида тилалар ҳам борлиги тўғрисида мақтанган.  
Ёки тилаларнинг нарх-навосини суриштирган.  
Бу маълумот Ҳикматнинг тинчини бузган...

– Мен кетаверайми? – Аваз чуқур ўйга толган  
терговчининг фикрини бўлмаслик учун оҳиста га-  
пирди.

– Яхши, яхши! «Жип»лар тўғрисида маълумот  
тўплашни тезлаштиринглар. Ҳеч нарса эътибор-

дан четда қолмасин. Кечқурун йигитларни тўп-ланг, гаплашиб оламиз.

Орадан хийла вақт ўтар-ўтмас чор тарафдан маълумотлар ёғилиб кела бошлади. Фахриддин ҳар бир ҳужжатни қунт билан ўрганиб чиқар, нималарнидир ёзиб-чизарди. Кечга бориб барча «Жип» эгалари, уларнинг машғулоти, қизиқишлари, яқин қариндошлари, оилавий шароити, мулкый аҳволи, судланган-судланмаганлиги ҳақидаги маълумотлар жамланди. Терговчи уларнинг ҳар бирини диққат билан ўрганиб чиқар экан, ногаҳон битта ҳужжат диққатини тортди... Давлат рақами 707 СА «Prada» русумли автомашина соҳиби Абдуллаев Талъат Халилович, дастлаб «Олмос» дўконида сотувчи, кейинчалик фирма раҳбари бўлиб ишлаган, муқаддам ўзганинг мулкани талон-торож қилганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилган... яқин қариндошлари – отаси Абдуллаев Халил, савдо ходими, 1989 йилда вафот этган. Онаси уй бекаси, мархума. Опаси Абдуллаева Раиса Халиловна «Биллур»...

Фахриддин тилла топган одамдай суюниб ўрнидан туриб кетди... Бу ўша! Вой кампиршо-эй! Шунча давлати камлик қилибди-да! Янада бойигилари келиб қолибди-да! Ҳайҳотдай тилла дўконнинг эгаси бўла туриб... Наҳотки туппа-тузук аёл, куда-андалди одам, бойлик йўлида қотилликка қўл урган бўлса! Ишониш қийин... Чўпон бир неча марта тилла тангаларни дўконга топширгач, Раисанинг фикри айниган. Чўпонни даф қилиб, олтин тангаларни осонгина қўлга киритиш пайига тушган. Бунда ишончли ҳамкор керак бўлади. Укаси айни у ўйлаган одам. Ҳам ишончли, ҳам қулай. Бегона одам кун келиб, сотиб қўйиши мумкин. Талъат қамалиб чиққан, ҳеч нарсадан тап тортмайди, оғзи ҳам маҳкам... Вақтни бой бермаслик керак! Ҳойнаҳой ўзлари тўғрисида маълумот йиғилаётга-

нини сезиб қолишса, опа-ука жуфтакни ростлаб қолишлари мумкин.

Фахриддин шитоб билан ўрнидан туриб, телефон гўшагини кўтарди ва таниш рақамларни терди:

– Ало, Тоҳир Ғофурович, ассалому алейкум!

– Салом! Фахриддин Каримович, нима гап, янгилик борми?

– Тоҳир ака, «Жип»ларга доир маълумотларни ўрганиш жараёнида бир нарса чиқиб қолди...

– Хўш, хўш!

– Бизнинг диққатимизни тортган қора «Жип»лардан бири «Биллур» заргарлик дўкони эгаси Раиса Халиловнанинг укаси Талъат Абдуллаевга тегишли эканлиги аниқланди...

– Ана буни янгилик деса бўлади! – деди Бош прокурор ўринбосари қувончини яширолмай. – Ким экан у шоввоз?

– Савдо ходими, муқаддам ўзганинг мулкани жуда кўп миқдорда талон-торож қилганлиги сабабли судланган...

– Нима қилмоқчисиз?

– Қўлга олиб, уйда тинтув ўтказиш...

– Тўғри қиласиз! Опа-уканинг уйда бир пайтда тинтув ўтказиш лозим. Қамоққа олиш масаласини тинтув натижасига қараб ҳал этган маъқул. Мен вилоят прокурорига тайинлайман. Нима ёрдам керак бўлса, тортинмай айтаверинг!

– Тушунарли! Натижалари тўғрисида сизга ахборот бериб бораман!

– Фахриддин Каримович... эҳтиёт бўлинг! – Тоҳир Ғофуровичнинг сўз оҳангида раҳбарнинг ўз ходими учун ташвишидан кўра отанинг фарзанди учун хавотирини англаш қийин эмасди. – Ҳар ҳолда тиллафурушлар билан ишляяписиз... Улардан ҳар нарса кутиш мумкин...

– Тоҳир ака, раҳмат! – Фахриддин бошқа гап айтолмади. Хаёлидан «Устоз яхши одам-да! Шунча

ташвиши бошида бўла туриб, бизниям ғамимизни ейишдан толмайди, оталарча ғамхўрлик қилади-я!» деган фикр ўтди...

Опа-ука Абдуллаевлар хонадонида ўтказилган тинтувда Норбўта чўпоннинг ўлимига даҳадор далилий ашёлар топилмади. Шундай бўлса-да ҳар эҳтимолга қарши Талъатни гумондор шахс сифатида ушлаб туришга қарор қилинди. Раиса эса очикда қолдирилади. Энди терговчилар олдида ўта муҳим масала – 72 соат ичида гумондорнинг жиноятчи эканлигини исботлаш, акс ҳолда ундан кечирим сўраб, озод қилиш вазифаси турарди.

Бошида Талъат Норбўта чўпонни танимаслигини, Ҳазрати Башир қишлоғига умуман бормаганлигини, машинасини бирор кимсага бошқариш учун бермаганлигини айтиб, терговни чалғитишга ҳаракат қилди. Шунда Фахриддин Каримович тегишли мутахассисларни ишга жалб қилиб, Талъатнинг «Жипи» филдирақларига ҳашам учун махсус ясаиб қўйилган қўлбола қопқоқлар билан Шерқул бобо топиб олган филдирак қопқоғининг бир хиллиги (бир комплектга мансублиги) бўйича техник экспертиза ўтказди. Мутахассислар Талъатнинг машинаси филдирақларидаги 3 та қопқоқ билан Ҳазрати Башир қишлоғи атрофида топилган қопқоқ айна бир хиллигини, машинанинг тўртинчи филдираги қопқоғи эса бошқа комплектга мансублигини аниқлашди. Фақат шундан сўнггина ушлаб туришнинг учинчи куни Талъат «ёрилди». У экспертиза хулосаси билан танишиб чиққач, стол устидаги қопқоқни қўлига олиб, гапни узоқдан бошлади:

– Ҳазрати Баширдан қайтиб келгач, эрталаб машинанинг олд филдираги қопқоғи йўқлигини кўриб қолдим. Узоқ тоғ йўли, бирор жойда илқисдан тушиб қолгандир-да деб ўйладим. Аммо уни бирор кимса топиб олиб, ўзимга қайтариши-

ни сираям хаёлимга келтирмагандим. Дунёнинг ишларини қаранг-а!

– Демак, 28 апрел куни Ҳазрати Баширга борганлигингизни тан оласиз! – терговчи саволини такрорлади.

– Бахтга қарши шундай! – Талъат чуқур «уф» тортди. – Энг ёмони сизлар менинг гапларимга ишонмасликларингиз мумкин...

– Сиз ҳақиқатни сўзланг! Ишониш-ишонмаслик бизнинг ишимиз! Ростини айтсангиз, бизнинг ҳақиқатни аниқлашимиз шунча осон кечади.

– Фақат бир нарсани айтиб қўяй: Норбўта чўпонни мен ўлдирганим йўқ! Бундай ниятимам бўлмаган!

– Яхши, яхши! Ҳали ҳеч ким сизни одам ўлдирганликда айблаётгани йўқ. Айбсизлик президумцияси деган қоида бор. Сиз ҳаммасини бир бошидан, батафсил гапириб беринг! Айбингиз бўлмаса, сизни ҳеч ким бунда ушлаб туролмайди. Сизга ишонмасликка ҳаққим йўқ. Фақат сиз ҳам очиқ-часига гапиринг, бизни чалғитишга ҳаракат қилмаслигингиз лозим! – Фахриддин ҳамсуҳбатининг ҳаяжонини босишга ҳаракат қилди.

– Ўша чўпонни биринчи марта Раиса опамнинг дўконида кўрган эдим, – ўзини бир оз босиб олган йигит секин гап бошлади. – Унинг икки-уч марта дўконга тилла тақинчоқлар, тангалар топширганини опамдан эшитган эдим. Бир куни дўконга борсам опам бир қишлоқи киши билан гаплашиб турган экан. Хаёлимга опам айтган чўпон келди. Ўзимни телефонда гаплашгандек тутиб, сал нарида уларнинг гапини эшитиб турдим. Гап авзойидан шу куни ҳам чўпон унча-мунча тилла топширганини билдим. Опам ярми ҳазил, ярми чин қилиб «ҳали тилла тангалардан анча борми, қаердан ола-япсиз ўзи буларни, банк-панкни урмаяпсизми?»

деб сўради. Чўпон кулимсираб, «унчалик... эмас, бовомдан мерос қолган!» дея жавоб берди. Опам «майли қолганларини ҳам бегона қилманг, сиз билан родной бўлиб қолдик!» деди. Чўпон «Опа-жон, биз Сиздан бошқасини тан олмаймиз!» деди шилқимланиб.

Шу кундан тинчим бузилади. Чўпоннинг бобосидан қолган олтинлари хаёлимни буткул ўғирлади-қўйди. Қандай қилиб бўлмасин шу олтинларни қўлга киритиш режасини туза бошладим. Опамга билдирмасдан дўконидаги кирим китобидан чўпоннинг манзилини топдим. Телефон рақамини олдим... Бу ишни бир ўзим эплашим қийин эди. Шу сабабли шерик ахтардим. Ниҳоят ёшлиқдан бирга ўсган дўстим Шодиёрни кўндирдим. У спорт билан шуғулланиб юрарди. Оғзи ҳам берк. Мен тузган режага кўра, чўпонга опамнинг номидан телефон қилиб, кўрасида учрашув тайинлашимиз, унга олтинлари учун одатдагидан икки баробар ҳақ ваъда қилиб, каттагина мўмай хазинага эга бўлишимиз, пулини эса олтинларни сотгач, беришга чўпонни кўндириб, жуфтакни ростлашимиз лозим эди. Чўпон бизни органга ёзиб бермаслигига ишонардик...

Бошида ҳаммаси биз ўйлагандек хамир ичидан қил суғургандек силлиқ кетди. Шодиёр Раиса опамнинг номидан чўпонга телефон қилиб, «бизга сродно икки юз дона тилла танга керак» деди. Чўпон тўрт-беш кунда ўзи уларни дўконга олиб келишини билдирди. Аммо бизга бунақаси тўғри келмасди. Мабодо опам бу ишимиздан хабар топиб қолса, режамиз чиппакка чиқиши тайин эди. Опамдан нақ балога қолардим. Шу сабабли икки баробар ҳақ тўлашга рози эканлигимизни айтиб, оққўнги чўпонни кўндирдик. У бизни қўтонида кутадиган бўлди. Биз унга ҳар эҳтимолга қарши ўша кун қўтонда бегона кўзлар бўлмаслиги лозимлигини уқтирдик. Чўпон

«хавотир олманглар, ўша куни ишчиларимга жавоб бериб юбораман», – деди.

Келишилган пайтда менинг машинада йўлга отландик. Қоронғи тушганда қўрага кириб боришимиз лозим эди. Кечки соат тўртларда шаҳардан чиқиб, тоғ оша Китоб туманига ўтдик. Сўраб-сўраб Ҳазрати Башир қишлоғини топдик. Бир оз вақтимиз борлиги учун Башир ота зиёратгоҳини томоша қилдик. Қуёш уфққа бош қўйганда қўтон томонга юрдик. Чўпон менга қўрага борадиган йўлни аниқ тушунтирган экан, адашмасдан манзилга етиб келдик. Қўра жимжит эди. Итларнинг хуришидан бошқа сас эшитилмасди. Машинани чеккароқда қолдириб, уй томонга юрдик. Хона эшиги ланг очик эди. Чўпоннинг отини атаб, бир-икки чақирдик. Ҳеч қандай садо чиқмади. «Балки чарчаб ухлаб қолгандир» деган хаёлда хонага кирдик... полда бир одам юзтубан ётарди. Маст бўлса керак деб ўйладик. Лекин у жонсиздай эди. Мен қўрқиб кетдим. Шодиёр бояги одамга яқин бориб, секин энгашиб, бармоғини бўйнига текизди... Аммо бирдан худди яшин ургандай қўлини тортиб олиб, «Ўлипти! Бу ловушка» деди. Иккимизнинг ҳам эсимиз чиқиб кетди... Тузоққа тушган қушдай питирлаб, нима қилишимизни билмай қолдик. Кинолардагига ўхшаб ҳозир ортимиздан милиция ходимлари кириб келадигандай эди.

– Балки нохосдан юраги тўхтаб қолгандир, – дейман мен жавдираб.

– Томоғига кўзинг тушмадима, кўкариб кетган-ку! Бўғиб ўлдиришган, – дейди Шодиёр биланғонлик қилиб.

– Ким ўлдирган бўлса?

– Ким билади?! Агар бу ердан тезроқ кетмасак, аниқ биз ўлдирган бўламиз!

Боядан бери бошимда чарх ураётган фикрни шеригимдан эшитиб, баттар эзилдим. Бойлик

орттириш мақсадида бошлаган ишимдан минг бир пушаймон бўлдим... Ташқарига отилдик. Шодиёр ортга қайтиб, қўл изимиз тушган жойларни артиб чиқди. Ортга қайтдик. Машина изи қолишидан хавотирда эдик. Бахтимизга ёмғир қўйди. Шовуллаб ёғаётган жала изларимизни бекитгандай эди...

Талъат жимиб қолди. Фахриддин ҳам гумондорнинг фикрларини жамлаб олишига изн бергандай бир муддат жим турди. Сўнг босиқлик билан сўз қотди:

– Ҳа, иккимизнинг ҳам аҳволимизга ҳавас қилиб бўлмайди. Сизга ўзингизнинг айбсизлигингизни исботлаш қанчалик мураккаб бўлса, менга ҳам сизнинг айдорлигингизни исботлаш шунчалик қийин кечади.

Талъат терговчидан бундай гапни кутмаган шекилли унга ҳайрат билан тикилди. У терговчи ҳозир ўрнидан ғазаб билан туриб, уни итдан баттар қилиб сўкади, ҳақорат қилади, «чўпонни сен ўлдиргансан, яхшиликча бўйнингга ол, акс ҳолда умрингни қамоқда чиритаман» дея роса бақирса керак деб ўйлаганди. Йўқ, адашган экан. Ундай бўлиб чиқмади. Терговчи ўзини унга хайрихоҳдай тутаяпти. Негадир у ҳамма терговчиларни сержаҳл, тили заҳар, одамни қамашдан бошқага ярамайдиган кишилар деб ҳисобларди. Бу одам терговчига ҳам ўхшамайди-я! Тавба...

– Сизлар ўзларингизнинг жиноий режаларингиз ҳақида бирор кимсага айтганмидингизлар? – терговчининг саволи Талъатнинг хаёлини бузди.

– Йўқ, ҳеч кимга айтмаганмиз!

– Балки Шодиёр айтгандир!

– Йўқ, бўлиши мумкин эмас. Унинг оғзи маҳкам!

– Балки сизга ўхшаб бирор кимса бехосдан сизларнинг гурунларингизни эшитиб қолгандир.

– Бунақа бўлиши эҳтимолдан йироқ!

– Сизлар мурдани кўрган биринчи гувоҳсизлар, айтинг-чи майит қай ҳолатда ётган эди? – терговчи гапни бошқа ёққа бурди.

– Юзгубан ерга қараб ётганди. Соғ одам бундай ётмайди. Мен дастлаб маст бўлса керак деган фикрга бордим.

– Унда сиз майитнинг Норбўта чўпонга тегишли эканлигини қандай билдингиз?

– Шодиёр унинг бўйин томирини ушлаб кўриб, юраги урмаётганини, нафас олмаётганини, аллақачон ўлганлигини билди. Менимча, ўша пайтда унинг юзига кўзим тушди. Дарров танидим.

– Майли сизларнинг чўпоннинг ўлимига алоқаларингиз йўқ деб ҳисоблайлик, унда нима сабабдан қотиллик тўғрисида ҳуқуқ-тартибот идораларига хабар қилмадинглар? – терговчи жиддийлашди.

– Ким бизга ишонарди! Унда бизни қамоққа тиқишарди. Асосийси бизда бу жиноятни содир қилмаганлигимизни тасдиқловчи далил йўқ эди. Ҳамма нарса бизга қарши эди. Шунинг учун кўрқдик.

– Унда нима сабабдан чўпоннинг мулкани фирибгарлик йўли билан ўзлаштирмоқчи бўлганликларингизни, яъни бошқа бир жиноятни осонликча тан олдингиз?

Талъат бир оз сукут сақлаб, сўнг оҳиста жавоб қайтарди:

– Гарданимизга қотиллик жиноятини осмасингиздан, бор ҳақиқатни айтишга мажбур эдик. Ҳазрати Баширга борганимиз аниқ бўлгандан кейин сизга «Норбўта чўпонни соғиниб, кўришга бордим» десам ишонармидингиз?

– Фикрлашингиз чакки эмас! Лекин бари бир сизни вақтинча ушлашга мажбурмиз, – терговчи ўрнидан кўзгалди. – Сизга ўйлаб кўришга, бизга текшириб, масалага ойдинлик киритиш учун 72 соат вақт берилади.

– Айбимизга яраша жазо олишга тайёрмиз! Фақат пешанамизга қотиллик тамғасини ёпиштирмасангиз бас! – Талъат беўхшов илжайди.

– Ҳар ким қилмишига яраша жазосини олади. Ҳеч ким беайб жазого тортилмайди. Бундан хавотир олманг! – Фахриддин ёрдамчисига ҳужжатларни тегишли тартибда расмийлаштиришни тайинлаб, Фарҳод Шириновичнинг хонаси томонга юрди...

Шу куннинг ўзида ўтказилган сўроқ давомида Раиса Халиловна ҳам, Шодиёр ҳам Талъатнинг кўرғазмаларини тасдиқлашди. Шодиёр ҳам гумондор сифатида ушланди...

Фахриддиннинг боши қотди: бу ёғи қандоқ бўлди! Уч одам қамоқда. Лекин уларнинг бу қотилликка алоқалари борми-йўқми буниси номаълум. Иш кундан-кунга чигаллашиб бормоқда! Бу томонда Ҳикматнинг сирли қилмишлари... Бу томонда Талъат билан Шодиёрнинг «эртаклари»... Хўш, улар чўпонни ўлдириши мумкинмиди? Назарий жиҳатдан – ҳа! Айтайлик, бошида уларда чўпонни гумдон қилиш режаси бўлмаган. Лекин Норбўта шунча тиллани қарзга беришга унамаган. Пулини беришни талаб қилган. Албатта шоввозларнинг чўнтагида шунча пул бўлмаган. Нифоқ келиб чиққан. Йигитларга осонгина бойиш нияти тинчлик бермаган. Мўмайгина бойликни ташлаб кетиш оғзидаги суякни олдириш билан баробар бўлмайдимиди? Чўпон ҳам паст келмаган. Қаттиқ қаршилиқ қилган. Жиноятчиларнинг чўпонни ўлдиришдан бошқа чоралари қолмаган! Жиноят жойида бўлишганлиги фош бўлгач, ноилож жиноятини қисман бўйнига олишмоқда. Қотилликдан кўра фирибгарликда айбланиш энгилроқ-да! Лекин Талъатнинг кўрғазмалари Шодиёрникига айнан мос келганини қандай тушуниш мумкин? Балки улар қўлга тушишларини олдиндан сезиб, тил бириктириб олишгандир. Балки айтганлари ростдир...

Воқеаларнинг бундай ривожини Фахриддин Кари-мовични Санжарбек ва Маҳкамни Самарқандга чақиришга мажбур этди. Тергов гуруҳи иккига бўлинган ҳолда ишга киришди. Биринчи кичик гуруҳ Ҳикмат ва унинг сирли китоблари билан, иккинчи гуруҳ Талъат ва унинг шериги билан шуғуллана бошлади. Вақт зиқ эди. Қонунда кўзда тутилган 72 соатлик ушлаб туриш муддатининг ўтиши нафақат гумондорларни қўйиб юбориш, балки жиноят излари ва далилларни йўқ қилиш, гувоҳларни бартараф этиш, терговни чалғитиш учун замин яратиши мумкин эди. Терговчилар кечани-кеча, кундузни – кундуз демасдан ишлар, ҳар бир тахмин, ҳар бир ҳолатни чуқур таҳлил қилишар, ҳужжатларни ўрганишар, турфа ахборот ва маълумотларни тадқиқ қилиб, тегишли хулосалар чиқаришдан чарчашмасди. Аммо, барча чиранишлар бефойда кетарди. Гўёки ишни тергов қилганлари сари ҳақиқат улардан узоқлашиб кетаётгандай, бошида оддийдек туюлган қотиллик ўта мавҳум, сирли жумбоққа айланиб бораётгандай эди...

Фахриддин Ҳикматни қанчалик яқиндан билгани сари унинг анчагина пухта ва уддабурон, билимли ва эуқко, айна пайтда пул учун, мол-давлат учун ҳеч нарсадан тап тортмайдиган одам эканлигини ҳис қиларди. У ҳар қандай вазиятдан устамонлик билан чиқиб кетишни уйддалар, қўққисдан берилган мураккаб саволларга ҳам ҳозиржавоблик билан маънили жавоб қайтаришни эпларди.

Терговчиларнинг «Қарши шаҳрига нима мақсадда боргансиз, нима сабабдан аслида бўлмаган конференцияга бориш учун хизмат сафарига қалбаки ҳужжат расмийлаштиргансиз?» деган саволларга ҳеч иккиланмасдан Қаршига ўз юмуши билан борганини, курсдош дўстларининг тадбирида қатнаш-

ганлигини, иш жойдан жавоб олиш учун унинг илти-  
мосига кўра дўстлари конференцияга сохта таклиф-  
нома тайёрлаб берганлигини, айбига иқрорлигини,  
чин кўнгилдан пушаймонлигини, давлатга етказил-  
ган зарарни тўлашга тайёр эканлигини билдирди.  
Унинг кўрсатмаларини Қарши шаҳридаги Эркин,  
Чоршанби исмли ўртоқлари ҳам тасдиқлашди.

Ҳикматдан олинган китобларни ўрганиб чиққан  
Камолхон Каттаев раҳбарлигидаги олимлар гуруҳи  
тайёрлаган хулосада қўлёзмалар чиндан ҳам қа-  
димий ва ноёб эканлиги, улар бир пайтлар йўқо-  
либ кетган Амир Темур кутубхонасига тегишли  
бўлиши мумкинлиги, мазкур дурдона асарларнинг  
топилиши фанда оламшумул янгилик сифатида  
баҳоланиши лозимлиги қайд этилганди.

Фахриддин хулосани диққат билан ўқиб чиқар  
экан, тергов қилаётган иши бўйича силжиш бўл-  
маса-да, ҳар ҳолда илму фанга нафи текканидан  
қалбида қандайдир қониқиш пайдо бўлганини ҳис  
қилди. Қўлёзмаларнинг қимматини теранроқ ан-  
лаш ва бу билан ўзининг илмга қўшаётган хизмати  
салмоғини билиш мақсадида кечки пайт суҳбатга  
гуруҳ раҳбарини таклиф этди.

– Камолхон ака, мен хулосангизни диққат билан  
ўқиб чиқдим. Бу китоблар чинданам шунчалик  
ноёб ва қадимийми? – терговчи атайлаб ҳамсуҳба-  
тини мунозарага чорлади.

– Нимасини айтасиз Фахриддинжон! Сиз топган  
китобларнинг тенги йўқ! Нақ хазинанинг ўзи! Фан  
оламида кейинги ўн йилликда рўй берган энг ға-  
ройиб воқелик деса бўлади! Сизга олимлар номи-  
дан катта раҳмат, азизим!

– Сизларга раҳмат! Агар сизлар бу асарларни  
ўқиб, бизга маъносини етказмасангизлар, бизлар  
уларни оддий китоб сифатида баҳолардик-қўярдик.

– Шунча йиллар давомида бу дурдона асарлар  
қўлдан-қўлга ўтиб, қадрсиз ётган. Мана энди сиз-

ларнинг шарофатингиз билан халқимиз мулкига айланди. Ахир уларнинг кўпчилиги йўқолиб кетган деб фараз қилинарди, фанга номаълум эди, – Олим стол устидаги китоблардан бирини қўлга олди. – Масалан, мана бу асар юртдошимиз Мусо ал-Хоразмий қаламига мансуб. Унинг 9 та илмий асаридан 7 таси бизгача етиб келган. Иккитаси фақат бошқа манбаларда тилга олинган. Яратганга шукрки, алгебра фани асосчиси бўлган бу буюк энциклопедик олимнинг яна бир китоби қўлимизга тегди. Ўн асрдан зиёд бу бебаҳо дурдонани кўз қароғида сақлаган яхшиларнинг қабрлари Қуръони Каримнинг муборак нурлари ила мунаввар бўлсин, омин!

Дуога қўл очишиб, юз силашдилар. Фахриддин Каримович суҳбатдошининг гапларидан таъсирланиб, бир муддат жимиб қолди. Жуссаси кичкина бўлса-да, катта иқтидор эгаси бўлган бу инсон билан китоблар ва уларнинг муаллифлари тўғрисида мириқиб суҳбат қуриш истаги бўлса-да, шу пайтда асосий ишдан чалғишнинг мавриди эмаслигини ўйлаб, истар-истамас мавзунини ўзгартирди:

– Домла, мен сизга биз тергов қилаётган жиноят тафсилотларини гапириб бергандим. Айтинг-чи, бу китоблар бир чўпоннинг қўлига қандай тушиб қолган бўлиши мумкин?

– Бу нарсанинг тарихи жуда узоққа бориб тақалади, чамамда! Олим терговчи узатган чойдан бир хўплаб, гап бошлади. – Бу хусусда менда бир неча тахминлар бор...

– Хўш-хўш, қанақа тахминлар экан?

– Сиз Амир Темур кутубхонаси тўғрисида эшитганмисиз? – саволга-савол билан жавоб берди олим.

– Йўқ, эшитмаган эканман! Фақат сиз ёзган хулосада бу ҳақда тилга олинган экан, – терговчи «наҳотки туппа-тузук зиёли киши шунини билмас!» деган дашном эшитишдан чўчиса-да, ростини тан олди.

– Бу табиий! Сизу биз ўқиган даврда бу ҳақда гапиришнинг имкони бўлмаган, дарсликларда бу мавзу четлаб ўтилган. Фақатгина мустақиллик йилларида аждодларимизнинг бебаҳо меросларини ўрганишга имкон яратилди...

– Тўғри айтасиз! – Фахриддин қўл телефонидаги соатга бир қараб қўйди.

Камолхон домла терговчининг вақтдан сиқилаётганини фаҳмлаб, бошлаган мавзусига қайтди:

– Бу кутубхона баъзи манбаларда Амир Темур кутубхонаси, бошқа манбаларда Мирзо Улуғбек кутубхонаси номи билан машҳур. Ҳар иккаласи ҳам тўғри. Сабаби кутубхонага Соҳибқирон Амир Темур асос солган. У бу кутубхонага даставвал Турон замин алломаларининг кўп асрлик ижодий меросини жамлаган. Сўнг узоқ йиллар давомида кутубхонани ўзи забт этган давлатлардан олиб келинган ёзма манбалар билан тўлдириб борган. Айтишларича, марифатпарвар бобокалонимиз қайси давлатга бормасин олтину зардан кўра китобларни Самарқандга олиб келишни хуш кўрган. Тақдир тақозоси билан Ҳиндистон, Ироқ, Эрон, Сурия, Ассирия, Вавилон, Арманистон, Туркиянинг йирик кутубхонасида сақланаётган грек, лотин, араб, арман, форс ва бошқа тиларда яратилган нодир китоблар, битиклар, қўлёзмалар, мамлакат пойтахтига келтирилган ва Кўксаройда – Амир Темур кутубхонасидан жой олган. Масалан, ривоятларга кўра Туркиянинг Брусс шаҳридаги машҳур «Антик Пергам» кутубхонасидан антик даврнинг буюк олимлари Аполлон, Антигон Каристекий, кичик Ненаф ва бошқа машҳур олимларнинг асарлари Самарқандга олиб келинган. Китобларнинг кўпчилиги ўта ноёб ва ягона нусхада бўлган. Жумладан, кутубхона фондида VII асрнинг биринчи чорагида куфий хати билан кўчирилган Қуръони

Каримнинг фанда «Усмоний Қуръон» номи билан машҳур нусхаси сақланган. Таассуфлар бўлсинки, Амир Темурнинг машҳур кутубхонасидан бизгача етиб келган оз сонли китоблар орасида «Усмоний Қуръон» ҳам бор...

Камолхон домла «зерикиб қолмадингизми?» дегандай ҳамсуҳбатига қараб қўйди. Фахриддин Каримович суҳбат йўналиши у кутганидан бошқа томонга оғиб кетаётганини ҳис қилса-да, эшитаётганлари қизиқарли бўлганлиги боис домлани диққат билан тинглаб турарди. Бу нотикни илҳомлантирди:

– Соҳибқирон вафотидан кейин кутубхонани янада бойитишда унинг ўғли Шохрух Мирзо ва суюкли набираси Мирзо Улуғбек ҳазратларининг хизматлари беқиёс бўлган. Ёнида Мавлоно Аҳмад, Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид Коший, Шамсуддин Муҳаммад Ҳавафий, Мавлоно Муиддин Кошоний, Али Қўшчи сингари Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг 100 га яқин номдор олимларини тўплаб, математика, астрономия, география ва бошқа йўналишларда катта илмий изланишлар олиб борган Улуғбек бобоси асос солган кутубхонани янги ва янги адабиётлар билан бойитган, уларни кўз қорачигидей асраб, келажак авлодларга етказишни ўйлаган. Мирзо Улуғбекнинг 40 йиллик ҳукмронлиги давридаги мамлакатда ҳукм сурган тинчлик, осойишталик, хотиржамлик илму фан, санъат ва маданиятнинг ривожига, улкан бунёдкорлик ишлари тараққиётига сабаб бўлган. Аммо бир кун келиб, эзгулик ўрнини жаҳолат, илму маърифат ўрнини хурофот эгаллаши, натижада кутубхонанинг йўқ бўлиб кетиши тўғрисидаги хавотир Амир Темурни ҳам, Мирзо Улуғбекни ҳам умр бўйи қийнаб келган. Негаки, тарихда бундай мисоллар кўп учраган... Бир гуруҳ жоҳил дин пешволари таъсирига тушган шаҳзода Абдулатифнинг тожу тахт учун ўз отасига қарши бош кўтари-

ши Мирзо Улуғбекнинг ўз жонидан кўра бобосидан қолган ноёб кутубхона хусусида жиддийроқ бош қотиришга мажбур қилган. Абдулатиф ва унинг бир гуруҳ гумашталари мабодо тахт тепасига келиб қолса, кутубхонанинг қулини кўкка созуриши, расадхонани яқсон қилиши аниқ эди. Шу туфайли Улуғбек ҳаётини хатарга қўйиб бўлса-да, то доруломон кунлар келгунга қадар кутубхонани ишончли жойга яшириб қўйишга, шу йўл билан бобосидан қолган ва ўзининг ҳам жуда катта меҳнати сингган нодир ёдгорликни авлодларга етказишга қарор қилади. Бу ишни ўзининг энг яқин, энг иқтидорли ва ишончли шогирди, замонасининг буюк математик, астроном олими Али Қушчига топширади...

Али Қушчи номини эшитиб, терговчи бир қалқиб тушди. Шу тобда унинг хаёлидан «Товба, негадир кейинги пайтда шу буюк зотнинг муборак номи тез эсга олинмоқда. Али Қушчининг китоби, Али Қушчи қишлоғи... энди эса кутубхонани яширган олижаноб инсон, фидойи олим...» деган фикр ўтди.

– Шу хусусда олимлар орасида бир қанча тахминлар бор, – домла терговчининг хаёлини бўлиш учун атайлаб, баландроқ овозда гапира бошлади. – Биринчи тахмин, кутубхона Кўксарой остидаги ёхуд Амир Темур саройларидан бирининг тагидаги махсус ертўлага яширилган ва унга кириш йўли фақат Улуғбекка маълум бўлган. Бу тахминни илгари сурувчи олимлар Мирзо Улуғбек кутубхонаси жуда катта эканлиги, бундай улкан карвонни ҳеч кимга билдирмасдан шаҳардан олиб чиқиб кетишнинг мумкин эмаслиги билан изоҳлашади. Бундан ташқари кўпгина манбаларда Самарқанд шаҳридаги муҳим объектларни бир-бири билан туташтирувчи ер ости йўллари бўлганлиги қайд этилган. Ушбу ер ости йўллариининг харитаси қаттиқ сир сақланган. Мазкур тахмин тарафдорларининг

фикрига кўра махсус ясалган сандиқларда ҳамон ўша жойда сақланмоқда. Афсуски, ҳали бу борада изланишлар ўтказилмаган, шаҳар остидаги йўлларда қазилган ишлари деярли олиб борилмаган. Ўтган йиллар давомида хазинани кимдир топиб олганлиги ҳам ҳақиқатдан йироқ. Негаки, ҳақиқатда тилга олинган кутубхона фонди катта бўлган. Агарда кутубхона топилганда унда сақланган китоблардан ҳеч бўлмаганда бир қисми мутахассислар қўлига тушган бўларди. Иккинчи тахмин, Али Қушчи кутубхонани вақтинча бирор жойга яширган ва кейинчалик уларни ўзи билан Туркияга олиб кетган. Бу мулоҳаза бизнингча, унчалик асосли эмасдай. Сабаби биринчидан, Али Қушчи устози вафотидан кейин 6-7 йил Ҳазрати Башир қишлоғида, кейинчалик Самарқандда яшаб, ижод қилган. Орадан анча вақт ўтгандан кейин Туркия сафарига чиққан. Иккинчидан, ёзма манбаларда унинг сафарга бир неча хос одамлари ҳамроҳлигида кичикроқ карвон билан кетганлиги зикр этилган. Учинчи тахмин, Мирзо Улуғбек вафотидан сўнг кутубхона талон-торож қилинган ёки ёндириб юборилган. Бу тахмин ҳам анча ишончсиз. Агарда шу воқеа юз берганда бу қабиллик ва уни амалга оширган шахслар ҳақида тарихчилар ўз солномаларида ёзган, фикр билдирган бўларди. Яна бир тахмин 1911 йилда «Туркистанские ведомости» газетасида Амир Темур кутубхонаси билан боғлиқ бир мақолада қайд этилган. Унда россиялик журналист Вовченконинг ҳикоясига асосланиб, бир ривоят келтирилади. Ривоятда айтилишича, Соҳибқирон Амир Темур китобни жуда севган ва дунёда энг катта кутубхона ташкил қилган. Ул муборак зот ўз ўлими олдидан кутубхонасидаги китобларнинг нобакор шахслар қўлига тушиб қолишидан қўрқиб, китобларни шаҳардан

ташқаридаги ғорга яширган ва ер юзида ёмонлик, ноҳақлик тугамагунча кутубхона китоблари дахлсиз бўлиб қолиши шарт, деб дуо қилган. Амир Темур руҳи ҳар йили бир неча маротаба кутубхонага келиб шамолдан сўрар эмиш. Гарчи бу бир ривоят бўлса-да, улуғ бобомизнинг илмга, китобга эътиқодини, юртига фидойилигини, келажакка ишончини ифодалаш билан бирга халқнинг ўз соҳибқиронига муҳаббати ва ихлосини ўзида акс эттирган. Ва ниҳоят бешинчи тахмин, кутубхона Али Қушчи томонидан Самарқанддан тунда ҳеч кимга сездирмасдан каттагина карвонда олиб чиқиб кетилган ва Китоб туманидаги Ҳазрати Башир қишлоғи атрофидаги ғорга яширилган. Кўпчилик тарихчи олимлар шу тахминни ҳақиқатга яқинроқ деб ҳисоблашади. Нимага деганда, Али Қушчи Улуғбек ҳазратларининг энг суюкли ва ишонган шогирди бўлган. Кутубхонани яшириш уни кўмиб ташлаш, йўқ қилиш дегани эмас. Бу иш кишидан юксак билим, нозик дид, уддабуронлик ва алоҳида иқтидорни талаб қилади. Али Қушчи ана шундай сифатларга эга олим эди...

– Сиз ўзингиз қандай фикрдасиз! – бутун вужуди қулоққа айланиб тинглаб турган Фахриддиннинг сабри чидамади.

– Менимча, охирги тахмин тўғри, – Камолхон домла қандайдир бир ўзгача ишонч билан гапирди. – Мен бу ҳақда кўп ўйладим. Ҳаммасини тарозига солиб, таҳлил қилиб чиқдим. Мантиқий ҳулоса чиқардим: демак, тарихда Амир Темур ёки Мирзо Улуғбек кутубхонаси номини олган нодир ва бой кутубхонанинг бўлганлиги юз фоиз аниқ. Кутубхонанинг йўқ қилинмаганлиги, бошқа давлатларга олиб чиқиб кетилмаганлиги бу ҳам факт. Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, кутубхона Самарқанд ёки унинг атрофидаги ишончли жойда сақланмоқда. Шунда

бизда иккита тахмин қолади. Кутубхонанинг Самарқанддаги ер ости ғорига яширилганлиги ҳақидаги тахминни ўрганиш ҳам ижобий натижа бериши мумкин. Негаки, ўша даврларда ҳарбий ва ҳимоя мақсадларида ер ости йўллари тизими анча такомиллашган бўлган. Ривоят қилишларича, ҳатто Самарқанд ва Бухорони боғловчи ер ости йўли мавжуд бўлган эмиш. Кўксарой, Регистон, Гўри Амир, Шохизинда мажмуаларини бир-бири билан туташтирувчи мураккаб ва яширин ер ости иншоотларининг мавжуд бўлганлиги бу тахминга умид билан қарашга ундайди. Аммо бу тахминни йўққа чиқарувчи битта ҳолат борлигини унутмаслик лозим. Бобокалонларимиз узоқни кўзловчи, фаросатли ва уддабурон инсонлар бўлишган. Мирзо Улугбек, Али Қушчи кутубхонани яширар эканлар, ундан фойдаланиб туриш, вақти-вақти билан шамоллатиб, қўлёмаларнинг сифатини йўқотишининг олдини олиш чораларини ўйламасликлари мумкин эмас эди. Агарда кутубхона ер ости йўлакларига яширилганда ҳокимият алмашганда у ерга Али Қушчининг ўзи ҳам қадам босолмай қолган бўларди. Олим учун кутубхона фонди сув ва ҳаводай зарур эканлиги инobatга олинса, масаланинг моҳиятини англаш қийин бўлмайди. Бошқа томондан эркин бориш имкони бўлмаган жойдаги китобларнинг ҳолидан хабардор бўлиб туриш қийин кечишини ҳам унутмаслик керак.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Али Қушчининг дарвеш кийимида тун қоронғисида кутубхонани Самарқанддан карвонда Тўй Темур йўли орқали Шаҳар довони оша Падаркуш тоғига олиб бориб, олдиндан тайёрлаб қўйилган ғорга яширилганлиги ҳақидаги тахмин анчагина ишончли кўринади. Бу тахминнинг ҳақиқатга яқинлигини яна қуйидаги ҳолатлар билан ҳам изоҳлаш мумкин: биринчидан, Али Қушчи у жойларни яхши билган. Ўзи Самарқандда вояга ет-

ган бўлса-да, келиб чиқиши ўша ёқдан бўлганлиги унга кўзлаган ишини амалга оширишда қўл келиши табиий эди. Иккинчидан, Амир Темурга ҳам, Мирзо Улугбекка ҳам бу жойлар беш қўлдай таниш бўлган. Улар жанубга асосан шу йўл орқали ўтган. Юришларидан зафарли қайтганда аҳли Самарқанд шу ерда кутиб олган. Учунчидан, бу жой кутубхонани одамлар кўзидан йироқ, беҳатар ва ишончли сақланиши учун ҳар тарафлама қулай. Бундан ташқари Али Қушчи ёки унинг ишончли одами зарурат бўлганда кутубхона фондларидан фойдаланиш, китобларнинг сақланишини вақти-вақти билан назорат қилиб бориш имконига ҳам эга бўлган. Устозининг васиятини чин дилдан адо этган буюк олим шу мақсадда 7 йилга яқин кутубхона яширилган тоғга яқин жойда яшаганлиги ҳам бежиз эмас. Шу даврда у кутубхонанинг сақланишини кузатиб турган. Қўлёзмаларнинг чириб кетмаслиги олдини олиш чораларини кўрган. Тегишли шарт-шароитлар ҳозирлаган. Кутубхонани янги жойга мослаштишини таъминлаган. Ва табиийки, ундаги китобларни саралаган, улардан илмий изланишларида фойдаланган, энг зарур қўлланма ва асарларни танлаб олган ва кейинчалик уларни ўзи билан Туркияга олиб кетган. Бу ҳақда эл ичида ҳар хил ривоятлар юради. Уларнинг бирига кўра, Китоб туманидаги Али Қушчи қишлоғида ўтган асрнинг бошида шу ерлик Мансур Хожа деган киши оғил қураётганда молхона остидан ясси ва катта бир тош чиққан. Тошнинг кўпчилиги бўлиб кўтариб олишган. Тошнинг остида 3 метрлар чамасида чуқур бўлган. Бу чуқурга 4-5 киши арқон ёрдамида тушишган. Шунда улар Ҳазрати Башир қабри бўлган тепалик остига қараб ер ости йўли борлигини кўришган. Чуқурга туширилган кишилар шу йўлдан 40 метрлар чамаси юришганда қўрқув пайдо бўлади. Шу боис улар ташқарига чиқишиб, тошни жойига қўйиб, чуқурни ёпиб ташлашган. Одамларнинг айти-

шича, ўша ер ости йўли яширилган кутубхонага олиб бориши мумкин. Айрим ривоятларда Ҳазрати Башир қишлоғидаги масжидда Улуғбек замониغا мансуб мол терисига ёзилган, икки киши зўрға варақдай оладиган китоблар сақлангани, Шўролар даврида бу китоблар қаровсизликдан йўқ бўлиб кетгани айтилади.

Таъкидлаш керакки, мазкур тахмин қўллаб-қувватламайдиган олимлар асосан бир нарсага урғу беришади. Мирзо Улуғбек 1449 йилда ўлдирилганлиги ҳисобга олинса, кутубхонани кўчириш ишлари тахминан 1448–1449 йилларда амалга оширилганлиги аён бўлади. Унда Али Қушчи тахминан 1456 йилларга қадар Ҳазрати Башир қишлоғида яшаган. Шундан сўнг у яна тахминан 16 йил Турон заминда яшаб, ижод қилган. 1572 йилда 70 га яқинлашганда Ҳаж сафарига отланган. Савол туғилади: Нима сабабдан Али Қушчи шу 20 йилдан зиёд вақт давомида Мирзо Улуғбек кутубхонасини ўз жойига кўчириб келиш чорасини кўрмаган? Нима сабабдан кутубхонанинг тақдирини хатарга қўйган? Ахир Абдулатиф вафотидан кейин 1457 йилда Самарқанд тахтига ўтирган Султон Абу Саид, 1469 йилда Ҳирот тахтини эгаллаган Ҳусайн Бойқаралар илму маърифатни қўллаб-қувватловчи ҳукмдорлар бўлмаганми?

Домла «сиз нима дейсиз?» дегандай терговчига тикилди.

– Уларнинг фикрлашида ҳам жон борга ўхшайди. – Фахриддин хулоса қилди. – Кутубхона жоҳил кучлар ҳокимият тепасига келиши муносабати билан яширилган. Кейинчалик маърифатли ҳукмдорлар тахтга чиққач, Али Қушчи агарда у ҳақиқатда шу ишларнинг бошида турган бўлса, кутубхонани жойига – Самарқандга қайтарган бўлармиди!

– Мулоҳазаларингиз жўяли. Аммо Али Қушчи жуда зукко, доно одам бўлган. Устози унга кутуб-

хонани яширишни васият қилар экан, биринчи навбатда бу нодир битикларнинг келажак авлодларга етиб боришини ўйлаган. Ривоят қилишлари-ча, Улуғбек Султон ўз васиятида шогирдига мамлакатда тўла тинчлик ва хотиржамлик барқарор бўлмагунча, ҳокимият тепасига илму урфонни, илм аҳлини қадрловчи ҳукмдор келмагунча, Турон заминда осуда ҳаёт бошланмагунча кутубхонани ошкор этмасликни такрор-такрор уқтирган. Устози васиятига охиригача содиқ қолган Али Қушчи мамлакатда ҳокимиятнинг тез-тез алмашилиб туришидан хавотирда бўлган. Тахт тепасига қисқа муддат эзгу кучлар келса-да, сал ўтмай уларни ёвуз кучлар маҳв этган. Тожу тахт учун қирғинбарот курашлар давом этаверган. Бундай шароитда кутубхонани ошкор этиб, жойига кўчириб келиш унинг тақдирини хатарга қўйиш билан баробар эди. Буни яхши англаган Али Қушчи кутишга қарор қилади ва йигирма йилдан ортиқ шу орзу билан яшайди. Аммо бу даврда Темурийзодалар ўртасида кечаётган тахт учун курашлар тўхтамайди. Мамлакатда рўй бераётган сиёсий жараёнлардан тўлиқ хабардорлиги уни таваккал қилишига йўл бермайди. Менимча, Туркия сафари олдидан буюк олим кутубхона ҳақида ўзининг энг яқин кишисига айтган ва ундан устози васиятини адо этишни илтимос қилган. Агарда бу ишларни бажаришга унинг умри етмаса, ўз навбатида у ҳам бир инсофли ва ишончли кишига (масалан фарзандига) шундай васият қолдиришни сўраган...

– Сизнинг мулоҳазаларингизга кўра васият авлоддан-авлодга ўтиб, бугунги кунгача етиб келган бўлиши мумкин, шундайми? – Фахриддин масалага ойдинлик киритган бўлди.

Домла «шундай-шундай» дея бош чайқади.

– У ҳолда ҳозир бизнинг орамизда кутубхона яширилган жойни биладиган одам бор экан-да!

Хўш, мана доруломон кунлар келди. Ватанимиз мустақилликка эришди. Юртда тинчлик, осойишталик, хотиржамлик барқарор бўлди. Илм, илм аҳли қадр топди. Унда нега ўша инсофли шахс Улуғбек Мирзонинг васиятини бажаришга, кутубхона сирини ошкор қилишга шошилмаяпти?

– Гапингизда жон бор, – босиқлик билан сўз бошлади домла. – Аммо орадан 500 йилдан зиёдроқ вақт ўтганини, камида 25 авлод алмашганини, шу даврда урушлардан, офатлардан, бедаво дардлардан қанчадан-қанча одамлар нобуд бўлганини унутмаслик керак. Қайси бир даврга келиб, занжир узилган бўлиши мумкин. Васиятнинг бирор ноинсофнинг қўлига тушиб қолган бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

– Энди нима бўлади? – соддалик билан сўради терговчи.

– Бу бир тахмин холос. Ҳар ҳолда шу кутубхонага тегишли китобларнинг одамларнинг уйдан топилиши мени шундай фикрлашга мажбур этмоқда...

Жимиб қолишди. Шу тобда ҳар ким ўз хаёли билан банд эди. Бошида домланинг тарихни титкилаб, эзмаланишидан, ўзининг асосий масаладан четлашаётганидан безовта бўлиб турган Фахриддиннинг энди суҳбатдан кўнгли тўлиб, қалби ёриша бошлаганди: Домлани суҳбатга тортиб тўғри қилган эканман. У айтган нарсалар терговга нафи тегиши мумкин. Нафи текканда қандоқ! Янги тахминни илгари суришга асос бўлади. Норбўта чўпоннинг ўлими билан Мирзо Улуғбек кутубхонаси ўртасида боғлиқлик борга ўхшамайдими? Балки Норбўта Али Қушчи устози васиятини адо этишни ишониб топширган шахснинг авлодидир. Балки чўпоннинг уйдан топилган тиллалар кутубхона китобларини сотиш эвазига йиғилган маблағдир. Балки чўпоннинг отаси ҳам шу иш билан шуғулланиб келгандир...

– Бошқача бўлган ҳам бўлиши мумкин, – деди чўпон терговчининг фикрини уққандек. – Али Қушчи китоблардан бир қисмини Ҳазрати Баширға, қишлоқ масжидига туҳфа қилган. Айтишларича, Ҳазрати Башир зиёратгоҳида яқин-яқинларгача турли хил нодир қўлёмалар сақланган. Зукко олим бу ишни икки мақсадни кўзлаб қилган бўлиши керак: биринчидан, ўзининг ва устози Мирзо Улуғбекнинг Ҳазратга эътиқоди баландлигидан. Иккинчидан, кутубхонанинг бир қисмини халққа ошқора ҳадя қилиб, асосий фондни одамлар хаёлидан чиқариш мақсадида. Тўғри-да, кимдир Али Қушчи Мирзо Улуғбек кутубхонасини Самарқанддан олиб чиқиб кетганлигини сезиб қолса, китоблар халққа тортиқ қилинганлиги маълум бўлади. Кутубхонанинг асосий фонди ҳар қандай хавотирдан ҳоли бўлади.

– Агар ҳақиқатда шундай бўлган бўлса, Али Қушчи кутубхонанинг сирини нариги дунёга ўзи билан олиб кетган бўлмайдимми? – деди Фахриддин хавотири ортиб.

– Тўғри фикладингиз, азизим! – деди домла кулимсираб. – Аммо такрор айтаман, Али Қушчи ўта зийрак, ақли инсон бўлган. Агарда у кутубхона сирини ҳеч кимга ошқор қилмасликка қарор қилган бўлса, уни авлодларга етказишнинг албатта, бошқачароқ йўлини топган бўлиши лозим. У шундай нодир кутубхонани ғорга яшириб, унинг бир кун келиб, бус-бутун ҳолда авлодлар қўлига тушиш механизмини яратмасдан бемалоо Ҳаж сафарига отлана олмасди.

– Қанақа механизм? – терговчининг таажжуби ошди.

– Бу менинг бир тахминим. Математиклар тилида айтганда «аксиома». Локин, қўлимда ҳеч қанақа исбот-далилим йўқ, азизим! – домла бир оз ўйланиб, сўнг давом этди. – Ҳар хил гаплар билан сизнинг ҳам бошингизни қотириб ташладим-а!

– Йўқ, йўқ! Сухбатингиз мен учун жуда мароқли! Илтимос, тахминингиз ҳақида батафсилроқ гапириб беринг!

– Али Қушчи буюк математик ва астроном бўлганлигидан келиб чиқиб, менинг хаёлимда бир фикр кечади. Аллома ўша замонда кутубхона сирини ҳеч кимга ишона олмасди. Бир киши билган сир – сир, икки киши билган сир – сир эмас дейишади доно халқимиз. Таваккал билан иш тутиб, қанча машаққатлар эвазига асрлар давомида тўпланган ва фақат халқимизга тегишли бўлган бу ноёб хазинани хавф остида қолдиришга олимнинг ҳақи йўқ эди. Шу сабабли Али қушчи кутубхона сирини ҳеч кимга айтмаган бўлиши ҳақиқатга яқин. Аммо у бир нарсани ҳам яхши тушунган. Бу ноёб кутубхона сирини билган ягона одам дунёдан ўтиб кетса, сир сирлигича қолиб кетиши, кутубхона бошқа дунё юзини кўрмасдан абадий ғор ости мулкига айланиб қолиши ҳам мумкинлиги унга тинчлик бермаган. Нима қилмоқ керак? Бу муаммога донишманднинг ўзи ғаройиб ечим топган. Унга кўра, олим кутубхона сирини – унинг яширилган манзили, координатларини ўз асарлари ичига шифровка ҳолда сингдирган. Бу анчагина мураккаб ва ҳимояланган тизим бўлиб, уни бузиш ёки ичига кириб маъносини англаш кишидан жуда катта билим, иқтидор талаб қилган. Бу соҳада мутахассис бўлмаган ёки бунга иши тушмаган одам шифровка кўрганда ҳам унга заррача аҳамият бермаслиги тайин. Али Қушчи бир нарсага умид қилган бўлса ажабмас. У қачонлардир Худо ярлақан бу заминда тинч ва осуда ҳаёт бошланиб, илму фан равноқ топиб, юртнинг қайсидир бир илми ўғлони бу шифровка очиши ва кутубхона халқига қайтаришига ишонган. Шу йўл билан устози Мирзо Улуғбекнинг васиятини охиригача адо этмоқчи бўлган...

– Али Қушчи фойдаланган шифровка тизими сизнинг тасаввурингизда қандай бўлган? – Фахриддин бир оз хижолат бўлиб, олимнинг сўзини бўлишга журъат топди.

– Мендаям сиз каби бу ҳақда аниқ тасаввур йўқ, азизим! Ҳар соҳанинг ўз усталари бўлади... Али Қушчининг энциклопедик олим бўлганлиги ҳисобга олинса, шифровканинг анчагина мураккаб эканлигини ҳис этса бўлади.

– У ҳолда шифровкани очиш осон кечмаса керак!

– Бу аниқ! Аммо ҳозир интернет бор! Баъзи хакерлар унинг ёрдамида ҳар қандай мураккаб шифровкани ҳам очиши, ҳар қандай ҳимоя усулини ҳам синдириши мумкин.

– Домла, айтинг-чи, Али Қушчи кутубхона сирини яшириш учун бошқачароқ усулдан фойдаланган ҳам бўлиши мумкинми?

– Адабатга мумкин!

– Масалан!

– Масалан, қуёшнинг чиқиши ва ботиши, ойнинг тўлиши ёки тутилиши, ернинг айланиши, сайёраларнинг ҳаракати, юлдузларнинг жойлашиши таснифида, тарихий воқеалар, ҳатто ғазал ва ашъорлар баёнида кутубхона сирини яширилган бўлиши мумкин. Бундан ташқари Мавлоно Қушчи жаноблари кутубхонанинг нодонлар қўлига тушиб қолишидан астойдил хавотирда бўлганлиги ишбатга олинса, сирли битик бир жойда – бир манбада эмас, балки бир неча манбаларда бўлиб-бўлиб жойлаштирилган бўлиши ҳам мумкин. Демак, мантқиқий хулоса асосида аввал ўша манбалар топилиши ва шундан сўнг улар бир бутун матн ҳолига келтирилиб, сирли лавҳа ажратиб олинishi лозим...

– Ҳў, роса мураккаб масала экан-ку! – терговчи гарчанд суҳбатдошининг гапларига унчалик ту-

шунмаган бўлса-да, ўзини ҳаммасини англагандай тутди. – Тушунарли!

– Мен бу ҳақда кўпроқ китобларда ўқиганман. – деди домла кўлидаги пиёлани стол устига қўя туриб.

– Раҳмат Камолхон ака! Сиз берган маълумотлар мен учун жуда қизиқарли ва қимматли бўлди. Терговга ҳам нафи тегса ажабмас. Ижозатингиз билан яна битта савол берсам.

– Марҳамат! Тортинманг, азизим!

– Шундай ноёб, нодир кутубхонанинг борлиги аниқ экан, шу кунга қадар уни излаб топиш учун ҳаракатлар бўлганми?

– Албатта! Инглиз ёзувчиси М.Уоллес 1889 йилда кутубхонани қидириш ишларини олиб борган. Ундай олдин европалик олимлар Вамбери, Скайлерлар ҳам бу тўғрисида бош қотиришган. Чор Россияси истилосидан сўнг рус олимлари ҳам бу борада ўзларини синаб кўришган. Аммо барча ҳаракатлар зое кетган. Балки Амир Темур ҳазратларининг дуолари вожиб бўлиб, кутубхона истиқлол кунларга қадар ўзини босқинчи кучларга намоён этмасдан келганлиги ростдир.

– Демак, ҳали бу борада кўп ишлар қилиниши керак экан-да! – деди терговчи жилмайиб. – Сиз билан бир экспедиция ташкил қилсак, балки улуғ бобомизнинг кутубхонасини топиш бизга насиб қилармиди?

– Қанийди! Мен ҳам анчадан буён шуни ў-й-ла-а-б ю-р-а-м-а-н-да! – Камолхон домла терговчининг ҳазилини жиддий қабул қилди.

– Аввал манову қотиллик ўлгурни очиб олайлик, кейин бир йўлини топармиз! – домланинг соддалиги Фахриддинни таажубга солди. – Тошлар остига яширинган бу бебаҳо дурдонани сизу биз топмасак, ким топади!

Кетиш олдидан Камолхон домла дуога кўл очди. Фахриддин меҳмонни чиқиш йўлагигача кузатиб борди. Илиқ хайрлашишди. Терговчи хонага қайтгач, кўли ишга бормай бир муддат кўзини юмганча хаёлга ботди: Ҳикматнинг нимадандир чўчиётгани бежизга эмасга ўхшайди. Наҳотки шу мураккаб вазифани бир ўзи уддалаган бўлса! Мутахассисларни жалб қилдимикин? Кутубхонани топишга улгурганмикин? Ёки ҳали изланишда бўлганми? Унда чет давлатга нима мақсадда борган? Китобларни пуллаганими? Лондон, Париж, Петербург... бу шаҳарлар боғловчи умумийлик нимада? Балки у ерларда Али Қушчининг асарларини ахтаргандир! Аллома яширган сирни Ҳикмат очишга қодирми? Балки...

Эшик тақилаб, хонага бир даста хужжатлар билан Санжарбек тиржайиб кириб келди:

– Ижозат этсинлар!

– Келдингизми? Гапиринг, нима англиклар! –  
Фахриддин ўрманидан кўриб, шотирдага яқинлашди.

– Талъатнинг иккинчи хотинидада ўтказилган тинтувда 8 дона олтин тангалар топилади. Чўпоннинг чўнтагидан чиққан тангаларга ўхшаш, – Санжарбек кўлидаги қоғозларни стол устига қўйиб, тинтув баённомаси ва бир неча расмларни бошлиққа узатди.

– Хмм! Бу Талъат деганлари анчагина пихини ёрганларданми дейман?

– Жуда пихини ёрганлардан кўринади. Сиз унга ишониб ўтирибсиз! Менимча, чўпонни шундан бошқа итам ўлдирмаган! Бугун учинчи кун бемалол санкцияга ҳозирласак бўлаверади!

– Ўзи нима деяпти?

– Ўзи нима дерди, яна ёлғонни сувдай ичяпти. «Олтин тангалар ерда ётган экан, мен ўғрибаччаман, ўзимни тиёлмадим» деб турибди. Лекин «ило-билло чўпонни биз ўлдирмаганмиз» дея оёқ тираб туришибди, – деди Санжарбек елкасини қисиб.

– Балки рост гапираётгандир! – деди совуққонлик билан Фахриддин. – Инсонни айблаш осон, аммо айбни исботлаш мураккаб масала. Бизда Талъатни қотилликда айблашга асослар етарлими? Албатта йўқ!

– Ахир у бошидан ёлғон гапириб, терговни чалғитмоқчи бўлди-ку! Ўша мудҳиш тунда жиноят жойида бўлганлиги, чўпоннинг тангаларини ўмарганлиги, тинтувда уйдан тилла тангаларнинг топилиши – бу асос эмасми? – Санжарбек қизишди.

– Булар ҳали уни қотилликда айблашга асос бўла олмайди. Бунинг ўзингиз ҳам яхши биласиз-ку!

– Унда нима қиламиз?

– Талъатга бошқа жиноятлар бўйича айб эълон қилиб, санкция беришга асосларимиз етарли-ку!

– Тўғрику-я... аммо...

– Яна нима?

– Бизда бошқа... ишланмаган... жўялироқ тахминларим қолмади демоқчийдим, – Санжарбек талмовсиради.

– Ҳа дарвоқе, сизга айтиш ёдимдан қўтарилибди, яна битта гаройиб тахмин пайдо бўлмоқда, – Фахриддин муҳим сирни очмоқчи одамдай шогирди томонга энгашди. – Афсонага ўхшаб кетса-да, ҳарқалай ишлаб кўрса бўлади.

– Эшитайлик-чи!

– Гап Норбўта чўпоннинг, кейин Ҳикматнинг уйдан топилган қадимий китобларга бориб тақалмоқда. Бу қўлёмаларнинг Мирзо Улуғбек кутубхонаси фондига тааллуқли эканлиги сизга маълум. Менам сизга ўхшаб, бу масалага унчалик эътибор бермаган эдим. Камолхон домла бир қизиқ гапни айтиб қолди. Унинг фикрича, Али Қушчи устозининг васиятига амал қилиб, кутубхона жоҳил шахслар қўлига тушиб қолмаслиги учун уни Падаркуш тоғидаги форга яширган. То омон-омон за-

монлар келгунича бу хазина хавфсиз сақланиши, иккинчи томондан бу нодир китобларнинг абадий ер остида қолиб кетишининг олдини олиш учун авлодларга «шипровка» қолдирган эмиш.

– Бу яна нимаси бўлди? – Санжарбек «ҳеч нарса тушунмадим» дегандай қаради.

– Шипровка сирли матн, – Фахриддин қоғозга нималарнидир ёза бошлади. – Қаранг, мен сизга қандайдир бир сирни етказмоқчиман. Хатда бу сирни очиб ёзсам, мабодо хат душман қўлига тушиб қолса, сиримиз ошкор бўлиб қолади. Шу сабабли мен шундай жумла ёки чизма ишлатаманки, уни фақат сиз ўқиб тушуна оласиз. Бошқа одам уни ўқиши мумкин, бироқ ҳеч нарса тушуна олмайди.

– Али Қушчи замонда одамларнинг шу нарсага ақллари етган деб ўйлайсизми? – Санжарбек берган саволидан ўзи хижолат бўлди шекилли кўшимча қилди. – Демокриманки, бундан қарийб 600 йил олдин шунақа мураккаб шифровкалар қўлланилганмикин?

– У замонларда бу нарсага эҳтиёж ҳозиргидан минг чандон кўпроқ бўлган. Жангу жадаллар тўхтовсиз давом этаётган бир пайтда душман ҳақидаги, қўшинларнинг жойлашуви, ҳаракат йўналиши, таркиби, қуролланиш даражаси, мақсадини ифодаловчи ҳар қандай хабарнинг қиймати юқори бўлган. Масалан, Амир Темур қўшини муваффақиятининг асосий сири унинг ахборот билан етарлича таъминланганлигида бўлган. Қимматли маълумотларнинг ёғий қўлига тушиб қолишини олдини олиш учун шифровкадан фойдаланилган. Ахборотнинг салоҳиятига қараб, «сирли матн» оддийроқ ёки мураккаброқ шаклда тузилган. Ўз навбатида ҳар бир қўшинда шифровкаларни «очувчи» мутахассислар бўлган. Хуллас, ахборот узатиш ва уни қабул қилиш ўша даврнинг энг катта муаммоси бўлган...

– Бу тушунарлику-я! Аммо... Али Қушчи.. кутубхона... шифровка... буларнинг биз тергов қилаётган ишга нима алоқаси борлигини англолмай...

– Алоқаси бўлганда қандоқ! – Фахриддин шогирдининг сўзини бўлди. – Шу шифровкаки кимдир топиб, «ўқиган». Кейин кутубхонани излаб Падаркуш тоғига борган.

– У ёқда Норбўта чўпон... Ҳа-ҳа, бир нималарни тушунгандай бўлаяпман... Аммо ўша «ақлли» одам ким бўлиши мумкин!?

– Масалан Хикмат...

– Тўғри-тўғри... вой муттаҳам-эй! Бу «кал»дан ҳар бало чиқишини сезгандим-а!

– Ҳой-ҳой, ҳали шошилманг! Бу ҳали бир тахмин холос, – Фахриддин жилмайди. – «Ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир» деган нақл бор. Айниқса, гап инсон тақдири ҳақида бораётганда...

– Энди нима қиламиз!

– Энди калани ишлатамиз! Ҳаммасини бошидан бошлашга тўғри келади...

– Бошидан бўлса, бошидан-да! Биз тайёр... Фақат эртага келингизнинг...

– Туғилган куни демоқчисиз!

Санжарбек тасдиқ маъносида бош ирғади.

– Нима қилоқчисиз? – Фахриддин жиддийлашди.

– Телефонда табриклаб қўйишдан бошқа нима иложимиз бор! Ахир бу ёқда ишлар қайнаб турган бўлса...

– Адолатли қарорлари муборак бўлсин! – Фахриддин мамнун ҳолда шогирдининг елкасига қоқиб қўйди. – Гулзодахонни менинг номимданам табриклаб қўйишни унутманг!

Санжарбек устозига миннатдорчилик билдириб хонадан чиқди. Прокуратуранинг узун йўлаги бўйлаб одимлар экан, турфа хил хаёллар уни ўз гирдобига олди: бошида «бораман» деб ваъда бер-

маса бўларкан... Энди қандай қилиб, хотинининг кўнглига йўл топса! Уйга меҳмонлар ҳам келмоқчи эди-я! Иш ўлгур сал жойидан силжиганда ҳам бошқа гап эди. Амаллаб, бир кунга бориб келса бўларди... Гулзода уни тўғри тушунармикан? Паризоданинг туғилган кунида ҳам қатнаша олмаганди-я! Нима қилсин! Иши шунақа...

Фахриддин шогирдига нисбатан «қаттиққўлиги» учун ўзини койиди. Бир кунга рухсат берса бўлармиди?! Ўзи бир амаллаб турса бир жойи камайиб қолмасди. Бир кун минг кун бўлармиди?! Иш ҳеч қачон тугамайди. Терговчининг юки қачон осон бўлган! Ҳеч қачон! Бечора энди хотинига нима дейди? Келин бола уни тушунармикин? Гулзода эсли-хушли аёл. Аммо бундай пайтда ҳар қандай аёл жаҳл отига миниши тайин. «Бир келиб кетишга ярамадингизми?» дейиши аниқ... Шаҳноза нима қилган бўларди. Дарвоқе, бир ойдан сўнг унинг ҳам туғилган куни. Ишқилиб унча йиллар охирига етиб қолса бўлгани. Турмуш қурганларидан буён хотинининг туғилган кунини қанда қилмаган, қаерда бўлса етиб келган. Албатта бунақа офир вазиятга тушмаган. Агарда бутун унинг туғилган куни бўлганда, у ҳам бора олмаган бўларди. Хотинига тушунтирган бўларди... Давлатнинг иши ўйинчоқ эмас-ку! Бунақа чигал, мураккаб жиноят иши ҳар куни тергов қилинмайди-ку! Ҳатто кўнғироқ қилишга вақт йўқ...

Фахриддин стол устидаги телефонни ёнига тортиб, таниш рақамни терди. Хотини, ўғиллари билан қисқа муддатли мулоқотдан сўнг кўнгли анча ёришгандай бўлди...

\* \* \*

Иш юзасидан янги тахминнинг пайдо бўлиши терговчиларни эсанкиратиб қўйди. Шунча йил-

лик иш тажрибаларига қарамасдан улар бу каби жиноятларни фош қилишга билим ва кўникмалари етарли эмаслигини ҳис қилишарди. Албатта, терговчи кўп нарсаларни билиши, катта иқтидор эгаси бўлиши лозим. Аммо Фахриддин жиноятни очиш учун ўрта асрлар тарихини, астрономия ва алгебрага оид шифровкаларни ўрганишни хаёлига ҳам келтирмаган эди...

Кейинги кунларни терговчилар мутахассис ва олимлар билан суҳбатлашиш, тегишли адабиётларни титкилаш билан ўтказдилар. Негаки, Ҳикматни гумондор сифатида қайта сўроқ қилиш, уни мудҳиш жиноятларни қилганликда айблаш учун терговчиларнинг ўзлари бу соҳада муайян даражада билимга эга бўлишлари лозимлигини улар яхши тушунишарди.

Негадир устозидан фарқли ўлароқ Санжарбекнинг бу ишлардан бирор наф чиқишига ишончи кмил эмасди. У ҳамон қотилликда Талъатни айбдор деб ҳисобларди. Шундай бўлса-да ўзидан бир-икки кўйлакни кўп йиртган, тажрибаси ҳам кўпроқ бўлган устозига қарши боришга журъати етмас, шу билан бирга жиноятни кинолардагидек маҳорат билан очишга ҳаракат қилаётган бу «изқувар»га ҳалақит беришни ҳам истамасди. Баъзида хаёлига: «Агарда шу Фахриддин акадан бошқа терговчи бўлганда алақачон қотилликни Талъатнинг бўйнига осиб, ишни судга оширган бўларди» деган ўй келса-да, буни устозига очик айтгиси келмасди. Устознинг «шахснинг айдорлиги 99 фоиз исботланса-да, ҳали бир фоиз исботланмаган бўлса, уни айбдор дейишга шовма! Унда айбсизлик презумцияси бор!» деган гаплари қулоғи остида жаранглаб тургандай эди...

Учинчи куннинг адоғида маълум тайёргарликлардан сўнг терговчилар Ҳикматни сўроқ қилишга киришдилар:

– Домла, – Фахриддин атайлаб унга шундай му-  
рожаат этди. – Сиз Амур Темур кутубхонаси тўғри-  
сида эшитганмисиз?

Бундай саволни кутмаган шекилли Ҳикмат бир  
қалқиди, сўнг кўзини бақрайтириб, елкасини қисди:

– Қ-а-а-н-а-қа к-у-у-т-уб-хо-на!!!

– Амир Темур ёки Мирзо Улуғбек номи билан  
машҳур йўқолган кутубхонани сўраяпман, – ҳам-  
суҳбатига зимдан тикилиб турган терговчи саво-  
лини такрорлади.

– Ҳа, У-л-уғ-бек кутубхонасини айтиб турибсиз-  
ми? Эшитганман. Ҳамма билади-ку уни!

– Ўша кутубхона қаерга яширилган деб ўйлайсиз?

– Мен қадимий китоблар билан қизиқаман, ар-  
хеология менинг ишим эмас, – Ҳикмат истар-иста-  
мас жавоб қайтарди.

– Бу тушунарли! Сизнинг шахсий фикрингизни  
билмоқчиман.

– Менинг билганимча, олимлар бир қанча версия-  
ларни илгари суришади. Айримлар кутубхонани  
шаҳар остидаги ертўлага яширилган деб ҳисоб-  
лашса, бошқалари кутубхона ёндириб юборилган,  
деган фикрни билдиришади. Менимча, кейинги  
фикр тўғри.

– Сизнинг бундай фикрга келишингизга бирор  
асосингиз борми?

– Қанақа асос! Айтдим қўйдим-да! Мен бу соҳа  
билан қизиқмаганман. Ўйлаганимни айтдим, –  
Ҳикмат Фахриддинга юзланди. – Ҳар ҳолда мени  
Улуғбек кутубхонаси ҳақида суҳбатлашишга  
чақирмагандирсиз, тўғрими?

– Саволни биз берамиз! Сизнинг ишингиз жавоб  
бериш, – гапга қўшилди Санжарбек. – Бизда ке-  
раксиз саволнинг ўзи бўлмайди!

– Кутубхона Самарқанд билан Китоб оралиғида-  
ги тоққа – ёрға яширилган деган қарашлар ҳам

бор-а. Сиз бунга қандай қарайсиз? – Фахриддин савол беришда давом этди.

– Э-с-и-и-м-дан кўтарилибди, шунақа тахминлар ҳам йўқ эмас, – Ҳикмат бошини қашиди. – Аммо менимча, бу тахмин ҳақиқатдан йироқроқ.

– Нега унақа деб ўйлайсиз?

– Сабаби оддий. Улуғбек кутубхонаси жуда катта бўлган. Уни ҳеч кимга сездирмасдан Самарқанддан тоққа олиб кетиш амримаҳол. Иккинчидан, тоғ шароитида шунча нарсани зарарсиз сақлаш қийин масала. Қолаверса, бундай катта кутубхонани ёрга сиғдиришнинг ўзи бўлмайди.

– Унда Улуғбек кутубхонаси фондига тегишли китоблар Норбўта чўпоннинг қўлига қандай тушиб қолганлигини қандай изоҳлайсиз?

– Биринчидан, бу қўлёмаларнинг айнан шу кутубхонага тегишли эканлигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Иккинчидан, беш-олти чоғли китобнинг топилишини йўқолган кутубхонани топиш сифатида баҳолаб бўлмайди. Бу бирор бир алломанинг авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтиб келаётган шахсий кутубхонаси фонди ҳам бўлиши мумкин, – Ҳикмат «яна саволлар борми?» дегандай Фахриддинга юзланди.

– Аммо олимлар ўша китобларни айнан Улуғбек кутубхонасига тегишли эканлигини таъкидлашмоқда, – деди Фахриддин совуққонлик билан.

– Ҳеч бир олим бундай қатъий хулосага келиши мумкин эмас. Ахир орадан беш юз йилдан зиёдроқ вақт ўтган.

– Унда қўлёмаларда Улуғбек кутубхонасига тегишли эканлигини тасдиқловчи белгилар мавжудлигини қандай изоҳлайсиз? – деди терговчи қўлидаги китобнинг муқовасидаги белгига ишора қилиб.

– Бўлиши мумкин. Китобларни кимдир фойдаланишга олган бўлиши ва қайтармаган бўлиши ҳам мумкин-ку! – деди Ҳикмат хотиржамлик билан.

– Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Мирзо Улуғбекнинг ўзи кутубхонага мудирлик қилган, – деди Фахриддин қўлёмани варақлай туриб. – Китоблардан фойдаланишга фақат унинг рухсати билан йўл қўйилган. Бундай шароитда кимнингдир китобларни фойдаланиш учун уйига олиб кетганлигига ишониш қийин.

– Тўғри! Аммо кутубхонанинг бошқа хизматчилари ҳам бўлганлигини унутмаслик керак...

– Норбўта чўпоннинг ўлими сабаби шу кутубхонага бориб тақалмоқда? – Терговчи гумондорнинг юзидаги ўзгаришни кўриш учун унга тикилди. – Сиз бунга қандай қарайсиз?

– Шундай хулосага келибсиз, демак шунга яраша асосингиз бордир – дудуқланди Ҳикмат. – А-е-к-и-н жуда кулғили... Оддий чўпоннинг кутубхонага қандай алоқаси бўлиши мумкин?

– Шу кутубхонага тегишан қўлёмаларни сизга айнан Норбўта келтирганини рад этмасиз? Хўш, чўпон китобларни қаердан олган? – Терговчи ўрнидан туриб, суҳбатдошига яқинлашди. – Сиз бу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрдингизми?

– М-е-н-г-а «қўлёмалар бобомдан қолган» деган. Мен ишонганман...

– Эътиборингиз учун Норбўта чўпоннинг унақа мерос қолдирадиган бобоси бўлмаган! – Санжарбек гап қўшди.

– У ёғи менга қоронғи! Мендан нима истайсизлар ўзи? – деди Ҳикмат норози оҳангда.

– Биз сизнинг мутахассис, олим сифатида бу масаладаги фикрингизни билмоқчи эдик, холос, – деди Фахриддин Каримович босиқлик билан. – Бугунча етади. Ҳаммага раҳмат!

Терговчининг ишораси билан эшик ортида пойлаб турган икки милиционер Ҳикматни хонадан олиб чиқди.

– Устоз энди нима қиламиз? – Санжарбек ташвишланди.

– Қўйиб юборамиз! Мен Тоҳир Ғофурович билан телефонда гаплашаман. Сиз керакли ҳужжатларни расмийлаштиринг! – деди Фахриддин бир нуқтага тикилганча.

– Қочиб қолса-чи?

– Ушлаб туришга асосимиз йўқ! Мен раҳбарият билан гаплашай, балки орқасидан одам кўярмиз...

Стол чекасидаги ички телефон жиринглади. Гўшакни Фахриддин кўтарди.

– Ўртоқ бошлиқ! Мен навбатчи Соиповман. Санжар акани сўраб келишган экан!

– Сизни сўраяпти, – Фахриддин гўшакни шогирдига узатди.

– Эшитаман!

– Санжар ака, сизни курсдошингиз излаб келган экан! – нариги тарафдан навбатчининг овози жарағлаб эшитилди. – Мана ўзига бераяпман.

– Аъло! Санжар яхшимисан! Аҳволаринг яхшими?

– Ассалому алайкум, раҳмат! Ўзингиз...

– Танидингми?

– Узр, сал...

– Қодирман... Абдуллаев!

– Эй Қодиржон, яхшимисан! Узр, танимабман – бой бўласан!

– Айтганинг келсин! Бизнинг юртларга келган экансан, айтмайсанам...

– Эй бу ёғини кўявер... ҳозир чиқаман, – Санжарбек гўшакни ўрнига қўйиб, Фахриддинга юзланди: – Қодир деган курсдошим келибди, беш дақиқага рухсат берасиз... тезда қайтаман.

– Яхши, ҳаялламанг!

Санжарбек хонадан чиқиб, тўғри чиқиш эшиги томонга юрди. Курсдошлар қучоқлашиб кўришдилар. Одатдаги сўрашувдан сўнг Қодир мақсадга кўчди:

– Дўстим, сени қора қилиб келдим. Битта ишда ёрдамнинг керак бўлиб қолди. Биласан, биз адвокатларнинг иши одамларни ҳимоя қилиш.

– Қўлимиздан келса, бажонидил!

– Қўлингиздан келганда қандоқ! «Дело» сизда экан!

«Дело» сўзини эшитиб, Санжарбекнинг юзи тундлашди. Хаёлидан «гап бу ёқда экан-да!» деган фикр ўтди. Шундай бўлса-да, дўстини ноумид қилмаслик мақсадида гапни ҳазилга йўйди:

– Қонун доирасида бўлса, бир оғиз сўзинг-да жўражон!

– Албатта қонуний! Ноқонуний ишни сизга айтиб ўлибманми! – Қодир дўстининг жавобидан кўнгли тўлиб, атайлаб «сиз»лашга ўтди.

– Қанақа иш экан!

– Ҳикмат Юсуповичнинг ишида! Бизга озроқ хешаги ҳам бор. Узи зур тинсон! Жумоимарг буамасин! Нима хизмат бўлса, акалари тайёр... ўлар-қолар жойда эмас...

Санжарбек ток урган одамдай қотиб қолди. Бир зумда хаёлидан кўплаб фикр ўтди: «Бу одам менга пора таклиф қиляптими? Нима учун? Ҳикмат Юсуповични қўйиб юбориш эвазигами? Шу-сиз ҳам уни қўйиб юбормоқчимиз-ку! Акаси ҳамма нарсага тайёр демоқчимиз? «Ўлар-қолар жойда эмас дегани, ўзига тўқ деганими?»

Дўстининг ўйлашиб қолганини ўзича бошқача тушунган Қодир жаврашда давом этарди:

– Бу ёғидан кўнглингиз тўқ бўлсин! Мен кафил. Айтсангиз бир соатда «ест» қиламиз... Оғзингизга сиққанича айтаверинг! Бизга Ҳикмат ака чиқса бўлгани...

Санжарбек қаршисида турган одамнинг гапларини ҳазм қилолмай тилини ютган одамдай ҳамон жим турарди: «Ўху ниятлари анча жиддийга

ўхшайди-ку! Бир соатда... оғзингга сиққанча... деяптими? Мени ким деб ўйлаяпти, бу аҳмоқ! Қонун талаби бўйича уни пора берувчи шахс сифатида расмийлаштиришим керак-ку! Йўғ-э, ундай қилсам бошқа курсдошларим нима деб ўйлайди! Яхшиси «бу иш қўлимдан келмайди» дея қутулиш керак. Лекин нима учун булар бир «айбсиз» одам учун «оғзимга сиққанча» пора таклиф қилаяпти? Бу ерда бир гап борга ўхшайди! Айбсиз одам шунча пулни беришга рози бўлармиди? Балки бу додир «оғзингга сиққанча» деб ошириб юбормаяпти-микин? Балки синаб кўриш керақдир...»

– Ўзи нима дейишяпти?

– Бу ёғи сиздан дўстим, мол одамнинг жонидан азиз бўлибдими? Торгинмай айтайверинг? – Қодир дадилланди.

– Ростини айтсам мен бунақа ишларни... – деди Санжарбек хижолатомуз.

– Қукидан 100 та етадими? Ками бўлса, тўлдирамиз!

– 100 долларми? – терговчи атайлаб ўзини ҳеч нарсага тушунмагандай тутди.

– Одамни уялтирманг! Генералидан гапиринг! Юз минг доллар!

– Юзминг!

– Камми?

– Йўқ-йўқ! Ҳаммаси жойида! Фақат мен... бошлиқлар...

– Ўзингизни алоҳида хурсанд қиламиз! Юзтани бошлиқларга...

– Йўқ-йўқ! Мен бошлиқлар билан маслаҳатлашишим керак демоқчийдим, – деди Санжарбек хаёлига келган режани амалга ошириш учун вақтдан ютиш мақсадида.

– Гап йўқ! Қўнмаса, дозасини оширамиз! Ишқилиб бизнинг одам чиқса бўлгани! – Қодир мамнун жилмайди.

Санжарбек «тушунарли!» дегандай бош ирғаб, ичкарига юрди. Зинадан кўтарилиб, Фахриддин Каримовичнинг олдига шошар экан, хаёлини турфа хил ўйлар банд этганди: «Вой аблаҳ-эй! Шу бола ростданам кечагина ўзи билан бирга ўқиган Қодирми? Дозасини оширармиш! Одамми у шайтонми? Шунча пулни қаердан оларкан? 100 минг доллар-а! Нима учун шунча пул ваъда қилишяпти? Бу Ҳикмат дегани ким ўзи? Нима айби борки, тап тортмасдан шунча порани таклиф этмоқда... Бир балоси бўлмаса – шудгорда қуйруқ на қилур... Қуйруқ бўганда қанақа қуйруқ...»

Санжарбекни бир ахволда кўриб, Фахриддин хайрон бўлди:

– Тичликми, рангингиз докадек оқариб кетибди, мазангиз йўқми?

Хонага отилиб кирган Санжарбек гапни нимадан бошлашни билмай дудукланарли:

– У-с-т-о-ғ... Б-и-л-а-с-и-з-ми? Бу ерда бир гап борга ўхшайди... бу аблаҳ... бекорга...

– Санжарбек, илтимос ўзингизни босиб олинг! Мана бу ерга ўтиринг! – устоз шогирдига жой кўрсатиб, ёнидаги чойнақдан чой қуйиб узатди. – Ана энди бир бошидан гапиринг-чи, нима бўлди?

Санжарбек пиёладаги иссиқ чойдан бир-икки хўплаб, бўлган воқеани оқизмай-томизмай сўзлаб берди.

– Ҳа, Санжарбек! Биз тергов қилаётган иш тасаввуримиздагидан анчагина мураккабга ўхшаб қолди, – деди Фахриддин шогирдининг гапларини диққат билан эшитгач. – Демак, Ҳикматнинг ашаддий жинойтчи экани аниқ. Бекорга шунча пора таклиф этмайдилар...

– Энди нима қиламиз?

– Бу иккинчи ҳодиса! – Фахриддин одатига кўра тажрибасидан сўз очди. – Туман прокуратураси-

да ишлаб юрган кезларимда Эргаш деган одам хотини Заринанинг бедарак йўқолгани тўғрисидаги ариза билан мурожаат этиб қолди. Бир неча кундан сўнг аёлнинг мурдаси Чирчиқ дарёсидан топилди. Экспертиза мурданинг танасида ҳаёти учун унча хавфли бўлмаган жароҳатлар борлигини, лекин ўлим сув ютиш натижасида келиб чиққанлигини кўрсатди. Олиб борилган тергов-қидирув ҳаракатлари ҳеч қандай ижобий натижа бермади. Барча тахминлар ўзини оқламади. Тергов тақозоси билан туман ташкилотларидан бирида раҳбар бўлиб ишловчи Эргашни ҳам уч-тўрт чақиринишга тўғри келди. Одатда, бу каби ишларда гумондор биринчи навбатда марҳумнинг яқинлари орасидан қидирилади. Шунга кўра Эргашни ҳам асосий гумондор сифатида «ушлашимиз» лозим эди. Эргаш яхшигина актёр чиқиб қолди. Ҳар келганда «Илтимос хотинимнинг қотилини топиб беринглар, **ушиз эиди қандай яшайман**», «жуда яхши кўрардим» деб айюҳаннос соларди. Тақдим этган далиллари ҳам тўғри чиқарди. Натижада мен уни гумондорлар сафидан чиқардим. Тергов боши берк кўчага кириб қолди. Мен ишни жиноят таркиби йўқлиги учун тугатишга қарор қилдим... Шу куни кечаси уйимга Эргаш кириб келди. Бардамлик учун яхшигина ичиб олган. Мен «бечора хотинидан ажралиб, куйганидан ичиб олган бўлса керак», – деган хаёлда уни уйга таклиф қилдим. Эргаш илтифотимдан руҳланиб кетди шекилли, дангал мақсадга кўчди: «Укажон, қийналиб кетдим. Шу ишни ими-жимида ёпиб берсангиз 10 минг доллар бераман», – деб қолди. Эсим чиқиб кетаёзди. Унинг қанча пора бераётгани эмас, нима учун пора бермоқчи бўлаётгани мени ташвишга соларди. Нима қилиш керак? «Йўқ» десам, кейин у айбини бўйнига олмаслиги мумкин. Мен ҳам сизга ўхшаб, ўйлаб

кўриб, бошлиқлар билан маслаҳатлашиб, жавобини эртага айтишимни билдирдим. У пулнинг қудратига тасанно айтиб, хурсанд чиқиб кетди. Мен ҳам тезда кийиниб, вилоят прокуратурасига йўл олдим. Воқеани эшитган прокурор «тўғри қилибсиз, эртага пулни бераётганда қўлга оламиз» деди. Эртаси куни пора беришда ушланган Эргаш сал ўтмай рашки туфайли хотинини ўлдирганини тан олди... Қаранг, жиноятчи парвонага ўхшайди. Содир этган жинояти атрофидан кета олмай қолади ва натижада оловга ўзини тутиб беради.

– Бундан чиқди, Қодирни пора бераётган чоғда қўлга оламиз демоқчимисиз? – ташвишли оҳангда сўради Санжарбек. – Ахир у курсдошим... нима деган одам бўламан...

– Буни мен эмас, раҳбарият ҳал этишини яхши биласиз! – деди устоз телефон гўшагини кўтара туриб. – Тохир Рафурович нима деса шу.

Феҳриддиннинг ахбороти прокурор ўрнибосарини ҳам ўйлантириб қўйди. У бу масалада Бош прокурор билан маслаҳатлашиб, кейин бир қарорга келишини билдириб, гўшакни қўйди.

– Жуда ёмон иш бўлди-да! Ҳар ҳолда беш йил бирга ўқиганмиз! – Санжарбек ҳамон ташвишда эди.

– Ҳозирча ташвишланишга ҳожат йўқ! Раҳбарият бир қарорга келсин! Бирор йўли топилар, ваҳима қилмай турунг! – Гуруҳ раҳбарининг хаёли бошқа ёқда эди. – Ҳайронман, Ҳикмат қайси жинояти учун шунча катта пулни таклиф этаётган бўлса, нима деб ўйлайсиз?

– Эй, бу одамни тушуниб бўлмайди. Туришидан қўйнинг оғзидан чўп олмагандай ювош кўринсада, нақ шайтоннинг ўзи! Сиз уни қўйиб юбормоқчи бўлиб турувдингиз. Олим одам шунча пулни қаердан олиши мумкин? Икки юз минг доллар беришга ҳам оғринмаётганига қараганда сармоёси талайгина...

– Гап пулда эмас! Гап унинг шунча порани нима сабабдан бермоқчи бўлаётганида! Шунга яраша айби бордирки, «оғзингга сиққанини ол!» деб турибди, – деди Фахриддин нигоҳини бир нуқтадан узмасдан. – Ҳикмат қотилми, ўғримми, жосусми? Нимадан чўчиб, шунча пора бермоқчи? Ҳеч нарсага ақлим етмаяпти...

Шу пайт стол устидаги хизмат телефони жиринглаб қолди. Фахриддин илдамлик билан гўшакни кўтарди:

– Фахриддин Каримович! – гўшакдан Тоҳир Фофуровичнинг босиқ овози эшитилди. – Мен Бош прокурор билан маслаҳатлашдим. Адвокатни пора бераётган маҳалда қўлга олиш лозим. У ёғини ўзингиз яхши биласиз... Ҳар ҳолда бу Ҳикмат деганлари оддий жиноятчига ўхшамаяпти. Вазиятга қараб иш тутинг...

– Тоҳир ака, анави адвокат... – Фахриддин ёнида қулоғи тўрт бўлиб турган шогирдига маъноли қараш қилди. – Санжарбек жуда ноқулай вазиятга тушиб турибди... ҳар ҳолда курсдоши...

– Фахриддинжон бу давлат иши! Сизлар ўта оғир қотиллик жиноятини тергов қилаётганликларингизни унутманг! Вазиятга келсак, чиндан ҳам ноқулай. Лекин нима қиламиз, сизу биз қонундан чекина олмаймиз! Санжарбекка айтиб қўйинг, тергов билан ҳамкорлик қилса, жиноятни очишга нафи тегса, дўстига қонун доирасида ёрдам қиламиз. Сизларга омад!

– Раҳмат! – Фахриддин телефон гўшагини жойига қўяр экан, «Ана кўрдингизми?» дегандай елкасини қисиб қўйди.

Гап авзойидан Санжарбек ҳамма нарсани тушунган эди. Бир тарафдан шундай оғир жиноятни очишга шахсан ҳисса қўшаётганидан унинг кўнглининг бир чеккасида алланечук мамнунлик ҳисси

уфуриб турган бўлса-да, бошқа томондан уни виждон азоби қийнар, дўстлари олдида «энди ким деган одам бўлдим!» деган хаёл қалбини ўртарди...

– Кўпам хижолат бўлаверманг! – устоз шогирдининг ўйларини уққандай, далда бера бошлади. – Тоҳир Ғофурович, агарда Қодир тергов билан ҳамкорлик қиладиган бўлса, унга қонун доирасида ёрдам қилишга ваъда берди...

– Шу ёрига ҳам раҳмат! – Санжарбек бу гапни чин дилдан айтдимми ёки пичинг қиляптими аңлаш қийин эди...

Операцияга пухта тайёргарлик кўрилди. Санжарбек Қодирга келишилган пулни қаерга, қачон олиб келишини тайинлади. Дўстининг хатти-ҳаракатида ҳеч қандай шубҳани сезмаган Қодир эртаси куни тайинланган жойга нақд 100 минг долларни кўтариб келди ва пулни терговчига бераётган пайтда тезкор-тергов гуруҳи томонидан қўлга олинди. Уша пайтдаги Қодирнинг ҳолатини суз билан тасвирлаш қийин... Унинг нималар деб жаврагани Санжарбекнинг қулоғига кирмади. Аммо... «дўстим десам, ҳайвондан фарқинг йўқ экан-ку!», «бу дунёда ҳеч кимга ишониб бўлмас экан-да!», «сотқин... сенга ҳам боққан бало бордир!» деган заҳарханда гаплари қулоғида муҳрланиб қолди...

Ранги докадек оқариб кетган Санжарбек ҳужжатлар расмийлаштирилгач, ўзини ташқарига отди. «Энди ким бўлдим!» деган деган бемаъни хаёл унга тинчлик бермасди...

Қодир биринчи сўроқдаёқ унга пулларни Ҳикматнинг акаси Қобил берганини, аслида ундан олинган пул 120 минг доллар бўлганини, шундан у 20 мингини ўзида олиб қолиб, қолган пулни Санжарбекка топширганини тан олди. Унинг уйида ўтказилган тинтувда 20 минг АҚШ доллари далилий ашё сифатида олинди.

Шу куннинг ўзида қўлга олинган Қобил бошида бир оз ўжарлик қилиб, ҳеч нарса билмаслигини такрорласа-да, сал ўтмай «ёрилиш»га мажбур бўлди:

– Ҳаммасини укамнинг топшириғи билан қилдим. Унинг нима жиноят қилганини билмайман. Аммо унинг қандайдир эски-туски китоблар билан шуғулланиб юришини билардим. Қамалиб қолгач, биз нима қилишни билмай қолдик. Бир-икки кун олдин ўша ёқдан бир хат юборибди...

– Ўша хат қаерда? – Фахриддиннинг сабри чидамади.

– Хат йўқ, ўшалар олиб кетишган, – деди Қобил шалвираб. Сўнг бир нарса ёдига тушди шекилли, чўнтагини ковлай бошлади.

– Нима излаяпсиз?

– Телефоним...

– Шу пайтда телефон нимага керак бўлиб қолди? – терговчи ажабланди.

– Ўша хатни расмга тушириб олган эдим, йўқолиб-нетиб қолмасин деб...

Фахриддин Қобилнинг чўнтагидан олинган нарсалар орасидан телефонни топиб, унга узатди.

– Марҳамат!

Қобил аппаратни кавлай-кавлай излаган нарсасини топди шекилли, телефонни очиқ ҳолда авайлаб терговчига узатди:

– Мана!

Фахриддин шоша-пиша телефондаги ёзувни ўқий бошлади: «Ака! Москвадаги дўстларга – 495\_40 1414 (тушиб қолдирилган рақам – биз ўқиган мактаб рақами) телефон қилинг. Мени ментлар олиб кетганини айтинг! «Иш серёзный» денг! Кўкидан 150 минг етказсин! Чикқач, ўзим ҳисоб-китоб қиламан. Кейин қариндошни топинг! Анавилар билан гаплашсин. Қуш тилини қуш билади. Кам деса яна берамиз!»

Терговчи телефонни стол устига қўйиб, Қобилга юзланди:

– Сизлар қайси мактабда ўқигансизлар?

– 9-сонли ўрта мактабда.

– Демак, телефон рақами 940 1414 экан-да! Сиз ўша одамни танийсизми?

– Йўқ! Танитайман. Телефонда гаплашдим, холос.

– Исми шарифи нима?

– Билмадим! Ўзини таништириб ўтирмади.

– Унга нима дедингиз?

– Нима дердим, телефон қилдим. «Мен Ҳикматнинг акасиман», дедим. «Уни ментлар... кечирасиз милиция ходимлари олиб кетди, шунга укам гаплашишга пул керак деб турибди», дедим. Улар «Хорошо, ждите. Чтонибудь придумаем» дейишди...

– Кейин-чи, кейин нима бўлди? – терговчи тоқатсизланди.

– Кейинги кун кечки маҳалда бир ўрис йигит уйга келиб, бир сумка пул ташлаб кетди. Укамнинг хатини ўзи билан олиб кетди. Битта-яримтага кўрсатса керак-да!

– Сиз шунча пулни индамай олиб қолавердингизми? – Фахриддин жиддий гапираяптими ё ҳазиллашяйтими билиб бўлмасди.

– Мен санаб кўрмоқчи эдим! «Топиб олсанг ҳам санаб ол!» деганларидай... Аммо у «не стоит, не беспокойтесь всё на месте» деди. Бари бир кетгандан кейин эшик-дерзани тамбалаб, пулни санаб кўрдим. 150 минг экан...

– Ўша ўрис ўзини таништирдими?

– Қаерда дейсиз! Бир оғиз ҳам ортиқча гапирмади. Шамолдай келиб, шамолдай кетди, – деди Қобил елкасини қисиб.

– Ўрис Москваликми ёки ўзимизникилардан?

– Ўзимизникига ўхшамади! Россиялик бўлса керак! Ҳар холда бир оғиз ҳам ўзбекча сўзламади... кўриниши ҳам ажнабий башара...

Яхши, кейин мутахассислар сиз билан ишлаб, унинг фото роботини чизишади, – терговчи қоғозга нималарнидир ёзиб, кейин яна Қобилга тикилади. – Хўш давом этамиз!

– Кейин қариндошни... Қодирни топиб, вазиятни тушунтирдим.

– Хатда «қариндош» деб тилга олинган одам шу Қодирмиди?

– Укам уни шундай атарди... узоқроқ қариндошимиз-да!

– Инанкейинчи! – Фахриддин суҳбатдошининг эркин мулоқотга киришиши учун атайлаб «Шум бола»даги бой ролига кирди.

– Қодир «майли гаплашиб кўраман, нималаринг бор» деб сўради. Мен уни қўрқитиб юбормаслик учун «кўкидан юзтамиз бор, кўнишмаса яна қўшамиз», дедим. У бир оз ўйланиб туриб, «ундай бўлса бир ҳаракат қилиб кўрамиз!» деди. Кечки пайт **оғзи қулоғида қайтиб** келди: «Бахтимизга ўша терговчиларнинг каттаси менинг курсдошим бўлиб чиқди, Худо хоҳласа бу ёғи «бўри бўлади!» деди ва ҳозирча ҳар эҳтимолга қарши 120 та тайёрлаб қўйишимни тайинлади. Мен айтилган суммани тайёрлаб, кутиб ўтирдим. Эртаси куни у келиб пулни олиб кетди... – Қобил бор гап шу дегандай Фахриддинга қаради.

– Укангиз ўша Россиялик ўрис билан қандай танишган бўлса? – Фахриддин саволни бошқачароқ қўйди.

– Қайдам! Ҳикматнинг таниш-билиши жудаям кўп. Мен уларнинг айримларини биламан холос.

– Балки ўша дўсти укангизникига муқаддам меҳмонга келгандир. Ҳар ҳолда жуда қалин бўлишгани аниқ. Ахир шунча пулни бекорга бериб юбормайдилар-ку!

– Йўқ, укамникига Россиядан меҳмонлар келганини билмайман. Ҳикматнинг ўзи саёқ юришни

яхши кўрарди. Бормаган жойи, кирмаган тешиги қолмаган... – Қобил чуқур тин олди.

– Саёҳат яхши, бесиёқ юриш ёмон! – терговчи мақолга мақол билан жавоб берди. – Укангиз билан муносабатларингиз қандай эди?

– Ёмон эмас... ака-укаларнинг муносабати каби оддийгина...

– Демак, унчалик яхши бўлмаган, – терговчи ўзича хулоса қилди.

– Аёлларимиз бир-бирини унчалик хушлашмайди. Шундан сал... лекин мен укамга ҳамиша хайрихоҳ бўлганман. Укам ҳам... фақат келиннинг сўзидан чиқмасди.

– Укангизнинг бир оғиз гапи билан шунча пулни келтириб берганлигини қандай изоҳлайсиз?

– Менам ҳайронман! Туққан-туғишганингдан 50 минг сўм сўраб олишнинг ўзи даргумон... Балки шунчалар кадрлайдиган, бошига оғир кун тушганда туриб берадиган дўстлари бордир... Лекин мен ўтган йили қизим касалхонага тушиб қолганда шу укамдан 200 минг сўм қарзга сўраб ололмаганман... Бермай кетади деб ўйлаганми? Ё ростдан ҳам пули бўлмаганми? Бу ёғи Яратганнинг ўзига маълум... «Менинг пул заводим борми» деган! Ўшанда ёмон хафа бўлганман. Лекин бу ёғи жигарчилик бошига иш тушганда қараб туролмайсан киши... – Қобил кўзида қалқиган ёшни сездирмаслик учун тескари ўтрилди.

– Балки ҳақиқатан ҳам ўша маҳалда пули бўлмагандир! – деди Фахриддин вазиятни юмшатиш учун. – Ҳа майли, ҳар кимнинг виждонига ҳавола. Лекин бизни бошқа нарса ташвишга солмоқда. Укангиз қайси қилган жинояти учун бизга шунча пора таклиф қилайти?

– Билмадим! Қамоқдан чиқиш учун бўлса керак-да!

– Биз укунгизни қамаганимиз йўқ. Гумондор сифатида вақтинча ушлаганмиз холос.

– Ушлагансизларми ёки қамоққа олгансизларми ниқилиб уч кундан бери уйига бормагани аниқ, – пичинг қилди Қобил.

– Қонун бўйича 72 соат ушлашга ҳақдими?

– Ушлабсизлар, демак, нима жиноят қилганини яхши биласизлар!

– Биз гумон қилган ишда унинг иштироки аниқланмаганди, биз уни қўйиб юбормоқчи бўлиб тургандик... бирдан у шунча пора таклиф қилиб қолди, – терговчи гаплари ҳамсуҳбатига қандай таъсир этаётганини кузатиш учун унинг кўзига тикилди. – Бир гапи бўлмаса, шунча пулнинг баҳридан ўтмаган бўларди. Жинояти каттага ўхшайди. У сизнинг туғишган жигарингиз, билмаслигингиз, сезмаслигингиз мумкин эмас.

– Мен билганимни айтдим! Укам унақа жиноят қиладиган, бировга озор берадиган инсон эмас. Ноҳақ қамалиб кетишидан қўрқиб, ўртоқларидан ёрдам сўраяпти. Нима қилсин, ҳаммага жон ширин. Пул қўлнинг кири, топилади. Лекин қамоқнинг бир кунини айтинг... Укамнинг жиноят қилганига ишонмайман...

– Ўтиборингиз учун пора бериш ҳам, пора беришда воситачилик қилиш ҳам жиноят! – Фахриддин ўрнидан турди.

Қобил индамади. Терговчи бир соатлик мулоқоти давомида чиндан ҳам қаршисида ўтирган одам ўз укасининг қилмишларидан беҳабар деган тўхтамга келди.

Шу кун кечки маҳал Фахриддин бир оз ўзи келиб қолган Санжарбек билан Ҳикматни сўроқ қилишди. Ҳаммаси терговчилар кутганидек чиқди. Ҳикмат ҳеч қандай жиноят қилмаганлигини айтиб, сўзида қаттиқ туриб олди. Пора хусусида эса «Нима

қилай, кўрқиб кетдим! Мол кетса кетсин, обрў кетмасин деб, ўртоқларга мурожаат қилдим. Барака топгурлар, йўқ дейишмапти! Чиксам қарзимни қайтарардим» деган гапни айтиб тураверди.

– Хўш, ўша дўстингизнинг исми-шарифини нима? – деди Санжарбек хуноби чиқиб. – Сизга ким бўлади? Қандай танишгансиз?

– Исми Саша – Александр Петрович!

– Фамилияси? – Санжарбек ёзишга тушиб кетди.

– Фамилиясини билмайман. Сўрамапман...

– Фахриддин ака, нима бу бизни аҳмоқ қилаяптими? – Санжарбекнинг жаҳли чиқди. – Бир оғиз гапи билан 150 минг доллар бериб турибди. Бу киши шундай одамни танимас эмиш. Кулгили эмасми?

Ҳикматнинг юзида норозилик аломати зоҳир бўлса-да, индамади. Фахриддин вазиятдан чиқиш учун гапни бошқа ёққа бурди:

– **Ҳикмат ака, Александр Петрович билан қандай танишгансиз? Иш юзасиданми?**

– Икки йил олдин қишда Санкт-Петербургда боргандим. Кун совуқ. Бир оз шамоллаб қолгандим. Дорихонага кириб, дори харид қилдим. Чиқишда шундоқ йўлакда бир одамнинг ётганини кўрдим. Йўловчилар парво ҳам қилмай ён веридан ўтиб кетишарди. Аввалига мен ҳам маст-аласт бўлса керак деб ўйлаб, ўтиб кетдим. Лекин кийинишидан унақа одамга ўхшамасди. Изимга қайтиб, томири-ни текшириб кўрдим. Арақ иси анқимади. Ҳушидан кетса-да, юраги билинар-билинмас уриб турарди. Шу ҳолда беш дақиқа ётса, совуқдан ўлиб қолиши аниқ эди. Елкасидан кўтариб, йўл томонга судрадим. Бир аёл киши менга ёрдамлашган бўлди. Такси тутиб, яқин орадаги касалхонага олиб бордим. Докторлар юрак хуружи дейишди. Агар яна ярим соат кечикканимизда бечора бу дунёни тарк этган бўларкан...

Кейин нима бўлди? – бегоҳат бўлди Санжарбек.

Кечани шифохонада ўтказдим. Дўхтирлар мени унинг яқин одами деб ўйлашди шекилли «шу ерда бўлиб туринг, у-бу керак бўлиб қолиши мумкин» дейишди. Кетмаганим яхши бўлган экан. Бир-икки марта навбатчи дорихонадан керакли дори-дармонларни олиб келишимга тўғри келди. Тонгга яқин дўхтирлар операция муваффақиятли чиққанини, хавф ортда қолганини айтишди. Аммо мени беморнинг олдига қўйишмади. Кўнглим таскин топиб, ўз юмушларим билан кетдим...

Орадан уч-тўрт кун ўтиб, телефоним жиринглаб қолди. Бу ўша йигит эди. Телефон рақамимни қандай топганига ҳайрон бўлдим. Саша мени шифохонага келиб-кетишимни илтимос қилди. Мен унга бирор нарса зарур бўлса керак деган хаёлда унинг олдига етиб бордим. У телефон рақамимни **дўхтирлардан** олганини айтиб, безовта қилгани **учун** минг бор узр сўради. Шунда мен ўша куни **дўхтирлар** беморни шифохонага олиб келган шахс сифатида менинг барча маълумотларимни ҳужжатларда қайд қилгани эсимга тушди. Бир оз гаплашиб ўтирдик. Саша ажойиб йигит чиқиб қолди. Каттагина компаниянинг раҳбари бўлишига қарамасдан камтарин, хушчақчақ, самимий ва оққўн-гил киши экан. Ўша куни ҳайдовчиси уни дорихона ёнида қолдириб кетган экан. У дорихонадан керакли дориларни олиб, қўшни мавзедаги уйига пиёда – сайр қилиб кетмоқчи бўлган. Кўчага чиқини билан мазаси қочиб, ерга йиқилган...

– Шу гапларингизга бизни ишонади деб ўйлайсизми? – Санжарбек қаршисида ўтирган кишига ўқрайди. – Тузукроқ чўлчак топилмадимиз?

– Кейинчи, кейин нима бўлди? – Фахриддин норози қиёфада шогирдига кўз қирини ташлаб, сўнг Ҳикматга ўтирилди. – Давом этинг!

– Кейин яна бир икки марта учрашдик. Саша мени уйига, дачасига олиб борди, катта зиёфат уюштирди. Оиласи билан таништирди. Хотини, икки қизи бор экан... Қайтишда у менга, хотиним, болаларимга совғалар улашди. Пул ҳам таклиф қилди. Аммо мен пулни олмадим! Шунда у муқаррар ўлимдан сақлаб қолганлигим учун мендан умрбод қарздор эканлигини, бошимга бирор иш тушса ҳар доим ёрдамга тайёр эканлигини билдирди, – Ҳикмат «бор гап шу» дегандай ийманибгина терговчиларга термилди.

– Биз сизни ушлагандан кейин дўстингизнинг ўша гапи ёдингизга тушиб, у билан боғланиб, ёрдам сўрашни акангизга топширгансиз, шундайми? – деди Фахриддин қўлидаги қаламни ўйнатиб.

Ҳикмат тасдиқ маъносида бош ирғади.

– Лекин акангизнинг биргина телефони ишониб, ҳе йўқ, бе йўқ, Сашанинг шунча катта пулни бериб хобориши сиз шубҳалироқ туюлмайдими? – Санжарбек лўқма ташлади.

– Александр бадавлат одам! Мен сўраган пул унинг учун унчалик катта маблағ ҳисобланмайди...

– Ҳеч ким пулни супуриб олмайди. Бадавлат одам аксинча хасис бўлади... Улардан 150 минг доллар у ёқда турсин, 10 доллар олиш жонини олиш билан баробар! – Санжарбек ўрнидан кўзгалди.

– Саша унақа йигитлардан эмас! – эътироз билдирди Ҳикмат. – Ҳар ҳолда илтимосимни ерда қолдирмади-ку! У қилган мардликни ҳамма ҳам қилавермайди...

– Ҳа, бунақа саховатпеша инсонларнинг бўлгани яхши! – деди Фахриддин пиёладаги чойдан ҳўпларкан. – Аммо улар берган эҳсондан пора сифатида фойдаланиш яхши эмас!

Ҳикмат индамади.

Майли, гапларингизга ишондик ҳам дейлик, ҳўш унда марҳамат қилиб айтинг-чи, – Санжарбек Ҳикматга яқин келди. – шунча порани бизга нима сибабдан бермоқчи бўлдингиз? Сизга ҳали бирор бир айб қўйган бўлмасак...

Гумонланувчи «бир саволни неча марта так-рорлаш мумкин?» деган маънода Фахриддинга бақрайиб қаради.

– Бугунча бас! – гуруҳ раҳбари эшик томонга юрди. – Санжарбек, сиз тегишли ҳужжатларни расмийлаштиринг. Нима қилишни яхши биласиз... Мен раҳбариятга қўнғироқ қилишим лозим.

Ўша куннинг ўзида Қодир, Қобил ва Ҳикмат пора бериш ва пора беришда воситачилик қилганлиги учун қамоққа олинди. Шу орада тергов гуруҳи аъзоларидан бири Москвага хизмат сафарига юборилади. Кутилганидек, Александр Петрович Ҳикматнинг гапларини тўлиқ тасдиқлади.

**Тергов гуруҳи фаолияти янада жадаллашди. Аммо Норбўта чўпоннинг қотиллиги билан боғлиқ асосий жиноят бўйича тергов яна боши берк кўчага кириб қолгандай эди...**

\* \* \*

Фахриддин Каримовичнинг боши қотиб қолди. Соат тунги ўн бирга яқинлашаётган бўлса-да, турфа хил хаёллар унга тинчлик бермасди: Бу қандай иш бўлди! На учи, на қўйруғи бор! На боши, на адоғи! Терговда шунча ишлаб, бунақа бир қарашда оддий, бироқ чигал, мужмал ишни кўрмаган. Бир тарафда қадимий китоблар, олтинлар, иккинчи томонда Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Али Қўшчи каби буюк сиймолар, бошқа томондан Ҳикмат, Қодир, Қобил, Александр Петрович... Талъат... Садоқат... Мастура ... Буларнинг ўртасида қандай кўзга кўринмас ришта бўлса? Ёки бу шунчаки та-

содифми? Калаванинг учи қаерга яширинган бўлса? Норбўта чўпонни ўлдириш кимга керак бўлган? Ўлдиришдан мақсад нима?

Эшиқ тақилаб, хонага Санжарбек кириб келди:

– Мумкинми? Фахриддин ака қайтмайми? Соат ўн бир бўлаяпти! Эртага ҳам иш қолсин...

– Бўлди, бўлди! Кетдик! – гуруҳ раҳбари шахдам ўрнидан кўзгалди.

Вилоят прокуратурасининг бўшаб қолган йўлак-лари бўйлаб ўтишиб, ташқарига чиқишди. Ҳовлида терговчиларни навбатчи машина кутиб турарди.

– Эътирозлари бўлмаса, меҳмонхонагача тоза ҳавода маза қилиб, пиёда кетсак! – деди Фахриддин кўча томонга қадам ташлай туриб.

– Пиёда бўлса, пиёда-да! – Санжарбек устозга эргашиди ва ортига қайрилиб, машинасидан бошини чиқариб «нима қилай?» деб турган ҳайдовчига қараб «Носир ака, сиз бораверинг, биз пиёда кетамиз» деб қўйди.

Анча пайтгача ҳар ким ўз хаёли билан жим кетишди. Университет хиёбони бўйлаб юришар экан майин эсаётган баҳор насими кўкракларига тегиб, кўнгилларида ажиб бир сархушлик уйғотди.

– Устоз, менга бир нарса тинчлик бермаяпти! – Орадаги жимликни Санжарбек бузди. – Менимча...

– Фақат ишдан гаплашмайлик! Соат ўн иккига қараб кетаяпти... Ўзингиз айтгандай эртага ҳам қолсин! – устоз ҳазиллашаяптими ёки чин гапираяптими билиб бўлмасди.

– Майли, эртага бўлса, эртага-да! – шогирд аразлагандай юзини тескари бурди.

Бир оз жим кетишгач, устоз вазиятни юмшатган бўлди:

– Баъзи-баъзида сиздан жўяли фикрлар чиқиб қолади! Хўш, гапиринг-чи! Нима демоқчи эдингиз?

– Нима учун баъзи-баъзида экан! Биздан ҳар доим ақлли фикрлар чиққан!

Ким ўзини мақтайди?

Бу мақтаниш эмас, эътироф!

– Яхши, сиз айтганча бўла қолсин! Гапиринг-чи!

– Менга негадир Ҳикмат билан Александр Петрович ўртасидаги муносабат шубҳали кўринапти-да! Бу ерда бир сир борга ўхшайди...

– Қанақа сир? Ҳикмат уни ўлимдан сақлаб қолсин! Бошига иш тушганда у ҳам ўз ёрдами аямияпти! Бунинг нимаси сизда шубҳа уйғотмоқда.

– Устоз атайлаб шогирдини мунозарага чорлади.

– Ўлимдан қутқарган бўлса, бу унинг фуқаролик бурчи бўлган. У қутқармаса, бошқа биров қутқариши мумкин эди. Лекин унчалик қадрдон бўлмаган, тасодифий танишнинг бир телефонга оз эмас, кўп эмас 150 минг долларни ҳада қилиб юбориши ақлга сиғадиган иш эмас! Улар ўртасида бошқачароқ муносабат борлиги аниқ! Балки танишишлари шундай кечган бўлса ажаб эмас. Кейинчалик уларни ягона мақсад бирлаштирган. Уларнинг бир ишни бошлашгани аниқ. Ахир Ҳикмат хорижда бекорга тентираб юрмаган-ку! Александр Петрович бизнесмен. Менинг тасаввуримда бундай одамлар пулни бекорга созуришмайди! – Ҳамсуҳбатининг диққат билан тинглаётгани Санжарбекни илҳомантирарди.

– Ҳўш нимани таклиф қиласиз?

– Миямга Александр Петрович шахсини, оиласини, яқинларини ўрганиб чиқиш лозим деган фикр келганди...

– Ким сизга ҳалақит бераяпти! Ўрганинг! Сиз тергов гуруҳи аъзоси, тажрибали терговчисиз!

– Питердаги дўстларимиз орқали айрим нарсаларни ойдинлаштирдим, – ниҳоят Санжарбек мақсадга кўчди.

– Қани, қани! Эшитайлик-чи! – Фахриддин мамнун жилмайди.

– Александр Петрович шаҳарнинг 10 та катта бизнесменидан бири экан. Компанияси асосан қурилиш билан шуғуланар экан. Икки фарзанди бор. Хоббиси автомашиналар коллекцияси. Хотини Тамара Булатовна шарқшунос...

– Шарқшунос! – тилла топган одамдай Фахриддиннинг кўзлари чақнаб кетди. – Келинг, ўтириб гаплашайлик!

Йўл четидаги ўриндиққа ўтиришди. Санжарбек оҳиста давом этди:

– Бу ҳали ҳаммаси эмас...

– Тезроқ гапирсангиз-чи! Яна нима гап!

– Тамара Булатовна Эрмитаж музейида ишларкан...

– Аниқми?

– Албатта! Юз фоиз! Бир курсдошим МУРда ишлайди. Мана у факс орқали юборган маълумотнома. Санжарбек чўнтагидан бир варақ қоғоз чиқарди.

Фахриддин тепадан тушиб турган чироқ шуъласида қоғозга кўз югуртирди:

– Демак, Эрмижажда ишлайди... шарқшунос! Қайси тил бўйича мутахассис экан, буни аниқламадингизми?

– Нима учун? Аниқлаганда қандоқ! – Санжарбек атайлаб гапни чўзди.

– Одамни диққи-нафас қилмасдан гапирсангиз-чи! – Устознинг сабри чидамади. – Қайси тил?

– Араб тили бўйича мутахассис экан!

– Ана холос, пишди гилос! Шарқшунос... араб тили бўйича мутахассис... яна музейида ишласа... Бу нимани англатади! Сизга калаванинг учи топиладандай бўлмаётими? Ҳикматнинг жазавога тушишида гап бор экан-да! – Фахриддин шогирдига юзланди. – Нима учун буни менга олдинроқ айтмадингиз!

– Ҳаммаси боя чиқишимиздан сал олдин аниқ бўлди. Ишхонада айтсам, туни билан ишлатардингиз-да! – деди Санжарбек қувлик билан.

– Бу гапингиз ҳам тўғри! – Фахриддин ўрнидан кўзгалди. – Кетдик!

Устоз–шогирд университет хиёбонини ортда қолдириб, меҳмонхона томонга юришди.

Эртаси куни каллаи саҳарлаб туриб олган гуруҳ раҳбари Санжарбекни ҳам кутиб ўтирмасдан ишга отланди. Туни билан ўйлаб чиққан фикрларини жамлаб, қоғозга туширди. Навбатдаги қилинажак ишлар режасини тузди. Сўнг иш вақти бошланиши олдидан Тошкентга – Тоҳир Ғофуровичга қўнғироқ қилиб, вазиятни тушунтирди.

– Энди нима қилмоқчисиз? – деди терговчининг ахборотини диққат билан тинглаган Бош прокурор ўринбосари гап охирида.

– Санжарбек бу ердаги ишларни юритиб турса, мен гуруҳ аъзоларидан бирини олиб, Питерга учсам дейман!

– Тўғри қиласиз! Сиз ишларни Санжарбекка топшириб, Тошкентга қайтинг! Мен кечки рейсга чиптага буюртма бердиртираман! Шерикликка кимни олиш ўзингизга ҳавола!

Сал ўтмай кўпроқ ухлаганиданми ёки ухлолмаганиданми қовоқлари шишиб, одатдагидек қуюқ саломлар билан Санжарбек кириб келди:

– Э, бунақа эмас-да, устоз! Уйғотай ҳам демабсиз!

– Мен барвақт тургандим. Сизни безовта қилгим келмади. Қани ўтиринг, – Фахриддин шогирдига жой кўрсатди.

Санжарбек стол устидан қоғоз ва қалам олди.

– Мен пешиндан сўнг Тошкентга жўнайман. Худо хоҳласа, кечки рейсда Санкт-Петербургда учаман. Бу ердаги ишлар сизга қолади. Нималар қилишни ўзингиз яхши биласиз. Сизга ўргатишга

ҳожат йўқ! Ҳозир Ҳикматни олиб келишади. Уни кечаги масалалар хусусида сўроқ қилишимиз лозим. Балки бирор нарса ойдинлашар...

Шу пайт эшик тақиллаб, икки милиционер Ҳикматни ичкарига бошлаб киришди ва одатига кўра қўлидаги кишанни ечиб, бирин-кетин хонадан чиқиб кетишди.

– Яхши дам олдингизми? Ўтиринг! – Фахриддин жой кўрсатди.

– Раҳмат! Агар буни дам олиш деб ҳисоблаш мумкин бўлса!

Тергов олдидан таъбини тирриқ қилмаслик учун терговчилар Ҳикматнинг пичингига эътибор қилишмади.

– Тамара Булатовнани олдиндан танирмидингиз? – гуруҳ раҳбари мақсадга кўчди.

Ҳикмат бундай саволни кутмаган шекилли яқин ургандай чўчиб тушди. Ўзининг танг ҳолатини сездирмаслик учун чўнтагидан рўмолчасини олиб, юз-қўлини артган бўлди. Шу тобда унинг хаёлидан нималар кечаётганини англаш қийин эмасди. Одатда сўроқ қилинаётган шахсга кутилмаган саволга жавоб топиш учун муайян фурсат лозим бўлади. Буни яхши тушунган терговчилар ёнларида терлаб-пишиб ўтирган бу шахсга ҳам бир муддат мушоҳада қилиб олишига қаршилик кўрсатишмади.

– Т-а-м-а-р-а Бу-лат-ов-нани олдиндан танимаганман. Саша билан уйига борганда кўрганман, – деди ниҳоят Ҳикмат дудуқланиб.

– Тамара нима иш қилади?

– Қизиқмаганман!

– Биздаги маълумотларга қараганда у ҳам Сизга ўхшаб шарқшунос, араб тили бўйича мутахассис экан, музейда ишларкан...

– Бўлса бордир, сўрамаган эканман! – деди Ҳикмат кўзини ердан узмай. Сўнг вужудидаги ҳая-

жонни сездирмаслик мақсадида ўзини дўстининг хотини тақдиридан хавотирланаётган қилиб кўсатишга уринди: нима гап, унга бирор нарса бўлибдими?

Бурчакда кузатиб ўтирган Санжарбекнинг хаёлидан «Вой шайтон-эй! Устига сув юқтиргиси келмайди-я!» деган фикр ўтди. Ўзини тутиб туролмай ўрнидан турди ва Ҳикматга ўдағайлади:

– Ҳали Тамаранинг Эрмитажда ишлашини ҳам билмайман, Эрмитажга ҳам бормаганман дерсиз?!

– Тамара менга қаерда ишлашини айтмаган! Менам сўрамаганман! Лекин Эрмитажга борганман! Питерга борган одам уни кўрмасдан қайтмас керак!

– Тамара билан Эрмитажда учрашдингизми?

– Биз Саша билан бирга бордик. Тамара бизга «гид»лик қилди.

– Сиз Тамара билан Норбўта чўпондан олган қўл-ёзмалар тўғрисида гаплашмадингизми? Ҳар ҳолда у ҳам шарқшунос экан, – давом этди Фахриддин.

– Йўқ! У пайтда китоблар менда эмасди. Уларни чўпон кейин олиб келиб берган-ку!

– Китоблар сизнинг қўлингизга тушгач, Питерга неча марта боргансиз? – Санжарбек гап қотди.

– Икки марта шекилли!

– Аниқроқ гапиринг!

– Ўтган йили ёзда... шу йил бошида... қишда... тўғри икки марта!

– Питерга бунча серқатнов бўлиб қолишингизнинг сабабини билсак бўладими? – Санжарбек ўрнидан туриб кетди.

– Бир нарсани неча марта такрорлаш мумкин? – Ҳикмат норози оҳангда бир Санжарбекка, бир Фахриддинга тикилди.

– Бу тергов! Керак бўлса юз марта такрорлайсиз! – деди Санжарбек ҳам бўш келмасдан.

– Мен бу саволингизга жавоб берганман! Бошқа гапим йўқ!

Фахриддин ғазабга тўлиб, ўдағайланиб турган шогирдига «керак эмас» деган маънода қараш қилди. Санжарбек ноилож жойига ўтирди.

– Ҳикмат ака хафа бўлмайсиз энди, ишимиз шунақа! Мана бу қорозга Питерга қилган саёҳатингиз тафсилотларини обдан ўйлаб, батафсил ёзсангиз, – Фахриддин стол устидан қороз ва ручка олиб, Ҳикматга узатди. – Ҳеч нарса ёдингиздан чиқмасин! Қачон, қаерга боргансиз, ким билан учрашгансиз, қаерда тунагансиз, қачон қайтгансиз...

Ҳикмат бир оз ўйланиб, ёзишга киришди...

Тушга яқин Фахриддин гуруҳ аъзолари орасидаги энг тажрибали изқувар Аваз билан бирга Тошкентга йўл олди...

\* \* \*

Баҳор фасли охирига бораётган бўлса-да Санкт-Петербургда кўш тафти сезилмасди. Фахриддин меҳмонхонадан чиқиб, шаҳар кўчалари бўйлаб одимлар экан, аъзои-бадани жунжикканини ҳис қилди, қалинроқ кийиниб чиқмагани учун ўзини койиди. Такси тўхтатишга мажбур бўлди. Қорачадан келган ҳайдовчи йигит миждозни илиқ кутиб олиб, у айтган манзил томон газни босди.

– Братъ вы откуда? – шафер русчада билинар-билинмас акцент билан гапирди.

– Из Узбекистана, из Ташкента!

– Э ака, ўзбекман денг! Яхшимиз! Ишқилиб кўзимга иссиқ кўриндингиз-да! Питрга хуш келибсиз!

– Раҳмат укажон! Ўзингиз қаердансиз?

– Мен Самарқандликман! Уч-тўрт йилдан бери шу юртларда насибамизни териб юрибмиз-да ака! Менинг отим – Азимжон!

- Менинг исмим Фахриддин!
- Танишганимдан хурсандман, ака! Юртдошларни кўрса одам бир бошқача бўлади-да! - Азимжоннинг қувончи ичига сиғмасди.
- Менам хурсандман! Қайда бўлсаям омон бўлинглар!
- Фахриддин ака, ўзимизда нима дейишади, «Йўл бўлсин» дейишадими? Бу юртларда... нима юмушлар билан... саёҳатми, бизнесми?
- Хизматчиликда, укажон! - Фахриддин жилмайди. - Мен прокуратурада ишлайман. Хизмат сафарига келгандим.
- Тушунарли! Юртлар тинчми? Тошкент таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган дейишади.
- Тўғри айтишади! Нафақат пойтахт, бутун Ўзбекистон кундан-кунга чирой очиб бормоқда. Ҳар қадамда қурилиш, янгиланиш, яшариш...
- Бу ерда яшашимиз ёмон эмас. Лекин бари бир одам ўз киндик қони тўкилган жойни, Ватанини соғинар экан. Баъзида бу ерлардан учиб кетгим келади...
- Асли касбингиз нима? - деди Фахриддин Азимжонга тикилиб.
- Ўқитувчи! Математика муаллими эдим.
- Шундай муборак касбни ташлаб, бу жойларда нима қилиб юрибсиз?
- Пешана экан. Шунақа бўлиб қолди. Оила, болам-чақам деб, одам ўзини ўтга ҳам, қирга ҳам ураркан. - Азимжон чуқур «уф» тортди.
- Рискингиз шу ерларга сочилган экан-да, ука! Болалар ҳам келишганми?
- Хотиним, икки ўғлим қишлоқда қолган...
- Ҳа, бу ёғи чатоқ экан. Оиласиз одамга қийин... Уларни ҳам олиб келсангиз бўлмайдими?
- Бунинг ҳам иложи йўқ! У ёқда энам ёлғиз...
- Ҳа, оналарни ёлғизлатиб бўлмайди, - деди терговчи ойнадан кўзини узмай. - Мана бу черковми?

– Машҳур Исаков сбори деганлари шу. Бу хиёбон ҳам Исаков номи билан аталади.

– Ленинградни чиройли шаҳар деганларича бор экан! – деди Фахриддин шаҳар тароватига маҳлиё бўлиб.

– Мана Почтамт кўчасига ҳам келдик! Қаерга ҳайдай! – деди Азимжон машина тезлигини пасайтириб.

– Шаҳар прокуратураси қаерда экан?

– Ҳозир сўраймиз-да! – Азимжон машинани йўл четига тўхтатиб, йўловчилардан биридан манзилни сўраб, қайтди. – Адашмапмиз, ҳов ана олдиндаги катта бино прокуратура экан.

Такси сал юриб, пештоқига «Прокуратура города Санкт-Петербурга» деган салобатли бино олдида тўхтаганда Азимжон миждозига юзланди:

– Фахриддин ака, мен нима қилай, сизни кутиб турайки?

– Қандоқ бўларкан, мен бирор соат қолиб кетишим мумкин. Сизни куттириб қўймайманми? – терговчига юртдошининг таклифи маъқул бўлса-да, ўзини хижолат чекаётгандай тутди.

– Э ака, гап бўлиши мумкин эмас, кечгача бўлсаям кутиб тураман! – деди Азимжон самимий оҳангда.

– Раҳмат Азимжон! Менга катта ёрдамингиз тегаяпти. Сизсиз бу катта шаҳарда йўлимни тополмай тентираб юрган бўлардим! Мен тезда! – терговчи қўлидаги сумкани чангаллаб, ичкарига кириб кетди.

Питерлик ҳамкасблар Фахриддин Каримовични илиқ қарши олишди. Ёши эликдан ошган, новчадан келган прокурор ўринбосари Сергей Константинович меҳмонни қабул қилар экан, Ўзбекистон, ўзбеклар ҳақида фахрланиб гапирди:

– Мен Гдяня, Ивановлар гуруҳида юртингизда борганман. Ажойиб ўлка. Одамлари меҳмондўст,

халқи содда, меҳнатсевар... Ўшанда мен бу ишларга қарши бўлганман. Бутун бошли миллатни жиноятчига чиқармоқчи бўлган ўша ярамасларга таъсир қилишга ҳаракат қилганман. Қайда дейсиз, улар ўз айтганларидан қолишмаган. Қайтанга раҳбариятга ёмонлаб, мени терговдан четлаштирган.

– Нимасини айтасиз, уларнинг халқимизга етказган зуғуми ҳамон юраклардан чиқмайди. Ҳар ким ҳам сиздек мардлик қилолмайди. Ўша пайтларда у каллақесарларга қарши бориш осон бўлмаган...

– Ташрифингиз ҳақида Москвадан кўнғироқ қилишгани, – ниҳоят Сергей Константинович мақсадга кўчди. – Давлатларимиз ўртасида ҳуқуқий ёрдам тўғрисида шартнома бор. Биздан қанақа кўмак лозим бўлса, тортинмасдан айтаверасиз, муаммо бўлмайди.

– Раҳмат!

– Сизга энг тажрибали ходимларимиздан берамиз, ёрдам қилишади, – прокурор ўринбосари ички телефон гўшагини кўтарди. – Вадим Михайлович, хонамга кириг!

Бир оз ўтиб хонага 30-32 ёшлардаги кийган формаси ўзига ярашган «капитан» кириб келди:

– Рухсат этинг, ўртоқ полковник!

– Вадим таниш, меҳмон серқуёш Ўзбекистондан, – деди Сергей Константинович стол устидаги қоғозга кўз қирини ташлаб, – Фахриддин Каримович!

– Вадим Михайлович! – «Капитан» меҳмонга қўл узатди. – Танишганимдан хурсандман!

– Мен ҳам!

– Вадим! Мана бу ҳужжатлар билан танишиб чиқиб, ҳамкасбимизга тегишли тергов ҳаракатларини олиб боришда амалий ёрдам кўрсатилашини ташкил этасиз! – Бошлиқ кўлидаги қоғозларни узатди. – Меҳмонни ёлғизлатиб қўйманг! Ахир қанча йиллар бир тизимда, бир мақсадни кўзлаб елкама-елка ишлаганмиз! Муаммо бўлса, кирарсиз!

Вадим меҳмонни ўз хонасига бошлаб чиқди. Терговчилар масалани атрофлича муҳокама қилишиб, амалга ошириладиган тергов ҳаракатлари режасини тузиб олишди.

– Демак келишдик, тинтувни бутун кечки пайтда, одамлар ишдан қайтадиган пайтда ўтказамиз! – деди Вадим прокуратура остонасида Фахриддинни кузата туриб. – Соат 17 да менинг хонамда учрашамиз!

– Келишдик! Кечгача!

Фахриддин иши осонликча ҳал бўлганидан хурсанд ҳолда машиналар тўхташ жойига шошилди.

– Азимжон, зерикмадингизми? Сизни ҳам ташвишга қўйдим-да!

– Ҳечқиси йўқ, меҳмон оти Худо! Сизга нафимиз тегмаса, бу юртларда нима қилиб юрибмиз! – Азимжон машина моторини ўт олдирди.

– Анча ишдан қолдирдим...

– Бу гапларни қўйинг, кетдик сизни бир питерча меҳмон қилай! – Азимжон гаўзи босди. – Ҳадемай тушлик ҳам бўлиб қолади.

– Яхши! Олдин меҳмонхонадан шеригимни олайлик. Кейин бизларга Эрмитажни кўрсатсангиз...

– Гап бўлиши мумкин эмас! Ленинградга келиб, Эрмитажни кўрмай кетиш – «грех»! Ўшаёққа ҳайдайми?

– Ҳозир меҳмонхонага, Авазжонни олайлик!

– Ҳа эсим курсин! Шеригим бор дегандингиз-а! – ҳайдовчи орқа ойнага қараб, машинани чап томонга бурди. Меҳмонхонадан Авазни олишиб, тўғри Эрмитаж музейи томонга юрдилар. Азимжон меҳмонларга «гид» топиб берди. Ўзи машинада кутиб турадиган бўлди. Авазнинг «юринг, бирга айланамиз, шериклари учун еврей ўзини осган экан!» дея ҳазиломуз қистовига Азимжон «Сизлар бемалол айланиб чиқаверинглар. Меҳмонлар билан келавериб, музей менга ёд бўлиб кетган!» деб жавоб берди.

Гарчанд Фахриддин Каримович бу даргоҳ тўғрисида ўқиган, телевизорда кўрган бўлса-да, бунчалик деб тасаввур қилмаган эди. Бир-биридан ҳашаматли бинолар, ҳайбатли устунлар, турфа хил ранглар, қадим ота-боболаримизнинг ҳаётидан далолат бериб турувчи экспонатлар, жозибали суратлар, кўзни қамаштирувчи ҳайкаллар, қурол-аслаҳалар, тангалар, китоблар, қўлёзмалар одамни ўзига маҳлиё этади. Киши ўзини бошқа оламга тушиб қолгандай ҳис қилади. Бу ажойиботдан, бу гўзалликдан кўзини ололмай сармаст бўлиб қолади гўё. Латофати ўзига ярашиб турган «гид» аёл ўз тилида тўлқинланиб гапирди:

– Музейга 1764 йилда рус подшоси Екатерина II томонидан асос солинган. У берлинлик бир савдогардан 225 та картинкани сотиб олиб, бугун сиз кўриб турган мана шу даргоҳнинг тамал тошини қўйган. Аини пайтда музей 3 миллионга яқин санъат ва бошқа маданий мерос ёдгорликларига эга. Ундаги ҳар бир коллекция давлат томонидан муҳофаза қилинади.

– Кечирасиз, Ларисахон! Ўн тўққизинчи асрнинг иккинчи ярми, йигирманчи асрнинг бошида Самарқанд ва Бухородан келтирилган бойликлар қаерда сақланади? – Аваз сал талаффуз билан бўлса-да русчада бехато гапирди.

Лариса мийиғида кулиб қўйиб, тушунтиришда давом этди:

– Албатта, музей коллекциялари турли даврларда турли шахслар томонидан олиб келинган. Музейда Ўрта Осиё халқларининг Россияга қўшилиши туфайли келтирилган экспонатлар ҳам талайгина...

– Қўшилиши эмиш, босиб олинини десанг тўғри бўлармиди! – тўнғилади Аваз ўзбекчалаб.

Фахриддин «керак эмас!» дегандай шеригига қараб қўйди. Сўнг орадаги ноқулайликни барта-раф этиш учун:

– Лариса Григорьевна, Ўрта Осиёнинг қадимий халқлари маданияти ва санъатига доир экспонатларни ҳам кўрсак бўладими? – деди.

– Албатта! Улар музейнинг Ўрта Осиё маданияти ва санъати доимий экспозициясида сақланмоқда. Ҳозир айнан ўша ёққа кетаяпмиз!

Қишки саройнинг биринчи қаватига етганда Лариса меҳмонларни катта залга чорлади ва таништиришга тушди:

– Экспозиция 11 та залга жой бўлган. Экспонатларни шартли равишда иккига бўлиш мумкин: исломгача ва исломдан сўнгги даврдаги маданий ёдгорликлар...

Фахриддин ҳар бир экспонатни диққат билан кўздан кечирар экан, кўз олдида мозий гавдалангандай бўлди. Гўё самодан туриб, она юртининг ўтмишини кузатиб тургандай эди. Хаёлида экспонатлар тилга кираётгандай, кечмишини сўзлаётгандай, мингминг йиллар танасида сақлаган сирларини ошкор этаётгандай... қора кўзли бу инсонларни таниётгандай, нажот сўраётгандай туришарди...

– Экспонатлар икки йўл билан – шахсий коллекцияларнинг топширилиши ва археологик қазилар орқали узоқ йиллар тўпланган, – «гид» оладиган пулини ҳалоллаш учун тер тўкарди.

Аваз Фахриддинга маъноли қараб, ўз тилида «Босқинчилик йўли билан тўпланган экспонатларни айтишмайди-я!» дея лўқма ташлади. Гуруҳ раҳбари «қўяверинг!» дегандай мийиғида кулиб қўйди.

– Лариса Григорьевна, кечирасиз, музейда Амир Темур кутубхонаси фондига кирган қўлёзмалар ҳам борми? – Фахриддин Каримович рус тилида чиройли ва бехато гапирди.

– Албатта бор! Улар турли даврларда турли хил йўллар билан музейга олиб келинган. Яқинда, – Лариса ён атрофига аланглаб, шивирлади, – яна бир

қанча қўлёзмаларни қўлга киритдик! Бебаҳо бойликка, ҳа-ҳа, бебаҳо дурдонага эга бўлдик!... Нима, сиз қадимий қўлёзмаларга қизиқасизми?

– Ҳа, мен ҳам коллекционерман! Ўша қўлёзмалар музейга қандай келиб тушганлигини айтолмайсизми? – терговчи касбига хос эҳтиёткорлик билан савол беришда давом этди.

– Йўқ, йўқ! Хабарим йўқ! Бу бизнинг ишимиз эмас, – Лариса сергакланди.

– Сиз Амир Темур ёки Мирзо Улуғбек кутубхонаси ҳақида биласизми?

– Университетда ўқиб юрган кезларимда мен қадимда йўқолиб кетган кутубхоналар тарихидан диплом иши ёзгандим. Ўшанда Амир Темур кутубхонасига қизиқиб қолганман. Яқинда музейга шу кутубхона фондига кирувчи китоблар топширилганда «кутубхона топилдимикин?» деган ўйга бордим. Ростдан ҳам шунақами? – деди Лариса мовий кўзлари жавдираб.

– Ҳозирча йўқ! Лекин... Сиз у қўлёзмаларнинг Амир Темур кутубхонасига тааллуқли эканлигини қандай билдингиз?

– Ахир уларга Темирийлар тамғаси босилган-ку! – Лариса «коллекционер бўла туриб шуни билмайсанми?» дегандай маъноли қараш қилди.

– Сиз қўлёзмаларни ўз кўзингиз билан кўрдингизми?

– Нима, сиз мени тергов қилаяпсизми? – қизнинг қошлари чимирилди.

– Минг бор узр! Қўлёзмаларга азбаройи қизиққанман... Сизни хафа қилмоқчи эмасдим, – Фахриддин қўлини кўксига қўйди.

Шу билан гап узилиб қолди. Лариса меҳмонларни кейинги залга бошлади. У ҳар бир экспонат олдида тўхтаб, мароқ билан гапирар, ўз бурчини садоқат билан бажаришга ҳаракат қиларди. Фахриддин

гарчанд ўзини «гид»нинг гапларини эшитаётгандек тутаётган бўлса-да, аслида унинг хаёлини тамоман бошқа нарсалар банд этганди: наҳотки қўлёзмаларни Ҳикмат олиб келиб музейга топширган бўлса! Нима учун ўзимизнинг давлат музейимизга эмас, бошқа давлатнинг музейига! Кўп пул тўлашадими бу ерда? Балки ўзимизга топширса сири ошкор бўлишидан чўчигандир! Балки бошқа бирор сири бордир... Лекин давлат музейи қўлёзмалар учун унақа катта пул тўлай олмайди-ку! Коллекционерлар, шу соҳага қизиқувчилар кўпроқ ҳақ тўлаши аён-ку! Нега уларга топширмаган? Бу ишларга Сашанинг, Тамаранинг алоқаси борми? Ахир Тамара шу ерда ишлайди-ку! Балки у Ҳикматни қўлёзмаларни шу ерга топширишга кўндиргандир. Раҳбарлари билан гаплашиб, каттагина пул ундириб бергандир... Бу ноёб қадимий қўлёзмалар ҳеч бир одамни бефарқ қолдирмаслиги тайин...

– Яхши йигит, сиз мени эшитмаяпсиз шекилли!  
– Ларисанинг назокатли овози терговчининг хаёлини бузди. – Бўлмаса тугата қолайлик!

– Йўқ, йўқ! Мен яхши! Давом этамиз!

Мижозларининг вақти тифиз эканлигини англаган Лариса кейинги заллардаги осори-атиқалар билан сал юзакироқ таништиришга ҳаракат қилди. Фахриддин ҳам бунга эътироз билдирмади. Аваз толиққанидан йўлак четидаги ўриндиқлардан бирига ўтириб олди.

– Лариса Григорьевна қизиқувчанлигим учун мени афу этгайсиз, – Фахриддин кетишга тайёрланиб турган қизни четга тортди. – Сиз чиндан ҳам ўша китобларни ўз кўзингиз билан кўрдингизми?

– Эй Худо! Яна ўша китобларми? – қиз бу барно йигитдан бошқачароқ сўзни эшитишни хоҳлаган шекилли, қовоғи уйилди.

– Эҳ Л-а-р-и-с-а, Лариса, гўзал Лариса! Ўтинаман, менга ёрдам беринг! Бу мен учун жуда муҳим!  
– Фахриддин аёлни кўнглини юмшатиш учун ялинишга тушди.

– Айтишларича, бир олим киши қўлёзмаларни музейга қолдиришни васият қилган эмиш! Бўлди, бошқа нарса билмайман! Керак бўлса ана раҳбариятга кириб, айтиб беришади, – Лариса «бўлдимми, қутулдимми?» дегандай йигитга тикилиб, сўнг оҳиста одимлай бошлади. – Кўришгунча!

– Кўришгунча! – Фахриддин тилига тузукроқ сўз келмаганидан хижолат бўлиб, бир муддат жойида қотиб қолди.

Демак, васият қилган! Бу яна ким бўлди? Кекса олим бўлса, балки қўлёзмалар унга уруш йилларида келиб қолгандир. Унда Амир Темури кутубхонаси сири кимларгадир олдинроқ маълум бўлганми? У ҳолда нима сабабдан шу пайтгача бу ҳақда ҳеч ким, ҳеч нарса билмайди... Ҳар нарса бўлиши мумкин. Ёки бу Ҳикматбойнинг ишимикин?

– Фахриддин ака, кетдик! Қоринлар ҳам ноғора чалиб юборди-ку! – Авазнинг овози эшитилди.

Музейдан чиқишди. Азимжон кутиб турган экан. У ҳамюртларини шинамгина қаҳвахонага олиб бориб, меҳмон қилди. Кечга яқин мезбон эртага учрашиш шарти билан меҳмонларни шаҳар прокуратураси олдида қолдириб кетди...

\* \* \*

Тинтув соат 19 да бошланди. Тамара Булатовна терговчилар ўзбекистонлик эканлиги, жиноят иши Ўзбекистон Республикаси прокуратураси томонидан қўзғатилганлигини эшитиб, аввалига ҳарҳаша қилди, тергов ҳаракатларини олиб боришга ҳалақит қилмоқчи бўлди. Аммо Вадим ўз хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, қонун талабини тушун-

тиргач, бир оз тинчланди. Эрига қўнғироқ қилди. Сал ўтмай башанг кийинган, бўйнига аёлларга ўхшаб тилла занжир осиб олган Александр Петрович кириб келди. У нима гаплигини англаган бўлса-да, терговчилар тақдим этган ҳужжатлар билан хотиржам танишиб чиқди. Сўнг жавондаги китобларни кўздан кечираётган Фахриддиннинг олдига келди:

– Жаноб терговчи, марҳамат қилиб айтинг-чи, нима, сизларнинг қонунларингиз бўйича дўстига ёрдам бериш жиноят ҳисобланадими?

Фахриддин Каримович бир Вадимга, бир тинтувда холис сифатида иштирок этаётган икки қўшни хотинга қараб, кулиб қўйди. Бу қалтис саволга муносиб жавоб бериш учун бир муддат фикрини жамлаб олди:

– Нега унақа дейсиз? Бировларга, айниқса, дўстларга беғараз ёрдам бериш ҳеч бир қонунда жиноят саналмайди. Аксинча, бизнинг одоб-ахлоқ қоидаларимиз ўзгаларга ёрдам беришни энг олижаноб инсоний қадрият сифатида баҳолайди.

– Ундай бўлса, нега бизни безовта қилаяпсизлар, уйимизни тинтиб, тинчимизни бузаяпсизлар. Нима, биз жиноят қилдикми? Ахир олдин юборган терговчингизга мен бор ҳақиқатни айтиб бергандим-ку! Яна нима хоҳлайсизлар биздан! – Саша ранги докадек оқариб кетган, ўзини қўярга жой тополмай тинмай «оҳ-воҳ» чекаётган хотинини бағрига босди. – Бўлди жоним, бўлди! Ҳаммаси жойида!

– Александр Петрович, Тамара Булатовна сизлар ахир олий маълумотли, тушунган одамсизлар-ку! – Фахриддин қилаётган ишидан тўхтаб, хонадон соҳибларига юзланди. – Бизни тўғри тушунинглар, ўз хизмат бурчимизни бажараяпмиз! Тергов зарурияти бизни шунча йўлдан келиб, сизларни, қолаверса, питрлик ҳамкасбларимизни безовта қилишга мажбур қилди. Биз тергов қилаётган жиноятга

тааллуқди ҳеч нарса топилмаса, янада яхши, узр сўраб қайтиб кетамиз.

– Ўзи нима қидираяпсизлар? – эрининг пинжида бир оз ўзини босиб олган Тамара қизиқсинди.

– Қадимий китоблар, қўлёзмалар... тилла тангалар, – Фахриддин Тамаранинг юз-кўзидаги ўзгаришни кўриш учун унга зимдан разм солди.

– Унақа нарсалар бизда нима қилади! – уй соҳибаси ўрнидан турди ва стол устидан сигарета олиб, тутатди. Сўнг эрига қараб: «Бу ҳаммаси ўша йигит туфайлими?» деди.

Саша «билмадим» дегандай елкасини қисди.

Терговчи эр-хотиннинг ўзларини тутишидан берган маълумоти уларни унчалик ҳаяжонга солмаганлигини англади. «Демак, улар тинтувнинг мақсадини, бизнинг нима излаётганимизни яхши билишади. Ҳар ҳолда бу гал тўғри йўлдан кетаётганга ўхшаймиз!» хаёлдан ўтказди у.

– Нима Ҳикмат бирор музейни тунаганми? – деди хонадон соҳиби терговчига ўқрайиб.

– Биз сизга ҳали ўша қўлёзмалар Ҳикматга тааллуқлилиги тўғрисида сўз очмадик шекилли. Нега ундай деяпсиз? – деди Фахриддин таажжуби ортиб.

– Тўғри, сўз очмадингиз, лекин қачондан бери мени Ҳикмат масаласида безовта қилаяпсизлар-ку! Бошқа бизни ўзбекистон билан боғлаб турган нарса йўқ!

– Тўғри мушоҳада қилаяпсиз! Бизда Ҳикматнинг Питерга қўлёзмалар олиб келганлигини тасдиқловчи далиллар бор. Агар сизларнинг унинг энг яқин одами эканликларингизни ҳисобга олсак, бизнинг гумонимиз бекорга эмаслигини англаш қийин эмас. Бундан ташқари Сизнинг унга қилган саховатингиз... бизнинг ўрнимизда бўлганда сиз ҳам шундай йўл тутган бўлмасмидингиз? – Терговчи атайлаб дераза ёнида сигарет тутаётган

уй соҳибаси эшитсин деб овозини бир оз кўтариб гапирди. – Булардан ташқари Тамара Булатовнанинг Эрмитаж музейида ишлаши, шарқшунос, аниқроқ айтадиган бўлса, араб тили бўйича малакали мутахассис эканлиги ҳам бизни шундай қарорга келишга мажбур этди.

– Ўхў, мен ҳақимда ўзимдан ҳам кўра кўпроқ нарсаларни биладиганга ўхшайсизлар-ку! – Тамара сигаретини кулдонга бостириб, Фахриддин Каримовичга ўдағайланди. – Бу билан нима демоқчисиз? Бизни жинойтчига чиқармоқчимисиз? Эшитганман, сизларда бўлар-бўлмас нарсага одамларни қамаб юборармиш. Бу ерни йигитча, Россия дейдилар, ҳа-ҳа Р-о-с-с –и – я!!!

– Кечирасиз, хоним! – Фахриддин аёлга еб кўйгудек тикилди. – Биринчидан, сизларни ҳеч ким жинойтчи деган эмас. Иккинчидан, сизга нотўғри айтишибди. Сиз зиёли одамсиз. Қайсидир бир бетамизнинг гапига ишониб, бутун бошли миллатни ёмонотлиқ қилиш яхши эмас. Билмасангиз, билиб кўйинг, Ўзбекистон собиқ шўролар маконида биринчилардан бўлиб, жинойтчиликнинг, зўравонликнинг, миллатчиликнинг пойини қирқди. Қонун устуворлиги қарор топди. Уйда, кўчада, ишда бежавотир яшаш мумкин. Автомашинангизни очик қолдирсангиз ҳам биров ёнига йўламайди... Сиз ўзи Ўзбекистонда бўлганмисиз?

Тамара «йўқ» деган маънода бош чайқади.

– Унда сизга бошқа гапим йўқ! Фақат имкони бўлганда Ўзбекистонга бир бориб, у ерда рўй бераётган ўзгаришларни ўз кўзингиз билан кўришни маслаҳат бераман.

Орага жимлик чўкди. Уй эгалари эътироз билдириш фойда бермаслигини ҳис қилдилар чоғи, диванда ўтирганча терговчиларнинг ҳаракатини кузатиб турдилар.

– Ўртоқ бошлиқ, мана буни қаранг! – жавондаги китобларни бирма-бир кўздан кечираётган Аваз қалин муқовали китоб ичидан чиққан бир варақ қоғозни гуруҳ раҳбарига узатди.

Фахриддин шоша-пиша хатни қўлига олиб, рус тилида битилган матнни ўқий бошлади:

«Муҳтарама Тамара Булатовна! Йўллаган совғангиздан бошимиз осмонга етди. Сизга ўз номимдан, арман халқи номидан чуқур миннатдорчилик изҳор этишга ижозат бергайсиз! Бу бебаҳо дурдоналар кавказ халқлари учун тарихий ҳақиқатни тиклашда тилсим бўлади деган умиддан. Камоли эҳтиром ила профессор А.Р.Саркисян».

Терговчининг қўлида хатни кўриб, Тамара жон ҳолатда унга яқинлашди:

– Хатни беринг! Бунинг сизга алоқаси йўқ, шахсий мактуб...

– Ниманинг алоқаси бор, ниманики йўқ биз ҳал қиламиз! – деди Фахриддин қатъият билан. – Сиз марҳамат қилиб жойингизга ўтиринг!

Тамара бир оқариб, бир кўкариб, ноилож жойига чўкди. Аёлнинг бу ҳолати «хатда бир гап борга ўхшайди» дея ўйлаб турган терговчининг хавотирини баттар кучайтирди. Мактубга тикилганча ундаги сирли сатрларни хаёлан таҳлил қила бошлади: совғангиз – бебаҳо дурдона деяпти... арман халқи номидан раҳмат айтмоқчи! Кавказ халқлари учун тарихий ҳақиқатни очувчи тилсим! Бу нима бўлса! Наҳотки қўлёзмалар назарда тутилаяпти! Йўғ-э, балки бошқа нарсадир... Қўлёзмаларнинг арман халқига нима алоқаси бор? Балки бу арман халқининг тарихига оид китоблардир. Ахир Амир Темур бобомиз Кавказни ҳам босиб олган-ку! Ўшанда арман қўлёзмаларини Самарқандга олиб кетганмикин! Камолхон домла Соҳибқирон бобомиз қаерга борган бўлса, олтин олмаса-да, китоб олган демаганмиди?! Демак,

бу ўша бир пайтлар Арманистондан олиб кетилган қадимий битиклар! Ҳикмат уларни Тамарага етказган, у эса таниши Сарқисянга пуллаган... Домлага телефон қилиб, аниқлик киритиш керак!

Фаҳриддин Авазга «Сиз давом эттираверинг, мен беш дақиқа телефонда гаплашиб олай», дея ташқари-га чиқди. Қўл телефонида таниш рақамларни терди:

– Ассалому алайкум Камолхон ака! Яхшимисиз, уйдагилар соғ-саломатми?... Раҳмат, раҳмат! Беговта қилганим учун узр... Мен хизмат сафариде эдим... Сал узоқроқда... Бир-икки кунда қайтиб қоламиз... Борганда албатта учрашамиз, сизнинг маслаҳатингиз ишимизда жуда асқатмоқда! ... Албатта, албатта! Ака, минг бора узр, телефонда бўлса-да бир нарсани сўрамоқчи эдим... Амир Темур бобомизнинг сиз айтган ўша кутубхонасида арман манбалари ҳам бўлганми?... Шунақа денг... Тушунарли!... Йўқ, йўқ, ҳаммаси жойида, борганда ба-тафсил гаплашамиз, хайр... Саломат бўлинг!

Фаҳриддин тилла топган одамдай мамнун хо-нага қайтди. Бир бурчакда қандайдир газета ва-рақлаб ўтирган Вадим ўрнидан туриб, «нима гап, тинчликми?» деди.

– Ҳечқиси йўқ! Ҳаммаси яхши! Узр! Раҳбарият-га ахборот бериб қўйдим! – терговчи ҳамкасбини тинчлантирди.

Сўнг ўзини анча сипо ва хотиржам тутишга ҳаракат қилмасин, бари бир хавотирини яширол-май, ер шохлаб ўтирган Тамаранинг олдида борди:

– Тамара Булатовна, марҳамат қилиб, профес-сор Сарқисяннинг сизга ёзган мактубининг маъ-носини бизга тушунтириб бера оласизми?

Тамара индамади. Саша, хотининг тил ютган-дай туриши яхшиликка олиб келмаслигини англаб, унга танбеҳ берган бўлди:

– Тамара, сендан гап сўраяпти, гапир ахир! Сарқисян сен юборган қадимий сопол идишлар

учун миннатдорчилик изҳор қилганлигини айтиб бермайсанми?

«Демак, бу ишда Сашанинг ҳам қўли бор! У хотинига танбеҳ бериш асносида унинг биз бераётган саволларга нима деб жавоб қайтаришини ҳам шипшитмоқда!» хаёлдан ўтказди Фахриддин ва фикрини тасдиқлаш учун саволни такрорлади.

– Альберт Робертович менинг курсдошим, – Тамара ердан нигоҳини узмай гап бошлади. – Мен унга шогирдларим Ереван атрофида ўтказилган археологик тадқиқотлар пайтида топилган беш-олти чоғли ўн иккинчи-ўн учинчи асрга оид сопол идишларни совға қилгандим. Шунга миннатдорчилик билдириб, мактуб ёзган. Унинг сизларга кераги йўқ! Текшириб кўришларингиз мумкин...

Тамара шундай ишончли гапирдики, бошқалар қатори Фахриддиннинг ҳам ишонгиси келиб кетди. Ҳатто «хатни эгасига қайтариб берсамикин?» деган ўйга борди. Лекин воқеалар занжиридаги бундай кетма-кетлик, ҳодисалар ривожигаги мантиқий боғлиқлик уни фикридан қайтишга мажбур қилди. Ҳар қанча оғир бўлмасин хаёлидан ўтганларини текшириб кўришга аҳд қилди.

Икки соатдан кўпроқ давом этган тинтувда бошқа диққатга сазовор ашё топилмади. Терговчилар ҳолислар иштирокида барча расмийликларни ўринлатиб, Саркисяннинг хатини далилий ашё сифатида олишди.

Зинопоядан туша туриб, Аваз хавотирда орқасига қараб қўйди:

– Фахриддин ака, энди булар Саркисянни телефонда огоҳлантириши тайин! Келишиб олишса, қийин бўлади-да!

– Мен ҳам шуни ўйлаб тургандим. Албатта огоҳлантиради. Лекин на илож, афсуски, бунинг олдини олиш имконига эга эмасмиз! – деди гуруҳ раҳбари надомат билан.

– Балки телефон сўзлашувларини...

– Буни ўйлаб қўйганман! Аммо қўнғироқни ўз телефонида қилармикин бу шайтон!

– Мана ҳозир кечки тўққиздан ўттиз беш дақиқа ўтибди. Саркисяннинг телефонига шу вақтдан кейин Москвадан қилинган қўнғироқларни текшириб кўрса бўлади, – билафонлик қилди Аваз.

Фахриддин индамади. Унинг бошида турфа хил хаёлларни пишириб кетаётгани аниқ эди. Машина олдига яқинлашганларида Вадимга юзланди:

– Эрталабга уй эгаларининг телефон сўзлашувлари таҳлилини олсак бўладими?

– Но проблем! Эрталаб телефон тармоқларига сўровнома берсак бас! Фақат телефонлари ўз номида бўлса... Акс ҳолда қийин бўлади!

Вадим ҳамкасбларини меҳмонхонада қолдириб, уйига шошилди.

Кейинги кунни терговчилар шаҳар прокуратурасида Александр ва Тамарани иш юзасидан гувоҳ сифатида сўроқ қилишдан бошладилар. Бахтга қарши гувоҳларнинг кўрсатмаларидан жиноят ишига ойдинлик киритиши мумкин бўлган бирор ҳолат аниқданмади. Ҳар иккаласи Ҳикмат билан бахтсиз ҳодиса туфайли танишиб қолишганликларини, бу йигит Сашани ўлимдан сақлаб қолганлигини, шу сабабли унга ҳурматлари баландлигини, бошига иш тушганда улар ҳам баҳоли қудрат ёрдам берганликларини, Ҳикмат уларга ҳеч қанақа қўлёзма олиб келмаганлигини, қадимий китоблардан мутлақо беҳабар эканликларини айтиб тураверди.

Пешиндан сўнг Фахриддин питерлик ҳамкасблари ҳамроҳлигида яна Эрмитажга борди. Музей раҳбариятининг рухсати билан Амир Темур кутубхонасига тегишли қўлёзмаларнинг музейга топширилиши билан боғлиқ ҳужжатларни қараб чиқди. Тушунмаса-да ўша китобларни ҳам кўздан

кечирди. Музей ходимининг тушунтиришича, қадимги араб тилида ёзилган бу ривоятлар ўн учинчи асрда дамашқлик алломалар томонидан жамланган. Дурдоналар тарихчи олим, академик Б.С.Савицкий томонидан музейга туҳфа қилинган экан. У ўзининг ўлими олдидан қилган васиятномасида шахсий кутубхонасидаги уч мингдан ортиқ китобларни Эрмитаж музейига мерос қилиб қолдиришни васият қилган.

Кечга яқин Фахриддин Вадим билан бирга академик Савицкийнинг хонадонига борди. Эшик қулф эди. Қўшнилардан суриштириб, академикнинг қизи Светлана Борисовнани топишди. Аёл чақирилмаган меҳмонларни кўполик билан қарши олди. Уларнинг прокуратурадан эканлигини эшитиб, баттар хуноби чиқди:

– Сизларга нима керак?! – деди у беписандлик билан.

– Муҳтарам Борис Саломоновичнинг кутубхонаси хусусида бир-икки оғиз саволимиз бор эди! – деди Фахриддин вазиятни юмшатиш учун такаллуф билан.

– Кутубхонани у музейга васият қилган. Ҳамма китоблар Эрмитажда, – Светлана сал юмшагандай бўлди.

– Хабаримиз бор. Аммо бир нарсани... мана сиз ҳам илмий даргоҳда ишларкансиз, отангизнинг китобларни сизга қолдирмасдан музейга туҳфа қилганлигини қандай изоҳлайсиз?

– Жуда оддий! Бунга ичкилик сабаб! Мен отам хоҳлагандай илмий ишимни давом эттира олмадим. Катта илмий ходим бўлиб қолавердим. Бунинг устига кейинги йилларда отамнинг ҳолидан хабар ололмадим. Араққа пул зарур бўлганда бир неча китобларини арзон-гаровга сотиб юбордим... Ишончларини йўқотдим... Бир ҳисобга тўғри қил-

дилар. Раҳматли ўша китобларини ҳамма нарсадан яхши кўрарди. Уларни еру кўкка ишонмасди. Менга қолдирса, тез орадан китоблар йўқ бўлиб кетишини сезиб, нотариусни чақиртирди. Мени олдимда бутун кутубхонасини Эрмитажга мерос қолдиришини васият қилдилар...

– Сиз отангизнинг кутубхонасидаги китоблар билан танишмидингиз? – Фахриддин «ноўрин савол бермадимми?» дегандай Вадимга қаради.

– Ёшлигимда, илмий иш билан шуғулланиб юрган кезларимда кутубхонадаги китобларнинг кўпини ўқиб чиққанман. Кейинчалик арақ қурғурга берилиб, уларга эътибор қилмай қўйдим...

– Илмий ишингиз нима ҳақда эди? – терговчи «арқонни узоқдан ташлади».

– Олтин Ўрта хонлигининг маданияти ва санъатига бағишланганди. Бундан энди нима наф? Ҳаммаси қолиб кетди...

– Қизиқарли мавзу экан, – Фахриддин зўр бериб аёлнинг кўнглига йўл топишга ҳаракат қиларди.

– Бу тўғрисида гаплашишни хоҳламайман!

– Светлана Борисовна, отангиз музейга ҳадя қилган китоблар орасида Амир Темур кутубхонасига тегишли қадимий қўлёзмалар ҳам борлигидан хабарингиз борми? – терговчи мақсадга кўчди.

– Э ҳа, ўша китобларми? Хабарим бор! Отам мен мактабда ўқиб юрган кезларимда у ҳақда гапириб берганди. Қирқинчи йилларнинг охирида у Ўрта Осиёда – Ўзбекистонда яшаб, археологик қазишмалар олиб борган. Қайсидир қишлоққа борганларида бир кампир писта сотиб ўтирган экан. Улар ҳам писта олишибди. Писта ўралган қоғозда арабча битикларни кўриб отам қангу манг бўлиб қолган. Кампир қоғоз тополмаганидан пистани солишга қадимий китобдан фойдаланаётган экан. Шу тарихи отам кампирнинг уйидан яна бир қанча китобларни

арзон-гаровга сотиб олибди... Уларни жуда эҳтиёт қилардилар... Нима сизлар ўша китобларни деб...

– Света, ўша китоблар бизни қизиқтираётган қўлёзмалар эканлигига аминмисиз? – Фахриддин сал побопроқ савол бериб қўйганини англаб, қўшимча қилди. – ОтангизниЗнг кутубхонасида китоблар кўп бўлгани боис, сиз бошқа китобларни назарда тутмаяпсизмикин демоқчиман...

– Ўзингиз айтдингиз-ку, Темирланнинг йўқолган кутубхонаси фондига тегишли деб, – мезбоннинг хуноби чиқди. – Ўзи сизларга нима керак?

– Демак, отангизда Амир Темур... – Фахриддин атайлаб лўнда-лўнда қилиб гапирди, – кутубхонасига тааллуқли фақат шу 10 дона китоб бўлган шундайми?

– Сизларни нима қизиқтиради билмайман-у, ammo отам ҳар бир китобни рўйхатга олиб, унинг олинган жойи, вақтини ҳам қайд этиб борарди. – Света ўрнидан туриб, тўғридаги хона томонга юрди. – Мен ҳозир...

Сал ўтмай қўлида тўрт-бешта қалин муқовали дафтарларни кўтариб келди:

– Мана, ўзларингиз кўришларингиз мумкин. Бу ерда барча китоблар рўйхатга олинган.

Света дафтарларни стол устига қўйиб, улар ичидан бирини очиб, диққат билан кўздан кечира бошлади:

– Шу ерда бўлиши керак! 45... 46... йил... 47, 48, 49 – йил... ҳа мана, 1025 – 1034 рақамларда қайд этилган... Ўша қўлёзмалар 1949 йил 20 августда К-и-т-о-б – Кеш шаҳрида Ри-со-лат Ч-о-р-и қизидан олинган экан, марҳамат! – аёл дафтарни терговчига узатди.

Фахриддин дафтарга кўз югуртириб, бир неча кундан буён уни қийнаётган саволларга жавоб топгандай бўлди. Ён дафтарини чиқариб, нималарни-шар қайд этди ва дафтарни эгасига қайтарди:

– Отангиз жуда олижаноб, тартибли ва қобилиятли инсон, улуғ олим бўлган эканлар! Сизга минг раҳмат! Энди бизга ижозат берасиз...

Ўринларидан туришди. Света шунча йўлни босиб келган терговчиларнинг ташрифи сабабини тушунолмайдиган турган бўлса-да, ортиқча саволлар бериб ўтирмади. Таассуфини сездирмасликка ҳаракат қилди. Остонада улар билан совуққина хайрлашди.

Пешиндан кейин алоқа тармоқларидан маълумотномалар олинди. Уларда терговчилар ташрифидан сўнг Саша ва Тамара ўзларига тегишли қўл телефонлардан ёки уй телефонидан Арманистонга қўнғироқ қилмаганлиги маълум бўлди.

«Наҳотки Тамара рост гапирган. Наҳотки у Саркисян домлага археологик қазилмаларда топилган осори-ақиқаларни топширган. Акс ҳолда у домлани телефонда огоҳлантирган бўларди. Эр-хотин анчагина сергак одамлар. Биз уларнинг кўрсатмаларини текшириб кўриш учун Арманистонга бориб, Саркисян билан учрашишимизни яхши билишади. Унда нега огоҳлантиришмади? Балки бошқа бизга номаълум бўлган телефондан сим қоққандир. Буни қандай аниқласа бўлади... Фақат у ёққа борганда домлага тегишли бўлган телефонлардаги сўзлашувларни таҳлил қилиб, Питердан қўнғироқ бўлган ёки бўлмаганлигини билиб олиш мумкин...» – Фаҳриддин хаёлига келган фикрдан энгил тортгандай бўлди.

Вадим билан хайрлашиб, меҳмонхонага қайтди. Бир оз дам олиш ниятида жойига чўзилди. Бўлмади. Ўрнидан туриб, қўлига қоғоз ва қалам олди. Питерда қилинган ишларни сарҳисоб қилди. Қилинажак ишлар режасини тузди. Сўнг Тошкентга – Тоҳир Ғофуровичга қўнғироқ қилиб, вазиятни тушунтирди.

– Энди нима қилмоқчисиз? – деди суҳбат адоғида раҳбар босиқлик билан.

– Рухсат берсангиз Арманистонга бориб, Саркисин билан учрашсам? – Фахриддиннинг овозида аввалги қатъият сезилмади.

– Бундан бирор нарса чиқишига ўзингиз ишонасизми?

– Тоҳир ака, бу тахмин ҳам ўзини оқламаслиги мумкин! Аммо бошқа иложимиз йўқ. Эҳтимоллик даражаси бир фоизлик бўлса-да, ҳар бир важни текшириб кўришга мажбурмиз! Ҳеч бир ҳолатни очиқ қолдириб бўлмайди...

– Яхши, яхши! Мен йигитларга ҳозир топшириқ бераман. Тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб, Арманистон прокуратурасига юборишади. Қачон йўлга чиқмоқчисиз?

– Эртага эрталаб Ереванда бўламан!

– Бўлади, унгача ҳужжатлар ҳам етиб боради. Фақат... Фахриддинжон ўзингизни эҳтиёт қилинг! Ҳар ҳолда у ерларни Кавказ дейишади... Сиз ҳали Ватанга кераксиз!

– Тоҳир ака, раҳмат! – Фахриддин кўнгли бўшашиб гўшакни қўйди...

Азимжон келишилган пайтда меҳмонхонага етиб келди. Машинасини пастда қолдириб ўзи тепага кўтарилди. Фахриддин билан Аваз аллақачон нонушта қилишиб, жомадонларини йиғиштиришиб, кутиб туришарди. Таниш эшикни оҳиста тақиллатиб, жавобини кутиб ўтирмасдан хонага мўралади:

– Эрталабки салом! Яхши дам олдингизларми?

– Раҳмат Азимжон! Ўзингиз яхшимисиз? Сизни ҳам роса безовта қиладиган бўлдик-да! – Фахриддин ҳамюртини бағрига босди.

– Ўзбекистонга борсангиз Худо хоҳласа бизам хизматингизда бўлайлик! – Аваз ҳам меҳмон билан ёнги қадрдонлардай кучоқлашиб кўришди.

Бир зумда жомадонларни машинага ортишиб, аэропорт томонга йўлга тушишди.

– Ишқилиб ишларингиз битдими? – деди Азимжон йўлдан кўзини узмай.

– Битди деса ҳам бўлади! – жавоб қайтарди Аваз.

– Демак, унча яхши бўлмапти! – Азимжон мантиқан хулоса қилди. – Ўзи нимани текшириб юрибсизлар?

– Э, шу нимани текшириб юрганимизни ўзимиз ҳам билмай қолдик, Азимжон ака! – Аваз гапни ҳазилга бурди. – Китоб, Самарқанд, Питер, энди эса Ереван... билмадим яна қаерларга тумшуқ тикамиз! Ўзи ўша қадимий китоблар ҳақиқатда бўлганми ёки йўқми буни ҳам билмаймиз!

Фахриддин шеригига ўқрайиб қараб қўйди.

– «Қадимий китоблар» денг. Кимга керак экан улар! Янги китобларни ўқишга вақт тополмаймиз-у. Хотя... – Азимжон бир нарсани эслагандай жимиб қолди.

– Бирор нарса ёдингизга тушдими? – анчадан буён жимгина кетаётган терговчи сергакланди.

– Китоб деганларингга, бир ҳангома ёдимга тушиб кетди.

– Эшитайлик-чи! – Аваз шеригига қараб қўйди. – Бизнинг устозимиз доимо одамларни эшит, улар ҳамма нарсани билади дерди. Қани гапиринг!

– Ён қўшнимиз Муродилла ака уч боласи, хотинини олиб, Тошкентга бориб келганди. Кўпчилик бўлгани учун самолёт қимматлик қилган. Поездга чипта олибди. Қайтишда купеда уларга Самарқандлик бир йигит ҳамроҳ бўлибди. Кўринишидан, башанг кийинишидан эр-хотин уни институтда домла бўлса керак деб ўйлашибди. Беш-олти коробка зил-замбил юки ҳам бор эмиш. Ажаблаларлиси купедан бир қадам жилмай коробкадаги матоҳларини қўриблаб ўтирармиш. Муродилла ҳазиллашиб, «Ака нима бало тилла-пилла олиб кетаяпсизми?» деса, «ҳарна йўл пули чиқсин деб

магиз опкетаяпман» дермиш. Қўшним ичида «магиз ўлгурни ҳам еру кўкка ишонмайдиган одамлар бор экан-да» деб ўйласа-да, ортиқча савол бериб ўтирмапти. Болалари ҳам одам бўлиб қолишган, роса шўх-да! Ҳалиги одам ҳожатга чиққанда кучида ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, болалардан бири эшикда пойлаб турибди. Иккинчиси татиб кўриш учун магиз олмоқчи бўлиб, коробкалардан бирини очибди. Қараса, қутида ҳеч қанақа магиз йўқ, қандайдир қорайиб кетган эски-туски китоблар билан тўлаймиш...

- Китоблар! Хўш-хўш, кейин нима бўлибди? – боядан бери «бу ҳикоянинг бизга нима тааллуқли жойи бор экан!» деб ўйлаб кетаётган Фахриддиннинг вужуди қулоққа айланди.

- Бола қутини қандай очган бўлса, шундай билдирмасдан ёпиб қўйибди. Вақтини топиб, отасига воқеани айтиб беришибди. Муродилла бунга унчалик эътибор қилмапти. «Қадимий китобларни яхши кўраркан-да» деб ўйлабди. Ҳангоманинг қизиғи кейин бошланибди... Поезд Қозоғистон ҳудудидан ўтаётганда бир тўда ҳарбий кийимдаги кишилар чиқиб, йўловчиларга тегишли ҳамма юкларни текшира бошлабди. Бояги йигитнинг ранги оқариб кетибди. Чегарачилар тап тортмай коробкаларни очиб ташлашибди. Бир талай қадимий китобларни кўриб, текширувчиларнинг кўзи чиқиб кетаёзбди. Улар «Қаердан олдинг буларни?», «Нима бало террористмисан?» дея йигитга ёпишиб кетишибди. Китобларни мусодара қилмоқчи бўлишибди. Йигит бечора «китобларни музейга топширишга олиб кетаяпман» дея роса ялинибди. Шунда чегарачиларнинг каттаси сал шаштидан тушиб, ходимларига «бўпти тушунган одамга ўхшайди» дея чиқиб кетибди. Йигит амаллаб текширувчиларни мурасага кўндирибди. Чўнтагида пули бўлмаган-

ми ёки камроқ бўлганми, ишқилиб, Муродилладан «Питерга борганда бераман» деб кўкида уч минг қарз олибди... Йигит сўзининг устидан чиқибди. Етиб келишгач, вокзалнинг ўзида қарзини қайтарибди. Қўшним йигитнинг шу арзимас эски китоблар учун шунча пора берганига ҳайрон қолибди. «Эски китоблар ҳам роса пул тураркан-да!» деб менга бўлган воқеани сўзлаб берганди... Китоб деганларингизга ёдимга тушиб кетди... Балки...

– Ўша йигитнинг исми нима экан? – қизиқсинди терговчи.

– Билмадим! Сўрамапман!

– Қўшнингиз ҳозир қаерда?

– Ишда бўлса керак!

– Бирор жойга кетмаганми, Питердами демоқчиман...

– Кеча эрталаб кўрган эдим. Нимаиди!

– Авазжон, – Фахриддин орқа ўриндиқда кетаётган шеригига юзланди. – Қолишингизга тўғри келаяпти. Мен бир ўзим учаман. Бугуноқ Муродиллани топасиз. Азимжон сизга ёрдам қилади.

– Тушунарли! – Аваз бош ирғади. – Хаёлимда ўша йигит бизнинг «қаҳрамон» бўлиб чиқадигандай...

– Бўлиши мумкин! Лекин Ҳикмат анойи эмас, Муродиллага ҳақиқий исмини айтмаган бўлиши мумкин...

– Э, уни ҳар қандай одам эслаб қолади. Бошида тамғаси бор-ку, у калнинг! – Аваз тиржайди.

– Мен Вадимга қўнғироқ қиламан, бирор ёрдам керак бўлса учрашасиз! Самолёт чиптасини алмаштирасиз... Нима қилишни ўзингиз яхши биласиз! Этикдўзга бошқаларнинг маслаҳати жоиз эмас! Агар тахминимиз тўғри чиқса, – Фахриддин Азимжонга юзланди. – Бизга катта ёрдам қилган бўлардингиз, раҳмат сизга!

– Арзимаиди! – «таксист» мамнун жилмайди.

Санжарбек Фахриддин Каримовичдан олган топшириқ бўйича Шаҳрисабз томонга отланди. Бу юмушни гуруҳ аъзоларидан бирига юкласа ҳам бўларди. Лекин шахсан ўзи боришни маъқул кўрди. Бари бир шу кунларда нима қиларини билмай «чивин кўриб» ўтирибди. Жиноят иши юзасидан деярли барча тахминлар кўриб чиқилди. Бошқа чўмичга илинадиган тахминнинг ўзи йўқ. Бир умиди Санкт-Петербургодан эди. Аммо гуруҳ раҳбарининг гапидан у ёқда ҳам диққатга сазовор янгилик йўққа ўхшайди. Боз устига шунча одам қамоқда ўтирибди. Вақт эса ўтиб бормоқда! Чўпоннинг ўлими ҳамон номаълумлигича қолмоқда! Қотил бу ёқда қолиб, бошқа нарсаларга ўралашиб қолишмаяптими? Қандайдир қадимий қўлёмалар, кутубхоналар, дуру гавҳарлар... Буларнинг қотилликка қанчалик алоқаси бор! Бу ҳам етмагандай Санкт-Петербург, бу томони Арманистон... Энди эса қандайдир пистачи Рисолат кампир... Яна элигинчи йилларнинг воқеалари. Момонинг дорулбақога рихлат қилгани аниқ. Болалари бордир. Лекин улар бирор нарсага ойдинлик кирита олармикин? Устознинг фикрича, немислар урушига қадар ёки урушдан кейин кимдир Амир Темурнинг йўқолган кутубхонаси сиридан воқиф бўлган. Шу сабабдан кутубхонага тегишли айрим ашёлар, жумладан, қадимий қўлёмалар, тиллалар одамларнинг қўлига тушган. Рисолат кампирнинг аждоглари ҳам ана шундай кам сонли одамлар сарасига кириши мумкин. Ўттизинчи-қирқинчи йиллардаги қатағонлар халқ орасидан ўқимишли одамларнинг қирилиб кетишига сабаб бўлган. Уларнинг бир қисми жисмоний йўқ қилинган. Қолган қисми сургунларда ўлиб кетган. Китоб қадрига етадиган зиёлиларнинг йўқ қилиниши нодир қўлёмаларнинг пистачилар қўлига тушишига омил бўлган. Қатағон қурбонлари Амир

Темур кутубхонасининг сирини ҳам ўзлари билан ер қаърига олиб кетган...

Санжарбекнинг хаёллари чигаллашиб кетди. Ўзини чалғитиш учун довондан ошиб, шитоб билан пастга одимлаётган машина ойнасидан атрофга аланглади. Нақадар ажиб манзара... Яратганнинг ўзидан буюк мусаввир бўлмаса керак. Ҳамма нарсани мукаммал қилиб яратиб қўйибди. Ер, осмон, Қуёш, ой, тоғлар, дарёлар, уммонлар, ҳайвонлар, паррандаю даррандалар, наботот олами... одамзот... бутун борлиқ узвий боғлиқда, бири бирисиз яшай олмайди. Ҳатто энг кичик ҳашаротлар ҳам ҳаёт отлиқ улкан машинанинг бир бўлагини ташкил этади. Инсон эса ўша машинанинг бошқарувчиси. У бутун борлиқни ўз измига бўйсундирмоқчи. Бу йўлда ҳеч нарсдан тоймаяпти. Юлдузларга қўл чўзмокда, қуёшга талпинмокда, ойни ўзлаштирмоқчи, дарёларни жиловлаб, ўрмонларни каллакламоқчи, ҳайвонларни қафасга тиқиб, ҳашаротларни қирмоқчи... Наҳотки инсон ҳаёт машинасини жарлик томон бошқариб кетаётганлигини билмаса! Бу кетишда эрта-индин ер юзи бир уюм темир-терсақлар маконига айланиб қолмайдими? Эҳ одамлар, одамлар, тинчимаган одамлар...

– Ака, Китобга келдик, қайси томонга юрамиз? – деди ҳайдовчи олдиндаги чорраҳага ишора қилиб.

– Бозор томонга ҳайданг. Бир киши келиши керак.

Келишилган жойда Маҳкам Санжарбекни кутиб олди. Салом-алиқдан сўнг у қизиқишини яширолмади:

– Нима гап ука? Бирор янгилик борми?

Терговчи шеригини масаладан воқиф қилди.

– Ия, шунга шунчами? Мен қотиллик бўйича бирор арзигулик маълумот топилибдими деб ўйлабман! – деди Маҳкам қоши чимирилиб.

– Ҳозирча бори шу! Ишни нимадан бошлаймиз?

– Менимча, Садоқатдан!

– Ҳа ўлманг, фикримиз бир жойдан чиқди. Кетдик. Садоқат меҳмонларни совуққина қарши олди. Санжарбек мақсадга кўчди:

– Бзовта қилаётганимиздан афсусдаман. Аммо қотиллик фош бўлгунча на сизда, на бизда тиним бўлишини биласиз деган хаёлдаман. Сизга тилларни мерос қолдирган киши онангизнинг оталари бўлади шундайми?

Садоқат «тўғри» деган маънода бош чайқади.

– Рисолат момо сизга ким бўлади?

– Қ-қ-а-на-қа Ри-со-лат? Тушунмадим.

– Рисолат Чориева!

– Унақа аёлни танимайман!

– Онангиз қаерда?

– Уйда бўлса керак! Нимаиди...

– Бизга у кишининг уйини кўрсатсангиз, илтимос!

– Тинчликми? Нима гап ўзи! – деди аёл хавотирини яширолмай.

– Тинчлик, тинчлик! Бир масала тўғрисида маслаҳатлашмоқчи эдик. – Санжарбек мезбонни тинчлантиришга уринди. – Кетдикми?

Садоқат «мен ҳозир» дея ётоқхонасига кириб кетди. Бир оздан сўнг башанггина кийиниб, пардоз-андозни ҳам жойига қўйиб, чиқиб келди. Санжарбек ўзининг терговчи эканлигини ҳам унутиб, аёлга бир-икки ўғринча қараб қўйди: «Латофатли жувон экан» кўнгилдан ўтказди у. Йигитдаги ҳиссиётни аёл ҳам сезмай қолмади...

Садоқатнинг қизлик уйи унчалик узоқ эмас экан, бирпасда етиб боришди. Ёши олтамиш бешдан нари-бери, истараси иссиққина кампир уларни илиқ қарши олди. Уларнинг нима мақсадда келганини суриштириб ўтирмай тавозе билан ичкарига бошлади. Танимаса-да Санжарбек билан обдан сўрашди. Сўнг унинг эътирозига қарамай дастурхон ёзиб, чой дамлади, нон синдирди.

– Аяжон, бу киши Санжар ака, терговчи! Сизда маслаҳатли иши бор экан! – орага чўккан жимликдан фойдаланиб, Садоқат меҳмонни танишдирди.

– Майли болам, ким бўлсаям меҳмон-да! Маслаҳат бўлса қочмас, мен овқатга унай! – кампир туришга шайланди.

– Йўқ, йўқ! Ўрнингиздан турманг! Раҳмат онахон! Мен шошиб турган эдим. Овқат бўлса қочмас. Сиздан бир-икки оғиз сўрайдиган гапим бор эди!

Каппир «кулоғим сенда» дегандай терговчига тикилди.

– Рисолат момо сизга ким бўлган? – терговчи ён чўнтагидан бир варақ қоғоз чиқарди. – Рисолат момо Чори қизи!

– Рисолат момо! Билмадим! Ким экан у?

– Тахминан элигинчи-олтмишинчи йилларда яшаб ўтган. Бозорда pistaфурушлик қилган. Сизларга қариндош бўлиши керак!

Онахон бир оз ўйланиб қолди. Сўнг ёдига тушди шекилли, терговчига юзланди:

– Рисолат деган кўшнимиз бўларди. Бир умр бозорда pista сотган!

– Қўшнингиз! Қачон вафот этган?

– Эҳе анча вақт бўп кетти! Мен келин бўлиб узатилганимда йўқ эди шекилли! Анигини эслолмайман!

– Унинг отаси ким бўлган?

– Мен қайдан билай? Бир ўғли мен билан ўқиган... фамилияси ким эди-я... Чориевмиди... Ҳа-ҳа Чориев Қурбон эди.

– Адашмаяпсизми? – терговчи сергакланди.

– Эсимни ебманми! Ишонмасангиз бориб, ўзларидан сўранг!

– Улар ҳалиям ўша ерда туришадими?

– Болалари чиқиб кетишган, кенжаси турса керак... Ўзи нима гап? Бирор ишқал қилибдими?

– Сизларнинг ўша қўшнилариингиз, хусусан Ри-  
солат момо билан муносабатларингиз қандай бўл-  
ган? – деди Санжарбек қўлидаги пиёлани дастур-  
хонга тўнкариб.

– Ён қўшни бўлганмиз... Улар анчагина ночор  
кун кечиришарди. Бобом, отам уларга кўп ёрдам  
қилган. Кейин шўро ҳукумати отамнинг бор-бу-  
дини тортиб олгач, бизлар ҳам ғариб ҳолга тушиб  
қолдик, – кампир чуқур «уф» тортди.

– Онахон биласизми, гап бобонгизнинг хазина-  
си – тиллалари, китоблари хусусида бормоқда. У  
киши буларни қаердан олган бўлса?

– Неча марта айтиш мумкин! – онахоннинг қош-  
лари чимрилди. – Олдин ҳам бир прокурор роса  
бошимни қотирганди! Болам, мен ёш бўлганман!  
Бобом уларни қаердан олганини билмайман! Ҳат-  
то мен уларни кўрмаганман! Бобом қатағон қили-  
нишидан олдин уларни кўмиб ташлаган. Отам эса  
бир умр ҳукуматдан қўрқиб ўтди. «Тилла одамга  
кулфат келтиради» дерди раҳматлик! Бир кун  
кўнгли келиб, менга ўша олтинлар ҳақида гапириб  
берганди. Лекин уларни кўмган жойини айтмаган.  
Излаб-нетиб юрмасин деган-да! Ўлими олдидан бе-  
чора тилдан қолган бўлса-да, бир нарсани айтиш-  
га роса чиранди. Уйимизнинг кунчиқар томонида-  
ги тепаликка ишора қилиб, ниманидир айтмоқчи  
бўлди... Лекин гапира олмади. Мен ўзимча, балки  
бобомнинг тиллалари кўмилган жойни айтмоқчи  
бўлдимикин деган ўйга бордим...

– Хўш кейинчи, кейин нима бўлди! – Санжарбек  
бу ҳақда билса-да, ўзини худди биринчи бор эши-  
таётгандай тутди.

– Нима бўларди, менгина ўлгур ёш бола деб ма-  
новга... – деди кампир қизига ишора қилиб. – Оғ-  
зимдан гуллаб қўйибман. Отам ҳақ экан! Олтиннинг  
турган-битгани ташвиш экан. Мана нима бўлди!

Бир шўрликнинг умрига зомин бўлди! Раҳматли яхши инсон эди. Бизга хизмати катта бўлган...

– Норбўтанинг ўлимига олтинлар сабаб бўлган дейсизми?

– Ҳа-да! Бошқа нимаям бўларди?

– Онахон, бобонгизда қадимий китоблар кўп бўлармиди?

– Бобом ўқимишли одам бўлган. Кўп ўқиган. Китоблари ҳам кўп бўлган. Аммо қатағон йилларида кимнинг уйдан араб алифбосида китоб топилса, халқ душмани сифатида балога гирифтор бўлган. Шундан қўрқиб, китобларни уйда сақлай олмаган...

– Элигинчи йилларда бир рус олими Кешга келиб, бир писта сотиб ўтирган кампирдан ўн дона нодир қўлёмани арзимаган пулга сотиб олган экан. Ўша пистачи аёл қўшнингиз Рисолат Чори қизи бўлиб чиқмоқда, – Санжарбек бир кампирга, бир Садоқатга қараб олди. – Нима деб ўйлайсизлар, Рисолат момо ўша қадимий қўлёмаларни қадердан олган бўлса?

– Қайдам! – кампир елкасини қисди. – Лекин Рисолат момо саводсиз эди... Қўл учиде кун кечирини шарди... Китоб ўқийдиган ҳоли йўқ эди...

– Балки бобонгиз китобларни уларникига яширгандир!

Кампир ўйланиб қолди. Сўнг бир нарсалар ёдига тушди шекилли, оҳиста ҳикоя қила бошлади:

– Мен мактабга ўқиб юрган кезларимда молхонамизда анча-мунча эски китоблар сақланарди. Отам уларни гоҳ у кунчакка, гоҳ бу кунчакка, гоҳ емишлар орасига, гоҳ томга яшириб юрарди. Ўша кезларда мен унинг бу ҳаракатларини тушунмаганман. У китоблар нима ҳақда эканлигини ҳам ўйлаб кўрмаганман. Отамдан бу ҳақда сўрасам аниқ жавоб бермаган. Фақат «ҳеч кимга айтма, билса мени қамаб қўйишади» деган. Кейинчалик ўша китоблар

молхонамизда кўринмай қолди. Отам уларни бирор-тасига берганми ёки овлоқроқ жойга кўмиб ташлаганми билмайман. Ажабмас ўшанда отам китобларни сақлаш учун қўшнимизга берган бўлса. Негаки, уларники бежавотирроқ бўлган...

– Ўша китобларни очиб кўрганмисиз? Китоблар сони қанча эди?

– Чамамда ўн-ўн беш халтага жой бўларди... анчагина эди-ёв. Бир куни қизиқиб, китобларни варақлаб кўрганман. Арабча экан, ҳеч нарса тушунмаганман.

– Сизга раҳмат аяжон! Бизга анча ёрдам қилдингиз, – Санжарбек ўрнидан қўзғалди. – Энди менга жавоб. Ҳа дарвоқе, Рисолат кампирнинг яқинларидан кимлар бор?

– Кичик қизи мендан ўн ёш катта эди. Ғузорда турғучиди. Ўша бўлмаса, қолганларининг ўтиб кетганига толой вақт бўлди. Невара, чеваралари анчагина... Лекин уларнинг бу тўғрида бирор нарса билишига ишонмайман, – кампир нима учун келганини айтмасдан йўлга отланаётган терговчига тикилди. – Ўзи сенга нима керак, болам! Ўша китобларни деб кемагандирсан!

– Вой онажон-эй, сизни кўришга келгандим! Келдим, кўрдим, кетаяпман.

– Э ҳазилинг ҳам бор бўлсин! – онанинг юзига табассум югурди.

Санжарбек она-бола билан хайрлашиб, Рисолат кампирнинг болалари яшайдиган манзил томон юрди. Ғузордан ақли кирди-чиқди бўлиб қолган «кичик қиз»ни топди, невараларидан бир нечтаси билан учрашди. Садоқатнинг онаси ҳақ бўлиб чиқди. Улардан тайинли гап ололмай шу куни кечки пайтда Самарқандга қайтди...

Муродилла уйида йўқ экан. Кутишга тўғри келди. Фурсаддан фойдаланиб, Азимжон изқувар ҳамюртини уйига таклиф қилди. Бир пиёла чой устида чақчақлашиб ўтирдилар. Кечки пайт Муродилла икки ўғли билан уйига келганини эшитиб, уникига ўтишди. Қисқагина танишувдан сўнг Аваз мезбонни сўроққа тутди:

– Муродилла ака, поездда Тошкентдан қайтишингизда рўй берган қадимий китоблар ҳангомаси тўғрисида батафсилроқ гапириб берсангиз?

Уй эгаси «сен айтдингми?» дегандай Азимжонга ёвқараш қилди.

– Қўшни, бу кишилар қадимий китоблар масаласида ишни тергов қилишаётган экан. Гапдан гап чиқиб, ёдимга сизнинг ҳикоянгиз тушиб кетди. Шунга айтиб бергандим, – деди Азимжон ўзини оқлаш ниятида. – Шунга Авазжон ўзингиздан эшитмоқчи бўлиб келганди.

Уйига жиноят қидирув бўлимнинг ходими босиб келганидан бир оз ҳаяжонга тушган мезбон қўшнисининг гапидан сўнг ўзини босиб олиб, бўлиб ўтган воқеани сўзлаб берди.

– Ўша йигитнинг исми ёдингиздами? – Аваз саволга тутди.

– Раҳматжон.

– Адашмаяпсизми?

– Адашишим мумкин эмас, чунки у укам билан отдош чиқиб қолганди...

– Унинг бирор ҳужжатига кўзингиз тушмадими?

– Йўқ, эътибор қилмапман. Нима, исми бошқа эканми?

– Қўринишини тасвираб бера оласизми?

– Башанг кийинган... қадди – бўйи сизникича бор... ёши қирқлар атрофида бўлса керак... бошида сочи йўқ... калроқ...

– Мана бу одам эмасми? – Аваз сумкасидаги қоғозлар орасидан расм чиқариб, мезбонга узатди.

Муродилла расмни қўлига олиб, бир фурсат тикилиб қолди:

– Раҳматжонга ўхшайди... янаям Худо билади, учрашганимизга анча бўлди-да! Нима, у бирор жойни ўмарганмикин?

– Ҳозирча бирор нарса дейишга эрта, – Аваз кулим-сиради. – У ўзини самарқандликман деганмиди?

– Шунақа!

– Иш жойини, касби-корини айтмаганмиди?

– Йўқ, бу ҳақда сўрамапман... Кўринишидан домлага ўхшатдим.

– Китобларни қаердан олганлигини айтмадимми? – давом этди изқувар.

– Айтмади! Аммо текширувчиларга китобларни музейга топшириш учун олиб кетаяпман деганини эшитдим.

– Сиз қўлёзмаларни ўз кўзингиз билан кўрдингизми? Қанақа эди улар?

– Текшириш пайти кўзим тушганди, муқоваси эскириб, қорайиб кетган китоблар... араб тилида...

– У йигитнинг сиздан қарз сўрагани ростми? Нима ўзида пул йўқмикан? – сўради Аваз со-вуққонлик билан.

– Менимча, пули етмаган! Шунча йўлга пулсиз чиқмайди-ку! «Боргандан бераман, мени кутиб олишга чиқишади», дегани учун ёнимда борини бердим, – деди Муродилла нотўғри иш қилиб қўйгандай одамдай хижолат бўлиб.

– Вокзалда уни ким кутиб олди?

– Бир ажнабий, инглиз бўлса керак! Ҳар ҳолда у билан инглиз тилида гаплашди.

– Пулни ўшандан олдимми?

– Мен кўрмадим. Лекин ундан бошқа одам йўқ эди... Менга пулимни бериб, хайрлашиб кетди.

– Ўша чет эликнинг афти-ангори ёдингизда қолдимми? Бирор хос белгиси бўлгандир...

– Йўқ, унга унчалик эътибор қилмадим. Сариқдан келган, сочлари ўсган... соқоли ҳам бор эди чамамда. Кўрсам, танишим мумкин.

– Телефон алмашмадингизларми?

– У менинг телефонимни ёзиб олди. Ўзиникини бермади...

– Сизга кейин у йигит бирор марта кўнғироқ қилдимми?

– Йўқ, кўнғироқ қилмади.

– Улар вакзалдан қанақа машинага ўтирганлигини кўрмадингизми?

– Биз вакзалдан ташқарига чиққанимизда улар энди жўнаб кетаётган экан. Хотирам панд бермаса уларнинг машинаси охири русумдаги оқ «Жип» эди.

– Давлат рақами ёдингизда қолмадимми?

– Йўқ, рақамига қарамапман... Аммо, давлат рақами бошқача эди, дипломатик идораларники бўлади-ку, кўк рангли!

– Уларнинг машинаси стоянкадан чиқдимми? – кутилмаганда гапга Азимжон аралашди.

– Ҳа, улар стоянкадан чиқиб, шундоқ ёнимиздан ўтиб кетди, – Муродилла бир қўшнисига, бир Авазга қараб қўйди. – Туппа-тузук одам... Сиртдан билиш қийин экан-да!

– Узр, мабодо сизда поезд чипталари сақланиб қолмаганми? – изқувар ўрнидан кўзгалди.

– Қаергадир ташлаб қўйгандим... ҳозир! – Уй эгаси ётоқхонасига кириб кетди.

Сал ўтмай кўлида 3 та чипта билан чиқиб келди:

– Ҳайрият жойида турган экан! Мана улар...

Аваз қоғозларга диққат билан разм солиб, уй эгасига юзланди:

– Сизга керак бўлмаса, рухсатингиз билан вақтинча бизда турса!

– Майли, майли олаверинг! Шунчаки сақлаб қўйгандим-да...

– Яхши, ҳозирча етарли! – Аваз суҳбатга яқун ясади. – Энди ўғилларингиз билан ҳам шу мавзуда гаплашиб олсам дегандим. Уларни бу ерга таклиф қилсангиз.

Муродилла фарзандларини чақирди. Изқувар шошилмасдан улар билан алоҳида-алоҳида гаплашиб, қандайдир қоғозларни қоралади. Ака-укалар отаси берган кўрсатмаларни тасдиқлашса-да, бахтга қарши терговга нафи тегиши мумкин бўлган жўялироқ маълумот бера олишмади...

Азимжон кеч бўлиб қолганлиги боис Авазни уникида қолишга кўндирди. Ош дамланди. Алла-маҳалгача суҳбатлашиб ўтирдилар.

– Ишларингиз бир томондан жуда қизиқарли, иккинчи томондан анча оғир экан, – хонадон соҳиби меҳмонни мунозарага чорлади.

– Мана кўриб турибсиз-ку, ҳақиқатнинг тагига етишнинг ўзи бўлмайди, жиноятчилар ҳам пухта бўлиб кетган! – деди Аваз иссиқ чойдан ҳўплай туриб. – Бир пайтлар уларни шоҳида юришади дейишарди, энди – баргида юришипти.

– Энди нима қилмоқчисиз? Муродилла ака айтган ажнабийни аниқлашнинг имкони бўладими?

– Қийин масала! Агар Ҳикматнинг ўзи унинг кимлигини айтмаса... Аммо у пихини ёрган, ҳеч қандай инглизни танитайман деб оёқ тираб турса керак!

– Биласизми, мен сизга ўргатмоқчи эмасман-у аммо калламга бир фикр келиб қолди, – мезбон хижолатомуз гап бошлади. – Аэропортларда, вокзалларда автостоянқаларга камера ўрнатилган. Мен аниқ биламан Қозон вокзалида ҳам камера бор. Муродилла аканинг келган вақти аниқ. Видеокамера ёзувлари анчагача сақланади деб эшитганман...

– Чакки эмас, баракалла! Гапингизда жон бор. Агар ўша ёзувларни топсак, зўр далилий ашёга эга бўлардик. Анави хорижликни ҳам топиб олиш осон кечарди... Шунга айтсалар керакда, бир калладан икки калла яхши деб.

– Лекин орадан анча вақт ўтган, видеокамера ёзувини қўлга киритиш ҳам осон эмас!

– Бу ёғини амаллаимиз! Вадим бор-ку!

Эрталаб прокуратурага боришди. Аваз «Ака раҳмат, шунча ёрдам қилдингиз, энди ишингизга бораверинг!» деса ҳам Азимжон унамади. «Сизни кузатиб, кейин қайтаман, ҳечам хижолат чекманг» деб туриб олди.

Аваз прокуратурага кириб кетиб, бир соатлар ўтгач, Вадим билан чиқиб келди. Азимжоннинг машинасига ўтиришиб, тўғри Қозон вокзали томонга юришди. Вокзалда уларни транспорт полицияси бошлиғи, бақалоқдан келган полковник кутиб олди.

– Муҳандислар ҳозир видеокамера ёзувларини шу ерга олиб келишади, – деди полковник меҳмонларни хонасига бошлаб. – Шаҳар прокурори ўринбосари менга телефон қилганди.

– Видетасвирлар архиви қанчагача сақланади, – Авазнинг сабри чидамади.

– Ҳозирги камераларнинг хотираси жуда катта, кўп ахборотни сақлашга қодир, – деди полковник хотиржам.

– Видеоёзувлар сақланган бўлиши мумкин, аммо бизни қизиқтираётган одамлар объективга тушди-микин? – Вадим гапга қўшилди.

– Шошмасдан турсангиз бир оздан сўнг барча саволларингизга ўзингиз жавоб топасиз, – полковник Авазга қараб тиржайди. – Ўзбекларда қанақа мақол бор эди – «Шошган қиз эрга ёлчимас» дейишармиди.

Ўзга миллат вакилининг ўзбек тилида мақол айтиши Авазни таажжубга солди:

– Ўртоқ полковник, сиз Ўзбекистонда бўлганмисиз?

– Ҳа, бир пайтлар Зарафшон шаҳрида ишлаганман. Ажойиб ўлка, ажойиб одамлар...

Эшик тақиллаб, асбоб-анжомлар қўтарган бир йигит кириб келди:

– Рухсат этинг!

– Ҳа, Петя кел! Қани ўтган йили ноябр оyi архивини оч-чи!

– Ноябрьнинг аниқ қайси санаси сизни қизиқтиради? – Петя техникани ишга туширишга ошиқди.

– 25 ноябр!

Мутахассис камера хотирасини кавлай-каовлай керакли маълумотларни топди шекилли, атрофдагиларни ёнига чорлади:

– Марҳамат, 25 ноябр соат 9 дан қўйдим.

Ҳамма мониторга тикилди. Экранда тиниқ тасвирлар пайдо бўлди. Одамлар... машиналар....

– Стоянқада нечта камера ишлайди, – деди Аваз монитордан кўзини узмай.

– 4 та камера қўйилган...

– Ҳаммаси ишлайдими?

– Албатта!

– Сал тезлаштирадими?

Петя тасвирни тезлаштирди.

– Объект вокзалга қачон келиб тушган, – деди Вадим Авазга қарата.

– Тошкент-Москва поезди соат нечида етиб келади, – Аваз полковникдан сўради.

– Жадвал бўйича 15-00 да.

– Соат 14 дан бошлаб кўрсак бўладими? – Аваз Петяга ўгирилади.

Петя компьютерни ишга туширди. Ниҳоят, тасвирнинг пастки қисмида 14-01 деган ёзув пайдо бўлди. Бир оз кузатишгач, кимдир яна тасвирни

бир оз тезлаштиришни илтимос қилди. Экрандаги соат 14-50 га етганда, Аваз кўрсатув тезлигини ўз ҳолига келтиришни сўради. У диққат билан тасвирни кузатар экан, ҳар бир йўловчи, ҳар бир машинани эътибордан четда қолдирмасликка ҳаракат қиларди. Лозим бўлганда тасвирлар секинлаштирилиб кўздан кечирилди.

– Стоп! Шу ерда тўхтатинг-чи! – Аваз қичқириб юборди.

Петя тасвирни қотирди. Экранда кимдир 10-15 чоғли катта-катта қутиларни юк ташийдиган аравага ортиб, тўхташ жойига қараб итариб кетарди. Ортида икки киши. Аваз тикилиб қараб, улардан бирини танигандай бўлди.

– Петя илтимос, сал катталаштирса бўладими?

– Марҳамат! – мутахассис кадрдаги шарпаларни яқинроққа олиб келди.

– Ҳа, бу ўша, бизнинг Ҳикмат! – Аваз ўзича тўнғилади. – Қани кўрайлик-чи, китобларни қаерга олиб борар экан! Секинлатиб юритинг-чи!

Тасвирлар яна жонланди... Аравакаш аравасини суриб бориб, оқ рангли «Жип»нинг ёнида тўхтади. Машина камерага ён томони билан тургани боис давлат рақами кўринмади. Ажнабий кўлидаги тизгин билан машинанинг юкхонасини очди. Ҳаммол қутиларни шошмасдан ўтказа бошлади. Бир, икки... уч... ўн икки, ўн уч қути экан.

– Машинанинг давлат рақамини яқинроқдан кўрсатса бўладими?

Петя тасвирни яқинроққа олиб келишга уринди. Аммо «Жип»нинг давлат рақамини ёнидаги «Мерс»нинг олди томони тўсиб турарди... Ҳикмат билан ажнабий машинага ўтиришди. Автомобил секин жойидан қўзғалди. Чиқиш жойида машиналар тирбанд бўлгани боис машинанинг давлат рақами кўзга ташланмади. Петя зўр бериб, тасвирлар-

ни олдинга, орқага юрғизиб, машинанинг олд ёки орқа рақамини кўрсатишга уринди. Бахтга қарши рақамларни илғашнинг имкони бўлмади.

– Майли овора бўлманг, асосийси анави икковининг турқи-таровати яққол кўринди. Машинани топиш қийин бўлмайди. – Аваз зўр бериб камера мурватини бураётган Петяни тинчлантирди.

Изқувар тегишли расмиятчиликни ўринлатиб, далилий ашёни жиноят ишига қўшиш учун олди ва аэропортга шошилди...

\* \* \*

Тоҳир Ғофурович тайинлаб қўйганлиги боис Арманистон прокуратурасидаги ҳамкасблар уни илиқ қарши олишди. Унга ёрдам бериш учун Сусана Акоповна деган ходимни бириктиришди. Фахриддин тегишли ҳужжатларни ўринлатиб, Сусанани иш ҳолатлари билан таништирди. Қилинадиган ишларни муҳокама қилишиб, кечки пайт хайрлашишди.

Кейинги кун барвақт уйғонган Фахриддин ишни профессорни излашдан бошлади. Алберт Робертовични топиш қийин кечмади. Профессор меҳмоннинг терговчи эканлигини эшитиб, олдинга гаплашишга рўйхушлик бермади. Лекин унинг ўзбекистонлик эканлигини билгач, бирдан юмшади. У Ўзбекистонда ҳам бир неча шогирдлари борлигини, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хивада бўлганлигини, бу қадимий кентлар унда чексиз таасурот қолдирганлигини айтиб, меҳмоннинг кайфиятини кўтаришга уринди. Гап москвалик курсдоши Тамарага ёзган мактубга келиб тақалганда тўсатдан домланинг юзи тундлашди:

– Яхши йигит, прокуратура идоралари қачондан бошлаб бировларнинг шахсий мактуби билан

қизиқадиган бўлиб қолишди? Ё Ўзбекистонда сизларга бошқа иш топилмай қолдими?

– Домла узр! Жиноят иши тақозо қилса, бировларнинг шахсий мактубларини ҳам текшириб кўриш бизнинг вазифамиз. Ишимиз камлигидан ёки сизни софганимиздан бу ерга келганимиз йўқ! Бизни тўғри тушунасиз ва бизга ёрдам бера-сиз деган умиддаман...

– Яхши, яхши! Сиз терговчилар гапга уста бўласизлар! Ҳамма нарсага баҳонангиз тайёр. Сизлар билан баҳслашиш бефойда, – профессор гапни ҳазилга бурди.

– Нима қилайлик, ишимиз шунақа! – Фахриддин ҳам гап оҳангини ўзгартирди.

– Қани гапиринг-чи, нима сизни қизиқтиради, ҳар ҳолда шунча узоқдан шу хатни деб келмагандирсиз! – деди домла терговчининг қўлидаги мактубга ишора қилиб.

– Алберт Робертович, мактубингизда тилга олган ва сизни бағоят хурсанд қилган ва халқингиз тарихини тиклашга тилсим бўладиган ўша дурдоналар нима эди?

– Э ҳа, археологик топилмаларни айтаяпсизми? Биласизми, Тамара Булатовна ажойиб аёлда. Шогирдлари ўтган асрнинг 80-йилларида Ереван яқинидаги Эребуни қалъасида қазилмалар ўтказиб, бир қанча тарихий ёдгорликлар топишган экан. Совет даврида бунга ҳеч ким эътибор бермаган. Топилмалар бемалол Москвага, Питерга олиб кетилган. Шу аёлнинг шарофати билан б дона жуда қадимий уй-рўзғор буюмлари юртимизга қайтарилди. Ҳақиқатда бебаҳо дурдоналар...

– Уларни кўрса бўладими?

– Албатта, институт музейида турибди! Хоҳлаган пайтда бориб кўришингиз мумкин. Ҳозир улар-

нинг ҳақиқий ёшини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда... Кўрамизми?

– Яхши бўларди. Кўз билан кўрганга нима етсин, – терговчи ўрнидан қўзғалди.

Институтнинг кенг ва ҳашаматли биноси ора-лаб бир оз юришгач, пештоқига арман тилида чиройли лавҳа осилган нақшинкор эшик олдида тўхтадилар.

– Бу ерга «Арман халқи тарихи музейи» деб ёзилган, – деди мезбон эшик тепасидаги ёзувга ишора қилиб.

Ичкарига киришди. Музей ходими – элик ёшлардаги аёл уларни табассум ила қарши олди. Ўз тилида бир нималар деб кулишди. Сўнг рус тилида кучли арманча талаффуз билан меҳмонни таништирди:

– Гаяна, бу йигит Ўзбекистондан. Анави Санкт-Петербургодан олинган экспонатларни кўрмоқчи.

– Марҳамат! Бу ёққа юринглар. – Аёл меҳмонларни кейинги хонага бошлади. – Музейимизда эрамиздан олдинги даврга оид кўплаб экспонатлар сақланади. Бунақаси ҳатто Луирда, Эрмитажда ҳам учрамайди...

– Гаяна 40 йилдан буён шу музейда ишлайди. Ундаги ҳар бир предметни беш қўлидай билади, – қўшимча қилди профессор.

– Меҳмон ҳам археологми? – деди Гаяна ортидан келаётган Фаҳриддинга ўгирилиб.

– Шунга ўхшаш! Буларни қизиқтирмайдиган нарсанинг ўзи йўқ, – Алберт Робертович саволга нима деб жавоб қайтаришни билмай турган терговчининг жонига ора кирди.

Ердан тортиб деворларгача тартиб билан териб қўйилган турли-туман осори-атиқалар оралаб ўтишиб, хона тўридаги шкаф олдида тўхташди:

– Мана сизни қизиқтирган экспонатлар. – деди музей ходимаси шкафдаги ашёларга ишора қилиб. – Улар музейимиздан муносиб жой олишди.

Фахриддин шикофга яқинлашиб, ҳар бир экспонатни диққат билан кўздан кечира бошлади. «Буларнинг нимаси дурдона экан? Оддийгина сопол ва темирдан ясалган рўзғор буюмлари... Қадимийлигини инобатга олмаса... Наҳот улар олис тарихдан сўзлаётган бўлса. Чиндан ҳам шу матоҳлар профессор ёзганидек арман халқининг тарихини ўрганишда тилсим вазифасини ўтайдими? Балки уларда бизлар тушуна олмайдиган сир яширингандир» хаёлидан ўтказди у.

– Бу экспонатлар жўнгина кўринса-да, аслида тиллага тенг. Улар қарийб минг йиллик тарихдан гувоҳлик беради, – профессор меҳмоннинг хаёлидан нималар ўтаётганини англади шекилли, тунунтира бошлади. – Мисол учун мана бу илма-тешик темир қозон ўн тўртинчи асрга тааллуқли. Дарвоқе, қайсидир маънода бу экспонатнинг сизга ҳам тегишли жойи бор. Ўтказилган тадқиқотлар бу ёғ қозони портлаш таъсирида шу ҳолга келиб қолганлигини кўрсатди. Портлашни амалга ошириш учун порохдан фойдаланилган. Ёдингизда бўлса, бобонгиз Амир Темур мустаҳкам қалъаларни забт этиш учун порохдан фойдаланган, деган гап-сўзлар юрарди. Аммо бу масала баҳсли ҳисобланиб, кўпчилик олимлар бундай қарашларга шубҳа билан қарарди. Биз эса бунини исботладик. Тарихдан маълумки, Темурлан 1392–1396 йилларда Арманистон ва Гуржистонга бир неча бор юришлар қилган. Қалъа ҳимоячилари шу қозонда ёғ қайнатиб, қайноқ мойни тепадан туриб қалъа деворларига чирмашиб келаётган аскарларнинг устидан қуйишда фойдаланилган. Шунда Темурийлар қалъа деворини қулатиш учун порохдан фойдаланишга

мажбур бўлган. Портлаш зарби шунчалик кучли бўлганки, қозонни ўқдай тешиб юборган...

– Ўша даврларда порох ишлатилганмикин? – деди Фахриддин ҳайрати ортиб. – Бизга порохни 1888 йилда Швед олими Альфред Нобель ихтиро қилган деб ўргатишган.

– Гапингизда жон бор, – Алберт Робертович ҳам-суҳбатининг диққат билан тинглаётганидан жўшиб, давом этди. – Расман баллистик порох ихтирочиси Нобель ҳисобланади. Аммо кўриб турганингиздек буюк бобонгиз бу ишни ўн тўртинчи асрда уддалаган. Шу пайтгача бу фактга бир афсона сифатида қараб келинган. Бизнинг археолог, кимёгар, физик олимлар бу нарсани далиллар асосида тўла исботлашди. Энди гап ҳақиқатни юзага чиқаришда...

– Н-и-м-а қ-и-л-и-ш керак? – деди ҳаяжонланганидан нимага келганини ҳам унутиб қўяёзган терговчи ёш боладай мўлтираб.

– Курашиш керак! Ҳақиқатни тиклашнинг ўзи бўлмайди. Аввало, бу масалага жаҳон жамоатчилигининг диққат-эътиборини қаратиш лозим. Сўнгра... майли бу сизнинг ишингиз эмас, сизлар жиноятчиларни қидиринглар...

– Тўғри, терговчи сифатида ишимиз жиноятни тергов қилиш, қонунбузарларни жазолаш. Аммо инсоний бурчимиз-чи? Тарихий ҳақиқатни тиклаш, ота-боболаримизнинг шарафини ҳимоя қилиш ҳар бир миллат вакилининг вазифаси эмасми?

– Қанийди ҳамма ҳам сиздай мушоҳада юритса! Мен тарихни яхши биламан. Шу сабабдан Амир Темурни қораламайман. Замон шунақа бўлган. Сен босиб олмасанг, сени босиб олишган. Бу томонда Усмонли турклар тиш қайраб турган. Темур ҳар ҳолда адолатли ҳукмдор бўлган. У бўлмаса, билмадим Боязид Кавказ халқлари бошига не кулфатлар соларди!

– Тўғри тушунганингиз учун раҳмат! – Фахриддин ичида бу одамдан мамнунлик ҳиссини туйсада, унинг кўнглини кўтарадиган бирор жўяли гап тополмади. – Алберт Робертович, тадқиқотларингиз натижалари билан танишсам бўладими?

– Бемалол! Натижалар эълон қилинган. Интернетда рус тилидаги таржимаси билан танишиб чиқсангиз бўлади.

– Албатта танишаман!

Гаяна меҳмонни музейдаги бошқа экспонатлар билан таништира бошлади. Шу тобда Фахриддиннинг хаёли бошқа нарсада бўлса-да, куйиб-пишиб гапираётган мезбонни ранжитмаслик учун беихтиёр унга эргашди. Профессор терговчининг шошилаётганлигини фаҳмлаб, «гид»ни шошилтирди. Музейдан чиқишда Фахриддин Гаянага юзланди:

– Эрмитаждан олинган буюмларнинг ҳужжати-ни кўрсата оласизми?

– Йўқ, йўқ! Бунди директор ҳал қилади. Мен оддий ходимман. У киши ҳозир дарсда, сал кейинроқ келади.

– Яхши, мен тушдан кейин келаман!

Пешиндан сўнг музейга қайтиб келган Фахриддин Сусананинг кўмагида керакли ҳужжатлардан нусха олди, экспонатлар расмга туширилди. Музейдан чиқиб, Алберт Робертовичнинг уйи, иш ва қўл телефони таҳлилини олиш учун шаҳар алоқа тармоқлари идорасига сўровнома топширишди. Жавоб тайёр бўлгач, Сусаннанинг ўзи уни Фахриддин Каримовичга етказишга келишиб, хайрлашишди.

Меҳмонхонага барвақтроқ қайтган Фахриддин бир оз дам олиш учун чўзилди. Кўзини юмиб, ухлашга ҳаракат қилди. Бўлмади... Хаёллар унга тинчлик бермади: «Тавба, бу қандоқ жумбоқ бўлди? Охири кўринмайди-я! Арманистон ҳам ҳеч нарса бермади. Тамара рост гапирганга ўхшайди. Бундан чиқди

Ҳикмат Аваз айтган ўша ажнабий билан иш қилган. Стоянкадаги видеотасвирнинг топилгани яхши бўлди. Энди Ҳикмат тан олишга мажбур бўлади. Ёки яна бирор важ ўйлаб топармикан. «Шахсий кутубхонамга тегишли китобларни сотгандим» деб туриб олса нима бўлади? Далил-исбот йўқ... Чет эликни топиш керак! Ҳўп, уни ҳам топдик дейлик. У бизга қўлёмаларни кўрсатадими? Китоблар топилмаса, уларнинг қанақалиги, нима ҳақда эканлигини билмасак уларни сотган одамни нимада айблаймиз?! Нотўғри йўлга тушиб қолдикми? Норбўта чўпоннинг ўлимини Амир Темур кутубхонасига боғлашимиз хато бўлмадими? Тамара, унинг эри Саша, Алберт Робертович... Наҳотки шунча одамни бекорга овора қилаётган бўлсак... Ҳикмат қанақа одам ўзи? Қўлга тушмас, из қолдирмас – пихини ёрган устаси фарангми? Бизнинг Россияга кетганимизни эшитиб, ўзини қандай тутаётган экан? Назаримда, ҳамма нарсани олдиндан сезиб, жавобини тайёрлаб қўйгандай...»

Бир оз кўзи илинган экан, эшикнинг тақиллашидан уйғониб кетди. Эринчоқлик билан эшикни очди. Сусанна экан:

– Бугунги ишни эртага қўйма дейишади, мана жавобларни олиб келдим... халақит қилмадимми?

– Йўқ, йўқ, ҳаммаси жойида! Кириг ичкарида гаплашайлик... – йигит меҳмонни ичкарига бошлади.

– Мен қараб чиқдим, – Сусана сумкасидан қоғозларни чиқарди. – Ўша куни, яъни сиз Тамараникига борган кунингиз кечаси Москвадан Алберт Робертовичнинг уйига битта кўнғироқ бўлган. Беш дақиқа гаплашилган.

– Келинг, марҳамат ўтириг, – деди йигит қизга илтифот кўрсатиб. – Қайси рақамдан чиқишган экан?

– Охири 976 15-51.

– Лекин бу рақам Тамарага тегишли эмас!  
– Балки эриникидир!  
– Йўқ, менда эр-хотиннинг барча телефон рақами бор! – Фахриддин чўнтагидан ён дафтарчасини чиқариб, варақлай бошлади. – Мана унақа рақам йўқ!

– Буни аниқлаш қийин эмас-ку! Лозим бўлса бирпасда аниқлаб бераман! – Сусанна маъноли қараш қилди. – Укам Москвада жиноят қидирувида ишлайди.

– Яхши бўларди! Агар сизга қийин бўлмаса!

– Бундан осон иш бормикин! – жувон телефони олиб, тера бошлади. – Ало, ало Артур...

Фахриддин опа-уканинг мулоқотидан ҳеч нарсани тушунмаса-да, мушкули кушод бўлаётганидан хурсанд, малла соч, камон қош, қирра бурун, мурча миён бу жувонга суқланиб қараб турарди. Қиз сумкасидан ниманидир олиш учун энкайганда дуркун сийнасига нигоҳи тушган йигитнинг баданига чумоли югургандай бўлди. Кўзлари хўжасига итоат этмай қўйганди гўё.

– Раҳмат укажон, хўп, хўп... қўнғироғингни кутаман! – қиз ҳамсухбатига тушунарли бўлсин учун атайлаб рус тилида гапирди. Сўнг телефонини сумкасига жойлаб, ўзгача бир назокат ила қаршисидаги йигитга жилмайди:

– Бўлди! Топширигингиз бажарилди, ўртоқ полковник!

«Кулганда янада мафтункор бўлиб кетаркан», хаёлидан ўтказди йигит:

– Раҳмат Сусанахон! Билмадим сизсиз нима қилардим...

– Раҳмат айтишга ҳали эрта. Бир оз кутиб турамиз... укамнинг қўнғироғини кутамиз... Сизга ҳалақит қилмасам агар... – Сусана нозланди.

– Йўқ, нега ҳалақит қиларкансиз, аксинча сиз... билан суҳбатлашиш ёқимли... Фахриддин гапи-

ришга гапириб қўйиб, қулоғигача қизариб кетди. Яна нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, тили калимага келмади.

Бир фурсат ўртага сукунат чўкди.

– Қани гапирингчи, сизларда – Ўзбекистонда нима гаплар? – жимликни қиз бузди.

– Бизда ҳаммаси яхши! Мустақилликка эришганимиздан сўнг мамлакат барча жабҳаларда тез ривожланиб бормоқда...

– Айтгандай тамадди қилдингизми? – бехосдан йигитнинг гапини бўлди қиз.

– Йўқ! Энди қимоқчийдим...

– Юринг, унда мен сизни бир меҳмон қилай! – қиз ўрнидан кўзгалди. Ёнида анграйиб турган йигитнинг жавобини ҳам кутиб ўтирмасдан эшик томонга юрди. – Сизни фойеда кутаман.

– Мен бир зумда! – Фахриддинга жон кирди. Апил-тапил кийиниб, уст-бошини тартибга солди. Ваннадаги ойнага тикилиб, аксига қараб маъноли кўз қисиб қўйди... Меҳмонхонанинг қирмизи гилами тўшалган узун йўлаги бўйлаб қадам ташларкан хаёлидан «арман қизи самимий ва очиқ қўнғил, қолаверса, бинойидек танги экан. Ташаббусни мендан олдин ўз қўлига олди-я! Кечагина танишган бўлсак-да, кўп йиллик қадрдондаймиз-а!» деган фикр ўтди...

Меҳмонхона ресторани шинамгина экан. Бир чеккадаги столга ўтиришди. Хўрандалар кам бўлишига қарамасдан саҳнада уч-тўрт кишидан иборат оркестр паст товушда ёқимли куй ижро этмоқда. Овқатга буюртмани Сусанна берди. Турли-туман миллий таомлари билан бирга офатижон арман коньяги ҳам камтарона дастурхонни безади... Шу орада мезбоннинг телефони жиринглаб қолди. Артур экан. Топшириқ бажарилган шекилли Сусанна телефонда айтилган маълумотларни қоғозга ёзиб

олди. Сўнг укаси билан гоҳ арман, гоҳ рус тилида хайр-хўшлашиб, варақни меҳмонга узатди:

– Мана, Питердан бўлган қўнғироқ – Александр Невский кўчаси 145-уй 62-хонадонда яшовчи Захаров Анатолий томонидан амалга оширилган экан. Ҳар ҳолда телефон рақами шу одамга тегишли...

– Невский кўчаси... 145-уй... 60-хонадон – бу Тамараларнинг уйи-ку! Демак, қўшнисиникидан қўнғироқ қилган экан-да! Демак, профессорни нимадандир огоҳлантирмоқчи бўлган... Ўзида телефон бўлса-да, лекин қўшнининг телефонидан фойдаланган... Нега? Бу ерда бир гап бор-ов!.. – Фахриддин ўзича бир нималар деб гудурланиб, бир нуқтага тикилганча жим бўлиб қолди. Сўнг бирдан чўнтагидан телефонини чиқариб, тера бошлади. Қиздан узр сўрашни ҳам унутмади.

– Авазбек яхшимисиз! Қаердасиз?

– Раҳмат яхши, аэропортга келдим, икки соатдан сўнг учаман! – нариги томондан Авазнинг овози эшитилди.

– Хайрият! Билетни топшинг! Ўша ёқда бўлиб туринг. Мен ҳам эрталаб Питерга учаман! – деди Фахриддин буйруқ оҳангида.

– Тушунарли!

Фахриддин шундай қизни беэътибор қолдирганидан хижолат бўлиб, яна узр сўради.

– Бўлдими? – деди қиз мулойимлик билан.

– Бўлди. Мана энди телефонимни ҳам ўчириб қўяман! – йигит телефон мурватини босиб, овозсиз режимга қўйди.

– Келинг, бугун ишдан гаплашмайлик! – қиз қўлига қадаҳни олди...

\* \* \*

Одатдагидан кеч уйғонган терговчи нонушта ҳам қилмасдан нарсаларини йиғиштиришга тушди. Са-

молётга ҳали олти соатча вақт бор. Арман коньягининг таъсири ҳали кетмаганди. Қайта ўрнига қулади. Шифтга тикилиб, кечаги воқеаларни хаёлидан ўтказди... «Бир қарашда ҳаммаси жойидага ўхшайди. Лекин Тамара нима сабабдан ўз телефонида эмас, қўшнисининг телефонида Алберт Робертovichни огоҳлантирган. Нимадан огоҳ қилган бўлса? Ёки шунчаки менинг боришимни айтганмикин? Унда нимадан қўрқади? Ўз телефонида қўнғироқ қилса бўлади-ку! Демак, бу ерда бир сир бор!»

Ўрнидан туриб, сумкасида кеча музейдан олинган ҳужжатларни чиқарди. Бир томонга Алберт Робертovichнинг Тамарага ёзган мактубини қўйди: «5 июнда экспонатлар музейдан чиқим қилинган. Хат 10 июнда ёзилган. Демак, мактубда гап шу экспонатлар ҳақида кетмоқда... 5 июн... «н» ҳарфи сал бўялибдими? Ё нусха кўчиришда... йўғ-е, бу фотонусха-ку! Балки ёзишда хатоликка йўл қўйилиб, кейин тўғирланганмикин? Балки бу «июн» эмас, балки «июл»дир. Агар ҳужжат июлда ёзилган бўлса, мактубда бошқа нарса тўғрисида гап кетаётган бўладими? Ҳужжатнинг аслини кўриш керак!»

Фахриддин сапчиб ўрнидан туриб, кийинди. Сусанага телефон қилиб, тезда институт олдига етиб келишини илтимос қилди. Келишилган жойда учрашдилар.

– Тинчликми? Бугун қайтмоқчи эдингиз-ку! – деди Сусана хавотири ортиб.

– Тинчлик, тинчлик! Фақат бир нарсага аниқлик киритишга тўғри келиб қолди. Ёрдам берамизми? – деди Фахриддин қўлидаги ҳужжатга ишора қилиб. – Мана қаранг, бу ерда «июн» сўзи бўялган. Балки «июл» «июн»га алмаширилган. Ҳужжатнинг аслини яна бир бора кўриш лозим.

– Фахриддин ака, ҳўп сиз айтганча бўлсин ҳам дейлик, лекин бу нимани ўзгартиради? – қизнинг йўқ жойдан ўзбекча «ака» деб мурожаат қилиши йигитни таажжубга солди. Айни пайтда бу ҳақда ўйлаб ўтиришга фурсат йўқ бўлса-да, хаёлидан «кечагидан ҳам очилиб кетибди-я!» деган ўй ўтди.

– Юринг, фурсатни бой бермасдан ҳозир ҳужжатни аслини кўрайлик, – йигит қизни шошилтирди. – Кейин тушунтириб бераман!

Музей раҳбарининг эътирозига қарамай, Сусана кечаги ҳужжатларни қайта кўтартирди.

– Мана қаранг, бу ерда янада яққол кўриниб турибди – «н» ҳарфи бўяб, ўзгартирилган, – деди Фахриддин ҳужжатга лупа орқали тикилиб.

– Тўғри бўялган, лекин бу ҳали қалбакилаштирган дегани эмас-ку! Балки ёзишда хатоликка йўл қўйилгандир, кейин тузатилган бўлиши ҳам мумкин, – эътироз билдирди қиз.

– Бўлиши мумкин! Аммо...

– Нима бунча шунга ёпишиб қолдингиз? «Июн» бўлди нима-ю, «июл» бўлди нима! Фарқи не?

– Фарқи жуда катта-да! Алберт Робертовичнинг мактуби 10 июнда ёзилган. Экспонатлар музейга 5 июнда ҳадя қилинган. Мабодо хат 5 июлда битилган бўлса, у ҳолда номада тилга олинган мавзу бошқа нарса бўлиб чиқади. Унда Тамара билан Алберт Робертович ўртасида қандайдир бошқа бир сир борлиги аён бўлади...

– Мақсадингизни тушунгандай бўлаяпман... – деди Сусана хаёлга чўмиб. – Ҳужжатнинг Эрми-таждаги нусхасини кўтариш лозим...

– Тўғри! Сиз мутлақо ҳақсиз хоним! – Фахриддин жилмайди.

– Укамга айтайми? – деди қиз ўзига ярашиқли ноз билан.

– Раҳмат! Артурни безоват қилманг! У ерда бизнинг ходимимиз бор, – йигит телефонда Авазининг

рақамини терди ва унга зудлик билан Эрмитажга бориб, Арманистон археология ва этнография институтига ҳадя қилинган экспонатлар билан боғлиқ чиқим қоғозларини топишни, ҳужжатларни қўлга олгач, телефонда у билан боғланиши лозимлигини уқтирди.

– Менинг тушунишимча, – Сусана ўзича хулоса қилди. – Агар ҳужжатда «июн» бўлса учиб кетасиз, мабодо «июл» бўлса қолишингизга тўғри келади... Шундайми?

– Мулоҳазаларингиз чакки эмас... Топдингиз! Ҳозирча кутиб туришга тўғри келади...

– Ундай бўлса, кечадан буён туз тотмаган аёлни бир чашка қаҳвага таклиф қилишга вақтингиз етарли деб ўйлайман... – деди Сусана шўхлик қилиб.

– Жоним билан!

Институтдан чиқиб, муйилишдаги шинамгина қаҳвахонага киришди.

– Кечаги тартибсизлигим учун уэр сўрайман... – деди Сусана қулоқларигача қизариб.

– Ундай деманг! Аслида мен сиздан кечирим сўрашим лозим...

– Мен тўғримда ёмон фикрга борганингиз аниқ! Лекин...

– Нега ундай деяпсиз? Ҳеч ким сизни айблаётгани йўқ... Ҳаммаси жо-йи-да... гў-зал... – Фахридин сўз тополмай дудуқланди.

– Илтимос гапимни бўлманг! – Сусана жиддийлашди. Қўлидаги қаҳвадан симириб-симириб, оҳиста гап бошлади. – Эндигина мактабни битириб, ўқишга қириш учун тайёргарлик кўриб юрган вақтларим эди. Қўшни уйда ижарада яшайдиган бир аспирант йигит билан танишиб қолдим...

Фахридиннинг бутун вужуди қулоққа айланиб тинглаб турарди.

– Аста-секин муносабатларимиз оддий қўшничилик, таниш-билишчилик чегарасидан ўтиб, жиддийлаша борди. Ўзим ҳам сезмай қолдим. Кейинчалик уни бир кун кўрмасам туролмайдиган, соғинадиган бўлиб қолдим. У ҳам шу куйга тушганди... Муҳаббат тўғрисида китобларда ўқиган, киноларда кўрган бўлсам-да, унинг шундай қудратга эга эканлигини хаёлимга ҳам келтирмаган эканман... Мирсамаднинг аспирантураси тугаб борарди...

– Нима у ўзбекистонлик... миди? – йигитнинг кўзлари катта-катта бўлиб кетди.

– Ҳа, у тошкентлик эди... Севишишдан олдин ҳаётнинг баланд-пастини, имкониятларни, келажакни, олдинда турган ғовларни ўйлаш керак экан. Севиб қолгач, кўзингга ҳеч нарса кўринмай қоларкан... Ота-оналарнинг қаршилиги, ижтимоий келиб чиқишимиздаги фарқлар, Ўзбекистон билан Арманистон ўртасидаги масофа муҳаббатимизга раҳна сололмайдигандай эди. Аммо...

Қизнинг наштардай киприклари оралаб қуйилаётган маржон томчилар чироқ ёғдусида жилваланарди. Йигит эса шу маҳалда унинг кўнглини кўтарадиган сўз тополмай қийналарди.

– Аммо... ҳаммаси бошқача бўлиб чиқди. Мирсамад ёлғиз ўғил, ота-онасининг нури дийдаси эди. Мен ҳам ота-онамнинг бори-йўғи, эркатойи эдим. Меникилар Тошкентга кетишимни кўз олдиларига келтиролмаганликлари каби уникилар ҳам ўғилларининг Ереванда қолиб кетишини тасаввур қила олмасдилар. Болаларининг қистови билан шундоғам қўл учида кун кечирадиган ота-онаси бизникига икки марта, сизларда нима дейишади... ҳа-ҳа, с-о-в-ч-и-л-и-к-к-а келишди. Онам уларни уйдан ҳайдади. Ўша кезларда прокурор бўлиб ишлаётган отам менга очикдан-очик қарши бормаётган бўлса-да, менинг Мирсамад билан

Тошкентга кетишимга асло рози бўлмаслигини тушуниб турардим... Бир томонда мени оқ ювибоқ тараган, мен учун жонини ҳам беришга тайёр турган ота-онам, иккинчи томонда муҳаббатим – Мирсамад турарди. Икки ўт ичида куйиб-ёнардим...

Сусана бир оз жимиб қолди. Дастрўмолчаси билан юз-кўзларини артди. Аллақачон совиб қолган қаҳвадан ҳўплаб, давом этди:

– Узр, кўнглим бўшаб кетди. Сизни ҳам дардимга шерик қилиб ўтирибман, кечиринг!

– Одам дардини одам кўтаради дейдилар! Бемалол! Чиндан қизиқарли тарих экан. – Фахриддин ўрнашиброқ ўтириб олди. – Кейин нима бўлди?

– Муҳаббат дея ота-онамдан воз кечолмасдим. Аммо бегубор севгимдан воз кечиш менга осон эмасди. Бу қилмишим менга қимматга тушишини, ҳаётим остун-устин бўлишини тушуниб турсам-да, ота-она ризолигини устун билдим... Мирсамад билан йиғлаб-йиғлаб ажралдик... Мен бошқа ҳеч кимни севолмадим. Тўртинчи курсда отам мени бир ўртоғининг ўғлига узатди. Муҳаббатсиз турмуш турмуш бўлармиди. Унга кўнглим йўқ эди. Битта ўғилли бўлдик. Кейин ажралишиб кетдик. Шу-шу мен йигирма олти ёшимда бева бўлиб қолдим. Ўғлим сал улғайгач, ишга кирдим. Бир оз чалғигандай бўлдим. Бор меҳримни ишга бердим... Бу гапларни нима учун сизга айтаяпман биласизми?

Фахриддин «қайдам» дегандай елка қисди.

– Сиз унга қуйиб-қуйгандай ўхшаркансиз!

– Мирсамадгами?

– Ҳа! «Ўзбекистонлик меҳмон келди» деганларида юрагим орзиқиб кетганди. Сизни кўриб... уни кўргандай бўлдим... очилмай хазон бўлган муҳаббатим ёдимга тушди...

– Ярангизни янгилаганим учун узр! Билмасдан... хизмат туфайли...

– Нега кечирим сўрайсиз! Сизнинг айбингиз йўқ-ку... – Сусана беғубор жилмайди. – Ё тавба, табиати ҳам ўхшаш-а буларнинг...

«Кулганда янада мафтункор бўлиб кетаркан» хаёлдан ўтказди йигит.

Қаҳвахонадан чиқиб, меҳмонхонага етай деганларида Аваз қўнғироқ қилиб қолди:

– Хўжайин, мен Вадим билан Эрмитаждаман. Анави айтган ҳужжатларингизни олдик!

– Ҳужжат ҳозир қўлингиздами?

– Ҳа, нима қилай?

– Ҳужжатнинг рақами қанақа экан?

– 1571/234!

– Тўғри! Санаси қанақа?

– 5 июл!

– Июнми ёки июлми? – Фахриддин саволни ойдинлаштирди.

– Июл! Охири Лоладаги «л»! Еттинчи ой! – деди Аваз дона-дона қилиб.

– Еттинчи ой денг! Ҳаммаси тушунарли! Авазбек, экспертиза учун ҳужжатнинг аслини олишга тўғри келади. Эплайсизми?

– Амаллаймиз! Сиз қачон қайтасиз?

– Бугун қайтмоқчи эдим. Энди бир оз қолишимга тўғри келмоқда! Сиз ишларни сусайтирмай туринг. Мен ҳам бориб қоламан...

– Тушунарли!

Қўл телефонини чўнтагига солар экан, Фахриддин ёнидаги қизни ҳам унутиб, бир нуқтага тикилганча ўйланиб қолди. Сусана уни чалғитиб юбормаслик учун жимгина кузатиб турарди.

– Нима деб ўйлайсиз, ҳужжатдаги санани ўзгартириш кимга керак бўлиши мумкин? – йигит тилга кирди.

– Биринчидан, бу ўзгариш ҳеч кимга, ҳеч қандай моддий манфаатдорлик бермайди, – проку-

рорларга хос мушоҳада юрита бошлади қиз. – Иккинчидан, «июл»ни «июн»га алмаштириш бошқа бир жиноятни яшириш ёхуд содир бўлган вақтни хаспўшлаш ва шу йўл билан терговни чалғитиш учун қилинган бўлиши эҳтимолга яқинроқ.

– Фикрингизга қўшилмай иложим йўқ! Бу нарса Алберт Робертовичнинг Тамарага ёзган мактубида тилга олинган «сир»ни яшириш, воқеаларни Эрмитаждан олинган экспонатларга боғлаб юбориш учун ўйлаб топилган. Демак, Тамара...

– Ҳа, ҳа! Тамара Алберт Робертовичдан илтимос қилган. Профессор музей ходимларидан бирига... Хуллас, сизларни чалғитмоқчи бўлишган... – қатъий хулосага келди Сусана.

Гарчанд у тергов қилаётган жиноят иши тафсилотлари билан тўла таниш бўлмаса-да, асосли ва жўяли мантиқий хулосалар чиқараётган бу прокурор аёлнинг ақлу заковати, фаҳму фаросатига Фахриддин ичида тан берди. Бошига «уни иш материаллари билан тўла таништириб, фикрлашса фойдадан ҳоли бўлмас эди» деган ўй келди... Бекорга «Бир каладан икки калла яхши» дейишмаган...

Хизмат зарурияти уни бугун ҳам Ереванда олиб қолаётганидан ичида суюниб турган бўлса-да, Фахриддин афсусланган бўлди:

– Оббо, бугун ҳам қоладиган бўлдик-да!

– Арман қизларининг сеҳру жодуси бўлади! Осонликча қутулиб бўпсиз! – деди Сусана нозланиб.

– Сизни ташвишга қўяётганимдан хижолатданман-да!

– Хижолат бўладиган жойи йўқ! Мени сизга бириктиришган... хизмат вазифамни бажараяпман...

– Раҳмат сизга! Келинг ўтирайлик... – йигит суҳбатдошини йўлак четигаги ўриндиққа таклиф қилди.

У ёқ, бу ёқдан сўзлашиб ўтирдилар. Айланиб-айланиб гап яна тергов қилинаётган қотиллик жино-

ятига бориб тақалди. Фахриддин ҳамкасбига иш юритувидаги жиноят иши тафсилотларини тўлиқ гапириб берди. Мақсади унинг фикрини олиш, мулоҳазалари билан ўртоқлашиш эди.

– Ҳа, ростдан ҳам қизиқарли иш экан? – деди Сусана йигитнинг узундан-узоқ ҳикоясини тинглаб бўлгач. – Мени, айниқса, Амир Темур кутубхонаси ҳақидаги гапларингиз ўйлантириб қўйди. Наҳотки чўпоннинг ўлими шу кутубхонага боғлиқ бўлса! Ундан тилла тангалар, қадимий қўлёмаларнинг топилгани, қадимий қўлёмалар билан шуғулланиб юрадиган Ҳикмат билан таниш эканлиги ва ўз навбатида Ҳикматнинг кейинги пайтда чет мамлакатларга серқатнов бўлиб қолганлиги, кўҳна қўлёмалар савдоси билан машғул бўлганлиги сизларни шундай мулоҳаза юритишга мажбур этган. Тахминларингиз асосли! Аммо...

– Қўлёмаларнинг Арманистонга қандай алоқаси бор демоқчисиз-да? – Фахриддин «тўғри топдимми?» дегандай қизга юзланди.

– Ҳақли савол туғилади!..

– Саволингизга «тўғридан-тўғри алоқаси бор» деб жавоб берган бўлардим. – Йигит муҳим сирни айтмоқчидай паст овозда гап бошлади. – Сизнинг буни билмаслигингиз табиий. Ростини мен ҳам бу ҳақда яқинда эшитдим... Амир Темур Соҳибқирон қайси мамлакатни забт этса, қўлёмаларга, қадимий манбаларга катта эътибор берган. Уларни энг қадрли мулк сифатида Самарқандга олиб қайтган ва пойтахтда дунёда тенги йўқ кутубхона барпо этган. Бу тарихий ҳақиқат. Шу ваздан Соҳибқироннинг Кавказга юришлари натижасида арман қўлёмаларининг кўп сонли карвонларда Самарқандга олиб кетилганлиги ва хоқонлик кутубхонасидан муносиб жой олганлиги ҳеч кимга сир эмас...

– Наҳотки... эшитмаган эканман! – деди Сусана таажжуби ошиб. – Тўғри, Амир Темирнинг Кавказни босиб олганлигини биламан. Бу ҳақда дарсликларда ўқиганмиз... Лекин китобларнинг олиб кетилганлиги... Қандай даҳшат! Қандай...

– Амир Темур маърифатли инсон, адолатли шоҳ бўлган. Унинг мақсади дунё халқларини адолат байроғи остида бирлаштириш, қўлёзмаларни сақлаб қолиш бўлган... Майли, мавзудан чекинмайлик...

– Демак, сизнинг фикрингизча, Алберт Робертovich Тамара орқали Ҳикматдан ўша манбаларни сотиб олишга эришган... – деди Сусана бир нуқтага тикилганча. Унинг хаёли ҳамон Амир Темур ҳақидаги таассуротлар билан банд эди.

– Шунақа гаплар! Лекин бу тахминимиз ҳам чиппакка чиқиб турибди...

– Унчалик эмас... Тамаранинг, Алберт Робертovichнинг ёлгон сўзлаши, ҳужжатларни қалбакилаштирмоқчи бўлгани, терговни чалғитишга ҳаракат қилгани бу ерда бирор сир-асрор борлигини англамайдимми? – деди Сусана шаҳло кўзларини жавдиратиб.

– Бироқ... бу тахминни исботлаб бўладими? Кўлимизда ҳеч қандай далил йўқ! Профессорни қайта сўроқ қилиш бирор нарса беришига ҳам кўзим етмай қолди, – деди Фахриддин тушкун кайфиятда.

– Терговчи тушкунликка тушмаслиги лозим! – тасалли берди Сусана. – Бир қарашда икир-чирдек туюлган майда деталлар ҳам унинг синчков нигоҳидан четда қолмаслиги зарур. Жиноятни очиш, жиноятчини топиш осон иш эмас. Биз арманларда бир мақол бор...

Қиз ўз тилида нимадир деди. Ҳамсуҳбатининг «ҳеч нарсани англамадим!» дегандай анқайиб турганини кўриб, мақолни арманчадан русчага ўгирди:

– Қочаётган ўғрида бир йўл бор, уни қуваётганда эса – мингта. Демак, биз тўғри йўлни топмоқ учун керак бўлса ўша мингта йўлнинг ҳар бирига оралаб кўришга мажбурмиз...

– Сиз ҳақсиз... Лекин...

– Ҳеч қанақа «лекин» бўлиши мумкин эмас! Эртага бир иложини қиламиз. Бугун иш вақтимиз тугади, – қиз эркаланиб йигитнинг пинжига тиқилди. – Келинг яхши гаплардан гаплашайлик!

Қиздан таралаётган муаттар бўй йигитнинг димоғига урилиб, кайфиятини кўтаргандай, нозик ҳиссиётлар жиловини ечиб юборгандай эди...

\* \* \*

Чақирилмаган меҳмонларни кўриб, Алберт Робертвичнинг юзи тиришди.

– Бирор нарсани унутибдиларми дейман! – ёлғондакам тиржайди у.

Унинг гапи Сусанага «яна келдингларми?» дегандай туюлди.

– Янглишмасам, биз сиз билан бирга ухламаганмиз! Аввало салом! – деди у қувлик билан. – Иккинчидан, биз бекорга ташриф буюрмаймиз!

– Тушунаман, тушунаман! Келинг, келинг! Мен... шунчаки... бирор... нарса... – дудуқланди профессор.

Ичкарига киришди. Фахриддин Каримович чўзиб ўтирмасдан мақсадга кўчди:

– Бундан уч кун олдин кечки пайтда Тамара билан телефонда гаплашганмидингиз?

Профессор бир оз ўйланиб, жавоб берди:

– Йўқ, менимча гаплашмаганман!

– Аниқроқ жавоб беринг!

– Уч кун олдин йўқ! Бир ой бўлди-ёв гаплашмаганимизга...

– Балки унинг эри билан гаплашгандирсиз?

– Саша билан гаплашмаганимга анча бўлди!

– Унда буни қандай изоҳлайсиз? – деди Фахриддин телефон сўзлашувлари таҳлили қайд этилган қоғозга ишора қилиб. – Мана ўша куни кечки соат 20 дан 57 дақиқа ўтганда Тамаранинг қўшнисиникидан сизнинг уйингизга қўнғироқ бўлган. Беш дақиқага яқин гаплашилган. Бунга нима дейсиз?

– Билмадим, балки бирортаси адашиб қўнғироқ қилгандир! – Алберт Робертovich кўзларини терговчидан олиб қочди.

– Ёлғон гапириш сизга ярашмас экан профессор!

– Ўзи сизларга мендан нима керак? – профессорнинг газаби қайнади. – Ҳа, ҳа, гаплашдим, нима бўпти! Бунинг нимаси ёмон?!

– Ким билан, нима ҳақда?

– Тамара сизларнинг уникага ташрифларингиз ҳақида огоҳлантирди. Бор гап шу...

– Нима деди? Аниқроқ гапиринг!

– «Ўзбекистондан терговчилар келиб, қандайдир қадимий китоблар ҳақида сўрашяпти, ўша ўн учинчи асрларга тегишли қўлёзмаларни ўтказишда мендан гумонсирашяпти, менинг кўрсатмаларимнинг тўғрилигини текшириб кўриш учун сизнинг ёнингизга ҳам бориб қолиши мумкин» деди. Сўзининг охирида «менинг телефон қилганлигимни айтмай қўяқолнинг» деб тайинлаганди. Шу сабабдан...

– Майли, бунга нима дейсиз? – Терговчи сумкасидан ҳужжат чиқарди. – Мана бу Эрмитаждан олинган экспонатларнинг кирим-чиқим ҳужжатлари. Қаранг, бу ерда «июл» ойи атайлаб «июн»га ўзгартирилган. Яъни ҳужжатнинг аслида экспонатлар июл ойида чиқим қилинганлиги қайд этилган бўлса-да, ўша ҳужжатнинг сизлардаги нусхасида «июл» «июн»га қалбакилаштирилган. Буни қандай изоҳлайсиз?

– Менинг бунга нима алоқам бор? – профессорнинг юзи тундлашди. – Йигитча сизга ўзи нима

керак! Мени ким... деб ўйлаясиз? Мен олимман, о-л-и-м-м-а-н, тушунасизми?

– Алберт Робертович, илтимос ўзингизни босиб олинг! Биз ўз хизмат бурчимизни бажараяпмиз. Саволларимизга сиздан жўяли ва асосли жавоб олмагунамизча кетолмаймиз!

– Яна қанақа савол? Ҳамма саволларингизга жавоб бердим шекилли! – профессор ўрнидан туриб кетди.

– Сиз Тамарага ёзган мактубда нимани назарда тутгансиз? Ўтган сафар сиз ҳам, Тамара ҳам гап Эрмитаждан берилган экспонатлар хусусида дея мени лақиллатгандинглар. Энди мактуб ўша экспонатлар берилишидан қарийб бир ой олдин ёзилганлиги маълум бўлди. Бунга нима дейсиз?

Профессор бир оз ўйланиб қолди. Сусана стол устидаги газета-журналлар орасидан бирини олиб, варақлаб ўтирарди. Профессорнинг терговчининг саволларига жавоб бермасдан «мум тишлаб» ўтириши унга ёқмади:

– Алберт Робертович, олим одамга ёлғон сўзлаш ярашмайди. Кимгадир ёрдам бериш учун ўзингизни хавф-хатарга қўйишингиз яхши эмас. Номингизга доғ тушириб нима қиласиз! Тўғриси айтинг қўйинг!

– Айтсам ишонмаяпсизлар! – профессор беўхшов жилмайди. – Мен мактубда ҳақиқатан ҳам Эрмитаждан олинган ашёлар хусусида ёзган эдим. Балки санани чалкаштириб юборгандирман... Бошқа нима ҳақида унга ёзишим мумкин?

Фахриддин саволни яна қайтарди. Аммо профессор аравани «қуруқ олиб қочиш»дан чарчамасди. Терговчи бу одамдан бирор нарсани билиб олиш амримаҳол эканлигини англади. Шу билан бирга олим одамнинг оддий ҳақиқатни тан олишни истамасдан кўра-била туриб ёлғон сўзлаб тур-

ганлиги унинг қўнглидаги шубҳа-гумонларни баттар кучайтираётгани: «Демак, профессор ҳаммасини билади. Ҳикмат олиб келган китоблар унинг қўлига тушганлиги аниқ. Йўқса бунчаликка бориб, имонидан кечиб ёлгон гапирмаган, талмовсирамаган бўларди. Ўзини бундай қатъиятсиз тутмаган бўларди. Лекин буни қандай исботлайди? Уйда тинтув ўтказиш лозимми? Ким бунга рухсат беради? Бу ер Арманистон бўлса! Прокуратурага ҳам умид қилиб бўлмайди. Мабодо профессор Ҳикматдан китобларни сотиб олганлиги исботланган тақдирда ҳам у миллат қаҳрамони бўлиб қолмайдими? Бир пайтлар Амир Темур томонидан олиб кетилган халқнинг миллий бойлигини ватанига қайтарган олим сифатида эъзозланмайдими? Йўқ, йўқ! Агарда китоблар унинг қўлида бўлса, уларни қайтариш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас! Гап Ҳикматнинг жинояти хусусида...»

Сусанна гапга аралашди:

– Профессор мана бу хабарни ўқиганмисиз? – деди у қўлидаги газетага ишора қилиб.

– Қ-а-й-с-и х-х-х-а-б-а-р? – Алберт Робертвич дудуқланди.

– Мана бу ерда шахси маълум қилинмаётган коллекционер томонидан давлат музейига X–XII асрларга оид 10 дона ноёб қўлёзмалар топширилганлиги хабар қилинмоқда. Ўқиганмидингиз? – Аёл прокурорларга хос виқор билан газетани профессорнинг олдида ташлади.

– Ўқиганман! – деди Алберт Робертвич газетага эътибор қилмай.

Фахриддин шоша-пиша ўрнидан туриб, газетани қўлига олди. Аммо арман тилидаги ёзувларга тикилиб, ҳеч нарсани англай олмай Сусанага юзланди:

– Ростданми? Бу ерда шунақа деб хабар берилганми? Ким топширган бўлса? Демак...

– Менимча, ким топширганлиги ўз-ўзидан маълум! – деди Сусана ҳамшаҳридан кўз узмай.

Профессор индамади. Стол устидан сигарета олиб, тутатди. «Демак у топширган! Сукут аломати ризо!» хаёлидан ўтказди терговчи.

– Тўғри, ўша китобларни давлат музейига мен топширганман. Тамара... илтимос қилганди... – профессор чуқур тин олди.

– Қўлёзмаларни Тамарадан олганмидингиз?

– Ҳа...

– Китобларнинг сони қанча эди?

– Қанақа қўлёзмалар эди? Уларнинг рўйхати сизда борми? Қанча суммага сотиб олгансиз? – терговчилар саволларни қалаштириб ташлашди.

– Мен қўлёзмаларни кимдан олганимни айтдим. Ҳар ҳолда уларни ўғирлаб олганим йўқ! Ҳаммасини давлат музейига топширдим... Ахир улар арман халқига тегишли дурдоналар...

– Алберт Робертович гап уларнинг қайси халққа тегишлилиги ҳақида эмас! – Фахриддин Каримович чидаб туролмади. – Сиздан бир нарсани талаб қилаяпмиз! Бўлган воқеани айтиб беринг, тамом-вассалом!

– Сизларга нима кераклигини билмайман! Такрор айтаман – мен қўлёзмаларни Тамарадан олдим. Ҳаммасини давлат музейига топширдим! – профессор шкаф тортмасини титкилаб, бир варақ қоғоз чиқарди ва уни терговчига узатди. – Мана ўша китобларнинг ҳужжати!

Фахриддин қоғозга кўз югуртирди: ҳақиқатда 10 дона китоб музейга топширилгани қайд этилган. «Қолганини нима қилган бўлса? Ёки ростдан ҳам Тамара унга фақат 10 дона китоб сотдимикин?»

– Демак музейдаги ҳужжатларнинг қалбакилаштирилиши Сизнинг ишингиз экан-да! – Сусана профессорга еб қўйгудек тикилди. – Сиздек ҳурматли олим кишига ёлғон гапириш уят эмасми?

– Биласизми... с-и-н-г-л-и-м! ...ан. Лекин

– Мен сизга сингил эмасман! – деди аёлчизи  
вуққонлик билан.

– Биласизми прокурор хоним, ҳаётда ким-нингдир кунига яраш, бировга нафинг тегиши учун ўзинг бир умр амал қилиб келган, муқаддас билган инсоний тамойилларингдан чекинишга тўғри келар экан. Ўрни келганда ёлғон сўзлашга ҳам мажбур бўласан киши...

– Яхшилик қилиш учун қонунни бузиш шартми? – эътироз билдирди Фахриддин.

– Қонунбузарлик нисбий тушунча! Балки менинг хатти-ҳаракатим сизнинг давлатингиз қонунларига хилофдир. Аммо мен ўз мамлакатим қонунлари билан яшайман... Такрор айтаман – мен арман халқига тегишли қадимий дурдоналарни ўз эгасига қайтардим... Бу китобларни энди сизга ҳеч ким бериб қўймайди. Биласизми, халқимиз орасида Амир Темур ҳақида бир ривоят юради. Унинг қўшинлари Арман заминидан ўтиб кетаётганда бир монастирга дуч келишибди. Темур қўшинлари дарвозаларни очишни талаб қилибди. Монастрдагилар бунга рози бўлишмасдан ўрнига катта миқдорда олтин ваъда қилишибди. Ўша пайтларда уруш қоидаларига биноан ҳаёти сақлаб қолинган мағлуб томон голиб томонга омонлик солиғини тўлашган... Монастрдагиларнинг таклифи Амирга маъқул келмапти. Анча ўйланиб туриб келган элчиларга «майли, кимки омонлик истаса, ўз оғирлигига тенг китоб келтирсин!» деб шарт қўйибди. Монастр аҳли бу талабни узоқ муҳокама қилиб, ўлимга рози эканликларини изҳор қилибдилар. Бундай қарордан таъсирланган хоқон «халқнинг маънавий меросини ўз жонидан афзал кўрган эл яшашга ҳақли» деган фармон берган экан... Бу ривоятда арман халқининг китобга бўлган эътиқо-

ди билан бирга тилладан китобни афзал кўрган, ўлимга маъқум этилган душманни фақат китоб-севарлиги учун ардоқлаб, омонлик берган Буюк Амир Темирнинг мардлиги мадҳ этилаётганлигини тушунгандирсиз...

– Раҳмат! Яхши ривоят экан! – деди Фахриддин ҳаяжонини яширолмай.

– Ҳа, бу бир ривоят, аммо ҳар қандай ривоятнинг замирида ҳақиқат ётади! – Профессор ўрнидан қўзғалди.

Сусана бу саркаш одам билан тортишиб ўтириш бефойдалигини фаҳмладими ёки унинг миллатпарастликка йўғрилган гапларидан таъсирландими бошқа гапирмади...

\* \* \*

Музей директори хонасида қўлёзмаларни кўздан кечирар экан, Фахриддиннинг юраги қинидан чиққудек хапқириб кетди. Кўнгли алланечук бўлиб, бир нарса бўғзига қадалгандай бўлди. Нима бўлаётганини унинг ўзи ҳам тушунмасди. Бу нимаси? Қандай ҳиссиёт бўлса? Ғурурми, фахрми, ачинишми, қувончми, аламми? Буюк Амир Темур соҳибқирон, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи каби алломалар нигоҳи тушган бу нодир асарларда қандайдир бир илоҳий қудрат яширинми? Ё уларнинг руҳлари шу ерларда кезиб юрибдимикин? Ахир шунча китоб ўқиб, бундай ҳолатга тушмаган эди-ку! Орадан беш юз – олти юз йил ўтган бўлса-да, қўлёзмаларнинг оҳори тўкилмасдан бус-бутун сақланганини қаранг! Улуғ аждодларимиздан бу борада ҳам ибрат олса арзийди. Қўлёзмаларни шундай беталофат, асл ҳолича сақлаш учун нима қилишган бўлса. Китобларни туя терисидан ясалган ҳаво ўтказмайдиган махсус қопларда сақлаган дейишарди, шу гап тўғримики? Варақлари

бир оз сарғайган бўлса-да, жигарранг чарм муқоваси ялтираб турибди.

– Фахриддин Каримович! – Сусананинг ёқимли овози терговчининг хаёлини бузди. – Нима қиласиз? Қўлёмаларни ҳеч ким сизга бериб қўймайди. Бунинг учун давлатларимиз ўртасида келишув бўлиши лозим...

– Мен ҳам шуни ўйлаб тургандим. Рахбариятга ахборот бердим. Ўзлари ташқи ишлар вазирлиги орқали бир йўлини қилишар. Агарда сиз ёрдам қилсангиз, иш осонроқ...

– Йўқ, йўқ! Мен бу масалага аралаша олмайман. Қолаверса, қўлёмалар арман халқига тегишли...

– Тушунаман! Аммо улар жиноят иши бўйича далилий ашё сифатида ўтаяпти-да! Балки вақтинча...

– Хаёлингизга ҳам келмасин! – Сусананинг тим қора қошлари чимирилди. – Бу қўлёмалар бизнинг миллий бойлигимиз!

– Ахир давлатларимиз ўртасида ҳуқуқий ёрдам тўғрисида шартнома бор! – бўш келмади Фахриддин.

– Ўша шартномада халқнинг миллий мероси бериб юборилсин дейилмаган. – Аёл жиддийлашди.

– Сиз мутлақо ҳақсиз! Биз буюк арман халқини, офатижон арман гўзалларини чексиз ҳурмат қиламиз! – йигит энгашиб, таъзим бажо қилди. Қизнинг лабига табассум югурди...

\* \* \*

Шомга яқин Тошкентга етиб келган Фахриддин дастлаб ишхонасига кириб, Тоҳир Ғофуровичга хизмат сафари тафсилотлари ҳақида ахборот берди:

– Нима бўлганда ҳам Россия ва Арманистонга қилинган сафарлар бесамар бўлмади. Асосийси Ҳикматнинг қадимий қўлёмаларни яширинча жинойий йўл билан Республикамиздан ташқарига олиб чиқиб,

жуда катта суммага сотганлиги факти исботланди. Рад этиб бўлмас далилларга эга бўлдик.

– Энди нима қилмоқчисиз? – деди раҳбар уни тинглаб бўлгач босиқлик билан.

– Республикамиздан четга олиб чиқиб кетилган нодир қўлёмаларни қайтариш масаласини ҳукуматлар миқёсида ҳал қилиш талаб этилади. Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасига ёки ташқи ишлар вазирлигига ахборот тайёрласамикин?

– Тўғри, бу қўлёмаларни қайтариш муаммо бўлади. Сиз батафсил ахборот тайёрланг, мен раҳбарият билан гаплашаман. Дипломатик йўл билан қайтаришга ҳаракат қиламиз. Аммо мени бошқа масала ташвишга солмоқда. Асосий ишдан чалғиб кетмадикмикин?

– Ҳикматнинг бошдан-оёқ ёлғон кўрсатмалар бериб, терговни чалғитиб келганлиги, Амир Темур кутубхонасига тегишли қадимий қўлёмаларни чет элга сотиб, катта даромад олганлиги исботланди. Қолган гапни энди унинг ўзи айтиб берса ажаб эмас...

– Шундай деб ўйлайсизми? «Ҳа, китобларни сотганман, аммо чўпоннинг ўлимига алоқам йўқ!» деб туриб олса, нима қиласиз?

– Шундай дейиши турган гап. Аммо менинг фаразимча, Ҳикмат билан чўпоннинг манфаатлари кутубхона масаласида тўқнашган. Кутубхонани топсак, қотилга чиқишимиз...

– Шу кутубхонани топилишига ишонасизми? – Тоҳир Ғофурович терговчининг гапини бўлди. – Топилганда ҳам орадан шунча вақт ўтиб кетган... қўлёмаларнинг бут сақланишига ишониниш қийин...

– Мен ҳам шунақа фикрда эдим. Аммо Ереванда кўрганларим... Ҳикмат сотган ўша китоблар яп-янгидай турибди... Ота-боболаримиз қўлёмаларни сақлашнинг сирини яхши билишган шекилли. Кутубхона топилса...

– Майли, нима бўлганда ҳам ўйлаб иш қилинг. Тергов муддати тугаб бораётганини ёддан чиқар-

манг! Қизиққонлигингизни қадрлайман. Лекин бошқа ишларга ўралашиб қолмаслигингизни маслаҳат бераман. Биз археолог эмасмиз. Бизнинг ишимиз қотилани топиб, ишни судга ошириш. Тушунарлими? – бошлиқ сўзни мухтасар қилди.

– Тушунарли! – Фахриддин ўрнидан қўзғалди.

– Ҳа, дарвоқе Питердаги тезкор ходим ҳам қайтдими?

– Йўқ, у ҳали ўша ерда. Эрта-индин ёрдамга Санжарбекни ҳам юбораман. Қолган ишларни яқунлаб келишади.

– Яхши, ўзингиз қачон қайтмоқчисиз?

– Рухсат берсангиз эрталаб йўлга чиқсам...

– Яхши, бугун дам олинг! Бола-чақани ҳам эсдан чиқарманг! Келин аразлаб, отасиникига кетиб қолмасин тагин!

– Кетиб қолмас... улар ҳам ўрганиб қолишди.

– терговчи бошлиқ билан хайрлашиб, кўтаринки кайфиятда уйига қайтди...

Иш вақти бошланмасдан Самарқандга етиб келган Фахриддин тергов гуруҳини йиғди. Гуруҳ аъзолари ўзларига топширилган масалалар юзасидан амалга оширилган тадбирлар тўғрисида маълумот беришди. Бошлиқ гарчи барча маълумотларни телефон орқали олиб турган бўлса-да, ҳар бир ходимнинг гапини диққат билан тинглади. Ҳисоботни яқунлар экан, Санжарбек овозига расмий тус берди:

– Олиб борилган тергов-тезкор тадбирлар биз кутган натижаларни бермади. Барча тахминлар бўйича ишлар давом этаётганига қарамасдан калаванинг учини топиш имкони бўлмапти. Шунга қарамасдан... айрим....

– Хўш, хўш! – Фахриддин сергакланди.

– Кунни кеча Шаҳрисабздаги агентимиздан тиллафурушга беш дона қадимий олтин тангалар топширилганлиги ҳақида маълумот олинди. Айтишла-

рича, биздаги тиллалар билан бир хил эмиш. Балки шундан бирор нарса...

– Натижа чиқадими-йўқми бу – иккинчи масала. Зудлик билан йигитлардан бирини олиб ўша ёққа жўнанг! – Гуруҳ раҳбари «гапни шундан бошламайсизми?» дегандай Санжарбекка тикилди. – Тилла тангаларни ким топширган, қаердан олган, шахси қанақа, хуллас, ҳаммасини бир бошидан текшириб кўриш керак! Агар ўша тангалар ҳақиқатан ҳам чўпоннинг тиллалари билан айнан бир хил бўлса, бизни жиноятчининг изига олиб чиқиши мумкин.

– Биз ҳам шу фикрдамиз! Унда бизга рухсат! Заурият бўлса, қўнғироқ қиламан! – Санжарбек қўлидаги қоғозларни йиғиштириб, кетишга тайёрланди.

– Яхши! Мени хабардор қилиб тулинг! Дарвоқе, Ҳикматни олиб келишадими?

– Буюртма берганман, тез орада олиб келишса керак!

Фахриддин гуруҳнинг бошқа аъзоларига ҳам тегишли кўрсатмалар бериб, йиғилишни якунлади ва хонасига кириб, Ҳикмат билан учрашувга тайёргарлик кўра бошлади.

Соат ўн бирларга яқин милиция ходимлари ранги-рўйи заъфарон, юзлари сўлғин, соқол-мўйлови бетартиб ўсиб кетган Ҳикматни олиб келишди. Тавба одам ҳам қисқа муддат ичида шунчалик чўкиб қоладими? Аввалги шахдидан, виқоридан асар ҳам қолмагандай. Ҳа, тутқунлик, эрксизлик ёмон нарса! Ҳар қандай ўзига бино қўйган одамни ҳам синдириб қўяди. Шундай ақлли, олим одам шу қўйга тушиб ўтирса-я! Наҳотки қилаётган ишининг охири «вой» бўлишини англамаган бўлса!... Англаган! Ҳаммасини пухта ўйлаб, устамонлик билан амалга оширган!

Милиция ходимлари маҳкумнинг қўлидаги кишанини ечиб, чиқиб кетишди. Ҳикмат терговчи

кўрсатган ўриндиққа омонатгина ўтирди.

– Ҳикмат ака, яхшимисиз? Кўришмаганимизга ҳам анча бўлди. Соғлигингиз қалай? – Терговчи узоқ давом этиши кутилаётган «суҳбат»ни ўйлаб, мулойимлик билан гап очди.

– Раҳмат, дуруст! – деди Ҳикмат хўмрайганча.

Терговчи сўроқни бошлашдан олдин, ёнида турфа хил хаёллар оғушида таъби тирриқ бўлиб турган кишининг кайфиятини бир оз бўлса-да кўтариш, кўнгила қулфини очиш, юрагига йўл топиш ва шу аснода ундан бор ҳақиқатни «суғуриб» олиш мақсадида тасалли берган киши бўлди. Илмий иши қайси мавзуда эканлиги, хорижий тилларни қандай ўзлаштирганлиги, тилни ўрганишнинг мураккаблиги ва афзалликлари, оиласи, болалари, келажакдаги режалари ҳақида майдалаб суриштирди. Бошида «ҳа», «йўқ»дан нари ўтмай турган Ҳикмат оиласи ҳақида гап кетганда сал юмшагандай бўлди:

– Икки фарзандим бор: Алишер, Бобур. Ният қилиб, икки буюк бобомизнинг номларини қўйганман. Каттаси тўртинчи, кичиги иккинчи синфда ўқийди. Ҳозирданоқ ўзбек, тожик тилларидан ташқари рус, инглиз тилини яхши билишади. Араб тилини ўрганишмоқда. Мактабда аъло баҳоларга ўқишади. Шахмат тўғарагига қатнашади...

– Ҳавас қилса арзигулик! Шу ёшида 3-4 та тилни билишнинг ўзи бўлмайди. Ҳақиқий иқтидор эгалари экан, ишқилиб кўз тегмасин! – деди терговчи пиёладаги кўк чойни узата туриб.

– Ҳа, болаларимизнинг барчаси ҳам қобилиятли! Мен кўплаб давлатларда бўлганман. Кузатганман. Айтайлик, англиялик болалар асосан инглиз, француз болалари француз, бразилиялик болалар асосан португал тилини билишар экан. Уларнинг орасида икки тилни ўзлаштирганлари жуда кам. Бизда эса деярли ҳамма болалар икки тилни, кўп-

чилик учта тилни, баъзилари эса тўртта-бештага-ча тилни билишади...

– Аммо кўпчилик ота-оналар фарзандларининг қобилиятларига вақтида эътибор қаратмайдилар! – терговчи атайлаб ҳамсуҳбатини баҳсга чорлади. Ўқ «нишон»га бехато теккан эди.

– Афсуски, шундай! Бу биз ота-оналарнинг энг катта қусуримиз! Ҳар бир болани Оллоҳ ўзига хос сифатлар билан сийлайди, – ҳамсуҳбатининг берилиб тинглаб турганини сезиб, Ҳикмат жўшиб кетди. – Истеъдод бировда очиқ, бировда яширин бўлади. Ота-онанинг асосий вазифаси эса ана шу қобилиятни ўз вақтида илғаб, рўёбга чиқариш, болага тўғри йўналиш бериш, унинг ўз имкониятларини тўлиқ намоён этиши учун шарт-шароитларни яратишдан иборат. Бола мисоли тоғдан шарқираб оқаётган жилға. Бошқарсанг, йўналтирсанг умид отлиқ уммонларга бориб қўшилади. Ўз ҳолига ташлаб қўйсанг жилға ношудлик қумига сингиб кетиши ёки «сассиқ кўл»га келиб қўшилиши ҳеч гап эмас. Биз ота-оналарнинг бепарволиги ва лоқайдлиги оқибатида қанчадан-қанча истеъдодлар очилмай қолмоқда, не-не жилғалар қумга сингиб бормоқда. Энди бу борадаги қарашларни ўзгартирадиган, янги ва ноанъанавий усулларни қўллайдиган вақт келди...

– Сиз мутлақо ҳақсиз! Бола тарбияси ҳамма замонларда ҳам, Абдулла Авлоний айтганларидек, «ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир», – терговчи «тўғримиди, адашмадимми?» дегандай ҳамсуҳбатига тикилди.

– Ҳа, Авлоний жаноблари ҳақ гапни айтганлар!

Орага бир муддат жимлик чўкди. Ҳар икки тараф ҳам масаланинг расмий томонига ўтишга фурсат келганлигини фаҳмлашди. Ҳикмат «мен

тайёр, беринг саволларингизни!» дегандай терговчига жавдиради.

– Ҳикмат ака! – ниҳоят Фахриддин мақсадга кўчди. – Бизга ҳаммаси маълум... Нодир қўлёзмаларни Россияга олиб чиқиб кетганлигингиз... Кимларга, қанчага ўтказганлигингиз! Гапираверайинми ёки ўзингиз... – Фахриддин «ёлгон кўрсатма берган экансиз, бизни чалғитмоқчи бўлдингизми?» деб юбормоқчи бўлди-ю, «иш»ни бузиб қўйишдан чўчиб, ўзини тийди.

– Ҳаммаси Норбўта чўпон билан танишувимиздан бошланди, – чуқур хўрсиниб, сўз бошлади Ҳикмат. – Илк бор у менга ўн дона қўлёзмалар олиб келганда «китоблар бобомдан мерос қолган», деганди. Мен уларни арзонроқ баҳода олиб қолдим. «Яна бўлса олиб келинг!» дедим. Бир оз вақт ўтиб, у бир талай қўлёзмаларни кўтариб келиб қолди. Бу ҳол бир неча марта такрорлангач, менда «чўпон китобларни қаердан олаётган бўлса экан-а?» деган савол туғилди. Ўзидан сўрасам «Бобом раҳматли ўта маърифатли киши эди. Ундан анча-мунча китоблар қолганди. Тирикчилик деганларидай, уларнинг бир қисмини сотишга мажбур бўлдим», – дерди. Мен Темурийларнинг йўқолган кутубхонаси тўғрисида ўқигандим. Қўлёзмаларда уларнинг шу кутубхонага тегишли эканлиги ҳақида махсус белги бор эди. «Наҳотки чўпон йўқолган кутубхонани топган бўлса!» деган хаёл менга тинчлик бермай қўйди. Чўпоннинг бизни таништирган Раиса Халиловнага тилла буюмлар, тангалар топширганлигини эшитиб, хавотирим янада ортди. Шу пайтгача йўқолиб кетган деб ҳисобланадиган, ўзида камида ўн беш мингдан ортиқ қўлёзмаларни бирлаштирган Амир Темур кутубхонасининг топилиши асримизнинг энг буюк кашфиёти бўларди. Бу ҳақиқий сенсация дегани эди. Аммо чўпон анчагина пухта

экан. Кутубхонани топганлигини тан олгиси келмасди. Ҳеч нарса бўлмагандай ўзини бепарво тугарди. Норбўтанинг гаплари чин ёки ёлгон эканлигини аниқлаш мақсадида бир неча бор Қашқадарёга боришга тўғри келди. Сўраб-суриштирсам чўпонга на отасидан, на бобосидан китоблар мерос қолмаган. Уларнинг борлигини яқинлари ҳам билмайди. Чўпон бир умр камтарона яшаб келган, фақат сўнгги йилларда хатти-ҳаракатида ҳавола ниш, кеккайиш аломатлари кузатила бошлаган... Менга бу ноёб ва сирли кутубхонани топиш ишти ёки тинчлик бермай қўйди. Ҳаловатим буткул йўқолди... Бир келганда чўпонни қистовга олдим: «Темурийлар кутубхонасини қандай топдингиз, айтинг?» деб туриб олдим. Чўпон тан олишни истамасди. Шунда «менинг шахрисабзлик бир қадрдоним сизни, отангизни таниркан. Ундан сўрасам «Норбўтанинг отаси ҳам, бобоси ҳам чўпон ўтган, кутубхонаси тугул бир дона китоби ҳам бўлмаган!» деб жавоб берганини айтдим. У эса «Китобларни очарчилик йилларида кимдир бобомга ўнта қўй эвазига берган экан. Бобом ҳукуматдан қўрқиб, уларни кўздан пана жойга яшириб қўйган», дея вазиятдан чиқиб кетди...

Фахриддин ҳамсуҳбатининг овози пасайиб бораётганидан томоғи қақраб бораётганини англаб, пиёлани тўлдириб, унга чой узатди.

– Раҳмат! – Ҳикмат чойдан қониб ҳўплаб, сўнг сўзида давом этди. – Хуллас, чўпон ҳаловатимни бузди. Темурийлар кутубхонаси сирини билиш учун маълумотлар тўплашга киришдим. Буни қарангки, ўқиган сарим, ўрганган сарим хаёллар мени Норбўта чўпон яшайдиган замин, Падаркуш тоғлари томонга етаклаётгандек эди... Чўпонни кузатмоқчи бўлдим. Бир неча марта Ҳазрати Башир қишлоғига бордим. Чўпоннинг қўтонини

топиб, узоқдан пойлашга тушдим. Сал наридаги дарага чодир тикиб, бир неча кун яшадим. Фойда бўлмади. Чўпон моллари ортидан бир неча бор тоққа қараб чиққан бўлса-да, унинг хатти-ҳаракатларида ҳеч қандай шубҳали ҳолат сезилмади. Шаҳар бўлса бошқа гап. Очиқ жойда бировни кузатишнинг ўзи бўлмаскан! Бегона киши дарров кўзга ташланади. Бир неча чўпонлар билан танишишга тўғри келди. Уларга ўзимни геолог сифатида таништирдим. Норбўтанинг «хитланиб» қолишидан қўрқиб, қўнилғамни тез-тез алмаштириб турдим... Йўқ, уринишларим бесамар бўлди. Шунда калламга бир фикр келди... Самарқандга қайтиб, батареяда ишлайдиган яширин видеокузатув мосламисини топдим. Сўнг уни олиб бориб чўпоннинг қўрасидан тоққа қараб кетувчи асосий сўқмоқларга сездирмасдан ўрнатиб чиқдим. Видео аппарат ўн-ўн беш кун давомида узлуксиз ишлаб, атрофдаги воқеаларни хотирасига муҳрлаш имконига эга эди. Сўнг шаҳарга қайтиб, кунларни санай бошладим... Ниҳоят, ўн беш кун ўтгач, тоққа бориб, видеотасвирларни олиб келдим. Икки кун давомида уларни диққат билан кўздан кечириб чиқдим. Тасвирлар орасида Норбўтанинг азонда бўш хуржун билан тоғ томонга ўтиб кетиб, пешинга яқин тўла хуржунни орқалаб қўтонга қайтгани диққатимни ўзига жалб этди. Тасмани қайта-қайта, секинлаштирувчи ҳолатда айлантириб, синчковлик билан кузатиб, чўпоннинг тоғдан ниманидир олиб қайтганига амин бўлдим. «Булар шаксиз қўлёмалар бўлса керак!» деган тўхтамак келдим. Амир Темур кутубхонасини топгандай эдим... Тасвирлар мен тахмин қилгандай Падаркуш чўққиси томонга чиқиладиган сўқмоқдан олинган эди. Энди йўналиш аниқ эди. Қидирув доираси анчагина қисқарганди. Ўзимча кутубхона жойлашти-

рилган ғорни бир зумда, қийинчиликсиз топсам керак деб ўйлагандим. Афсус, ундай бўлиб чиқмади. Уч кунлик уринишларим зое кетди. Падаркуш йўналишидаги шубҳали туюлган ҳар бир қоя, ҳар бир харсанг, ҳар бир ковакни обдан чиғириқдан ўтказдим. Ғорнинг оғзини ёхуд унга олиб борувчи йўлакни тополмадим... Аниқ жойини билмасдан бу поёнсиз тоғу тошлар орасидан жуда пухталиқ билан бекитиб ташланган ғорнинг оғзини излаш ўрмонда игна излаш билан баробар экан.

Ҳикмат бир муддат жимиб қолди. Пиёладаги совуқ чойдан ҳўплаб, томоғини ҳўллади. Сўнг оғир хўрсиниб, гапида давом этди:

– Вақт кетса ҳам қидирув доирасини қисқартишга мажбур эдим. Энди Падаркуш чўққиси этагидаги саккизта нуқтага видеокамералар ўрнатилади. Орадан ўн беш кун ўтиб, тасвирлар таҳлил қилинганда объективда мени қизиқтирадиган маълумотлар мавжуд эмаслиги маълум бўлди. Яна омадсизлик. Лекин мен тушқунликка тушмадим. Мен қидираётган нарса шу атрофда эканлигини кўнглим сезиб турарди. Мақсад сари тобора яқинлашиб бораётганим аниқ эди. Норбўтанинг кўнгли бир нарсани сездими, мен кутган жойга йўламай қўйди. Мен уни қизиқтириш учун кўнғироқ қилиб, «яхши мижоз чиққанлигини айтиб, китоблардан кўпроқ келтиришни тайинладим. Орадан 2 кун ўтиб, у бир талай китобларни кўтариб кириб келди. Мен уларни яхшигина нархда олиб қолдим. Кейинги кун тоққа бориб, видеотасвирларни кўздан кечирдим. Тағин омадсизлик... Нима қилишимни, қандай йўл тутишимни билмай қолдим. Бахтга қарши чўпон кўнғироқларимни олмай қўйди. Олдига боришга мажбур бўлдим. Тузуқкина мижоз борлигини баҳона қилиб, қўлёзмалардан бўлса, анчагина сотиб олишим мумкинлигини билдирдим.

У эса «Йўқ, қолмади! Бобойнинг меросини сотиб тугатдим», деб туриб олди. Шунда унинг нимадан-дир ҳайиққанлигига иқрор бўлдим. «Ёки пул зарурияти бўлмагани учун хазинани вақтинча очмасликка қарор қилдимикин», – деб ўйладим. Хуллас, боши берк кўчага кириб қолдим. Қўлимни ювиб, қўлтиққа урмоқчи ҳам бўлдим. Балки чўпон рост гапираётгандир, ҳеч қанақа кутубхона йўқдир. Балки чиндан ҳам Соҳибқирон кутубхонасига тегишли қўлёмалар бир пайтлар унинг бобосининг қўлига тушиб қолгандир. Ахир турли замонларда шундай китобларнинг бозорларда сотилгани маълум-ку!... Унда видеотасвирдаги воқеалар... чўпон бир хуржун китобларни қаердан олиб келаётган бўлса! Тоққа қараб кетишда хуржун бўш эди. Қайтишда хуржун тўла! Балки хуржундаги ўт-ўлан ёки гиёҳдир! Балки ўтин, тош ёки соз тупроқдир! Видеотасвирларни олиб, секинлаштириб, йириклаштириб кўздан кечирдим. Йўқ, бу китобдан бошқа нарса эмас! Хуржундан бир қўлёманинг учи ҳам салгина чиқиб турибди. Чўпон тоғдан китоб олиб қайтган. Нима бобосининг хазинасини тоққа яширибдими? Бу мантиққа тўғри келмайди. Демак, кутубхона бор нарса! Фақат уни топиш лозим! Сирли кутубхонани топиш умиди менга тинчлик бермай қўйди. Бу иш ҳаётимнинг мазмунига айланиб қолгандай эди. Кўнгил душман деганларидай чўпонни гапиришга мажбур қилсаммикин деган хаёлга ҳам бордим. Йўқ, йўқ! Бу номаъқул йўл! Жиноятга аралашиб қолиш кутубхонани йўқотиш билан баробар эди...

Ҳикмат бир нуқтага тикилганча ўйланиб қолди. Унинг сўзларидан ўзича хулоса чиқариб ўтирган Фахриддин пичирлади:

– Қайсар чўпонни ўлдиришдан бошқа иложингиз қолмаган, шундайми?

– Бир нима дедингизми? – Ҳикматнинг хаёли бошқа ёқда эди. – Тушунмадим, нима дедингиз?

– Энди чўпонни қандай ўлдирганингизни гапириб беринг деяпман!

– Йўқ, уни мен ўлдирмаганман! – Айбланувчи ярашиқсиз тиржайди. – Менга қотилликни ёпиштира олмайсиз?

– Майли бу гапни қўя турайлик! – терговчи ичидагини сиртига чиқариб, нотўғри қилганини англаб, гапни бошқа томонга бурди. – Хўш, давом этинг, кейин нима бўлди?

– Хуллас, менинг барча уринишларим зое кетди. Тоғни илма-тешиқ қилиб юбордим. Бирор из, бирор илинж топилмади... Шаҳар билан тоғнинг ўртасида бўзчининг моксидай қатнадим... Сўнг бу ишга геологларними, археологларними ишқилиб мутахассисларни техникаси билан жалб қилиш лозим деган хулосага келдим. Бунақа шахсни топиш ҳам осон эмас экан... Излай бошладим... Қутилмаганда чўпоннинг ўлими... ҳамма режаларни чиппакка чиқарди... Бор гап шу... Яна нимани айтай?...

– Сиз Норбўтанинг ўлимини қачон, кимдан эшитдингиз? – терговчи савол-жавобни бошлади.

– Афсуски, мен ўша куни тоғда эдим. Қўтон томонда милиция машиналари... шапкали кишилар кўпайиб қолганини кўриб, дарров қишлоққа – Ҳазрати Башир зиёратгоҳига қайтдим. Одамлардан чўпонни ўлдириб кетишганини эшитдим. Қўрқиб кетдим. Шошинич Самарқандга қайтдим...

– Сизнинг каллангизга келган ишни кимдир бажарганидан ҳайратга тушмадингизми?

– Нега унақа дейсиз! Мен... мен ... чўпонни ўлдириш хаёлимда бўлмаган. Унинг ўлими менга керак эмасди. Ахир у йўқолган кутубхона сирини биладиган ягона одам эди-ку! Аксинча қайғуга ботдим. Ачиндим...

- Қотил ким деб ўйлайсиз?
- Ўйлаб ҳеч ўйимга етолмайман. Чўпоннинг ўлими кимга керак бўлиши мумкин? Кимдир бойлик учун... яна билмадим... Балки душманлари бўлгандир...
- Сиз кутубхона тўғрисида бирор кишига гапирганмидингиз? – терговчи чуқурлаша бошлади.
- Ҳеч кимга оғиз очмаганман.
- Видеокамерани қаердан олгандингиз? Тасвирлар ҳозир қаерда?
- Камерани Питердан сотиб олгандим. Фойда бермагач, бир одамга сотиб юбордим...
- Кимга?
- Кимлигини билмайман. Кўчада танишиб қолгандик. Қўлимда аппаратни кўриб, «сот» деб туриб олди.
- Яна ёлғонни бошладингизми? – Фахриддин нозилик билдирди. – Ким ишонади шу гапингизга? Кап-катта олим одамнинг гапига қаранг!
- Ҳикмат бошини хам қилиб, индамай ўтирарди.
- Хўп майли! Видеотасвирлар қаерда?
- Яшириб қўйганман!
- Қаерга?
- Уйда... ертўлада.
- Уйингизда ертўла бормиди? Биз тинтув ўтказганда айтмагандингиз-ку! – терговчи ўрнидан туриб кетди.
- Сизлар мендан сўрадингизларми? – Ҳикмат тўмтайди.
- Яхши, яхши! – деди Фахриддин бир парда пастга тушиб. – Мана телефон, айтинг уйдагиларингиз келтириб берсин... илтимос!
- Ҳикмат қўнғироқ қилиб, кимгадир ертўладаги қора портфел чўнтагидаги иккита тасмани прокуратурага олиб келишни тайинлади. Орадан ярим соат ўтар-ўтмас Ҳикматнинг хотини – Гулзода тасмаларни олиб келди. Фахриддин ишнинг

кетишини ўйлаб, эру хотиннинг гаплашиб олишларига имкон берди. Мутахассислар тезда тасмаларни томоша қилиш учун зарур бўлган ускуналарни ҳозирлашди. Гуруҳ раҳбари тасмаларни гоҳ тезлаштириб, гоҳ секинлаштириб кўриб чиқишга киришди. Тасвирлар пайдо бўлган кадрларни диққат билан кўриб чиқар экан, хаёлидан «Ҳикмат ёлғон гапирмаган экан!» деган фикр ўтди. Норбўта хуржун кўтариб ўтган тасвирларни бир неча бор ортга қайтариб, қайта-қайта кўрди. Ҳақиқатда чўпоннинг хуржунидагилар китобга ўхшайди. Битгасининг учи тўрвадан сал чиқибам турибди. Нима бўлгандаям экспертларга бериш лозим, яхшилаб таҳлил қилиб, хулоса беришсин.

Фахриддин гуруҳ аъзоларидан бирини чақириб, тасмалар бўйича экспертлар хулосасини олиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлаш тўғрисида топшириқ берди. Ўзи эса аёли билан учрашиб, озгина бўлса-да баҳри-дилини ёзиб олган Ҳикмат билан суҳбатни давом эттирди:

– Демак, камерани кимга сотганингизни билмайсиз, шундайми?

– Кимлигини сўраб ўтирмапман-да! Аммо, кўрсам танисам керак... Ҳар ҳолда...

– Шунисига ҳам раҳмат! Сиз техникани ҳам яхши тушунасизми? Яъни демоқчиманки, камераларни ўзингиз ўрнатдингизми?

– Ҳар қандай усқунанинг паспортида ундан фойдаланиш қоидалари ёзиб қўйилади. Ўқиб чиқилса, бемалол... ишлатса бўлади.

– Тўғри, лекин шундай мураккаб асбобни ишла тиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди! – терговчи шубҳасини яширмади. – Яна ҳеч кимсасиз тоғ шароитида...

– Мен борини айтдим! Ишониш, ишонмаслик ўзингизга ҳавола! – деди Ҳикмат қовоғи осилиб.

– Майли, рост гапираяпсиз деган умиддаман!  
Давом этамиз! Кейин нима бўлди...

– Кейин нима бўларди! Мен Самарқандга қайтдим... Бу ёғини ўзингиз биласиз!

– Темурийлар кутубхонаси нима бўлди? Топдингизми?

– Топганимда шундай ўтирармидим!

– Демак, кутубхонани тополмадингиз! Шундайми?

– Кутубхонанинг ишга нима алоқаси бор?

– Алоқаси бор! Сиз саволга жавоб беринг! – терговчи жиддийлашди.

– Мен саволларингизга жавоб бердим! Яна саволингиз бўлса...

– Яхши, агар кутубхонани топмаган бўлсангиз Россияга олиб борган шунча қўлёзмаларни қаердан олдингиз! Майли, уларнинг бир қисмини Норбўтадан сотиб олдингиз ҳам дейлик!

– Чўпондан анчагина қўлёзмаларни сотиб олгандим... Шуларни Питерга олиб кетганман.

– Халқимизнинг маънавий бойлиги бўлган бу ноёб қўлёзмаларни Республикадан четга олиб чиқиш жинойт эканлигини билармидингиз? – Фахриддин «хужум»га ўтди.

– Мен улар билан танишиб чиқдим. У китоблар бизга унчалик керак эмас... арманлар учун ҳақиқатда қимматли... – деди Ҳикмат бўшашиб.

– Ким айтади сизни олим одам деб. Соҳибқирон бобомиз у дурдоналарни не азобда юртимизга келтирган... Мирзо Улуғбек уларни жоҳиллардан ҳимоя қилиш учун... шунча йил асраган... Сиз эса ўз манфаатингиз йўлида чет элга пуллагансиз! – Фахриддин босиқлик билан гапиришга уринса-да, овози баландроқ чиқди.

– У қўлёзмалар биз учун унчалик аҳамиятли эмас... Уларни тадқиқ этишдан наф йўқ. Лекин

арманлар учун ҳақиқий дурдона... Мен қўлёзмарни эгасига қайтардим...

– Бу нима деганингиз?! Қадимий битиклар, дурдона асарлар ҳар қандай музей, кутубхонанинг нодир безаги бўлмайдами? Ахир бизнинг улуғ авлодларимиз қолдирган қанчадан-қанча қўлёзма асарлар Қоҳира, Лондон, Париж, Санкт-Петербург музейларида сақланмоқда! Қани уларни сўраб кўринг-чи, берармикин! Ҳатто нусхасини ҳам қўлингга ушлабмайди... Сиз эса бизга кераги йўқ дейсиз! Эгасига қайтарганмиш! Қани энди ҳамма сиздай мушоҳада юритганида... Юрт, Ватан манфаати қайда қолди?

Ҳикмат индамади. Фахриддин бир оз қизишиб кетганини, айбдор билан бефойда баҳсга киришиб кетганини фаҳмлаб, ичида ўзига танбеҳ берди. Ўрнидан туриб, тумба устидаги чойнақдан чой қуйиб ичди. Ҳамсуҳбатига ҳам узатди.

– Майли, давом этамиз, – Терговчи қўлини-қўлига ишқалаб, ғайриоддий бир шижоат билан ишга киришди. – Хўш, Питерга қанча қўлёзмани олиб боргансиз ва уларни кимларга сотгансиз? Айтиб қўяй, бизда далиллар етарли, ҳаммаси аён! Яна аравани қуруқ олиб қочишга ҳаракат қилманг!

– Ҳаммаси маълум бўлса, далиллар етарли дейсиз... унда мендан сўраб нима қиласиз? – деди Ҳикмат бақрайиб.

– Бу менинг талабим эмас, қонун талаби шунақа! Берилган саволларга жавоб беришингизга тўғри келади.

– Етти-саккиз коробкага жойлагандим... юзга яқин эди чамамда, – деди Ҳикмат қимтиниб.

– Қўлёзмаларнинг рўйхати борми?

– Рўйхат тузмаганман. Аммо қўлёзмаларни нусхаси бор...

– Қанақа нусха, қаерда улар?

– Ҳар эҳтимолга қарши барча қўлёмаларни расмга тушириб, компьютер хотирасига жойлаб қўйганман.

– Қандай? Ҳар бир китобдан нусха кўчирганман демоқчимисиз?

– Худди шундай!

– Дисклар қаерда?

– Уйда...

Фахриддин ички телефон гўшагини кўтариб, кимгадир ҳовлида кутиб турган Гулзода Жумаевани олиб киришни буюрди. Зум ўтмай бўйдор милиция ходими аёлни бошлаб келди:

– Марҳамат тайинланг! – деди терговчи Ҳикматга қараб.

– Уйдан менинг компьютерим турган столнинг тортмасида қора коробкада дисклар бор. Шуларни олиб келиш керак, – Ҳикмат хотинига тайинлади. – Бир хил рангли янги дисклар...

Гулзода эрига бир муддат анграйиб тикилиб турди-да, сўнг «тушундим» дегандай бош ирғаб, хонадан чиқди.

– Яхши, давом этамиз! – терговчи Ҳикматга юзланди. – Қўлёмаларни кимларга сотганлигингизни гапираётгандингиз.

– Йигирмата китобни Тамарага берганман... қолганларини бир инглизга...

– Лекин сиз уларни Питерга...

– Том Питерда яшайди.

– Фамилияси ким, қаерда ишлайди?

– Ханкс, қанақадир компанияда... Офисига бир марта борганман. У қадимий қўлёмалар коллекцияси билан шуғулланади.

– Сизни Питер вокзалида у кутиб олганмиди?

– Ҳа... Тамара билан бирга! – Ҳикматнинг хаёлидан «ҳаммасини билар экан-да!» деган фикр ўтди.

– Демак, сизларни Тамара таништирган, шундайми?

– Шунақа...

– Қўлёмаларни қанчага сотгансиз? – деди терговчи қоғоздан бош кўтармасдан.

Ҳикмат индамади.

– Қулоғим сизда! Гапираверинг! Қанчага сотгансиз? – Фахриддин саволни такрорлади.

– 500 мингга келишган эдик...

– 500 минг сўмгами?

– Долларга...

– 500 минг Америка долларига денг! – Фахриддин ўрнидан туриб кетди. – Чакки эмас! Пулларни қаерга қўйдингиз?

– Ҳали улар билан ҳисоб-китоб қилганим йўқ... Саша билан Тамара пулларни менга егказиши лозим эди... – деди Ҳикмат хўрсиниб. – Бу ёқда бунақа ишлар бўлиб кетиб...

– Сизга ҳали бир тийин ҳам беришмадимиз? – деди терговчи надомат билан.

– Йигирма минг беришган! Йўл харажатлари, майда-чуйдаларга дегандай... Кейин анов 150 минг... сизлардаги...

– Жами 170 минг доллар! Демак 330 минг қолган экан-да!

Ҳикмат «тўғри» деган маънода бош ирғади. Шу пайт эшик тақиллаб, хонага тезкор ходимлардан бири билан Гулзода кириб келишди.

– Мана! – деди тезкор ходим. – Тайинлаган нарсангиз!

Фахриддин кассеталардан бирини филофидан чиқариб, Ҳикматга юзланди:

– Шуларми?

– Шу...

– Яхши! Мутахассислар хулосасини олишимиз лозим. Камолхон Каттаевни таклиф этинг! – Фахриддин тезкор ходимга топшириқ берди.

– Тушунарли, – тезкор ходим хонадан чиқди.  
– Сизга раҳмат! – терговчи эрига қараб, ичичидан ачиниб турган Гулзодага мурожаат қилди.  
– Бугунча етади, уйингизга бораверинг. Эртага давом эттирамиз...

\* \* \*

Санжарбек тезкор ходим – Улугбек билан пештоқига «Заргарлик дўкони» деб ёзиб қўйилган бир қаватли шинам ва замонавий бинога кириб келганда ичкарида одам кўп эди. Сотувчи қизлардан бири қўлидаги папкасидан уларни текширувчи деб ўйлади шекилли, югуриб истиқболга чиқди ва чиройли тавозе билан ичкарига бошлади. Қўлидаги лупа билан нимагадир тикилиб ўтирган ёши олтамишлардан ошган, бақалоқ дўкон мудир эшикда меҳмонларни кўриб, ўрnidан сапчиб туриб кетди:

– Ассалому алейкум! Келинглар меҳмонжонлар, келинглар! Марҳамат, ўтиринглар!

Санжарбек хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, ўзини ва шеригини таништирди ва мезбоннинг ҳол-аҳвол сўрашларига парво ҳам қилмай мақсадга кўчди:

– Қани ўша тиллалар?

– Ҳозир, ҳозир! Савдодан олиб, яшириб қўйганман! – Мудир хона тўридаги темир шкафни очиб, ундан кичкинагина қутича чиқарди. – Мана 5 дона!

Терговчи тилла тангалардан бирини қўлига олиб, диққат билан разм солди:

– Ҳа, адашмапсиз! Ҳақиқатда X–XII асрларга оид тиллалар! Ўша партиядан...

– Касбимиз шунақа, темирни тилладан ажрата оламиз! – ишшайди бақалоқ.

– Ким топширган буларни?

– Мана квитанцияси... Ҳазрати Баширдан Норбуви Суюнова деган хотин...

– Норбуви... Суюнова... бу яна ким бўлди? – Фудурлади терговчи.

– Бунисини билмадим. Шунақа топшириқ бўлганди, мен сизларга хабар қилдим... лекин у хотинни танимайман...

– Яхши! Сизга раҳмат! Бизга катта ёрдам қилдингиз. Тиллаларни эса олишимизга тўғри келади. – деди терговчи ва ёнидаги шеригига буюрди: – Холис сифатида иштирок этиш учун икки кишини чақирсангиз.

Тезкор ходим хонадан чиқиб, зум ўтмай икки аёлни бошлаб кирди. Изқуварлар тергов расм-русумларидан оғишмай ҳужжатларни қоралаб, йиғилганларга имзо чектиришди, тиллаларни алоҳида пакетга жойлаб, дўкондан чиқишди.

Ҳазрати Башир қишлоғида аёлни топиш қийин бўлмади. Қишлоқдаги бошқа уйлардан фарқ қилмайдиган оддийгина хонадан дарвозасини тақиллатишганда ичкаридан аёл кишининг «Кираверинг, эшик очиқ» деган товуши эшитилди. Йигитлар «кучук йўқмикин?» деган хавотирда у ёқ бу ёққа аланглаб, ичкарига киришди. Аёл қўлидаги челақни бир чеккага қўйиб, меҳмонларга пешвоз чиқди:

– Келинлар, меҳмонлар, келинлар!

– Бизга Норбуви Суюнова керак эди! – Санжарбек аёлни хижолат қилмаслик учун гап бошлади.

– Мен... Норбуви! – аввалига «газданми, электрданми текширувчилар бўлса керак» деган хаёлга бориб турган аёл ўз номини эшитиб, анқайиб қолди. – Нима гап... тинчликми?

– Тинчлик, тинчлик! Мен терговчи Раҳмоновман, бу киши тезкор ходим Улуғбек...

– Холмуродов!

– И-ч-к-а-р-и-г-а к-и-и-р-и-н-г-лар... – Норбувининг тили зўрға калимага келди.

– Шарт эмас! Мана шу жойда ўтирсак бўлади-ми? – деди Санжарбек айвондаги чорпояга ишора қилиб. – Сизга бир-икки саволимиз бор.

– Шарофат, кўрпачалардан олиб чиқ! – аёл ҳовлида ивирсиб юрган бўй қизга бақирди.

Чорпояга кўрпача тўшалди. Меҳмонларнинг эътирозига қарамасдан Шарофат қишлоқ қизларига хос чаққонлик билан бир зумда хонтахта олиб чиқиб, дастурхон ёзди.

– Сиз Шаҳрисабздаги заргарлик дўконига тилла топширган экансиз? Тўғрими? – Санжарбек муддаога кўчди.

– Т-ў-ў-ғ-р-и... лекин...

– Нима лекин!

– М-у-м-к-и-н эмасми демоқчийдим! Ўзи нима гап?

– Тиллаларни қаердан олгансиз?

– Қаердан олардим, хўжайин... отаси б-е-е-р-ганди... – дудуқланди аёл.

– Эрингиз ким, қаерда ишлайди?

– Яхшилик чўпон дейишади...

– Яхшилик чўпон! Анави Норбўта чўпоннинг қўлида ишлайдиганми? – Санжарбек ўрнидан туриб кетди.

Аёл «ҳа» деган маънода бош ирғади. Норбўта чўпоннинг отини эшитиши билан унинг кўзларида қандайдир хавотир зоҳир бўлди.

– Бу қаранг, дунёни тор деганларича бор-да! Мен Хўжайинингиз билан танишмиз. Ўзлари уйдадилар?

– Йўқ қўтонга кетган... Бугун қайтмаса керак...

– Яхшилик ака тилла тангаларни қаердан олганлигини сизга айтмаганмиди?

– Бунақа нарсаларни менга айтармиди... қизимизнинг сепидан ками-кўсти бор эди. «Пул беринг» десам, шуларни қўлимга тутқазди...

– Тилла тангаларнинг сони қанчайди? Кўпмиди?  
– Менга беш дона берганди... Бошқасини билмадим.

– Қаердан олганини айтмаганмиди?

– Йўқ.

– Яхши, раҳмат сизга! – терговчи қоғоз-қаламини папкага жойлаб, кетишга ҳозирланди.

– Ўзи нима гап, иним! Тинчликми? Хўжайин бирор... – аёл жовдираб меҳмонларга эргашди.

– Хавотирга ўрин йўқ! Ҳаммаси яхши, – Улуғбек мезбонни тинчлантирган бўлди.

Қўтонда одатдагидай ивирсиб юрган Яхшилик чўпон меҳмонларни кўриб, «яна келдингларми?» дегандай совуқ қарши олди. Салом-аликдан сўнг Санжарбек гапни мухтасар қилди:

– Яхшилик ака, хотинингиз заргарлик дўконига сотиб бериш учун тилла тангалар топширган экан. Хабарингиз борми?

– Б-о-о-р... нимаиди, – деди чўпон анграйиб.

– Сиз уларни қаердан олган эдингиз?

Яхшилик бир муддат жимиб қолди. Терговчи саволни такрорлади.

– Х-ў-ж-а-й-и-н берибиди...

– Қачон, нима учун?

– Эсимда жўқ... қочон бергани... ора-орада бир-екки марта чўнтагида пули бўлмай қолса, шу тангачаларни берарди... ойлик дегандай...

– Демак, Норбўта Сизга тангаларни иш ҳақи сифатида берган, шундайми?

– Шундай.

– Неча дона берган эди?

– Беш... олтига бориди чамамда... – деди Яхшилик қизариб. – Вўзи шуларни омайман дегандим-а! Хўжайин «заргарга топширсанг пул, чўнтагингда турса белингга қувват, уйда турса бойлик-да!»

деб қўймаганди раҳматлик. Мана оқибат... Олтин одамга ташвиш келтиради деганлари ҳақ экан-да!

– Сиз ундан тиллаларни қаердан олганлигини сўраганмисиз?

– Менга нима? Сўрасам айтармиди... Вўзи бовомдан қолган деб айтиб журади.

– Яхши! Унда бизга жавоб, – Санжарбек ўрнидан қўзғалди. Йўлда гуруҳ раҳбарига қўнғироқ қилиб, ахборот берди.

\* \* \*

Фахриддин Каримович хонасига кириши билан ички қўнғироқ жиринглаб, навбатчи Камолхон домла келганлигини билдирди. Изн бўлгач, домлани бошлаб келди. Қуюқ кўришдилар.

– Домла, Сизни тағин безовта қилишга мажбур бўлдик, – одатий сўрашувдан сўнг гап бошлади терговчи.

– Бехижолат укажон, бехижолат! Қолаверса, қилаётган ишларингиз мени ҳам қизиқтириб қўйди. Ўзи бир ёнингизга келиб, Амир Темур кутубхонаси тақдири хусусида сўрамоқчи эдим. Ўзлари чақириб қолганлари маъқул бўлди.

Фахриддин тергов сири чегарасидан чиқиб кетмаган ҳолда Россия, Арманистонда кўрган-кечирганлари, Соҳибқирон кутубхонаси билан боғлиқ воқеалар ҳақида батафсил гапириб берди.

– Манов тасмаларда Ҳикмат ўша китоблардан олган нусхалар тасвирланган, – деди у қўлидаги пакетни домлага узатиб. – Биз қараб чиқдик... Тушуниб бўлмас қадимий битиклар. Сиз уларни ўрганиб чиқиб, номланиши, мазмуни, моддий ва маънавий қиймати ҳақида қисқача хулоса қилиб берсангиз.

– Албатта, албатта! Бу бизнинг ишимиз-ку! Қўлимиздан келганича! – деди Камолхон домла

камтарлик билан. – Аммо кутубхонанинг топилмагани чакки бўлибди-да!

– Шунақа! Қийин бўлаяпти. Гўё чўпон уни ўзи билан бирга нариги дунёга олиб кетгандай. Домлажон, биласизми, баъзан унинг борлигига ҳам ишонгим келмай қолаяпти.

– Унақа эмас. Сиз тўғри йўлдан бораяпсиз. Кутубхонага жуда яқин турибсизлар. Иншооллоҳ яқин кунларда уни топиш бахтига муяссар бўласиз. Илмфан оламида мисли кўрилмаган шов-шув бўлади...

– Шундай! Иккинчи томондан кутубхона сири-нинг очилиши машъум қотилликнинг фош бўлишига сабаб бўладигандай...

– Ҳақ гап! Бу икки воқелик ўртасида алоқадорлик борлиги аниқ. Сизларга Яратгандан сабру жамил сўрайман.

– Раҳмат, домла! Фақат хулосани сал тезлаштириб берсангиз... вақтимиз...

– Бизга бир ҳафта берсангиз, етарли! Ҳамма ташвишни йиғиштириб, қараб чиқаман...

Камолхон домла хайрлашиб чиқиб кетгач, Фахриддин тортмадаги дискни олиб, компьютерга тикди. Ҳикматнинг тоғда ўрнатган видеокамераси тасвирларини кечадан буён такрор-такрор кўздан кечирган бўлса-да, яна бошидан диққат билан кўздан кечира бошлади. Бир хилдаги тоғ манзараси. Экранда қушларнинг у ёқдан бу ёққа чуғурлашиб ўтишгани, баъзида судралиб юривчи жонзотларнинг ғимир-ғимиридан бошқа нарса кўринмайди... Фақат бир жойда Норбўта чўпоннинг олдин тоғ томонга, кейин пастга қараб ўтгани тасвирлари... Қайтишда ёнидаги хуржун тўла. «Қўлёзмаларга ўхшайди. Уларни Соҳибқирон кутубхонасидан олиб келаётганига шубҳа йўқ. Йўналиши аниқ. Аммо Ҳикмат топа олмаган. Қизиқ! Ёки у алдаяптими? Кутубхонани топиб, қўлёзмаларни бошқа жойга яшириш-

га улгурдимикин? Йўқ, йўқ! Бу осон иш эмас. Шунча китобни ҳеч кимга сездирмасдан тоғдан тушириш, бежавотир жойга яшириш оғир юмуш... Лекин ёлгон сўзлашдан унга нима наф? Ҳаммасини бўйнига олиб турибди-ку! Ёлгон гапираётгани балки чўпоннинг ўлимини хаспўшлаш учундир».

Фахриддин видеотасмани гоҳ секинлатиб, гоҳ тезлаштириб кўриб чиқиб, яна бошидан қўйди. Камера эндигина ўрнатилган пайт... Тоғ ён бағри манзараси... Шу пайт экрандаги тасвирда кимнингдир хирагина шарпаси тушгандай бўлди. «Ҳикматнинг сояси» хаёдан ўтказди терговчи. Тасмани секинлатиб яна бир оз айлантирди. Тасвирдаги соя иккитага ўхшаб кетди. Тасвир ўта секинлаштирилди. Ростдан ҳам бир жойда тасвирда икки кишининг бош қисми сояси тушган. «Ҳикмат «ускунани бир ўзим ўрнатганман, бу сирни мендан бошқа ҳеч ким билмайди» демаганмиди! Демак, ёлгон гапирган! Тасвирга Ҳикматдан ташқари яна кимнингдир сояси тушиб қолган. Ҳикматнинг ёнида шериги бўлган. Бу йигит қурғур бало чиқди-ку! Тап тортмай ёлгонни дўндиришини қаранг! Бу шарпа яна ким бўлди? Ё мутахассисмикин? Унда нега Ҳикмат уни яшираяпти? Балки уни аямоқчи бўлгандир. Балки у жинойи шеригидир. Одатда, жиноятчилар гуруҳ таркибида жиноят учун жавобгарлик қаттиқроқ эканлигидан чўчиб, шерикларини ошкор қилмасликка ҳаракат қилишади, жиноятни ўз бўйинларига олиб қўя қолишади. Ҳикмат ақлли йигит. Шу йўлни танглаши турган гап...

Шу куни пешиндан сўнг сўроқ қилинган Ҳикмат тоққа бир ўзи борганлигини, ёнида ҳеч қандай шериги бўлмаганлигини айтиб, аввалги сўзида туриб олди. Фахриддин унга ўзи олган видеотасвирни қўйиб бергач, чуқур «уф» тортиб, «ёрилди»:

– Қайним Қосимни бирга олиб боргандим. Ҳар ҳолда техникани яхши тушунади. Лекин унга кутубхона тўғрисида оғиз очмаганман...

– Қосим қаерда ишлайди, фамилияси нима?

– Хўжақулов, ҳарбий қисмда алоқачи бўлиб ишлайди.

– Қайси ҳарбий қисмда?

– 2511-ҳарбий қисмда. Нима, уни чақирасизларми?

Фахриддин индамади. Қоғозга нималарнидир ёзди ва ёнидаги ички телефон гўшагини кўтариб, кимнидир чақирди. Зум ўтмай дарозгина, қотмадан келган терговчи йигит кириб келди:

– Азизжон, тезкор ходимлардан бирини олиб, мана бу манзилдаги кишини топиб келасизлар!

Йигит қоғозга кўз қирини ташлаб, «есть» деб ортига бурилди.

– Фахриддин ака, Қосимнинг бу ишга алоқаси йўқ, у менинг илтимосимни қиёлмай ёрдам берганди. Илтимос... уни аралаштирманг... ҳаммасига мен айбдор! – ялинишга тушди Ҳикмат.

– Мен айбдор! Нима Сиз қотилликни бўйнингизга олмоқчимисиз? – деди терговчи қоғоздан бошини кўтариб.

– Йўғ-е! Бу нима деганингиз? Мен унақа демоқчи эмасдим... Қосимнинг бу ишларга умуман дахли йўқ, айбсиз демоқчиман-да!

– Ҳеч ким қайнингизни айбдор деяётгани йўқ. Лекин биз уни гувоҳ сифатида сўроқ қилишга мажбурмиз...

Орадан бир соат ўтар-ўтмас Азизжон ранги сомондай оқариб кетган барваста йигитни бошлаб келди:

– Қосим Хўжақулов жаноблари шу киши экан.

Фахриддин «меҳмон»ни ўтиришга таклиф этди. Қосим олдин терговчига, сўнг хижолатдан ерга ки-

риб кетгудек бўлиб ўтирган поччасига бош ирғаб салом берди.

Терговчи одати бўйича бир муддат гувоҳни руҳан суҳбатга тайёрлаб, сўнг мақсадга кўчди:

– Бу кишини танийсизми? – деди терговчи Ҳикматга ишора қилиб.

– Танийман.

– Сизга ким бўлади?

– Поччам... опамнинг эри.

– Поччангизга Китоб тумани ҳудудидаги тоққа видеосокамера ўртанишда ёрдам берганингиз ростми?

Қосим бундай саволни кутмаган шекилли, талмовсираб қолди. «Нима деб жавоб берай» дегандай поччасига нажот кўзини тикди. Ҳикматнинг «ер чизиб» ўтирганидан ўзича хулоса чиқариб, қимтинибгина «йўқ» деди.

Терговчи саволни яна такрорлади. Ҳикмат қариндошини ноқулай аҳволдан қутқариш учун «ростини айтавер, мен ёрдам берганингни айтганман» деди қизариб-бўзариб.

Шундан сўнггина Қосим поччаси кўрсатмаларини тасдиқлаб, гувоҳлик берди. Терговчи унинг кўрсатмаларини диққат билан тинглаб, савол-жавобга ўтди:

– Аппаратни қаердан олган эдингиз? Ҳозир у қаерда?

– Ка-ме-ра... ишхонаники эди...

– Давлат мулкидан шахсий мақсадларда фойдаланиш жиноят эканлигини биласизми? – деди терговчи жиддий оҳангда.

– Биладан... поччам илтимос қилганди... йўқ дейиш... ҳалигидай...

– Майли, бу ҳақда кейин гаплашамиз! – «рақиби»га муносиб «зарба» берган терговчи «хужум»га ўтди. – Сиз камералар тоққа нима мақсадда ўрна тилаётганидан хабардормидингиз?

– Йўқ! Билмайман... Поччам илтимос қилганди.  
– Поччангиздан сўрамадингизми? Тоғ жой бўлса! Камера нимага керак бўлиши мумкин? Сизда шундай савол туғилмадими?

– Сўрасам айтармиди! Мен ўзимча ҳайвонларними, ҳашаротларними кузатса керак деган хаёлга бордим... – Қосим астойдил гапираяптими ёки муғамбирлик қияптими – англаш қийин эди.

– Демак, сиз поччангизнинг мақсадидан беҳабар бўлгансиз! Шундай ҳам дейлик. Бу ҳақда бирор кишига гапирганмисиз? – терговчи гувоҳга қаттиқ тикилди.

– Йўғ-е, ҳеч кимга офиз очмаганман! – Қосим негадир кўзини олиб қочди. – Нега айтаман... кимга айтардим...

– Яхши, текшириб кўрамыз. Фақат видеокамераларни бизга тақдим қилишингиз лозим, – терговчи ўрнидан қўзғалди.

– Улар ишхонаники эди-да! – деди гувоҳ шалвираб.

– Тартиб шунақа! Тергов тугаб, зарурият йўқолса, қайтарамиз! Йигитлар билан бирга бориб аппаратни олиб келасиз. Бугунча етарли. Қолган гапларни эртага гаплашамиз.– Фахриддин телефон гўшагини кўтариб, ёрдамчисини чақирди...

Кечки пайт Фахриддин тергов гуруҳи аъзоларини йиғди. Санжарбек Шаҳрисабз сафари ҳақида маълумот берди. Гуруҳ аъзоларининг ўз йўналишлари бўйича амалга оширган ишлари ҳақидаги ахбороти тингланди.

– Минг афсуски, ишимизда пичоққа илинадиган янгилик йўқ, – хулоса қилди гуруҳ раҳбари. – Вақт эса ўтиб бормоқда. Раҳбарият ишимиздан қониқмаяпти. Биз умид боғлаган тахминлар бирин-кетин чиппакка чиқмоқда. Ҳикматнинг алибиси тўғри чиқди. Қотиллик содир бўлган пайтда у Самарқандда қариндошларининг тўйида бўлган. Бунни тўй эга-

сидан олинган видеотасмалар, гувоҳларнинг кўрсатмалари тасдиқлади. Талъат ва Шодиёр эпизоди бўйича олиб борилган тергов-тезкор тадбирлар биз кутган натижани бермади. Уларнинг қотиллик қилганлигини исботловчи далиллар топилмади. Тўғри улар қотиллик содир бўлган жойда биринчи бўлиб ҳозир бўлишган. Аммо текширишлар шуни кўрсатмоқдаки, чўпоннинг ўлими кечки соат 16-17лар атрофида рўй берган. Бу пайтда Талъат ва Шодиёр Ургут-Китоб доводидан ошаётган бўлишган. Бу уларнинг доводга чиқишдаги озиқ-овқат дўконидан қилган харидлари чеки билан тасдиқланди. Хуллас, жиноят ишининг уларга оид қисмини судга оширишга мажбурмиз. Яна бир тахминимиз Қосим Хўжақулов билан боғлиқ эди. Таассуфки, бу ерда ҳам ҳозирча «жимлик». Тўғри уни кузатишда давом этаяпмиз. Лекин бирор нарса чиқишга ўзим ҳам ишонмай қолдим...

– Ҳикмат билан қаттиқроқ ишлаш керак! – Маҳкам Ҳакимович рухсат сўрамасдан гап қўшди. – У пихини ёрганлардан. Ўзи қимаган бўлса, бирортасини қотилликка ёллаган. Пул унга муаммо эмас! Ундан бошқа итам қилмаган. Бундайлар яхши гапга тушунармиди. Бизга беринг уни. Икки кунда бўйнига қўйиб, мулла минган эшакдай қиламиз. Пачакилашиб ўтирамизми у аҳмоқ билан...

– Маҳкам Ҳакимович, бу нима деганингиз! – Бошлиқнинг жаҳди чиқди. – Нима, уриб бўйнига қўймоқчимисиз? Сиз терговчимисиз ёки кўчада юрган зўравонми? Бўйнига қўярмиш... Унда қонун, прокуратура, суд нимага керак!

– Узр, мен индаллосини айтим-қўйдим-да! Бўлмаса икки дунёда ҳам очилмайди бу жиноят! Ёзилмаган қонунлар ҳам бор-ку! Мақсадимиз қотилликни очиш экан...

– Бас! Маҳкам ака, унақа замонлар ўтиб кетди. Нима, яна ўша Гдяян, Ивановлар даврини қўм-

саб қолдингизми? Жинойтни очиш муҳим, аммо қонунга итоат қилиш ундан-да муҳим! Инсон ҳуқуқлари муқаддас...

– Айтдим-қўйдим-да! – отдан тушса-да, эгардан тушгиси келмасди Маҳкамнинг. – Қонуний бўлса, қонуний-да! Менам қотилликни тезроқ очишни ўйлаяпман... «Инициатива – наказыема» деганлари рост экан-да!

Фахриддин Каримович бу қайсар терговчи билан ади-бади айтишиб ўтиришни ўзига эп кўрмади шекилли, гапни бошқа ёққа бурди:

– Санжарбек сиз эртага Питерга учасиз. Том Ханкс масаласида... Сўроққа яхшилаб тайёргарлик кўриш лозим. Мен Питерлик ҳамкасбларни огоҳлантириб қўйганман, ёрдам қилишади. Авазбек сизни кутиб олади. Маҳкам ака, сиз йигитларингиз билан Китоб туманидаги, Ҳазрати Башир қишлоғида олиб борилаётган ишларни давом эттирасиз. Халқ ҳамма нарсани билади. Одамлар нима деяпти? Уларнинг ичига кириб бориш керак...

– Афсуски Норбўта чўпоннинг умри қўтонда ўтган, одамларга кўп қўшилмаган! – луқма ташлашдан ўзини тиёлмади Маҳкам.

– Унда аёлларнинг қўйнига қўл солинг! – гапни ҳазилга бурди Фахриддин.

– Хотинлар нима деяпти? Улар билмаган нарса йўқ. Норбўтанинг оила аъзолари, яқинлари, қариндошлари, таниш-билишлари билан ишлашни бир дақиқа ҳам тўхтатмаслик зарур.

– Яхши! – деди Маҳкам қўлини чўнтагидан олмасдан.

– Суюнов, – раҳбар орқа қаторда нималарнидир ёзиб-чизиб ўтирган Азизжонга юзланди. – Сиз Талъат ва Шоидёрнинг қисмини яқунлаб, айблов хулосасини тайёрланг.

– Фахриддин ака, шу масалада бир оз шошилмаслик керакми дейман-да! – Санжарбек ўрнидан

туриб, сўз олди. – Тўғри, қўлимизда ҳеч қандай далил йўқ. Аммо Шодиёр ва Талъат жиноят жойида ҳаммадан олдин ҳозир бўлишган. Одам ўлдириш мақсадини истисно қилганда ҳам чўпонникига ғараз мақсадда – жиноят қилиш учун боришган. Шу маънода улар қотилликда гумон қилинувчилар рўйхатининг бошида туришади. Одам биз ўйлагандан ҳам пухта, мураккаб мавжудот. Балки улар ўзлари учун олдиндан алиби тайёрлаб, жиноятга жуда пухталиқ билан қўл уришгандир... Балки суд-тиббий экспертиза ўлимнинг пайтини аниқлашда хатоликка йўл қўйгандир.

– Хўш, нимани таклиф қиласиз! – деди раҳбар терговчининг гапини бўлиб.

– Ҳар ҳолда жаноб Маҳкам Ҳакимовичнинг «усули»ни айтмасиз!

– Йўғ-э! – деди Санжарбек жилмайиб. – Шошмаслигимиз керак демоқчиман-да... Тергов муддатини узайтириш...

– Санжарбек, бирор тузукроқ мулоҳазангиз бўлса, айтинг! Бекорга терговни чўзишдан нима наф?

– Бошқа таклиф йўқликка йўқку-я, адашмайлик демоқчиман-да!

– Таклифлар бўлмаса, ҳаммага жавоб! – Гуруҳ раҳбари мажлисни якунлади.

Гуруҳ аъзолари ўзларига берилган топшириқни адо этишга киришдилар. Хонада ёлғиз қолган Фахриддин бундан буён қиладиган ишларни хаёлида «пишириш»га ҳаракат қилди: «Қосим Хўжақулов Ҳикматнинг мақсадидан воқиф бўлганми? Мабодо поччаси айтмаган тақдирда ҳам у бунда бир сир борлигини сезиши мумкинми? Албатта! Ахир кимсан Ҳикматдай қадимий битиклар, ашёлар билан қизиқиб юрувчи одам тоққа камера ўрнатиб, ниманидир қидираётган экан, Қосим бунга қизиқмаслиги, бу сирни билишга интилмаслиги мумкин

эмасди. Бундай пайтда одамнинг хаёлига биринчи навбатда тоққа кўмилган хазина келиши турган гап. Олтин, дур эса ҳар қандай инсофли кишининг ҳам ақли-хушини олиши табиий. Бу иштиёқ унга тинчлик бермай кўяди, дардини кимгадир тўкиб солишга, ўртоқлашишга, ёрдам сўрашга мажбур қилади. Демак, ҳаловатини йўқотган Қосим ўзига шерик ахтаришга тушган. Ахир, бир ўзи бу ишни уддалаши қийин. Шерик эса ишончли киши бўлиши даркор...»

Миясига келган фикрдан негадир кўнгли ёришган гуруҳ раҳбари Санжарбекни чақирди:

– Питерга Азизжон борақолсин. Сизга бошқа юмуш бор – Қосим билан жиддийроқ шуғулланишга тўғри келади.

– Нима, ундан гумонингиз борми? Бирор бир асос...

– Бошқа тахминлар етарлича «ишланди», – деди Фахриддин Каримович ҳамкасбига тикилиб. – Текширилмаган фақат шу тахмин қолди... Кейин Қосимнинг ўзини тутиши негадир менга ғалатиноқ туюлди.

– Биласиз-ку бу идорага илк бор чақиртирилган киши ўзини ғайритабиий тутиши турган гап. Балки шундан...

– Тушунаман! Ҳар қандай одам бундай ҳолатда ҳаяжонга тушади. Аммо унинг кўзларида ҳайрат, ҳаяжон билан бирга қандайдир қўрқув кўргандай бўлдим...

– Энди нима қилмоқчисиз?

– «Нима қилмоқчисиз» эмас – «нима қиламиз!» десангиз ўринлироқ бўлади. Биринчидан, Қосимнинг уй, уяли телефон сўзлашувлари таҳлилини олиш лозим. Айниқса, қотиллик арафасида ва ундан кейинги даврда кимлар билан кўпроқ гаплашган бўлса, рўйхатини тузиб, ҳар бири билан шуғулланиш зарур. Иккинчидан, ҳозир у кузатув остида. Ким билан мулоқот қилади, қаерга бора-

ди – кўздан қочирмаслик керак. Мабодо унинг танишлари, дўстлари орасида бизга керакли – кўҳна битиклар билан қизиқувчи ёки қадимий ашёлар коллекцияси билан шуғулланувчи ёхуд тиллапурушлар бўлса, айти муддао...

– Фахридин ака, шулардан бирор нарса чиқишига аминмисиз? – деди Санжарбек кўзларини жавдиратиб.

– Ички ишонч деган нарсага ишонасизми? – деди раҳбар хотиржам. – Ишонмасангиз бу нарса ни тушунишингиз қийин!

Санжарбек тилини тийди. У бу қайсар, айти пайтда соддадил ва олижаноб, зукко ва тиришқоқ одамни яхши билгани учун «раз шу нарсага ёпишяпти, демак етарли асослари бордир-да» деган ўйга борди...

Қосимнинг телефон сўзлашувларини чиғириқдан ўтказган терговчилар Норбўта чўпоннинг ўлими арафасида ва ундан кейинги даврда энг кўп кўнғироқ бўлган бешта рақамни ажратиб олишди. Кейинги таҳлиллар улардан бири хотинига, иккинчиси онасига, яна бири бирга ишлайдиган касбдоши Баҳодир исмли йигитга тегишли эканлиги маълум бўлди. Терговчилар диққатини Қосимнинг Дилором ҳамда Шердил деган танишларига тегишли телефон рақамлари ўзига жалб этди. Тезда уларнинг шахси аниқланди. Дилором Вапаева вилоят телевидениеси муҳаррири, икки нафар фарзанди бор. Эри билан ажрашган, ота-онаси билан яшайди. Тарихий шахслар ҳаёти ва ижоди ҳақидаги кўрсатувлар муаллифи. Кейинги йилларда Амир Темур Соҳибқирон, Мирзо Улуғбек, Бобур, Али Қушчи каби тарихий сиймолар ҳақида ҳужжатли фильмлар суръатга олган... Шердил Тўраев университет катта ўқитувчиси, тарих фанлари

номзоди. Бўйдоқ. Дилоромнинг ижодий ҳамкори, у олган тарихий фильмларда маслаҳатчи бўлган...

Фахриддин ҳужжатлар билан танишар экан халидан «яна Улуғбек Мирзо, яна Али Қушчими? Ё тавба, бу тасодифми ёки англаб бўлмас қонуниятми? Наҳот булар ҳам шу кутубхона теграсида ўралашиб юришган бўлишса! Иккиси ҳам зиёли одам. Улар нимада гумон қилинаяпти? Темурийлар кутубхонасини излаб топиб, унга ноқонуний эгалик қилишдами ёки чўпонни ўлдиришдами? Балки бу бир тасодифдир – уларнинг бу ишларга ҳеч қандай алоқаси йўқдир... » деган фикр ўтди.

Эшик тақиллаб, хонага Санжарбек кириб келди:

– Фахриддин ака, Қосимнинг телефон сўзлашувларини...

– Хўш, хўш нима бўлди?

– У эртага соат бирда Дилором билан учрашув тайинлади.

– Қаерда?

– «Боғишамол» ресторанида.

– Нима қилмоқчисиз?

– Ижозатингиз билан суҳбатини эшитишни йўлга қўйсак демоқчийдим.

– Қандай қилиб?

– Ресторан маъмурияти билан келишиб, улар ўтирадиган столга эшитиш ускунаси жойлаштирсак...

– Таниши бўлса, сотиб қўймайдими?

– Эҳтиёт бўламиз... Бундан фақат ресторан хўжайини огоҳ бўлади. Официант ўзимиздан...

– Яхши! Кўзга қаранглар!

– Тушунарли! – Санжарбек яна нимадир демоқчи бўлди-ю, раҳбарнинг гаплашишга унчалик ҳуши йўқлигини сезиб, хонадан чиқди.

«Ҳарбий хизматчи билан телевидение ходимининг нима гапи бўлса... Бир маҳаллада турмаса,

бир мактабда ўқимаган бўлса... Қариндошлик алоқаси ҳам йўқ. Ё жазманимикин? Унда бирор овлоқроқ жойда учрашмасмиди? Балки шунчаки танишидир...»

Фахриддин бошида чарх ураётган хаёлларни қувиш учун ўрнидан туриб, чой қуйиб ичди. Деразадан ташқарига қаради. Одамлар... машиналар... Ҳамма шошмоқда. Қаёққа ошиқмоқда бу одамлар? Ташвишлар тўзони уларни қаерларга учирмоқда? Ҳар кимнинг ўз дарди, ўз юмуши бор... Қосимнинг Шердил билан қандай алоқаси бўлиши мумкин? Тарихчи олим... Балки ундан маслаҳатчи сифатида фойдалангандир. Балки қўлёзмаларни ўқиш учун уни бу ишга жалб қилгандир...

Санжарбек махсус автомашинада Қосим билан Дилоромнинг «ҳангома»сини тинглар экан, сўзларининг маъносини чақишга ҳаракат қиларди:

– Тинчликми? Намунча ваҳима қилдинг? – пичирлади аёл.

– Э, мени прокуратурага чақиришди, – Қосимнинг ҳаяжонланаётгани сезилиб турарди.

– Нимага? Нима дейишди?! Поччанг сотиб қўйибдими?

– Поччам сотмаган... Терговчилар видеотасвирда икки кишининг сояси борлигини пайқаб қолишибди... Кейин мени айтишга мажбур бўлибди...

– Эй хомкалла! Ўзинг мутахассис бўла туриб, шундай хатога йўл қўйдингми? Тасвирларни қараб чиқмаганмидинг?

– Қарагандим, сояга эътибор қилмаган эканман-да!

– Шунақа ҳам ландовур бўладими одам?! – деди Дилором овозини бир парда кўтариб. Сўнг яна шивирлашга тушди. – Нима дейишди?

– Нима дерди? Сўрашди... Камерани қаердан олдинг? Нега тоққа бординг? Поччангнинг мақсадидан хабардормидинг?

- Сен нима дединг?
- «Поччамни гапини икки қилолмай... унга ёрдам бергандим... лекин унинг ниятини билмасдим» дедим.
- Ишонишдимиди?
- Билмадим? Менга айтармиди?
- Кейин-чи, кейин нима бўлди? Нима дейишди?
- «Керак бўлсангиз чақирамиз, ҳозирча бўшсиз» деб жавоб беришди, – деди Қосим овози титраб.
- Шунақа де! Яна чақирамиз дейишдимиди? Балки бу шунчаки пўписадир...
- Билмадим... билмадим... Хитланиб қолишмаган бўлса гўргайди!
- Энди нима... қиламиз? – Дилоромнинг товуши паст эшитилди.
- Ҳайронман!... Суриб юборайми дейман...
- Ақлинг жойидами? Қаёққа борасан! Бирпасда топиб келишади...
- Унда нима қил дейсан? Қараб ўтираверайми?
- Гаплашса бўлмасмикин-а!
- Нима деяпсиз, терговчилар бари Тошкентдан-ку! Анави йигит адвокати орқали пул бермоқчи бўлганда ушлаб, қамоққа тикқанини эшитмадингизми? – деди Қосим тутақиб.
- Ҳа, қулоғимга чалингандай бўлганди... Балки сени шунчаки «пушка»га олишгандир. Улар ҳеч кимни шундоқ қўйиб юборишмайди. Ҳеч бўлмаганда «лозим бўлса, яна чақирамиз!» деб кўнглига ғулғула солиб қўйишади. Балки энди безовта қилишмас...
- Ҳай билмадим-да! Бир каттаси бор экан, менга еб қўйгудай тикилди, бир нарсани сезгандай...
- Э ваҳима қилма! – деди Дилором бўғилиб. – Уларнинг қараши ўзи шунақа! Ҳаммадан гумонсирашади. Мухими сен дадил бўл! Нима бўлганда ҳам оғзингдан гуллаб қўймасанг бас... ҳеч нарсани исботлай олишмайди...

– Айтишга осон! Шу совуқ башараларнинг олдига қайта боришимни ўйласам, юрагим орқага тортиб кетади...

– Балки энди чақирмас... Уларнинг қўлида бизни айблаш учун ҳеч нарса йўқ-ку!

– Унда нега менга ёпишиб қолишди? – Қосим асабийлашди.

– Вой-бўй, бир марта чақирганга шунчами? Йигитмисан?! Намунча энди... мотам тутмасанг! Жонинг омон бўлсин! Аввало Худо, бир йўли топилар...

– Диля, қамаб қўйса нима қиламан? – йигитнинг овози титраб кетди.

– Э гапингни шамол учирсин! Одамни қамаш осон бўлибдими? Бунинг учун исбот, далил керак. Агар сен оғзи бўшлиқ қилиб қўймасанг, Шерлок Холмс тирилиб келсаям исботлай олмайди... Мен-ку бу сирни ўзим билан гўрга олиб кетсам керак...

– Ўшанда бекорга бу ишга...

– Эсинг жойидами? – деди Дилором пичирлаб. – Деворнинг ҳам қулоғи бор... Бўлган иш бўлиб, бу ёғи синган... Энди маломат қилишдан на фойда! Яхшиси, балонинг оғзини қандай ёпишни ўйлайлик... Менинг прокуратурада яхши танишларим бор... Бир маслаҳатлашиб кўрайлик, балки улар орқали терговчига чиқармиз...

– Диля, илтимос улар билан гаплашинг! Пулнинг бетига қарайдиган замон эмас... Мол-дунёси қуриб кетсин...

– Майли мен гаплашиб кўраман. Сен ҳеч нарса ни сездирмасдан ўзингни одатдагидай бепарво тут. Сени кузатишаётган бўлиши мумкин... Ҳозирча учрашмай, телефонда сўзлашмай турганимиз маъқул. Зарурият бўлса, ўзим сени топаман. Домлани ҳам безовта қилма. Мен у билан учрашиб, ҳар эҳтимолга қарши огоҳлантириб қўяман... Турдикми? Омин, биз осий бандаларини Яратганнинг ўзи паноҳида асрасин!

Санжарбек эшитиш ускунасини қулоғидан олар экан, «Булар нимадан ҳадиксираяпти? Қайси жиноятни содир этишган бўлса? Сирли кутубхонани топиб олишганми? Ё чўпонни ўлдиришганми? Ҳар ҳолда булар тек одамларга ўхшамайди. Қандайдир оғир жиноятга қўл уришгани аниқ. Қосим бекорга «суриб юборайми, демаяпти» деган фикр хаёлидан ўтди. Тезкор ходимларга процессуал ҳаракатларни ўринлатиб расмийлаштиришни тайинлаб, прокуратурага шошилди...

Аудиотасмани бир неча бор эшитиб кўриб, Фахриддиннинг кўнгли ёришгандай бўлди. Шогирдига қараб, кулимсиради:

– Тахминим тўғри чиқади шекилли!

– Қанақа тахмин? Менга айтмагандингиз-ку! – деди Санжарбек анқайиб.

– Ҳа, айтмагандим. Нотўғри чиқишидан кўрққандим! Хайрият энди ишимиз жойидан силжийдиган кўринади, мулла Санжарбек!

– Фахриддин ака, одамнинг ичини қиздирмасдан гапирсангиз-чи! – бетоқат бўлди шогирд.

– Ўзингиз ўйлаб кўринг... Ҳикмат ноиложликдан қайнисидан ёрдам сўраган. Қосим тоғда видеоаппаратларни ўрнатиб беришда поччасига ёрдамлашган. Албатта, у кимсасиз тоғ чўққисидан бундай асбобларни ўрнатишга нима зарурият борлигини поччасидан сўраган. Ҳикмат бу сирни бировга айтишни хоҳлармиди? Йўқ албатта! Аммо Қосим ҳам анойилардан эмас... У бу ерда бир сир борлигини пайқамасдан қолмасди. Поччаси ундан қандайдир сирни яшираётгани унга кундай равшан эди. Нима қилиш керак? Ишончли дўстларни маслаҳатга чақирган. Дилором ҳам, Шердил домла ҳам айнан унга керакли маслаҳатчилар эди. Улар Ҳикматга сездирмасдан «Падаркуш» тоғи «сири»ни очишга келишганлар... Дастлаб Темурийлар кутуб-

хонаси ҳақида маълумотлар тўпланган. Сўнг қидирув ишларига зўр берилган. Аммо Ҳикмат каби бу шоввозлар ҳам хазинани топишнинг уддасидан чиқа олишмаган... Аммо улар ортга қайтишни исташмасди. Хазинанинг қаерда жойлашганлигини билувчи ягона одам – Норбўта чўпон эканлиги уларга ҳам маълум эди...

– Ҳа, ҳа! Гапингизга тушунгандайман... Чўпон ҳам осонликча ўр ёғини берадиганлар тоифасидан эмасди... Жиноятчиларнинг «яхши гап»га тушунишни хоҳламаётган чўпонга куч ишлатишдан бошқа чораси қолмаган... демоқчисиз-да! – ўзича хулоса қилди Санжарбек.

– Унчалик бўлмаса-да, ҳар ҳолда шунга яқин! Лекин бу тахминнинг ҳам сал ёпишмай турган томонлари бор...

– Яъни... – шогирд устознинг оғзига тикилди.

– Улар чўпонни ўлдиришдан манфаатдор эмас эди. Кутубхона сирини очишни хоҳламаётган чўпонни олдин қийноққа солиши, шунда ҳам у «миқ» этмаса... охириг чорага ўтишлари лозим эди. Осонгина ўлдиришдан уларга нима наф? Лекин мархумнинг жасадида уриш, қийнаш аломатлари бўлмаганлиги мени ташвишга солмоқда...

– Балки улар қийноққа солишнинг из қолдирмайдиган усулларини қўллашгандир... токка урдириш, тирноғи орасига игна тикиш дегандай...

– Экспертлар буни сезишган бўлишарди... Тиббий экспертиза хулосасини қараб чиқдим... Азоблаш аломатлари аниқланмаган...

– Ҳа, сиз ҳаққа ўхшайсиз, – деди Санжарбек бошини сарак-сарак қилиб.

Шу пайт телефон жиринглаб қолди. Фахриддин гўшакни кўтарди:

– Эшитаман!

– Фахриддин Каримович саломатмисиз? Бу мен Фарҳод Шириновичман... Безовта қилмадимми?

– Фарҳод ака яхшимисиз? Ишларингиз яхши-ми? Нима янгиликлар ака...

– Ҳаммаси жойида. Бир масалада безовта қилаётгандим. Кеча тунда Шаҳрисабз-Қарши йўлида автоҳалокат рўй берган...

– Хўш... Хўш! – Фахриддин сергакланди.

– Гап шундаки, ҳалокатга учраган машина кабинасидан 10 дона тилла танга топилган... Мутахассислар уларни чўпонникидан топилган тангалар билан бир хил дейишмоқда...

– Шунақами? Ҳайдовчи тирикми?

– Тирик, тирик! Аммо аҳволи оғир... оёғи, қўли бир неча жойидан синган... бошидан жиддий жароҳатланган... ҳозирча ўзига келмай реанимацияда ётибди...

– Шахси маълумми?

– Маълум. Тўрабек Жўраев, расман ҳеч қаерда ишламайди. Айтишларича кўпқари чопаркан...

– Чавандоз денг! Машинада бир ўзи бўлганми?

– Ҳа, ёнида ҳеч ким бўлмаган, ёлғиз бўлган...

– Фарҳод Ширинович, раҳмат! Бугуноқ Санжарбек Қаршига етиб боради. Унгача сиз вазиятни назорат қилиб туринг! – деди Фахриддин гўшакни жойига қўя туриб. Сўнг ёнидаги шогирдига юзланди:

– Яна Қаршига жўнашингизга тўғри келмоқда. Бир чавандоз автоҳалокатга учрабди, машинасидан 10 дона тилла тангалар топилибди... Ҳайдовчи реанимацияда ётган эмиш...

– Чўпондан сотиб олган бўлса керак-да! – деди Санжарбек бамайлихотир.

– Бўлса бордир! Аммо текшириб кўришга тўғри келади... Балки калаванинг учи шу ерга бориб тақалар...

– Қанийди шунақа бўлса! – тиржайди шогирд. – Ўн марта бориб келишга рози эдим!

– Тўғри Фарҳод Шириновичга учрашинг!

– Есть! – Санжарбек фовқулотда ғайрат билан ўрнидан кўзгалди...

\* \* \*

Тўрабек чавандознинг жароҳати жиддий чиқди. Ўша кун и ҳам, ундан кейинги кун ҳам у ўзига келмади. Бу вақт орасида Санжарбек бўш ўтирмасдан чавандознинг шахсини ўрганди, яқинлари доирасини аниқлади, кейинги 2-3 ой ичида нима билан машғул бўлганлиги, кимлар билан алоқа қилганлигини ипидан-игнасигача таҳлил қилди, оила аъзолари, таниш-билишлари сўроқ қилинди. Аммо ўтказилган тергов ҳаракатлари чавандознинг Норбўта чўпоннинг ўлимига дахлдорлигидан дарак берувчи бирор бир диққатга молик маълумот бермади. Фақат Тўрабекнинг қўл телефонидан Садоқатнинг телефон рақами чиққанлигини эйтиборга олмаганда...

Ниҳоят, учинчи кун чавандоз ўзига келди. Тўртинчи кун дўхтирлар терговчига у билан қисқа муддатли учрашишга рухсат беришди. Одатий савол-жавоблардан сўнг Санжарбек мақсадга кўчди:

– Тўрабек ака, машинангиз салонидан топилган қадимий тилла тангалар ҳақида нима дейсиз? Сиз уларни қаердан олгансиз?

Чавандоз сергак тортди. Бир оз ўйланиб туриб жавоб берди:

– Ҳа уларними? Анча бўлди... биттасидан олгандим...

– Қачон, кимдан?

– Ҳозир ёдимда йўқ... от сотгандим-да... анов...

– Исми-шарифи, манзилени айтинг! – терговчи қистовга олди.

– О-о-т-и-ни бил-май-ман. «Вотти-вотти»лашига қараганда Тошканлик эди-ёв!

– Қаерда, қачон танишгансиз?

– Чойхонада танишиб қолдик. Менинг кўп-кари улоқ чопишимни эшитиб, «от керак, яхши тўлайман» деб қолди. Дўлоб йигит экан. «Кўки»-дан берайми ё тилла танга берайми?», – деди. Мен «кўки» ўзимизда ҳам бор, тилла берақол» дедим. У талашиб-тортишиб ўтирмасдан ўн танга бериб, «Қирғий»ни олиб кетди.

– Шаҳарлик бўлса, отни нима қиларкан?

– Отнинг жинниси... э кечирасиз... шинаванда-си бўлса керак-да! – бемор тиржайди.

– Отни қандай олиб кетди?

– Қандай опкетарди... миниб кетди.

– Ўзими?

– Йўқ, йўқ. Бир шериги билан келди. Отга ўша минди.

– У ҳам «вотти»ладими?

– Йўғ-э, у шу атрофнинг одами эди шекилли...

– Нимада келишди? Машинаси қанақа эди?

– «Жигули»да... оқ рангли «Об» да эди.

– Машинанинг рақами ёки бирор хос белгиси ёдингизда қолдими?

– Номерига қарамапман... оддий машина... тўғриси ёдимда йўқ... – деди чавандоз кўзини юмганча. Сўнг бир нарса эсига тушди чамаси, терговчига қаради. – Машинанинг орқа ойнасига «Не уверенъ – не обганяй!» деган ёзув бор эди-ёв...

– Ростданми? Ростдан шундай ёзув бормиди? Қандай қилиб...

– Сабаби менинг машинада ҳам шундай ёзув бўларди бир пайтлар... шунинг учун ёдимда...

– Яхши, сиз Норбўта чўпонни танирмидингиз?

– Қанақа чўпон? Танаймайман...

– Садоқатни-чи?

– Қайси Садоқат? Ўзимизнинг китоблик анави...

– Ҳа, ўша Садоқатни.

– Уни танийман, аёлимнинг синфдоши бўлади. Яқинда бечоранинг эрини ўлдириб кетишди.

– Ким, нега ўлдирибди? – деди Санжарбек таасуф чеккан кишидай тутиб.

– Билмадим. Қанақадир хазина топган дейишадди... – Тўрақул хаёлига бирор нарса келди шекилли, ялт этиб, терговчига тикилди. – Шунинг учун эканда... тиллалар ҳақида ҳалигидай суриштириб...

– Шунақа деса ҳам бўлади! Раҳмат, ҳозирча етарли. Сиз соғайиб олинг, яна учрашамиз, – Санжарбек қоғоз-қаламини йиғиштириб, ўрнидан турди...

Шаҳрисабз ва Китоб туманларида «Не уверенъ – не обганяй!» деган ёзуви бор йигирмадан ортиқ оқ рангли «Жигули» аниқланди. Улар орасидан Ортиқали исмли йигит билан суҳбатлашган терговчи «мўлжал»га теккандай бўлди:

– Ҳа анов от излаб юрган Тошкентлик меҳмонни айтаяпсизми? Унга анча бўп кетди-ку! Кўклам эди чоғи...

– Сиз у билан қандай танишдингиз? – Санжарбек дадилланди.

– Қандай танишардим? Мадамин калникига... э кечирасиз, Мадамин аканикига келган экан... ўша ерда...

– Мадамин деганингиз ким? Қаерда туради?

– Маҳалладошим. Олдин милисада ишлаган, ҳозир улоқ чопади... аммо кўпкарининг пири-да!...

Зудлик билан Мадамин ҳақида маълумот тўпланди. Ортиқали ҳақ бўлиб чиқди. Мадамин Солиев муқаддам ички ишларда жиноят қидирув бўлимида хизмат қилиб юрган пайтида жиноят содир этиб, қамалиб кетган. Жазо муддатини ўтаб чиққач, тайинли ишда ишламаган. Улоқ чопган...

Мадаминни уйдан топишнинг имкони бўлмади. Хотини уни «Тошкентга иш билан кетган, 2-3 кунда келиб қолар» деди. Қўл телефонини топишиб, қўнғироқ қилишди. Аммо мижоз гўшакни кўтармади. Кейинчалик эса телефонини батамом

ўчириб қўйди. Телефон қўнғироқлари таҳлили ҳам ҳеч нарса бермади. Телефон рақам янги бўлиб, ундан фақат уйдагилар ва қариндошлар билан гаплашилган. Бу ҳам етмагандай Мадаминнинг номига бирорта телефон рақами қайд этилмаганлиги, у бошқаларнинг номига очилган телефон рақамларидан фойдаланиб келганлиги маълум бўлди. Хотини, қариндош-уруғлари номига олинган рақамлар таҳлили ҳам гумондорнинг иккинчи телефон рақамини аниқлаш имконини бермади.

Орадан 4 кун вақт ўтса-да, Мадамин алоқага чиқмади. Бу ҳолатни муҳокама қилган терговчилар «прокуратурадан излаб келишганини эшитиб, Мадамин жуфтакни ростлаб қолди-ёв!» деган ўйга боришди. Бир балоси бўлмаса... Қочиб қолдими, демак нимадандир чўчияпти, нимадир содир қилган... У билан жиддий шуғулланишга тўғри келди.

Мадаминнинг хотинини сўроқ қилган терговчилар ундан арзигулик маълумот олишолмади. Жувон ҳеч қанақанги тошкентлик меҳмонни кўрмаганлигини, эрининг дўстлари орасида терговчилар тасвирлаётган одам йўқлигини, пойтахтга унинг нима юмуш билан кетганлигини билмаслигини айтиб, бир гапда туриб олди. Тошкентда ҳам унинг дараги чиқмади. Хуллас, бу йўналишдаги ишлар ҳам боши берк кўчага кириб қолди.

Мадамин қўл телефонини аллақачон ўчириб қўйган бўлса-да, Санжарбек ҳар эҳтимолга қарши унинг хотини ва бошқа яқинларига тегишли телефон сўзлашувларини эшитишга санкция олди. Қувғиндаги одам ҳар қандай вазиятда уйдагилар билан алоқага киришиб, аҳволни билишга ҳаракат қилиши терговчининг кўп йиллик тажрибасидан маълум. Аммо Мадамин ҳам анойи эмас экан. Орадан 4-5 кун ўтаётган бўлса-да, ҳеч кимга қўнғироқ қилмади. Олтинчи куни тонг саҳарда унинг укаси

Мадраҳимга қилинган қўнғироқ, изкуварларнинг диққатини тортди:

– Мадраҳим, яхшимисан?

– Ассолому-алеёкум! Ака сизмисиз?...

– Мен, мен... ёнингда ҳеч ким йўқми?

– Йўқ, ҳовлида эдим... Қаердасиз ака? Сизни излаб келишди...

– Хабарим бор... Мени диққат билан эшит! Ҳозир зудлик билан битта телефон топ, бирортанинг номига янги «сим карта» сотиб ол. Кейин телефонни янганга олиб бориб бер. Менга фақат ўша телефондан чиқинглар...

– Тушундим ака! Ўзиз тинчмисиз? Қачон...

– Худо хоҳласа ҳаммаси яхши бўлади. Хавотир олманглар... мен бировнинг телефонидан чиқаяпман... кўп гаплаша олмайман.

– Хўп ака! Тушундим...

– Мадраҳим, менинг янги рақамимни эслаб қол! Бизни эшитишаётган бўлиши мумкин... Биринчи рақам мен яхши кўрган рақам, иккинчиси сен яхши кўрган рақам. Кейин 5 0886.

– Демак...

– Англаган бўлсанг бўлди. Ҳеч кимга оғиз очма. Қўнғироқларингни кутаман... Ҳозирча хайр!

– Бўпти ака!

Санжарбек ўйланиб қолди: «Вой аблаҳлар-эй! Худди кинолардагидек парол билан гаплашганини қаранг! Улар яхши кўрган рақам қайси бўлиши мумкин? Нуздан 9 гача бўлган ҳар қандай сон бўлиши эҳтимоли бор. Улардан ҳеч бўлмаганда биттасини билганимизда эди. Иккинчисини топиш қийин кечмасди... Ёки Мадраҳимнинг ордидан одам қўйсакмикин? У ҳозир қаердандир телефон топиб, унга пайнетдан янги рақам олади. У чиқинчи билан пайнетга кириб, унга берилган рақамини билсак қандай бўларкан? Йўқ, йўқ! Шаҳрисабз

кичкина жой. Пайнет ходими унинг таниши бўлиши турган гап. Дарров Мадраҳимни огоҳлантириши мумкин. Унда иш бузилади...»

Шу орада тезкор ходимлар Мадраҳимнинг уйдан чиққани, бозорга тушиб, телефон харид қилгани ва пайнетга кириб кетганлигини, сотувчи йигит билан дўстона саломлашганини хабар қилишди. Терговчи вақтни бой бермаслик учун Мадамнинг ўғли ўқийдиган мактабни, синфни аниқлаб, ўша ёққа қараб йўл олди. Мактаб директори билан келишган ҳолда вилоятдан ташриф буюрган комиссия сифатида Мадамнинг ўғли – Муҳаммад ўқийдиган 2-синфга ўқувчилар билан суҳбатлашиш баҳонасида кирди. Беш-олти бола билан турфа хил масалаларда мулоқот қилган бўлди. Навбат Муҳаммадга келганда одатий саволлардан сўнг «мақсад»га кўчди:

– Муҳаммаджон, демак, сиз катта бўлганда доктор бўлмоқчисиз, бу жуда яхши! Рақамлардан қайси сонни яхши кўрасиз?

– Мен бешни яхши кўраман... Баҳоларим ҳам беш...

– Ўху жуда зўр-ку! Мен ҳам ёшлигимда шу сонни яхши кўрардим... Ойингиз қайси сонни ёқтиради?

– Ойим етгини, дадам тўққизни...

– Ростданми? Нима учун улар бу сонларни яхши кўришади? Сабабини биласизми?

– Ш-у-нинг у-ч-у-н! – деди бола ҳозиржавоблик билан.

– Қойил, жуда зийрак бола экансиз! Сиз албатта доктор бўласиз! Омад сизга!

Санжарбек ҳеч кимда шубҳа уйғотмаслик учун яна бир-икки ўқувчи билан суҳбатлашиб, ортга қайтди. Биринчи рақамнинг топилиши муаммони бир оз енгиллаштирди. Иккинчи сони 0-9 гача бўлган барча телефон рақамлари таҳлилдан ўтка-

зилганда фақат «915 08 86» ва «995 08 86» рақамли телефонлар терговчиларга шубҳали кўринди. Шу сабабли ҳар иккала телефон сўзлашувларини эшитишга қарор қилинди...

Орадан икки кун ўтиб, 915 08 86 рақамли телефондан Шаҳрисабзга қўнғироқ бўлди:

– Ало-ало, бу менман... аяси яхшимисанлар? –

Мадамин ўзини бежавотир тутишга ҳаракат қилди.

– Ў-з-и-н-г-и-з тинчмисиз, д-а-д-а-си!

– Мен яхши, болалар қалай!

– Яхши! Сизни... излаб келишганди... қаердасиз?

– Хавотир олма, ҳаммаси яхши бўлади! Энди сўзларимни диққат билан эшит: мен бир муддат уйга боролмайман. Сал четроқда туриб-туришимга тўғри келаяпти. Ҳаммаси жойига тушгач... қайтаман...

– Адаси, одамни... қўрқитманг! Нима бўлди... Тинчликми ўзи! Уйга к-е-л-м-а-й-с-и-з-ми? – Жу-воннинг овози титраб кетди.

– Вақтинча дедим-ку! Кўп ваҳима қилаверма... ахир ўзинг... Мадамин бир оз жимиб қолди. Ҳойнаҳой хотинини тинчлантирувчи, кўнглини кўтарувчи бир сўз ахтарди-ю, тополмади шекилли, зарда қилди. – Ҳозир телефонда сенга тушунтириб ўтирайми? Борганда гаплашамиз! Сенлар алоқага чиқманглар, ўзим қўнғироқ қиламан...

– Майли дадаси, ўзингизни эҳтиёт қилинг!

Санжарбек телефон сўзлашувини диққат билан эшитиб чиқиб, икки хулосага келди: Мадамин қандайдир жинойтга аралашиб қолганлиги аниқ ва у қўлга тушмаслик учун Республикадан чиқиб кетмоқчи. Тезда чегара қўшинлари, божхона назорати, аэропортлар, вокзалларнинг тегишли хизматларига кўрсатма берилди. Тошкент шаҳридаги барча меҳмонхоналар текширувдан ўтказилди. Аммо кўрилган чораларга қарамасдан Мадаминнинг дарағи чиқмади. Орадан беш кун ўтиб, у хо-

тиниға яна кўнғироқ қилди. Одатий сўрашишдан сўнг ўзининг эсон-омон хорижга етиб олганлигини қистириб ўтди. Суҳбат унча узоқ давом этмаганига қарамасдан мутахассислар бирпасда кўнғироқ амалга оширилган жойни аниқлашди: Бўстонлиқ тумани «Бочка» атрофи...

Маҳаллий аҳоли «Бочка» деб атайдиган гавжум бозор атрофига тезкор ходимлар юборилди. Шу атрофдаги дала-ҳовлилар, ижарага бериладиган хонадонлар кўздан кечирилди. Қайда дейсиз, тоғ ҳудуди бепоён. Бу ерда одам ахтариш, ўрмонда игна қидиришдай гап. Шу атрофда жойлашган изкуварларнинг гумондорнинг кейинги кўнғироғини кутишдан бошқа иложлари қолмади. Бироқ Мадамин ҳам анойилардан эмас экан. Навбатдаги кўнғироқ Бирлашган Араб Амирлигининг Дубай шаҳридан амалга оширилганда улар бармоқларини тишлаб қолишди...

Терговнинг бу сафар ҳам боши берк кўчага кириб қолиши терговчиларни тушкунликка солиб қўйди.

– Балки Мадаминни Дубайдан олиб келтириш чораларини кўрармиз? – Санжарбек қимтиниbroқ таклиф киритди.

– Ҳали унинг қотилликка алоқадорлиги ҳам маълум эмас! Биз эса уни қидириш билан вақтни ўтказдик! – деди Фахриддин зарда қилиб.

– Нега алоқаси бўлмас экан? У бекорга жуфтани ростламаган... Шундан бошқа ким... Менинг ишончим комил...

– Уни қотилликда айблашга нима асосингиз бор? Қани айтинг-чи, жаноб Шерлок Холмс! – гуруҳ раҳбари овозини бир оз пасайтирди.

– Биринчидан, – терговчи бош бармоғини тугиб, ҳисоблашга тушди, – унда айнан ўша олтинларнинг мавжуд бўлгани. Иккинчидан, бегона шахс билан от сотиб олгани. Учинчидан...

– Булар уни қотилликда айблашга асос бўлолмайди! Мадаминни топдингиз ҳам дейлик! «Ҳа, чўпон билан олди-бердимиз бор эди, у тиллада ҳақ тўлади! Отни кўпкари чопишга ёки сўйиб, қази қилиш учун олгандик» деса нима қиласиз?

– Уни топсак, анави шеригини... балки ундан бирор нарса чиқар демоқчийдим...

– Ана энди ўзингизга келяпсиз! – Фахриддин ўрnidан туриб, шогирдига яқин келди. – Ишни ана ўша шахсни аниқлашдан бошлаш лозим!

– Тўғри-ку-я... лекин қандай...

– Буниси энди сизу бизнинг маҳоратимизга боғлиқ. Миямга бир фикр келди. – Фахриддин худди биров эшитиб кўядигандай шивирлаб гапирди. – Хойнахой Мадаминга хорижга қочиб қолишни биз излаётган шахс ўргатган, тўғрироғи талаб қилган. У бизнинг Чавандоз орқали унга чиқишимизни яхши англаган. Бундай пайтда чет элга дарбадарликка кетаётган, бошқача айтганда шериги учун ўзини қурбон қилаётган Мадамин оиласининг иссиқ-совуғидан хабар олиб туришни ундан талаб қилиши табиий. Шерик ҳам анойи эмас. Ўзи келмаслиги аниқ. Аммо бу ишга кимнидир жалб қилиши мумкин.

Шу куни Мадаминнинг хонадонини кузатувга олган изқуварлар орадан уч кун ўтиб шомга яқин уйга бир шарпа кириб кетганлигини кўришди. Ўн дақиқа ўтар-ўтмай бояги кимса уйдан чиқиб, атрофга олазарак аланглади ва кўчада ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, шитоб билан узоқлаша бошлади. Панада кузатиб турган изқуварлар унинг изига тушишди. Кўча муйилишида уни оқ рангли «Нексия» кутиб турарди. Йўлнинг нарги томонида «тўй»дан «ширакайф» қайтаётган Улуғбек қайсидир машҳур кўшиқчининг ашуласини хиргойи қилганча туртина-суртина йўлни кесиб ўтиб, ўрnidан қўзғалган машинага

яқинлашди ва «Нексия»нинг давлат рақамини хотирасига муҳради. Меҳмонларда шубҳа уйғотмаслик учун «Ж-о-н-о-н бўламан деб ҳаммани куйдирасанми... воҳай-воҳай» деб қичқариб қўйди. Машинадагилар оёқда зўрға келаётган «алкаш»га эътибор ҳам бермай газни босишди...

Санжарбекнинг кўрсатмаси бўйича зудлик билан Шаҳрисабздан чиқиб кетувчи йўналишдаги барча «ДАН» постларига давлат рақами 01 СА 94-40 бўлган «Нексия» автомашинасини бошқа транспорт воситалари қаторида ҳаракат хавфсизлиги баҳонасида тўхтатиб, ўта эҳтиёткорлик билан ҳайдовчи ва унинг шеригининг шахсини аниқлаш ҳақида топшириқ берилди...

\* \* \*

Кетидан одам қўйилганидан бехабар Дилором Қосимнинг олдидан чиқиб, такси тўхтатиш учун қўл кўтарди. Санжарнинг ишораси билан сал нарида турган сариқ рангли «такси» унинг ёнига келиб тўхтади. Аёл ҳайдовчига эътибор ҳам қилмай, олд ўриндиққа ўтирди:

– СамДУга ҳайданг!

Улуғбек газни босди. Аёл сумкасида қўл телефонини чиқариб, паст овозда ким биландир гаплашди:

– Ассолому алейкум, домлажон яхшимисиз?... Раҳмат, яхши... Ишдамисиз? Ҳозир бораман... Йўқ-йўқ, не телефонный разговор... Хўп бўлади, сейчас поеду.

Дилором Университет хиёбонида машинадан тушиб, тарих факультети томонга илдам юриб кетди.

«Таксист» «объект» машинадан тушиб, «домла»нинг олдига кириб кетганлиги ҳақида «марказ»ни огоҳлантирди.

Сал ўтмай Дилором факультетдан чиқиб, иш-хонаси томонга юрди. Кўп куттирмасдан Шердил домла ҳам «Нексия»сига шошилинич ўтирди. Изқуварлар унинг кетига тушишди. Фараз қилинганидек, домла рулни уйи томонга бурди. «Демак, ниманидир яширишга шошилаёпти» хаёлидан ўтказди Санжарбек.

Домла машинасини кўча юзида қолдириб, у ёқ бу ёққа олазарак қараб, уйига кириб кетди ва беш дақиқа ўтар-ўтмас кўлида қалингина чарм портфел билан чиқди. Атрофга аланглаб, ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, машинасига ўтирди...

Санжарбек дарров гуруҳ раҳбари билан боғла-ниб, вазиятни тушунтирди:

– Домлани ҳозир қўлга олмасак, бирор жойга кириб кетса, «далиллар»ни йўқ қилиши мумкин, – деди у гап охирида.

– Тўғрику-я, аммо унинг қаерга кетаётганлиги-ни билсак ҳам ёмон бўлмасди, – деди Фахриддин босиқлик билан.

– Унда манзилга етиб боргач, тўхташи билан қўлга олсак, нима дейсиз?

– Жуда соз, фақат эҳтиёт бўлинглар... қочириб қўйманглар-да тагин...

Домланинг машинаси шаҳардан чиқиб, Чархин қишлоғи томонга қараб кета бошлади. Қишлоқнинг охирига борганда катта йўлдан чапга бурилиб, кичикроқ кўча бошидаги болохонали уй олдида тўхтади. Шу пайт изқуварлар илдамлик билан машинадан портфелини кўтариб тушиб келаётган Шердилни тўхтатишди...

Холислар иштирокида портфелни очишган терговчилар ҳангу манг бўлиб қолишди: яна қадимий қўлёзмалар...

Шердил дастлабки сўроқ пайтидаёқ қўлёзмаларни унга Дилором ва Қосим сотганлигини тан олди:

– Мен тарихчиман. Бу китобларнинг қадрини яхши биламан. Уларни тадқиқ қилиш бизнинг бурчимиз! – деди у гапининг адоғида.

– Уларнинг ноқонуний эканлигини била туриб-а!  
– танбеҳ берди Санжарбек.

– Мен қайдан билай? Менга «ҳаммаси тоза... биз уларни Қашқадарёнинг узоқ қишлоқларидан биридаги чўпондан сотиб олдик» дейишганди.

– У ҳолда нима учун қўлёзмаларни беркитишга ҳаракат қилдингиз?

– Э-э-э, бекитмоқчи эмасдим, кўздан нарироқда... қизимникида тура турсин... деб ўйлагандим-да!

– Дилором боя учрашганда сизга шундай қилишни тайинлаганмиди? – Санжарбек «ҳужум»га ўтди.

Домла бир оз жим қолди. Хаёлидан «булар ҳаммасидан хабардор экан-да!» деган фикр ўтди чоғи, пас овозда минғиллади:

– «Текшириб қолишлари мумкин, вақтинча яшириб туринг» дея роса ваҳима қилди-да!

– Ким текширади, нимани текширади?

– Қайдан биламан? Анов шеригини прокуратурага чақирганмишми-эй... тушунмадим!

Тезда Қосим билан Дилором олиб келинди. Энди ёлғон сўзлашдан фойда йўқлигини сезишиб, ҳар иккаласи ҳам айбларини бўйнига олишди:

– Поччамга ёрдам бериб юриб, аввалига унинг мақсадини илғай олмадим, – деди Қосим ранги оқариб. – Ундан сўрасам, тайинли жавоб бермади. Кейин видеоёзувларни кўздан кечириб, бу ерда бир сир бор деган тўхтамга келдим. Бошида гап олтинлар ҳақидамикин деб ўйлагандим. Тахминларимни Дилоромга айтдим. У ҳам бу ишга қизиқиб қолди. Режа туздик. Қўлимиздаги видеотасмадан фойдаланмоқчи бўлдик. Ҳазрати Башир қишлоғига бориб, чўпоннинг уйини, қўтонини топдик. Бир-икки кун кузатдик. Қишлоқда у билан учрашсак, бегона кўз-

лар назари тушишини ўйлаб, уни танҳо учратишга қарор қилдик. Ниҳоят, у машинасида Шаҳрисабзга тушди. Ошхонага тушлик қилиш учун тушганда, эҳтиёткорлик билан унинг ёнига бордик. Дилором масалани кўндаланг қўйди:

– Бизда сенинг жиноятингни фой этувчи далиллар бор, – деди у тап тортмай. – Агарда 20 минг кўкидан эртага кечгача олиб келиб бермасанг, тасмани керакли идоралар қўлига топширамиз.

Бошида чўпон бизни сўкиб берди. Ошхонани бошига кўтариб, бақриб кетди. Яхшиям атрофда одам кам эди. Мен қўрқиб кетдим. Дилоромга «қочдик» дедим. Аммо у ҳам паст кетмади:

– Давлатнинг, халқнинг мулкани талон-торож қилиб, яна бизга бақиряпсанми, сенинг қамоқда чиринг келяпти шекилли!» дея жаҳл билан ўрнидан туриб кетди ва қўлидаги тасмани у томонга отди. – Ма, кирдикорларингни ўзинг ҳам кўриб қўй!

Аёлнинг важоҳатини кўрибми ёки «қамоқ» сўзини эшитибми чўпон бир парда пастга тушди:

– Бўпти, бўпти ўтир! Сенларга нима керак ўзи?

– Мен нима кераклигини айтдим! – деди Дилором жойига қайта ўтира туриб.

– Сизларда қанақа тасма, далил борлигини билмайману, аммо менда унақа пул йўқ. Чўпон одам бўлсам!

– Тоғдаги хазина-чи? – деди аёл ҳамма нарсани биладигандай.

– Қанақа хазина, нималар деяпсан, ақлинг жойидами?

– Ҳар сафар хуржунингни тўлдириб, тоғдан тушаётганинда... ҳеч ким кўрмайди деб ўйлайсанми?

Дилором нишонга теккан эди. Чўпон бир оқариб, бир қизарди. Лаблари титраб, мушлари тугилди. «Ташланиб қолмасайди» деган хаёлда тайёр турардим.

– Менда унақа пул йўқ! – деди у ниҳоят бир оз ўзига келиб.

– Бизга ўзимизники ҳам бўлаверади! Бозор курси бўйича... – деди Дилором кўзини лўқ қилиб.

– Ғирт муттаҳам экансизлар-у! Куппа-кундуз одамни тунаб кетадиган...

– Ҳар ҳолда сизга қиёслаганда бизларни фаришта деса бўлади!

– Мен манови матоҳларингни кўриб чиқаман. – Чўпон бу маҳмадона аёл билан тортишиб ўтириш бефойдалигини ҳис этди чамамда, гапни калта қилди. – Эртага шу пайтда, шу ерда учрашамиз!

– Бизда бошқа далиллар ҳам бор-а! – деди Диля менга қараб кўзини қисиб қўяркан. – Яна ўйин қилиб ўтирманг-а!

Чўпон бир ўқрайиб, индамай чиқиб кетди...

Бир кун минг кундай бўлиб кетди-ёв! Мен ўтакам ёрилиб, Диляга «қўй кета қолайлик, кунимиз ўтиб турган бўлса, шунча пул бизга нимага керак», – деб ялиндим. Аммо у «қўрқма, ўзининг орқаси бўқ, бировга ғинг этолмайди, пулни олиб келади» дея мардона турарди.

Келишилган пайтда чўпон қўлида каттагина сумка билан кириб келди:

– Мана бу беш минг, кўкидан! Мана бу ерда ўша сизлар расмга олгандаги қадимий китоблар – 10 та. Бозор баҳоси сизлар сўраган пулдан ҳам ошади. Фақат кимга сотишни билишларинг керак. Тагин қўлга тушиб менинг бошимга бало бўлмаларинг!

Диля нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаганди, мен чаққонлик билан чўпоннинг қўлидаги пулни олиб, чўнтагимга жойладим:

– Бўлди, бўлди! Ҳаммаси жойида. Бу ёғини ўзимиз биламиз!

– Бошқа қораларингни кўрмайин! – чўпон шахд туриб, эшик томонга юрди.

Мен иш хамирдан қил суғургандай битганидан хурсанд, тезроқ бу ердан даф бўлишни ўйлардим.

– Аралашмай турсанг бўлмасмиди? – деди Диля хўмрайиб.

– Шунча бўлди, хўжа бўлди! Яна нима керак? Билсанг анави китоблар тилладан қиммат туради! – дедим мен шеригимни тинчлантириш учун.

Самарқандга қайтиб келиб, пулни бўлишиб олдик. Китобларни сотиш учун харидор қидира бошладик. Кимдир Дилкаш домлани тавсия қилди. Адашмаган эканмиз. Домла китобларни кўриб, кўзи чиқиб кетай деди. Лекин баҳосига келганда тортиша-тортиша 10 минг долларга бизни кўндирди...

Қосим «бор гап шу» дегандай Санжарбекка қаради.

– Кейинчи, кейин нима бўлди? – деди терговчи қоғозга нималарнидир ёза туриб.

– Кейин пулни тенг бўлиб... ишлатдик.

– Ундан кейин-чи?

Қосим нима деярини билмай, жавдираб турарди.

– Кейин пулларинг тутаган. – деди Санжарбек зарда билан. – Иштаҳа тамадди пайти очилади деганларидай, яна Норбўтанинг олдига боргансизлар. У сизларни эшитишни ҳам хоҳламай қувиб солган. Ўртада жанжал чиққан. Сизлар икковлашиб, уни бўғишга тушгансизлар. Натижада чўпон ўлиб қолган. Сизлар кўзга кўринган нарсаларни олиб, жуфтакни ростлаб қолгансизлар... Шундайми?

Қосим бақа бўлиб қотиб қолди:

– Бу нима деганингиз? Б-и-з уни бошқа кўрганмиз йўқ! Р-о-с-т-и! Ишонмасангиз Дилядан ҳам сўранг. Худо ҳаққи!

– Яхши, сўраймиз ҳам, аниқлаймиз ҳам! – деди терговчи қатъий оҳангда.

Дастлаб ўзини у ёқдан бу ёққа ташлаб, чалғитишга уриниб турган Дилором ҳам Қосим билан

Ўтказилган юзлаштиришдан сўнг айбини бўйнига олишга мажбур бўлди. Аммо у ҳам «ўламан саттор, қотилликни биз қилмаганмиз» деб туриб олди...

\* \* \*

01 СА 94-40 рақамли «Нексия»нинг эгасини топиш қийин кечмади. Асрор Шаҳрисабзга ўртоғи Суҳробнинг илтимосига кўра борганлигини тан олса-да, лекин ташрифнинг мақсадидан хабари йўқлигини, ўртоғи беш-олти дақиқага қаергадир кириб-чиққанини билдирди.

Сўнг Суҳроб «элак»дан ўтказилди. Бошида «ўзим шундай... томоша қилиш учун боргандим»дан нарига ўтолмай турган йигит терговчилар унинг ҳар қадамидан огоҳ эканлигига амин бўлгач, бир оз иккиланиб гап бошлади:

– Тирикчилик-да, ука... Ижарага машина олгандим. Кўз юмиб, очгунча ой ўтади. Қарзни тўлаш учун ҳар замонда бир соат – ярим соат кира қилишга тўғри келади... Ўша одам... ҳозир қаердан машинамга чиққани ҳам эсимда йўқ. Бизнинг одатимиз шунақа – ким машинага ўтирса, гаплашиб, чақчақлашиб кетаверамиз. У билан ҳам суҳбатлашиб... дегандай... анча билимли одам экан. Ўзиям тарихни роса биларкан-да! Амир Темур бобомиз ҳақида зап гапларни айтиб берди...

– Кейин нима бўлди? – Санжарбек «мақсадга ўт» дегандай ўқрайди. – Исми-шарифи нима экан у жанобнинг?

– Исмини Насруллоҳ деганди. Памилиясини сўрамапман... Кейин у менинг телефон рақамимни ёзиб олди. Хайрлашиш олдидан «У бу хизмат бўлса, сизга айтаверамиз-да!» деди. Мен рози бўлдим. Бир-икки кундан кейин қўнғироқ қилди. Айтган жойига етиб бордим. У менга бир тугунни тутқа-

зиб, Шаҳрисабзга етказиб беришимни тайинлади. Яхшигина ҳақ берди...

– Тугунда нима борлигини сўрамадингизми?

– Сўрадим. «Пул» деди. Уйга боргач, «наша-паша эмасмикин?» деган хавотирда тугунни титкилаб кўрдим. Йўқ, алдамаган экан. Ўзимнинг машинам узоқ йўлга ярамайди. Асрор ўртоғимнинг машинасида кетдик...

– Насруллоҳ пулни кимга, нима мақсадда бераётганини айтганмиди? – терговчи савол-жавобни бошлади.

– Манзилни берди, тамом! Бизга нима қизиғи бор...

– Аммо бизга қизиғи бор! Сиз яхшилаб эслаб кўринг. Пулни кимга, нима мақсадда бераётганини айтган бўлиши керак! Ахир шунча пулни бекорга бировга бермайдилар-ку!

– Йўқ, у ҳеч нарса демади. Манзилни қўлимга тутиб, «шунга етказ» деди, ҳақимизни тўлади, тамом-вассалом...

Терговчилар гувоҳни узоқ вақт сўроқ қилдилар. Аммо ундан терговга нафи тегадиган бирор қимматли маълумотни олиш, «Насруллоҳ»нинг шахсига аниқлик киритиш имкони бўлмади. Суҳробга қилинган телефон рақами ҳам вафот этганига уч йил бўлган рус миллатига мансуб Саша исмли қарияга тегишли эканлиги маълум бўлди. Бу рақамнинг қандай қилиб Насруллоҳга ўтиб қолганлиги ҳам сирлигича қолиб кетди. Гумондорнинг гувоҳлар ёрдамида чизилган фотороботи ҳам, исми бўйича қилинган таҳлиллар ҳам кутилган натижани бермади.

Терговчиларнинг қайта-қайта сўроқларидан безиб қолган Суҳроб кейинги суҳбат чоғида бир воқеани эслаб қолди:

– Насруллоҳ телефонда ким биландир гаплашиб, «кечгача қироатхонада бўламан», деганди. Эсимда

қолгани «қироатхона» деган сўзни ҳеч эшитмаган эканман. Ўзимча «пивохона бўлса керак» деб ўйладим. Уйга келиб, келинингиздан «қироатхона» нима деб сўрадим. У ўқитувчи эмасми, ўтмишда китоб ўқиладиган жой, кутубхона шундай ном билан аталган деди...

Санжарбек Суҳробнинг кўрсатмалари асосида Насруллоҳ унинг машинасига ўтирган ва тушиб қолган жойларни таҳлил қилиб, чорраҳалар Ўзбекистон Фанлар академияси бош кутубхонаси атрофида туташганига амин бўлди. Терговчилар зудлик билан кутубхонага боришди. Уларни қизиқтираётган 3 кун ичида кутубхона хизматидан юздан зиёд ўқувчи фойдаланган экан. Суҳроб китобхонларнинг расмларини кўздан кечириб, улар орасидан «Насруллоҳ» ни дарров таниди. Бу қўлёзмалар институти катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди, иқтидорли олим Носир Ҳотамов бўлиб чиқди...

Домланинг уйида ўтказилган тинтув изқуварларнинг ташвиши бежизга эмаслигини кўрсатди. Яна ўша тилла тангалар, қадимий китоблар...

Носир виждони қийналиб юрганиданми ёки шунчалик топиб келишибди, бу ёғига қаршилиқ кўрсатиш бефойда эканлигини ҳис қилибми, терговчиларни кўпам қийнаб ўтирмасдан гапни узоқдан бошлади:

–Мақтабни олтин, институтни имтиёзли диплом билан битирдим. Талабалиқ пайтларимдаёқ Турон заминда яшаб ўтган улуғ бобокалонларимизнинг бебаҳо меросига меҳр қўйиб, араб, форс, инглиз тилларини мукамал ўрганишга киришдим. Бухоро шаҳрининг тожиклар истиқомат қиладиган маҳалласида яшаганим форс тилини, шарқшунослик институтида ўқиганим араб ва инглиз тилини пухта ўзлаштиришимга замин бўлди. Бу хорижий тилларни билишим буюк аждодларимизнинг илмий меросини ўрганишда имкон эшикларини очи-

шини яхши тушунардим. Шундай ҳам бўлди. Аммо мен қаердадир адашдим... Эзгулик йўлида бошлаган ишнинг шундай яқун топиши ачинарли... Хом сут эмган бандалар эканмиз-да! Олим бўлдиг-у, одам бўлолмадик... – Носир чуқур хўрсинди. Терговчилар унинг фикрини бўлмаслик учун савол беришдан ўзларини тийиб туришарди.

– Талабалик давридаёқ Мирзо Улуғбек, Али Қушчи каби алломаларнинг ҳаёти ва ижоди мени ўзига ром этганди. Аммо у пайтларда бу хусусда тадқиқотлар олиб бориб бўлмасди. Шўролар давлати улуғ бобокалонларимиз қолдирган илмий меросини рўёбга чиқаришни истамасди. Мустақиллик туфайли бу борадаги тўсиқлар барҳам топди. Бундан руҳланиб, мен ўз тадқиқотларимни жадаллаштириб юбордим. Али Қушчининг илмий асарлари мени ўзига мафтун этганди. Кунлардан бир куни Душанбе шаҳридаги Фирдавсий номли кутубхонада ушбу мутафаккирнинг «Шарҳи Зижи Улуғбек» («Улуғбек «Зиж»ига шарҳ») асарининг форс тилидаги қўлёзмасининг охириги варақларини ўқиб туриб, дафтар ҳошиясига битилган тўрт қатор жумла диққатимни тортди. Арабча ёзилган бу аъшор негадир менга сирлидай туюлди. Шеърни такрор-такрор ўқидим:

*Лав жаро каломуло фий лисаник,  
Фа инна лулуа Улуғбек фий жайбик.  
Лавкана китобул фатхия фий захрик,  
Йа халқий, мифтах ул-тафаккур фий йадик.*

Сўнг ашъорни ўзбекчага таржима қилдим:

*Аллоҳнинг каломи тилингда бўлса,  
Улуғбек дурлари қўйнингда, элим.  
Ғалаба китоби белингда бўлса,  
Тафаккур калити қўлингда, элим.*

Ўйланиб қолдим: Али Қушчи шоир бўлмаган. Бу тўртлик орқали нима демоқчи бўлаяпти? «Аллоҳнинг каломи тилингда бўлса...» Бу элга одамлар қалбида иймон, диёнат унган, тинч ва осойишта даврлар келишига ишора эмасми? «Улуғбек дурлари» деганда муаллиф мол-дунёни назарда тутяптими? Йўқ, йўқ! Бу олтину зар эмас! Унда илмий мерос, китоблармикин? Китоблар... китоблар... Балки бу ерда гап Темурийларнинг йўқолган кутубхонаси хусусида бораётгандир. Тўппа-тўғри! Эврика, эврика! Бошига олма тушган инглиз олимпиада хурсанд бўлиб кетдим... Ахир ўша кутубхонани яширишни Улуғбек Мирзо суюкли шогирди, «фарзанди аржуманд» мақомидаги Али Қушчига топширмаганмиди? Устоз-шогирд юрт осмонига қора булутлар сузиб келаётганини, чор тарафдан жаҳолат ва хурофот шамоллари эсиб турганини ҳис қилишиб, бу бебаҳо кутубхонани тайинли жойга яшириш учун олдиндан тайёргарлик кўришгани аниқ. Али Қушчи бу юмушни оби-тобида, ими-жимида адо этган. Сўнгги воқеалар – Улуғбекнинг ўлдирилиши, расадхонанинг талон-торож қилиниши, ундаги қимматбаҳо илмий манбаларнинг ёндириб юборилиши бу буюк олимларнинг хавотири бежиз эмаслигини, кутубхонанинг яширилиши нақадар тўғри ва ўз вақтида кўрилган тадбир бўлганлигини исботлаган. Али Қушчи анча йиллар яширилган хазинани ўз эгасига – Туронзамин халқига қайтариш хаёли билан яшаган. Аммо Темурий амирзодалар ўртасида тахт учун курашлар давом этаётган, юртнинг гоҳ у, гоҳ бу бурчагида уруш оловлари чақнаб турган бир даврда буюк аллома кутубхона сирини ичга ютишга мажбур бўлган. Кейинчалик юртдан кўнгил узиб, усмонийлар диёрида кўним ва ҳаловат топганида ҳам Али Қушчи бир ўй – яширилган кутубхона тақдири ха-

ёли билан яшаган бўлса ажабмас. Кутубхонанинг ишончли ва бежавотир жойда сақланаётгани унга таскин бўлса-да, бу бебаҳо дурдонанинг абадий замин қаърида қолиб кетиши хавотири унга сира ҳам тинчлик бермаган. Ахир шунча жавоҳирнинг асл эгаси – халққа қайтмасдан бир умр ер остида яширин қолиб кетиши унинг ёндириб, кули кўкка совурилиши билан баробар эмасми? Аммо кутубхона сирини бировга билдириш, очиқчасига ёзиб қолдириш ундан-да хавфли эканлигини буюк олим яхши тушунган. Нима қилмоқ керак? Мақсадга куч ва жаҳолат йўли билан эмас, балки ақл ва тафаккур йўли билан эришишга ўрганган аллома узоқ йиллик бош қотиришлардан сўнг ниҳоят масаланинг ечимини топишга эришган. У бир кун келиб, урфон довларини эгаллаган келажак авлодлар ёзган асарларини қунт билан тадқиқ қилишига, улардаги мантиқни англаб етишига умид қилган. Шу сабабли яширилган кутубхона «калити»ни асарлари қаърига шундай сингдирганки, тафаккур булоғидан сув ичган фарзандлар буни сезмасликлари мумкин эмасди... Таассуфлар бўлсинки, Али Қушчи умид қилган авлод – фарзанд, тўғрироғи фарзанди оқпадар биз бўлиб чиқдик...

Носир чуқур «уф» тортиб, бир муддат жимиб қолди. Терговчилар момосидан чўпчак эшитаётган боладай унинг оғзини пойлаб туришар, чурқ этган овоз эшитилмасди. Кимдир пиёлага чой қуйиб, ҳамон бир нуқтага тикилганча қотиб турган нотикқа узатди. У чойдан бир-икки хўплаб, сўзида давом этди:

– Хуллас, шеърни ўқий-ўқий учинчи қатордаги «Китоб ат-фатҳия» – «Ғалаба китоби» жумласида Али Қушчи ўзининг «Рисола ат-фатҳия» асарига ишора қилмаяптимикин деган хаёлга бордим. Астрономияга бағишланган мазкур китобни алло-

ма умрининг охирида – 1473 йилда Истамбулда ёзган. Орадан бир йил ўтар-ўтмай бу дунё билан видолашган олим балки ўша кезде Улуғбек кутубхонаси сирини келажак авлодларга етказиш учун ўзига берилган охириги имкон эканлигини сезгандир... Шундай қилиб, «Рисола ат-фатҳия»ни қидиришга тушдим. Афсуски, китобнинг нусхаси юртимизда мавжуд эмас экан. Асарнинг қўлёзмалари Истамбулдаги Айо Сўфия кутубхонасида, Машҳаддаги Имом Ризо кутубхонасида, Техрон, Кембриж, Деҳли университетлари кутубхоналарида, Британия музейида ва Германия давлат кутубхонасида сақланар экан.

Қандайдир бир ички ишонч билан Туркияга отландим. Айо Сўфия кутубхонасида бўлиб, қўлёзма билан танишиш бахтига муяссар бўлдим. Асарнинг ҳар бир варағини синчковлик билан кўриб чиқар эканман, 49-бетдаги тўртлик диққатимни тортди. Асосий матнга уйқаш бўлмаган ва негадир ўзгача усулда қалинроқ қилиб битилган арабча жумланинг таржимаси шундай маънони англатарди:

*Дўстим, чақа олсанг сўзим маъносини,  
Топажаксан дурларнинг дурдонасини.  
Фирдавсмонанд бўйлаб солсанг Кешга йўл,  
Улкан қоя қалбига сол бир бор қўл.*

Сеҳрли жумлалар менга ҳаракат харитасини чизиб бераётгандай, қулоғимга махфий ва сирли воқеадан хабардор қилаётгандай туюлди. Ашъорни такрор-такрор ўқийман. «Сўзларим маъносини чақа олсанг... дурдона топасан! Фирдавсмонанд деганда Самарқанд тушунилган. У ердан Кешга қараб юриш лозим. Ўртада доvon... Тик қоялар қалбига қўл солиш зарурлигини уқтираяпти... Тоғда нима кўп – қоя кўп! Улкан қоя ҳам кам эмас-

дир. Хаританинг давоми қаерда бўлса! Тўртлик-нинг тагида «Рисола ал-Муҳаммадийа фи-л-ҳисоб» деган ёзув турарди. Эътибор қилмаган одам шеърни гўёки шу асардан олинган парча деб ўйлаши табиий эди. Аммо мен Али Қушчининг бу рисола-си ҳисоб ҳақида экани, унинг назмга ҳеч қандай алоқаси йўқлигини яхши билардим. Демак, ҳаракат харитасининг давомини шу китобдан излаш тавсия қилинмоқда... Қувониб кетдим.

Қайд этилган китобнинг бизгача икки нусхаси етиб келган бўлиб, бахтимга бир нусхаси Айю Сўфия кутубхонасида сақланар экан. Дарров ўша нусхани топдим. Лекин рисоланинг такрор-такрор варақлаб, керакли жумлани топа олмадим. Ҳафсалам пир бўлди. Аммо ортга чекинмадим. Асарнинг яна бир нусхаси Голландиянинг Лейден университети кутубхонасида сақланаркан. Ана шу нусхани топиш лозим эди. Нима ҳам қилардим, Лейденга боришга тўғри келди. Европанинг энг катта билим даргоҳларидан бири бўлган Лейден университети кутубхонасида рисолани топиб, диққат билан кўздан кечира бошладим. Асар араб тилида ёзилган бўлиб, кейинчалик Али Қушчининг ўзи уни форсчага ўгирган экан. Моҳиятига унчалик ҳам тушунмаётган бўлсам-да, ҳар бир жумлани ақл чиғириғидан ўткази бошладим. Ниҳоят, қўлёзманинг 49 бети ҳошиясидаги форсча битик мен қидираётган сирли сатрлар эканлигига шубҳам қолмади:

*Рўзу шаб он гаҳ ки шод баробар,  
Хуришд бо замин шод ҳамдаме асрор,  
Сояе тал боланд шод  
Саворе уштуре кабод,  
Рони гар, муаммо омоде гардад,  
Рохе оммид кошоде гардад...*

Ўзбекчада аъшор бундай жаранглайди:

*Кун билан тун тенглашган дам,  
Офтоб ерла сирлашган дам,  
Баланд чўққи сояси ул –  
Кўк туяга мингашган дам.  
Сурсанг, жумбоқ ечилади,  
Умид йўлинг очилади...*

Носир негадир тўхтаб қолди. Балки юқоридаги сатрларни илк бор ўқиган чоғда қалбида балқ урган бахтиёрлик, қувонч ҳисси қўнглини бўшатиб юборгандир. Терговчилар эса араб, форс, ўзбек тилларидаги ашъорларни бир хилда гўзал қилиб ўқиётган бу заковат эгасига қандайдир бир ҳавас билан тикилиб туришарди. Шу билан бирга уларнинг дилида шундай ноёб иқтидорини охир оқибатда қабиҳ ишларга ишлатган ва айни пайтда шу куйга тушиб ўтирган бу буюк қобилият соҳибига нисбатан ачиниш ҳисси ҳам йўқ эмасди. Нотиқ ўзини сал ўнглаб олди шекилли, ҳикоясини давом эттирди:

– Ўзимча таҳлил қилишга тушдим: «кун билан тун тенглашган дам... бу ё 21 март ёки 22 сентябр кунлари... офтоб ер-ла сирлашган дам... қуёш ерга тушган пайт, кунботар пайтимикин? Баланд чўққи сояси кўк туяга мингашган дам нима дегани бўлса? Энг баланд чўққининг сояси тушадиган тараф бўлса керак. Демак, у ёқда туяга ўхшаш нимадир бўлса керак. Сурсанг, жумбоқ ечилади... ниманидир суриб, ўрнидан қўзғатиш лозимлиги уқтирилаяпти. Шунда йўл очиларкан. Ҳаммаси равшан! Али Қушчининг ақлу заковатига қойил-э! Агар мушоҳадаларим тўғри чиқса, оламшумул воқеа содир бўлишини англаб турардим...

Феврал ойи охирида чет элдан қайтиб келдим. Кун билан тун тенглашадиган пайтгача йигирма

кунча вақт бор эди. Ҳеч иккиланмасдан довонга қараб йўл олдим. Аввало Самарқанд ва Шаҳрисабз орасидаги тоғнинг энг баланд чўққисини топиш зарур эди. Бу юмушни замонавий асбобу-скуналарсиз амалга ошириб бўлмасди. Туб аҳолидан сўраб кўрса-чи? Улар энг баланд чўққини албатта билишади-ку! Китоб туманидаги тоққа туташ қишлоқларда бўлиб, кекса отахон-онахонлар билан суҳбатлашдим. Улар бир овоздан Падаркуш чўққисини кўрсатишди. Бу мен излаётган ҳақиқатга яқин эди... Энди кун билан тун тенглашадиган пайтни кутиш қолганди. 21 март куни чошгоҳга яқин чўққига етиб бордим. Қояда узоқ ўтирдим. Ўзимча ён-атрофга аланглаб, форга кириш туйнугини ахтардим. Қайда дейсиз, ҳамма ёқ тош, турли-туман шаклдаги катта-кичик харсанглар. Аниқ жойни билмасанг, бутун бошли тоғни қўпориб ташласанг ҳам фор оғзини топиш амримаҳол. Чўққининг соясига термиламан. Қуёш оққан сари узоқлашиб бормоқда. Қаерга бориб тўхтаркан... Ниҳоят, орзиқиб кутган дам яқинлашди. Офтоб уфққа бош қўйди. Падаркушнинг сояси мен турган жойдан тахминан бир ярим минг қадам наридаги тикроқ қоянинг белига бориб тўхтади. Дарров ўша нуқтани хотирамга муҳрадим. Туянинг ўркачини эслатувчи кўкимтир бу қоя кўзимга сирлидай кўриниб кетди. Ногаҳон шеърдаги жумлалар ёдимга келди: «кўк туяга мингашганда». Ҳа, ҳа ҳаммаси тўғри келмоқда! Адашмапман... Тўрва-халтамни орқалаб, ўша ёққа шошиладим. Узоқдан ясси кўринса-да, қоя анчагина тик экан. Инқилаб-синқилаб, қош қорайганда манзилга етиб келдим. Қидиришни азонда давом этиришни дилимга тугиб, икки «ўркак» ўртасидаги текисроқ жойга чодиримни тикладим. Сўнг гулхан ёқиб, бир оз исиниб, тамади қилиб олдим...

Кун ёришиши билан яна ишга тушдим. Атрофни синциклаб кузатар эканман, юрагим қинидан чиққудай тез уриб, кўнглим беҳузур бўлаётганини сездим. Қалбим бир нарсани англаётгандай, қинидан чиқиб кетадигандай беҳаловат эди. «Хазина бор жой одамнинг қалбини тўлқинлантириб, ҳаволантириб юборади» деган гапни эшитгандим. Демак, хазина шу ерда! Шошилмасдан катта-кичик тошларни ўрнидан қўзғатиб, қавариқ жойларни кавлаб кўрдим. Ҳеч қандай из, ҳеч қандай туйнук кўринмасди. Асрлар давомида бир жойда ялпайиб ётган зил-замбил тошларни қимирлатиб бўлмасди. Гоҳ у тошни, гоҳ бу тошни итариб, атрофини чўкичда кавлаб кўрдим. Шеърда «сурсанг» деган жойи бор эди-ку! Аммо, қанча чиранмай тошларни ўрнидан қўзғатиб бўлмасди. Наҳот адашган бўлсам! Вақт ўтган сари миямда шу савол айланарди. Йўқ, бўлиши мумкин эмас! Ҳаммасини рисоладагидай адо этдим-ку! Барча маълумотлар тўғри келаяпти-ку!

Пешинга яқин кун бир оз тобга келгач, ишим жадаллашди. Туянинг ўркачига ўхшаш катта харсанг тошнинг атрофини титкилашга тушдим. Тош шунчалик баҳайбат эдики, уни қўл у ёқда турсин, кўтарма кран билан ҳам жойидан силжитиб бўлмасди. «Балки атрофида бирор ёриқ бордир» деган хаёлда харсангни ён-верини тозалаб чиқдим. Аммо ҳеч қанақа туйнук, ҳеч қанақа тирқиш кўринмасди. Харсангга суяниб, бир оз тин олмақчи бўлдим. Шу пайт баҳайбат тош билинар-билинемас ўрнидан силжигандай бўлди. Сапчиб туриб, жон ҳолатда тошни итаришга тушдим. Во ажабо! Шундай катта тош бир озгина силжиди. Бор кучим билан тошга ёпишдим. Негадир энди у бир нарсага қадалиб, қотиб қолгандай эди. Пастга энгашиб, тошнинг таг қисмини чўкич билан кавлаб, бир оз очдим.

Шунда харсангнинг остки қисми ўйилиб, унга мрамр тошдан ясалган пона тиқиб қўйилганини кўрдим. Анча уриниб, понани тиқилган жойидан олдим. Энди катта харсанг худди муаллақ тургандай чайқалиб қолди. Қўрқа-писа тошни қўлим билан оҳиста итардим. Тош силжиб, форнинг оғзи кўринди...

Терговчилар худди ўзлари сирли хазинанинг устидан чиқиб қолгандай, қалтис ҳаракат қилиб юборса, форнинг оғзи ёпилиб кетадигандай бутун вужудлари қулоққа айланиб жим туришарди.

Носир пиёладаги чойдан бир ҳўплаб, синиқ овозда давом этди:

– Қувончим ичимга сиғмасди. Бир оз нафасимни ростлаб, керакли анжомларни орқалаб, ўрага тушдим. Кириш йўли торгина бўлса-да, форнинг ички йўлаги кенгая борди. Бир оз эмаклаб, сўнг чўккалаб юрдим. Йигирма-ўттиз қадам юргач, бемалол тик туриб юришга имкон бўлди. Қўлимдаги фонар билан ёритиб, форни кузатаман. Сон-саноксиз ўргимчак тўрлари ичига тушиб қолгандай эдим. Юрагим уюшиб кетди. «Эй Худо! Жин-пин чалиб кетмасайди!» деган ўй яшиндай хаёлимдан ўтди. Ичимда калимамни қайтардим. Қўрқув бир оз чекингандай бўлди. Фор тўрига секин одимладим. Ўн беш-йигирма қадам юргач, форнинг чап бурчагида пастқамгина, кўринишидан анчагина қалин эшик пайдо бўлди. Эшик соф гранитдан ёки тоза оқ мрамрдан ясалган шекилли, шунча йиллар ўтган бўлса-да ҳамон ялтираб турарди. Ён-атрофини тозалаб, паст қисмидаги зулфак вазифасини ўтовчи тиқинни авайлаб олиб ташладим. Зич ёпилган эшикни куч билан итариб очдим. Пайпаслаб ичкарига кирдим. Қўлимдаги чироқни кўтариб, хонани ёритдим. Хужра каттагина эди. Тўрда қатор териб қўйилган хумларга кўзим тушди. Ўша томонга юр-

дим. Олдиндаги икки-уч хумнинг оғзи очиқ, ичи бўш эди. Тўрдаги хумларнинг оғзи қандайдир оғир қопқоқ билан беркитилган эди. Тиршанглаб, четдаги хумлардан бирининг қопқоғини силжитдим ва чироқни хумнинг ичига қаратдим. Нимадир ялтираб кетди. Во ажабо, тилла! Бир ҳовучини қўлга олиб, олтинга маҳдиё бўлиб қолдим. Шу пайт нимадир вишиллагандай бўлди. Чироқни кўтардим. Шундоқ тепамда одамнинг билагидай келадиган даҳшатли илон тебраниб турарди. Тилим калимага келмай, бир муддат қотиб қолдим. Бир сонияда хаёлимдан минглаб фикрлар ўтди. «Бўлди, бўлди, тегмайман, мана кетаяпман», дея шивирлаб, секин орқага тисарилади. Қўлимдаги чироқдан ҳайиқдими ёки чекинганимдан кўнгли тўлдими илон бир зумда кўздан ғойиб бўлди. «Олтин бор жойда илон бўлади», дейишарди, тўғри экан-да! Қўрқув қанча кучли бўлмасин, хазинани топишга бўлган иштиёқ ундан кам эмасди. Чироқни у ён, бу ёнга қаратиб, ҳужрани бошдан-оёқ кўздан кечирдим. Илон кўринмади. Демак олтинга яқин бормасанг, унинг сен билан иши йўқ. Қўлёзмалар қаерда бўлса! Асосий горга қаердандир йўл бўлиши керак. Чап томондаги деворга яқинлашаман. Эшик, изи кўрингандай бўлди. Курак билан деворни қалин ўргимчак тўрларидан тозаладим. Энди туйнук изи яққол кўрина бошлади. Шошилмасдан эшикнинг зигини тозалаб, пастки қисмдаги тиқинни олиб ташладим. Эшик ғирчиллаб очилди. Пастга қараб кетган узун йўлакка чиқдим. Туртина-туртина зинапоялардан пастга туша бошладим. Бу жой табиий горга ўхшамасди. Зиналарга, девордаги ишловларга қараб, бу иншоот инсон қўли билан яратилганлигига амин бўлдим. Тахминан юзта зинадан пастлаб, яна боягидай эшикка дуч келдим. Роса толиққанамга, нафас олишга қийна-

лаётганимга қарамасдан эшикни очиб, ичкириш талпиндим. Димоғимга қандайдир ёқимсиз ҳид уриади. Оғзи-бурнимни рўмолчам билан бекитиб, атрофга алангладим. Ертўла анчагина катта экан. Деворининг охири кўринмасди. Бу жой менга юқоридаги ҳужраларга қараганда қуруқ ва салқин туюлди. Киришга яқин жойда мис кўзалар, сопол хумлар, турли-туман катта-кичик идишлар сочилиб ётарди. Икки ён бўйлаб кетган узун токчаларда бир хил ҳажмдаги қоплар териб қўйилган. Шоша-пиша улардан бирига яқинлашиб, атрофини тозаладим. Сўнг қўлим билан пайпаслаб, қопнинг пишиқ теридан тикилганига амин бўлдим. Қопни титкилаб, бирор жойда чокини ёки тикиш ўрнини топа олмадим. (Доно боболаримиз ҳаво ўтказмасин учун шундай қилишган.) Аммо қопларда қўлёзмалар борлигига менда шубҳа қолмаганди. Сумкамдан пичоқ олиб, қопни тешишга тўғри келди. Во дариғ! Қўлёзмалар шунча йиллар давомида ҳеч бир талофатсиз, ўз ҳолича яп-янгидай сақланибди. Ҳазрат Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи каби буюк алломаларнинг табаррук дастлари теккан нодир китобларни қўлимга олиб, бағримга босиб, бир муддат хуморимдан чиқдим. Кўзимдан қувонч ёшлари селдай оқарди...

Носир бир муддат жимиб, чуқур ўйга толди. Сан-жарбек пиёлага чой қуйиб унга узатди. Гумондор алақачон совиб қолган чойни ҳўплар экан, жиддий тортиб, Фахриддин Каримовичга юзланди:

– Бошлиқ жаноблари! Шу пайтгача йўқолиб кетганлиги тахмин қилиб келинган Темурийлар кутубхонасини топиш бахти менга насиб этди. Бу шарафга ўз билим ва иқтидорим, меҳнатим билан эришдим. Келажак авлодлар кутубхонанинг топилишини менинг номим билан боғлаши табиий... ҳар ҳолда меҳнатим зое кетмади!

– Эзгулик йўлида қилинган ҳеч бир савобли иш авлодлар ёдидан чиқмайди! – Санжарбек гап қўшди.

– Бу билан «сизнинг ниятингиз эзгу бўлмаган» демоқчимисиз? – Носирнинг қоши чимирилди.

– Иқтидорингизга қойил қолмай илож йўқ! Кутубхонани топишингиз илм-фан оламидаги энг буюк воқелик бўлиши табиий. Аммо...

– Менинг ниятим кутубхонани топиш, бебаҳо қўлёзмаларни халққа қайтариш эди. Мени олтинлар ҳам қизиқтирмаган. Ҳатто ўша хум тўла олтин зарлардан бир дона ҳам олмаганман...

– Унда нега ихтироингиз ҳақида жамоатчиликни, тегишли давлат органларини хабардор қилмадингиз! Шунда шуҳрат-шонингиз ошиши билан топилган мулкларнинг 25 фоизига ҳам қонуний эга бўлардингиз-ку!

– Биламан, мен ҳам шундай бўлишини хоҳлагандим. Бироқ воқеалар ривожи ҳамма вақт ҳам сен истагандек бўлавермас экан...

Санжарбек нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаганди, Фахриддин кўрсаткич бармоғини лабига теккизиб, билинар-билинемас «ти-иш-ш!» деб уни тўхтатди.

– Хом сут эмган бандалар эканмиз-да! – Носир хомуш гап бошлади. – Ўшанда топилгани оммага эълон қилсам бўларкан. Бу ишни пайсалга солганим энг катта хатойим бўлди. Ўзимча, қўлёзмаларни санокдан ўтказиб, улардан диққатга сазоворларини тадқиқ қилмоқчи, илмий ишларимни жадаллаштирмоқчи эдим. Гўёки уларни давлатга топширсам, қайта кўрмайдигандай, кимлардир уларни талон-торож қилиб юборадигандай, қўлёзмалар илмни тушунмайдиган кимсалар қўлига тушиб қоладигандай, меҳнатларим бесамар кетадигандай, илмий тадқиқотларимни давом эттира олмайдигандай туюлаверди. Шуларни ўйлаб, бу

ишда қатъиятсизлик қилдим. Ниҳоят, бир тўхтамга келиб, кутубхонани давлатга топширмоқчи бўлиб юрган кезларимда... қолган ишга қор ёғди... Ўша куни ғорга кириб, унинг сиридан воқиф ягона мен эмаслигимни сезиб қолдим. Хумлардаги олтинлар чўғи бир оз камайгандай эди. Дастлаб «балки кўзимга шунақа кўринаётгандир», деган хаёлга бориб, ўзимни овутидим. Кейинги борганимда, мен илк бор ғорга кирган куни қўлим теккан катта хумдаги олтинлар йўқолиб қолган эди. Қўрқиб кетдим. Қўлёмалар сақланадиган хонага шошилдим. Олдинги қатордаги 3-4 та қоп йўқ эди... Шу кетишда қисқа вақт ичида олтину жавоҳирлар майли, бебаҳо қадимий қўлёмалар олиб чиқиб кетилиши, энг даҳшатлиси, улар очкўз ва разил кимсалар томонидан хорижий давлатларга ташиб кетилиши турган гап эди. Шунда ўзларининг жонларини хавфу хатарга қўйиб, шу нодир китобларни олти аср бус-бутун сақлашга эришган ва бизгача етказиб келган буюк боболаримизнинг қарғишига қолмайманми? Уларнинг табаррук руҳларини чирқиратган бўлмайманми? Шуларни ўйлаб, бошқа ишларимни йиғиштириб, энди ўша кимсани топишга киришдим. Панароқ жойда чодир қуриб, ғорнинг оғзини пойлай бошладим... Олти кун ўтиб, тонг пайти ғор атрофида елкасига хуржунини ташлаб олган элик ёшлардаги баланд бўйли, бақувват, чўпонларга хос кийинган киши пайдо бўлди. У олазарак бўлиб, теваракни кузатди-да, чаққонлик билан ғор оғзини очиб, ичкарига тушиб кетди. Секин ғор ёнига бордим ва тошни суриб, ғор қапқоғини ёпиб қўйдим. Бир хаёл кетиб қолмоқчи ҳам бўлдим. Шунча олтинларни олиб, кўзи тўймасдан энди қадимий дурдона асарларни ҳам тап тортмай ташишга тушган бу ғаламисни бошига топган олтинларини кўтара олмай бир

умр гор ичида қолиб кетган эртақ қахрамонининг кунини солсам бўларди. Лекин савобли ишга қотиликни аралаштириб, жиноятчига айланиб қолишимдан чўчиб, фикримдан қайтдим. Балки ўша нусха билан келишиш мумкиндир. Унга бойлик керак, менга эса қўлёмалар!

Чўпоннинг (тахминим тўғри чиққанини кейинчалик билдим) тирикликнинг қадри ҳақида мушоҳада юритиб олишига етарли фурсат бериб, асрга яқин гор оғзини очдим. Ичкаридан беш-олти соатда яшашдан умидини узиб, бир аҳволга тушиб қолган, бироқ хуржунининг бир кўзини тиллага, иккинчисини китобларга тўлдиришни ёдидан чиқармаган киши бошда дўпписи қийшайиб чиқиб келди. Бу тасодифий учрашув мени қанчалик ҳайратга солган бўлса, уни ҳам лол этгани аниқ эди. Ўша тобда ҳар иккимизнинг қалбимиздан «сир – бир киши билсагина сир, икки киши билган сир – сир эмас!» деган фикр ўтган бўлса, ажабмас. «Балки у мени қандай йўқ қилишни ўйлаётгандир», деган бемаъни хаёлга ҳам бордим. Ахир олтинга ружу қўйган шахсдан ҳар нарсани кутиш мумкин. Эҳтиёт шарт жавоб зарбасига шай бўлиб турдим... Танишдик. Мен унга шарқ халқлари қўлёмалари бўйича олим эканлигимни, илмий изланишлар туфайли шу ерларга келиб қолганимни қисқача айтиб бердим. Бир оз мулоқотдан сўнг Норбўта чўпон менга сал қўпол бўлса-да, содда ва дилакаш одамдай туюлди. Одатда хазина топган ҳаволаниб, ўзидан кетиб қолиши лозим эди. Аммо бу чўпон ўзини йўқотмаган, оғир ва босиқ. Муроса-ю мадора деганларидай узоқни ўйлаб, уни гапга солдим. Шунча ақлли одамлар эриша олмаган шарафга, шу оддийгина чўпоннинг қандай сазовор бўлгани менга тинчлик бермасди. Ташвишим-

ни тушунди шекилли, ниҳоят, у бўлган воқеани айтиб берди.

Кичик аёлининг она томондан бобоси бир пайтлар ҳукуматдан қўрқиб, бир талай тилла яширган экан. Бобо ўлими олдидан бу кўммани қизига очиқ айтмаса-да, ишора қилиб кетибди. Лекин шу пайтда аёл киши бу нарсага унчалик эътибор қилмаган. Қўл учида кун кўрсалар-да, тиллани олиш хаёлига келмаган. Норбўта Садоқатга уйлангач, бир куни гапдан гап чиқиб, бобосининг тиллалари ҳақидаги ҳангомасини айтиб қолган. Чўпонга негадир бу гапларда жон бордай туюлаверган. Кунлардан бир куни тиниб-тинчимас бу одам таваккал қилиб, бобо ишора қилган жойни кавлашга тушибди. Хотини иккаласи тун бўйи ҳовлининг тахмин қилинган жойларини кавлаб чиқишибди. Кейинги кун темир изловчи аппарати билан мутахассисларни ҳам бу ишга жалб қилибди. Хуллас, бобонинг гаплари рост чиқибди. Эр-хотин анча-мунча тилла тангалар, тилла буюмлар топиб олишибди. Яна анчагина қадимий китоблар ҳам чиқибди. Тиллаларни анча-мунчасини сотиб, кам-кўстига ишлатишган. Бир кўзача қадимий тилла тақинчоқларни ургутлик тамакифуруш таниши еб кетган. Олтинлар тугаб бўлгач, навбат қўлёмаларга келган. Шунда улардан бирининг ичидан қандайдир чизма – харита чиқиб қолган. Кўнгли бирор нарсани сезган шекилли, чизмани мактабда география ўқитувчиси бўлиб ишлайдиган синфдошига кўрсатибди. Буни қарангки, харита Темурийлар кутубхонаси яширилган жойнинг чизмаси экан. Менимча, Али Қушчи сирли ғорнинг қурилишида қатнашишга жалб этилган шахслардан бири ҳар эҳтимолга қарши унинг чизмасини фарзандларига қолдирган. Ўтган йиллар давомида кимдир чизмадан фойдаланиб, ғорни топиш ва ундаги олтину жавоҳир-

лар, қўлёмаларга эгалик қилиш бахтига муяссар бўлган. Харита мерос сифатида авлоддан-авлодга ўтиб, ниҳоят, Садоқатнинг бобоси қўлига тушган. Шўролар ҳукуматининг қатағон даврларида биласиз, олтинлар ҳам, қўлёмалар ҳам эгасининг бошига оғир мусибатлар келтириши тайин эди. Шундан чўчиган бобо олтинларни кўмиб ташлашга қарор қилган. Бу бойлик нафақат ўзига, балки фарзандларига ҳам яхшилик келтирмаслигини сезган. Фақат бу фоний дунёни тарк этар чоғида қизига хазина ҳақида ишора қилишга журъат қилган... Норбўта бўлмаганда, балки ўша кўмма абадий ер қаърида қолиб кетган бўлармиди!

Мендан сўнг сал вақт ўтар-ўтмас чўпон ҳам синфдошининг кўмагига таяниб, горни топишга эришган... Қисқа давр ичида гордаги олтинларнинг бир қисмини ташиб кетишга ҳам улгурган. Уларни нимага ишлатганидан хабарим йўқ. Шунча бойликка қаноат қилмай кейинчалик қўлёмаларни пуллашга ўтган... Менимча, у қадимий қўлёмаларни тушунадиган бирор кимса билан танишиб олган. Китобларга яхшигина ҳақ тўлаб, Норбўтанинг бошини айлантириб қўйган...

Хуллас, ўша куни биз Норбўта билан келишиб олдик. Форга фақат зарурат бўлганда, иккаламиз бирга келишга, нимани олишимизни биргаликда ҳал этишга, бошқа бирор тирик жонга бу сирни ошкор қилмасликка онт ичдик. Аммо чўпон аҳдида турмади. Мен Тошкентда пайтим форга бир неча марта келиб, олтинларни олгани етмагандай нодир қўлёмалардан бир қанчасини гумдон қилибди. Бу дурдоналарни кимга сотгани, қаерга қўйганини билмайман. Шундан кейин ҳам уни бир неча бор огоҳлантирдим, инсофга чақирдим. Бир муддат у ўзини тийгандай бўлди. Хурсанд бўлдим. Кейинчалик айтишича, кимлардир унинг

тогда тентираб юришидан, «хитлаб» қолган экан. Қандайдир суратларними ёки кассеталарними рўқач қилишиб, тамагирлик йўли билан анча-бунча пулини ҳам олишибди. Улардан амаллаб қутулиб олгандан сўнг Норбўта яна аввалги қилиғини бошлади. У хазинадан ўз билганича, пала-партиш ва очкўзларча фойдаланишда давом этди. Сўнгги бор учрашганимизда у, «бойликнинг ярми меники, ярми сеники! Ўз улушимни олаяпман. Хоҳласанг, сен ҳам ўз улушингни ташиб кетавер!» дея ниятини очиқ ошкор қилди.

Форга қўриқчи ҳам қўйиб бўлмасди. Оғзини беркитиб ташлашнинг ҳам имкони йўқ эди... Шу туришда бир-икки йилда хазинанинг кули кўкка созурилиши аниқ эди. Шуларни ўйлаб, тинчим бузилди, буткул ҳаловатимни йўқотдим... Узоқ мушоҳадалардан сўнг йўл топгандай бўлдим. Бу анча оғир, қалтис ва нозик бўлса-да, ягона тўғри йўл эканлигига менда шубҳа қолмаганди. Ота-боболаримизнинг бебаҳо меросини сақлаб қолиш, уни талон-торож бўлишига йўл қўймаслик ва бу меросни асл эгасига – халққа қайтариш учун бир ғаламисни нариги дунёга равона қилиш савоб ишдай туюлди менга ўша чоғда...

Бироқ мен – шахсан ўзим бу ишни амалга ошира олмасдим. Ишончли одам топиш керак эди. Хуллас, Шаҳрисабзда от сотиб олиш баҳонасида Мадамин чавандоз билан танишдим. У муқаддам милицияда ишлаган, қамалиб чиққан, қаҳри қаттиқ ва айни пайтда уддабурон одам экан. Каттагина пул эвазига уни бу ишга кўндирдим. Чавандоз икки-уч ой тайёргарлик кўрди. Чўпоннинг телефон сўзлашувларини эшитиб борди. Мақсад, қотиллик учун қулай фурсатни топиш ва бу ишни бошқа бировнинг бўйнига ағдариш эди...

Ўша куни Норбўтанинг кичик хотинига телефон қилиб, унинг рашкини қўзғатиб, эрининг ёнига йўллаган ҳам, усталик билан хотиннинг курткаси тугмасини узиб олиб, уни чўпоннинг чайласидаги стол остига ташлаб қўйган ҳам шу Мадамин эди.

Бу ҳам етмагандай шу куни чўпонникига Самарқанддан қандайдир меҳмонлар келаётганини билиб, улардан сал олдинроқ ишни битириб, қотиллик устидан чиқиб қолган меҳмонларни бу жиноятда гумондор қилиш ҳам шу Мадаминнинг ғояси эди.

Унинг фикрича, терговчилар суриштириб-нетиб ўтирмасдан чўпоннинг ўлимида ё унинг иккинчи хотинини, ёки ўша самарқандлик меҳмонларни айблаб, қамаб юбориши лозим эди... Аммо сизлар ёлғон издан кетмадингизлар...

Носир, «бор гап шу, қолганлари сизларга маълум», дегандай елка қисди. Терговчилар узоқ пайт зимистондан ёруғликка чиққан одамдай енгил тин олдилар. Шу пайт тезкор ходимлардан бири бир варақ қоғоз кўтариб, Фахриддинга узатди. Қоғозга кўз югуртириб, унинг чеҳраси ёришди:

– Мадамин дубайлик ҳамкасбларимиз томонидан қўлга олинбди!

– Хайрият-эй! – Санжарбек ўрнидан туриб кетди. Энгашиб, бошлиқнинг қулоғига шивирлади. – Бу йил «хотин ака»нинг туғилган кунига етиб борадиган бўлдик, ура!

– Унчалик суюнманг, йигит! – деди Фахриддин жилмайиб. – Тоҳир Ғофурович, «ишни тезроқ яқунланглар, Зомин туманида содир этилган қотиллик бўйича ёрдам бермасанглар, бўлмайди», деяётгандилар-а!

– Йўғ-э! Дарров-а! Ишқилиб, хотин отасиникига кетиб қолмаса бўлгани...

– Кетмайди! Аксинча, улар сиз билан фахрланишади...

Орадан бир неча кун ўтиб, матбуотда мамлакат Президентининг «Темурийлар кутубхонасини топган бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш ва кутубхона илмий меросини тадқиқ қилиш бўйича давлат комиссияси таркибини тасдиқлаш тўғрисида»-ги фармони эълон қилинди.

**2013 - 2015 йиллар**  
**Жиззах - Тошкент**

*ТАМОМ*

*Адабий-бадший нашр*

КОМИЛ СИНДАРОВ

**ТЕМУРИЙЛАР  
КУТУБХОНАСИНИНГ СИРИ**

*ҚИССА*

Муҳаррир  
Маъмура ҚУТЛИЕВА

Бадий муҳаррир  
Уйғун СОЛИҲОВ

Компьютерда саҳифаловчи  
Суннат МУСАМЕДОВ

Техник муҳаррир  
Сурайё АҲМЕДОВА

Лицензия рақами: АИ № 252, 2014 йил 02.10 да берилган.

Босишга 2018 йил 26 ноябрда рухсат этилди.

Бичими 84x108 <sup>1/32</sup>.

Босма табағи 10,0. Шартли босма табағи 16,8.

Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қоғоз.

Адади 10000 (II завод 3000) нусха. Буюртма № 169/40.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» МЧЖда чоп этилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

***Мурожаат учун телефонлар:***

Нашр бўлими – (78) 147-00-14; (78) 129-09-72.

Маркетинг бўлими – (98) 128-78-43; (93) 397-10-87;

факс – (71) 273-00-14;

e-mail: yangiasravlodi@mail.ru









## КОМИЛ СИНДАРОВ

...Гўри Амир мақбараси ёнида тумонат одам тўп-ланган. Ўша ёққа юрди. Ичкаридан шоҳона либос-да юз-кўзларидан нур ёғиб турган бир киши чиқди. Чеҳраси танишга ўхшайди. Ким бўлди экан бу муборак зот? Ҳамма таъзим бажо қилишди. У ҳам хиёл энгашиб, қўлини кўксига қўйганча салом берди. Ҳалиги киши бир сўз демасдан атрофдагиларни кузата бошлади. Нигоҳларининг ўткирлигини қаранг! У ҳам ўғринча муборак зотга разм солди... Ҳақиқатда жуда таниш... Мирзо Улуғбекка ўхшайдими? Ҳа, ҳа ростдан ҳам Улуғбек Султоннинг ўзлари! Юраги энтикиб, негадир кўзларида ёш қалқиди. Ахир шундай буюк олимни, 40 йил Мовароуннаҳр тахтини адолат ва маърифат ила бошқарган шоҳни ёнгинасидан кўриб туриш бахтига муяссар бўлиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди-ку! Аммо... у 1449 йилда ўғли Абдулатиф томонидан ўлдирилмаганмиди?



ЯНГИ АСР АВЛОДИ



[www.book.uz](http://www.book.uz)

Онлайн китоб дўкони

ISBN 978-9943-27-651-2



9 789943 276512